

*Ф. ЖҰРАЕВ*

Қишлоқ хўжалик  
корхоналарида ишлаб  
чиқаришни ташкил этиш

ДАРСЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги**

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва  
сув хўжалиги вазирлиги  
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти**

**Ф. ЖЎРАЕВ**

**«Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб  
чиқаришни ташкил этиш»  
ДАРСЛИК**

**ТОШКЕНТ «Истиклол» – 2004**

Мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ислохотларни марказида “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг ҳаётбахш тадбири-чоралари тади.

Ушбу “Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш” дарслиги ислохотлар жаранини ҳисобга олган ҳолда тайёрланди. Унда қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш муносабатларини бозор тизими асосида шакллантиришнинг долзарб масалалари, турли хил мулк шаклидаги корхоналарни ташкилий хўжалик асослари, хусусан фермер хўжаликларини янги концепция асосида шакллантириш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишда, ижара муносабатлари ва оила (жамоа) пудратининг ўрни, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тизими, хўжалик юритиш механизмларини такомиллаштириш, хўжалик юритиш тизими ва ички хўжалик ҳисобини жорий этиш, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини ташкилий-иқтисодий асослари, бизнес режалаштиришни такомиллаштириш ва шунга ўхшаш ўта долзарб муаммоларни ўрганишнинг назарий ва амалий асослари акс эттирилган.

Дарслик Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги иқтисодиёт, менежмент, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, агроном, зоомухандис ва ҳайвонот дунёси ҳақимларини тайёрловчи олийгоҳлар талабалари фойдаланиши учун тавсия этилади. Шунингдек у, магистрлар, аспирантлар, қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари ва мутахассислар учун мўлжалланган.

Мазкур ўқув адабиёти Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг 2003 йил 29 мартдаги 34-сонли мажлис баъни билан дарслик сифатида тавсия этилган.

### **Такризчилар:**

- Х. Мусаев – Самарқанд Кооператив институти профессори, иқтисод фанлари доктори.
- Н. Тошбоев – Тошкент ИҚХМШИ Макроиқтисодиёт кафедрасининг мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент.
- Б. Бозоров – Самарқанд Давлат Университетининг доценти, иқтисод фанлари номзоди.

## Кириш

Ўзбекистон иқтисодитини барқарор ривожлантиришнинг энг асосий шартларидан бири қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тараққити устиворлигини таъминлаб, қишлоқда мулкдорлар синфини яратиш ва ички хўжалик юритиш механизмларини бозор иқтисодити талаблари асосида қайта қуришдир.

Республикамиз Президенти И. Каримов Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқида «Бугун жамиятимиз шуни англаб олдики, ҳа, тимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодитимизни самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истиқболимизни режалаш – ҳуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади. Ҳаммамизни боқадиган, озуқа берадиган соҳа – қишлоқ хўжалиги тармоқларидир» деган эди. Шунинг учун ҳам республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислох қилишга энг долзарб масалалардан бири сифатида қаралмоқда. Бу ўта долзарб вазифаларни бажариш учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига фан-техника ютуқларини, илгор ва тежамкор технологияларни, ўрта ва кичик тадбиркорликни жорий этиш ва энг асосийси ишбилармон, ўқимишли иқтисодчи – ташкилотчи мутахассисларни тайрлаш талаб этилади. Ўз навбатида қишлоқ хўжалигида ишловчи иқтисодчи: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тараққитининг барча иқтисодий ва биологик қонуниятларини, ўрта, кичик бизнес ва тадбиркорлик асосларини; бозор иқтисодити қонунларини; ширкат, фермер ва дехқон хўжаликларининг ташкилий – иқтисодий асосларини; хўжалик юритиш тизими ва ички хўжалик ҳисоби механизмларини; корхоналарнинг мавжуд ресурс потенциалларидан самарали фойдаланиш ва уларни қайта кенгайтирилган ҳолда тиклаш дастакларини; меҳнатни ташкил этишнинг илгор усуллари ва унга ҳақ тўлашнинг бозор иқтисодига мос келадиган даражасини таъминлаш йўллари; ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш жараҳларини, шунингдек ўсимликчиликда: дон, пахта, картошка, очик ва ,пик сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик агротехникаси, ишлаб чиқариш жараҳларини ташкил этиш, меъ,рлаш, режалаштириш, технологик хариталарни тузиш, чорвачиликда: қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, чўчқачилик, пилла этиштириш ва асаларичилик тармоқларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жадаллаштириш, уларга илгор-тежамкор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараҳларини ташкил этиш, меъ,рлаш, истиқболни белгилаш, маҳсулотлар таннархи ва ишлаб чиқариш рентабеллиги тўғрисида жуда чуқур билимга эга бўлишлари лозим.

Шунингдек, иқтисодчи-ташкилотчи мутахассислар бозор иқтисодитининг энг долзарб масалалари: бозор инфратузилмасини шакллантириш, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатишда сервис ва лизингни ўрни, тайрлов ва таъминот ташкилотлари билан шартномалар асосида иш олиб бориш, солиқ, сугурта ва

бошқа ташкилий механизмлардан фойдалана билиш малакасига, кўникмасига эга бўлишлари шарт.

Таъкидлаш лозимки, бозор иқтисоди,тига босқичма-босқич ўтиш даврида асосий эътибор бозор иқтисоди,ти тамойиллари, йўл-йўриқлари ва кўрсатмалари ҳамда механизмлари талаблари асосида, кўпроқ, арзон, юқори сифатли ва рақобатбардош товар махсулотлари ишлаб чиқариш, сотиш, уларни корхона ва тадбиркор учун самарадорлигини таъминлашга қаратилиши лозим. Шунинг учун асосий эътибор энг мухим иқтисодий дастаклар: харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, даромадлиликни мақсадга мувофиқ даражасини таъминлаш имкониятларини қидириб топиш ва улардан оқилона фойдаланиш мутахассислар учун жуда зарурдир. Бу вазифаларни илмий асосда ечимини топиш хар бир талаба, магистр, аспирант, илмий ходим ва махсулот ишлаб чиқарувчилар учун ўта долзарб ҳисобланади.

Дарслик бакалаврлар, магистрлар, аспирантлар, илмий ва дехқон-фермер хўжаликлар раҳбар ходимлар, мутахассислар ва коллеж талабалари учун мўлжалланган бўлиб, буни тай,рлашда Республикамиз аграр иқтисоди,ти соҳаси олимларининг фикр мулоҳазалари, илмий тавсиялари ва кўрсатмалари ҳамда маъруза матнларидан фойдаланилди. Бунинг учун муаллиф уларга ўз миннатдорчилигини билдиради. Мазкур дарслик камчиликлардан холи эмас деб ҳисоблаймиз. Дарсликнинг хато ва камчиликлари тўғрисида фикр ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиламиз.

Бизнинг манзил: Самарқанд шаҳри, М. Улугбек кўчаси-77.

# **I-БЎЛИМ. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг илмий асослари.**

## **1-Боб. Фаннинг мазмуни, мавзуси, услуби ва вазифалари.**

### **1.1. Фанининг мазмуни**

Бозор иқтисодиёти шароитида аграр саноат мажмуасининг энг салоҳиятли тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналарида бозор муносабатларини жорий этиш, ўзига хос хусусиятларга эга ва у иқтисодиётда алоҳида ўринни эгаллайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳамда деҳқон меҳнати билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар, аграр муносабатларнинг асосини ташкил этади ва бу муносабатлар бозор тизимида янгича маъно-мазмунга эга. Аграр муносабатларнинг марказида қишлоқ хўжалик корхоналари ва уларнинг ички бирламчи бўғинлари – оила (жамоа) пудрати шаклида иш юритувчи меҳнаткашлар гуруҳи фаолият кўрсатади.

Бозор тизимида, қишлоқ хўжалик корхоналари энг асосий ҳал қилувчи фаолият доираси бўлибгина қолмай, балки ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланиш воситаси ҳамдир.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришини ташкил этиш уч омининг ўзаро мақсадга мувофиқ мужассамлашишини улар ўртасида иқтисодий муносабатларни оқилона уюштирилишини тақозо этади.

Улар қўйидагилардан иборат:

- ❖ меҳнат - бу кишиларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнидаги мақсадга мувофиқ фаолияти бўлиб, улар ҳар қандай корхона фаолиятининг асосини ташкил этади;
- ❖ меҳнат ашлари – товар маҳсулоти ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) учун инсон фаолияти йўналтирилган воситалар (объектлар) тушунилади;
- ❖ меҳнат воситалари – машиналар, маҳсулдор моллар, ускуна ва қурилмалар, иш қуроллари ва бошқа технологик ишланма турлари, иш жойининг ташкилий таъминоти ва бошқалар.

Меҳнат ашлари ва меҳнат воситалари ўзаро биргаликда ишлаб чиқариш воситаларини ташкил этади, улар ишлаб чиқаришнинг моддий – техникавий асосидир.

Аммо бу моддий оминларга иш кучи (одам меҳнати) таъсир этмас экан, улар «жонсиз» нарсалар бўлиб қолаверади, ишлаб чиқариш содир бўлмайди яъни моддий неъмат яратилмайди.

Ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучи ўзаро боғлиқликда ишлаб чиқарувчи кучларни ташкил этади, улар ҳар қандай жамиятда тараққийнинг кучли омили ҳисобланади. Уларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш ҳамда улардан унумли фойдалана билиш бозор тизимида фаолият кўрсатилган ҳар қандай

корхонанинг равақи ва иқтисодий юксалиши учун асосий шарт-шароитлардан бири бўлиб, «ташқиллаштириш» фаннинг мохиятини-ахамиятини ташқил этади.

Кенг маънода ишлаб чиқаришни ташқил этиш деб, корхоналарни тузиш ва самарали юритиш қонуниятларини ўрганиб, уларда ишлаб чиқариш кучларини ривожланиш даражасига мос равишда ишлаб чиқариш муносабатларини ўрнатиб, энг кўп миқдорда арзон махсулот етиштириб бозорни тўлдириш ва максимал фойда олишда корхоналар ички имкониятларидан унумли фойдаланиш тадбирийд чораларини белгиловчи фанга айтилади.

Қишлоқ хўжалигида ер, иш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларининг бирикиши, улар ўртасидаги мутаносибликнинг тўғри белгиланиши хўжаликларда ишлаб чиқаришни ташқил этиш шаклини белгилайди.

Жамиятда моддий бойлик яратиш хар бир корхонанинг ишлаб чиқариш шароити ва йўналишига қараб, таркиб топган меҳнат ашлари, меҳнат воситалари ва иш кучининг мақсадга мувофиқ равишда мутаносиблик билан олиб борилиши натижасида амалга оширилади.

Хар бир қишлоқ хўжалик корхонасининг ташқил топиш шароити, унда шаклланган тузилиши, хусусияти ва иш жараҳларининг ташқил этилиши, унинг ишлаб чиқарувчи кучлари, ишлаб чиқариш муносабатлари характери билан аниқланади ва таркиб топади.

Қишлоқ хўжалиги жуда кўп хил махсулотлар – дон, пахта, гўшт, сут, жун, тери, тухум, зигир, лавлаги, асал, мой берувчи доривор ўсимликлар ва бошқаларни етиштириб беради, шунинг учун унинг, ўзига хос хусусиятларини билиш зарур.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятларини асосий белгилари шундаки, мазкур жараҳда моддий бойлик яратишнинг бошқа тармоқлардан фарқидадир. Бу ерда, киши меҳнати билан табиат кучлари (иқлим, тупроқ ва хоказо) ва чорва моллари ҳақида ҳамда экинларнинг ҳақтий функцияси (ўсиш энергияси, ривожланиш ва хоказо) орқали юқори даражада мўл махсулот етиштириш мумкин бўлади. Агарда саноат ишлаб чиқаришининг технологик жараҳлари ва меҳнат жараҳларида механик, химик, термик ва бошқа йўллар билан таъсир этиш орқали иш қўрилса, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ўсимлик ва чорва моллари ҳақидаги биологик жараҳларга таъсир этилиб, кишилар меҳнати билан кўзланган мақсадга эришилади.

Шунингдек, саноат ишлаб чиқариши ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун умумий бўлган машина, асбоб ускуналар, иморатлар каби меҳнат воситалар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида ер, энг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Бошқа ишлаб чиқариш воситалари вақт ўтиши билан ишлаб чиқариш жараҳида қатнашиши натижасида эскириб, ўзининг қийматини йўқотади ва алмаштирилиши мумкин, ер эса ўзгармас

восита бўлиб қолади, унга тўғри илмий тарзда ишлов бериш натижасида унумдорлиги ошиб, яна ҳам яхшиланиши мумкин.

Ана шундай фарқловчи белгилардан яна бири қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий восита сифатида тирик организмлар (чорва моллари, ўсимликлар) дан фойдаланишдир. Шунинг учун ҳам доимий амалга ошириладиган такрор ишлаб чиқариш жара,ни, дехқончилик ва чорвачиликда табиий равишда қайталаниб турадиган, ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғланиб кетадиган ўсиш ва ривожланишда намо,н бўлади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тўғри ривожлантириш учун биргина техника тараққи,тининг яхши билиш кифоя қилмайди, балки ишлаб чиқариш технологиясини, ўсимлик ва чорва молларининг ўсиши ва ривожланишининг биологик қонуниятларини, чорвачилик ва дехқончилик тизимлари ҳамда меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бошқариш каби масалаларни ҳам тўла билиш зарур.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг давомийлиги, экинлар ва чорва молларининг ўсиши ва ривожланиши асосан табиий шароитларга боғлиқлиги билан белгиланиши маълум. Лекин кишилар уларга агротехник ва зоотехник тадбирлар билан таъсир кўрсатадилар, яъни юқори маҳсулдорликка эга бўлган чорва молларини етиштиришни, экинларни танлаш, селекция йўли билан кўпайтириш, уларга қўлай шароитлар яратиш воситасида экинлар ва чорва молларининг табиий ўсиш ва ривожланиш қонун-қоидаларига таъсир этадилар. Натижада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг давомийлик жара,нини тезлаштиришга эришилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш даври ,ки вақти - бу бошлангич хом аш,нинг пировард маҳсулотга айланишигача кетган муддатидир. Маҳсулот ишлаб чиқариш даврининг асосий қисми иш даври бўлиб, бу бошлангич хом-аш,нинг меҳнат жара,ни таъсирида бўлган вақтидир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида маҳсулот етиштириш учун сарф қилинган ишлаб чиқариш даври, иш давридан анчагина фарқ қилади. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча ўсиш ва ривожланиш даврининг давом этиши турлича эканлиги, иш жара,нларининг давом этиши бир-бирига тўғри келмаслиги қишлоқ хўжалигини ташкил этишда ўзига хосликни назарда тутди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида маҳсулот ишлаб чиқариши даври иш даврига тўғри келмаслиги, айникса, дехқончиликда ва айрим ҳолларда чорвачиликда ҳам иш кучидан, техникадан, ердан фойдаланишда, ой ва йилнинг айрим даврларида мавсумийликни юзага чиқаради.

Демак, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кишилар ха,тидагина эмас, балки халқ хўжалигининг ҳозирги ривожланиш ҳолатига ҳам таъсир этувчи жуда катта ва кўп қиррали шароитлар ҳамда омилларга эга бўлган мураккаб тармоқ ҳамдир.

Фаннинг ўрганиш объекти қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат), фермер, дехқон, хўжаликлари, хиссадорлар жамиятлари ва уларнинг ички бўлинмаларидир.

## 1.2. Фаннинг мавзуси-предмети ва бошқа фанлар ўртасидаги ўрни

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш – бу хўжаликда ишлаб чиқаришнинг барча ички имкониятлари ва қувватидан мақсадга мувофиқ фойдаланишга қаратилган тадбирлар тизимидир. Бу тизим қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- ❖ ишлаб чиқаришни моддий-техникавий жихатдан таъминлаш;
- ❖ меҳнатни ташкил этиш, меъ,рлаш, ҳақ тўлаш ва унга таъсир этувчи омилларга шароит яратиш;
- ❖ ишлаб чиқаришни режалаштириш, истиқболни лойихалаштириш, унинг ҳисоб-китоб ишларини ва уларни мониторингини амалга ошириш;
- ❖ иш жойларига сервис хизматини ташкил этиш;
- ❖ ишлаб чиқарилган маҳсулот ва бажарилган иш (хизмат) ларни миқдор ҳамда сифат жихатдан ҳисобга олиш;
- ❖ ишлаб чиқаришни бошқаришни ташкил этиш.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш фанининг мавзуси-предмети қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мақсадга мувофиқ мулк шаклини танлаш тамойиллари ва уларни жорий этишни ;
- қишлоқ хўжалик корхоналари ва уларнинг бўлимларини ихтисослаштириш ва ҳажмларини мақсадга мувофиқ томонларини белгиловчи тамойиллар ва шароитларни ишлаб чиқишни;
- экин турлари ҳамда тармоқларнинг ва чорва моллари тури ва гуруҳларини мақсадга мувофиқ нисбатларини белгилашни;
- ҳар хил даражада ихтисослаштиришда қишлоқ хўжалик ерлари, моддий техника воситалари ва меҳнат ресурслари ўртасида мақсадга мувофиқ мутаносиблик ва боғланишни илмий жихатдан асослаб беришни;
- бино ва иншоотлар, қишлоқ хўжалик машиналари, автотранспорт, маҳсулдор моллар ва ишчи ҳайвонлар, асбоб-ускуналар ва бошқа асосий воситалардан самарали фойдаланиш йўлларини аниқлашни;
- кооперация ва меҳнат тақсимооти шакллари, уларнинг ташкил этиш тамойиллари, меъ,рлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш қоидалари ва усулларини асослашни;
- дехқончилик ва чорвачиликни, уларнинг ,рдамчи хизматларини, ишлаб чиқаришга таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этишни;
- қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўз ери, жамоаси ва бошқа ташкилот ҳамда муассасалар билан шартномали муносабатларини яратишни,

умумхўжалик ва ички хўжалик хисобини юритиш тамойилларини жорий этишни;

- ялпи махсулот тақсимоти, товар махсулоти хариди, жамғариш ва истеъмол фондларининг таркиб топиши ва ундан фойдаланиш йўлларини кўрсатишни;
- ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини белгилаш учун хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қилиш йўллари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқишни.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш фанининг асоси - меҳнат бўлиб, у ишлаб чиқариш воситалари билан биргаликда ўрганилади.

Юқорида санаб ўтилган барча масалаларни ташкил этишдан мақсад, ҳар бир гектар ер майдонидан ва ҳар бир шартли бош молдан минимал ҳаражат, ҳар гектарада максимал фойда олишдир.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш фани дастлабки давлат хўжаликлари ва жамоа-кооперативи хўжаликлари ташкил этилган даврдан бошлаб вужудга келган ҳамда назариядан амалиётга йўл очувчи асосий иқтисодий фанлардан бири бўлиб қолади.

Бу фан тадқиқот ишларини олиб боришда объектив иқтисодий қонунларга таянган ҳолда иш кўради. Бу қонунлар иқтисод назария фанида ўрганилади ва улар халқ хўжалигининг барча бўғимларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳам амал қилади.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш фани иқтисодий фанлар туркумига кириб, ишлаб чиқариш жараянларини ўрганишда назарий жиҳатдан иқтисодий назария ва қишлоқ хўжалик иқтисодиёти фанларига таянади.

Шулар билан бир қаторда қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришини ташкил этиш фани техникавий ва технологик, умумий деҳқончилик-ўсимликшунослик, зоотехника-чорвачилик, ветеринария ва бошқа фанларга таянган ҳолда иш кўради.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, хўжаликда ишлаб чиқаришни ташкил этувчи ташкилотчи биргина иқтисодий фанларни ўзлаштирибгина қолмай, махсулот етиштириш техникаси ва технологиясини чорвачилик ва деҳқончилик тизимларини барча унсурлари билан боғлиқ бўлган ҳамма фанларни ҳам ўзлаштирган бўлиши ва билиши зарур.

### **1.3. Фаннинг изланиш услублари**

Фаннинг методи - бу ўрганилатган (тадқиқ қилинган) воқеа ва ҳодисаларни билиш йўллари дир. Ҳар бир фанни ўрганишда назарий билимлар воқеликни амалга ошириш учун амалиётга йўл очиб, уни тартиб туради ва шу билан ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Амалиётда назарий жиҳатдан тадқиқ этилган

фикрлар йўналишлари, белгиланган нуқтаи назарларнинг тўғрилиги, ки асосиз эканлигини тасдиқлаб беради.

Диалектик метод хозирги ҳа,тдаги барча воқелик ва омилларни тўғри тахлил қилиб, умумлаштиради ва шу асосда бундан кейинги ривожланиш учун шароит яратади. Тўғри хулоса чиқариш учун илмий изланишнинг қуйидаги йўлларида фойдаланилади: статистик гурухлаш, монографик, ҳисоблаш - мантик, тахлил қилиш методи, тажриба қўйиш ва математик моделлаштириш.

Статистик гурухлаш усули - барча ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича жуда катта маълумотлар тўплашга, қишлоқ хўжалигида чорвачилик маҳсулотларининг ўсиши, экинлар ҳосилдорлиги, иш кучи, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш даражалари, меҳнат сарфлари ва унумдорлиги, маҳсулот таннархи ва даромадлар, механизациядан фойдаланиш даражалари каби маълумотларни тўплашга қаратилган усулдир. Амалда бу маълумотлар гурухланиб корхоналарнинг ихтисосланиши, хўжаликнинг мақсадга мувофиқ ҳажмини асосий иқтисодий кўрсаткичларга таъсир этувчи айрим омилларни аниқлашда ишлатилади.

Монографик усул – айрим илгор хўжаликлар ва уларнинг ички бўлинмалари ишлаб чиқариш-молия фаолиятини синчиклаб ўрганишда ҳамда айрим иш методларини чуқур тахлил қилишда фойдаланиладиган усулдир. Тадқиқот ишларининг бу усулини қўлланиши кўпгина ташкилий масалаларни тўғри ҳал қилиш имконини беради. Бу усулдан фойдаланишда тўпланган маълумотлар, ходисалар ва жара,нлар орасидаги боғланишларни аниқлашда, қонуниятларнинг маъносини очишда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг истиқболларини белгилашда ва барча янгиликлар ҳамда илгор иш усулларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига тадбиқ этишда асосий йўллارни белгилашга ,рдам беради.

Ҳисоб - конструктив усул қишлоқ хўжалик корхоналари, уларнинг тармоқлари ва бўлинмаларининг ривожланиш истиқболларини аниқлаш учун қулай шароит яратиб беради. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, у бирон-бир ташкилий-иқтисодий тадбирни амалга оширишда бир неча хил вариантларни: ем-хашак рациони, алмашлаб экиш, пода таркиби ва бошқа хилма-хил вариантларни тавсия эта олади. Бунинг натижасида юқори меҳнат унумдорлигига ,ки энг паст маҳсулот таннархига эришиш мумкин.

Тахлил қилиш услуби- бунда ўрганила,тган воқеа - ходисанинг ўзини ва унинг ҳар бир қисмини алоҳида чуқур ўрганиш мумкин. Улар орасидаги боғланишни ўрганиш мақсадида, уларнинг ҳар бир қисмини алоҳида тадқиқот қилиш мумкин.

Тахлил қилиш усули - тадқиқот қилиб ўрганишнинг энг кенг тарқалган тури ҳисобланади.

Тахлил қилиш усулининг асосини бир хил иқтисодий шароитга эга бўлган, бир нечта хўжалик ,ки бўлинмалар йиллик кўрсаткичларининг ўзгариш динамикасини бир-бирига таққослаб ўрганиш, режа топшириқларининг

кўрсаткичлари билан ҳақиқий эришилган натижаларни бир-бирига солиштиришдан иборатдир.

Тажриба усулидан- чорвачилик ва дехқончилик юритиш тизимларининг иқтисодий самарадорлигини, прогрессив иш меъ,рлари, вақт меъ,рлари ва бошқа меъ,рларни аниқлашда, меҳнатни ташкил этишдаги янги усулларни ўрганишдан фойдаланилади. Бунда эришилган натижалар миқдор ва сифат жиҳатдан тўла ҳисобга олинади. Тажириба усулида ўрганишдан кейин уни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шарти, илмий жиҳатдан асосланган янги бир тадбирни, меъ,рни яратишдир.

Математик моделлаштириш – усулидан энг мураккаб иқтисодий масалаларни ҳал этишда фойдаланилади. Айрим иқтисодий тармоқлар ишини амалга оширишда тез ишлайдиган электрон ҳисоблаш машиналарининг роли каттадир. Улар ишлаб чиқаришдаги бир нечта таъсир этувчи омилларнинг тутган урнини ҳисобга олган ҳолда қўйилган вазифани бажаришга имкон бериб, унинг мақсадга мувофиқ вариантини аниқлашга шароит яратади.

Иқтисодий математика усулидан - истиқболли муаммоларни ҳал этишда ва кундалик ҳа,тда зарур бўлган иқтисодий муаммоларни ечишда самарали фойданилмоқда. Буларга хўжаликдаги ишлаб чиқариш тармоқларининг мақсадга мувофиқ ҳолатини белгилаш, хўжалик ичидаги бўлинмалар ишлаб чиқариш шароитларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мақсадли ҳажмини, ишлаб чиқаришни режалаштириш, чорва моллари учун мақсадли рационларни, машина трактор паркиннинг самарали тузилишининг таркибини белгилаш, экин майдонининг таркибини, пода таркибини, транспорт воситаларидан фойдаланишни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш масалаларини истиқболлини белгилаш жара,нлари киради.

#### **1.4.Фаннинг вазифалари**

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш фанининг асосий вазифаси бозор иқтисоди,ти талаблари асосида ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалигининг ривожлантириш соҳасида ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишга фаол кўмаклашишдир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барқарор ўсишига эришиш, мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом аш,си билан тўлиқ таъминлаш ва самарали пировард натижаларга эришиш учун агросаноат мажмуаси барча тармоқларининг кучларини бир бутун ҳолда уюштириш фаннинг асосий вазифасидан бири ҳисобланади.

Умуман олганда давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда фан олдиға қуйидаги вазифалар қуйилади:

- қишлоқ хўжалик корхоналарининг ривожланиш жара,нлари ва уларни такомиллаштириш йўлларини ўрганиш асосида самарали мулк шаклини белгилаб бериш;

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий омиллари: ер, моддий – техника воситалари ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишнинг йўналишларини асослаш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарининг табиий-иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда, уларда ишлаб чиқаришни ташкил этишда хўжалик юритиш тизимини аниқлаш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарининг йўналишлари ва хажм кўрсаткичларини илмий жиҳатдан асослаб бериш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарини истиқболни режалаштиришни такомиллаштириш ва бизнес режани тузиш йўллари курсатиш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатни ташкил этишнинг илгор усулларини жорий этиш, меъ,рлаш, унга ҳақ тўлашни такомиллаштириш тадбирларини белгилаб бериш;
- дехқончилик ва чорвачилик тармоқларини барқарор ривожлантириш ва уларга хизмат килувчи ҳамда ,рдамчи саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарида ички хўжалик ҳисобини ташкил этишнинг шакллари ва услубларини такомиллаштириш бўйича илмий жиҳатдан асосланган тавсиялар бериш;
- қишлоқ хўжалик корхоналари билан пудратчилар ўртасидаги ички шартномаларни ва тай,рлов - таъминот (сервис хизмати кўрсатувчи) ташкилотлар ўртасидаги ташқи шартномаларни такомиллаштириш бўйича йўл-йўриқ курсатиш.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлайдиган ҳар бир мутахассис (иқтисодчи, агроном, зоотехник, ветеринария врачлари ва х.к.) иқтисодий билимларга эга бўлиши, режа тузиш усулини ўзлаштириб олиши, фермер учун бизнес режа ва топшириқлар тузишни, дехқончилик ва чорвачиликни юритиш тизимлари бўйича тадбирлар белгилашни, самарадорликни аниқлаш, пода харакати ва таркибини, экинларни алмашлаб экишни тўғри белгилашни, чорвачилик тармоғи, чорва молларини зоти, зоотехния ва ветеринария чораларининг ҳамда агротехник тадбирларни иқтисодий самарадорлигини аниқланишни, механизацияни қўллаш муддатларини, режа ва ҳисобот калькуляцияларини тузишни, хўжалик ҳисоби, рентабеллиги, дехқончилик ва чорвачилик тармоқлари ва умуман хўжаликнинг ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қилишни билиши керак. Ҳар бир мутахассис янгиликларни кўра билиши, ўрганиши ва ишлаб чиқаришга татбиқ эта олиш зарур.

### **Тест – рейтинг саволлари:**

- ❖ Ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги омиллар.
- ❖ Фаннинг таърифи ва тизимини тушунтириш.

- ❖ Фаннинг бошқа иқтисодий ва қишлоқ хўжалик фанлари ўртасидаги ўрни нимадан иборат.
- ❖ Фанни ўрганишда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат ва улар қандай ҳисобга олинади.
- ❖ Фаннинг предметини тушунтиринг.
- ❖ Фаннинг объектларини таърифланг.
- ❖ Фаннинг изланиш усулларини айтинг.
- ❖ Статистик гуруҳлаш усулининг мазмунини тушунтиринг.
- ❖ Монографик усул нимадан иборат.
- ❖ Ҳисоблаш-аналитик усулни тушунтиринг.
- ❖ Математик-моделлаштириш қандай усул.
- ❖ Фаннинг мақсади нимадан иборат.
- ❖ Фаннинг асосий вазифаларини айтинг.
- ❖ Ишлаб чиқаришни ташкил этишда қанақа тадбирий чораларга эътибор қаратилиши керак.
- ❖ Фаннинг мазмуни нимадан иборат.

## **2-боб Турли хил мулкчилик шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарининг ташкилий-иқтисодий асослари.**

### **2.1. Қишлоқ хўжалик корхоналарида турли хил мулкчилик, уларни ташкил этиш тамойиллари ва шакллари.**

Қишлоқ хўжалиги корхоналари аграр саноат мажмуасининг бирламчи бўғини бўлиб, унинг иқтисодий асосини ташкил этади.

**Қишлоқ хўжалик корхонаси деб,** давлатга қарашли бўлган ерни узок муддатга ижарага олиб, ўз жамоаси меҳнати ва ишлаб чиқариш воситалари, рдамида, бизнес режа ва ички хўжалик ҳисоби тизимига таянган ҳолда, юридик ҳуқуққа эга бўлган товар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, хўжалик юритувчи субъектлар тушунилади.

Мамлакатимиз тараққи,ти иқтисодий асосининг катта қисмини аграр сектор иқтисоди,ти ташкил этади. Аграр сектор ҳудудида меҳнатга яроқли аҳолининг 60 фоизи яшайди ва уларнинг 40 фоизи аграр соҳада хизмат қилади. Энг муҳими шундаки, аграр соҳа корхоналарида мамлакат миллий бойлигининг тенг ярми шаклланади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни жадал амалга оширилиши кўп укладли аграр иқтисоди,тни шакллантириш ва шу асосда бозор

муносабатларини мустахкамлаш, сохада соғлом иқтисодий рақобат мухитини яратиш орқали мавжуд ер-сув, меҳнат ресурслари ва моддий –техника базасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишида олиб борилмоқда.

Ислохатларнинг бошлангич босқичидан бошлаб асосий эътибор ер майдонларини ердан фойдаланувчи турли мулк субъектлари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш йўли билан амалга оширилмоқда. Қишлоқда мулкдорлар синфини яратиш учун ерлар энг аввало шахсий ,рдамчи хўжаликлар эгаларига ажратиб берилади.

Хозирги вақтда бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, қишлоқда кўп бўгинли иқтисодитни вужудга келтириш учун зарур ташкилий – ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Ислохотлар жара,нида барча мавжуд бўлган қишлоқ хўжалик корхоналарининг мулк шакллари ўзгарди, қишлоқда хўжалик юритишнинг кооператив (ширкат) хўжаликлари, ижарачилар уюшмалари, очик ва ,пиқ турдаги акционерлик жамиятлари, фермер хўжаликлари, халқ корпорациялари, агрофирмалар, хусусий чорвачилик фермер хўжаликлари, шахсий ,рдамчи-деҳқон хўжаликлари каби ўндан ортиқ ташкилий шакллари қарор топди.

Таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалик корхоналари кўп жихатдан ҳам шаклан, ҳам мазмунан бозор муносабатлари талаблари доирасида ўз фаолиятларини такомиллаштириб бормоқдалар, уларда ислохатлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Президент И.А. Каримов «Биз бозор иқтисоди,тига катта сакрашлар, тубдан вайрон қилиш йўли билан эмас, балки бир босқичдан иккинчи босқичга кетма-кет ўтиш, яъни эволюцион тарзда илгарилаб боришни ўзимиз учун қатъиян танлаб олдик. Хар бир босқич амалга оширила,тган ислохатлар стратегиясининг бир халқасидир» деган эди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини тузишда кўзда тутилган асосий мақсад-корхоналар ички имкониятларидан максимал даражада самарали фойдаланиб, аҳоли ва бозорни арзон, юқори сифатли, рақобатга чидамли товар қишлоқ хўжалик махсулотлари билан доимий равишда таъминлаб, мақсадага мувофик равишда фойда олишдир.

Президентимиз И.А. Каримов қишлоқ хўжалиги олдидаги мақсадга тўхталиб: «Мақсад-қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, қишлоқда яша,тган халқимизни хат даражасини кўтариш, улар учун муносиб шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлмоғи керак» деган эди.

Юқорида қайд этилган мақсадларга эришиш учун қишлоқ хўжалик корхоналари куйидаги вазифаларни бажаришлари лозим:

- қишлоқда мулкчилик муносабатларини, энг аввало хусусий мулкчиликни ривожлантириш ва мустахкамлаш, қишлоқ хўжалигида аграр ва

иқтисодий муносабатларни ислох қилишнинг асосий йўналиши сифатида ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантирилиши;

- деқонларда ерга ва мулкга эгалик хиссини уйғотиш, деҳқонларни ўз меҳнати натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқига тўла эга бўлишни таъминлаш, қишлоқда мулккий пайларни жорий этиш асосида мулккий муносабатларни такомиллаштириш;
- хар хил турдаги товар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари қишлоқ хўжалик ширкати, фермер ва деҳқон хўжаликларни ташкил этиш. Қишлоқ хўжалик корхоналарини ҳуқуқини ва иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш;
- деҳқонларнинг ўз меҳнатидан ва бутун қишлоқ хўжалик корхонаси фаолиятининг пировард натижаларидан манфаатдорлигини ошириш. Бунга ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишнинг оилавий (жамоа) пудратига асосланган ички хўжалик юритиш тизимини жорий этиш йўли билан, етиштирилган маҳсулотларга ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш ва мулккий пайлар бўйича дивиденд тўлаш билан эришиш;
- тупроқ эрозиясига қарши кураш ва мелиоратив тадбирларни ўтказиш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг саноатга асосланган энг замонавий технологиясини жорий этиш ҳисобига деҳқончилик маданиятини ва тупроқ унумдорлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини самарали юритишнинг асосий мезони сифатида қишлоқ хўжалик экинларини хосилдорлигини, чорва моллар маҳсулдорлигини оширишни таъминловчи замонавий агрозоотехника қоидалари ва талабларига риоя этиш;
- мамлакатимизда пахтачилик, дон, картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги тизимини ривожлантириш, маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитига мос туманлаштирилган навларни тўғри танлаш ва жойлаштириш, чорвачиликда наслчиликни яхшилаш.

Қайд этилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда қишлоқ хўжалик корхоналари куйидаги тамойилларга амал қилинган ҳолда қайта тузилиши керак:

- ❖ ташкил этилиши ва хўжалик юритилишида бозор тизими учун мос ва хос бўлган маълум бир мулк шаклини танлашда эркинлик ҳамда хусусий мулкчиликни ривожлантириш;
- ❖ давлатга қаршли бўлган ердан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси талаблари бўйича қатъий белгиланган мақсадларда фойдаланиш, уларни хусусийлаштириш, олди-сотди, гаровга қўйиш, ҳада қилиш, айирбошлаш объекти бўлиши, шунингдек иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас;
- ❖ доимий шартнома асосида ишлайдиган эркин меҳнат жамоаларини шакллантириш ва меҳнат қилиш шаклини танлаш ва ташкил этишда

эркинлик;

- ❖ хар бир товар ишлаб чиқарувчининг меҳнат фаолиятини, ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси билан боғлиқлигини таъминлаш;
- ❖ жамоа ва шахснинг маҳсулот етиштириш билан боғлиқ бўлган фаолиятини бизнес режа асосида ташкил этиш;
- ❖ кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришни таъминлаш учун, даромадни харажатлар билан қислаб фойда олишга эришиш, корхонани ишлаб чиқариш молия фаолиятини тўла хужалик ҳисоби шартлари асосида ташкил этиш.

Бозор иқтисоди, тига ўтиш даврида хўжалик юритишнинг юқорида қайд қилиб ўтилган тамойиллари асосида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида қайта тузилган кооператив ва хусусий мулкчиликка асосланган қуйидаги тузилмалар фаолият кўрсатмоқда:

- қишлоқ хўжалик кооператив (ширкат) хўжаликлари;
- ижара уюшмалари;
- акциядорлар жамияти;
- фермерлар уюшмаси;
- шахсий мулк эгалари;
- хусусий чорвачилик фермалари;
- халқ корпорациялари;
- агрофирмалар;
- дехқон хўжаликлари;
- кўшма корхоналар.

Бу мустақил тузилмаларнинг асосий мақсади ўзларига ижарага берилган ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари, рдамида ички имкониятлардан самарали фойдаланиб кўпроқ, сифатли ва арзон товар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериб, мақсадга мувофиқ равишда фойда олишдир.

Ўзбекистон мустақилликга эришгандан кейин, аграр секторда бошланган ислохотлар маълум даражада қишлоқ хўжалиги ходимларининг тадбиркорлик фаолиятларини кучайтирди. «Ер кодекси», «Меҳнат кодекси», «Кооперация тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат) хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида» каби асосий қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилиниши, иқтисодийнинг аграр секториди ислохотларни ўтқизиш имконини берди. Ўтган давр ичида янги хўжалик юритиш шакллари яратилишининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари белгилаб берилди.

Айни пайтда ислохотлар тажрибаси, ўтиш даврининг ўзига хос мураккаблигини ва ҳал бўлмаган муаммоларини кўрсатди.

Бу мураккабликлар ва муаммолар аграр секторда эскича хўжалик юритиш ва бошқарув усулларининг мавжудлиги, уларни бозор иқтисоди, ти қонунлари асосида қайта қуриш муаммосини ҳал эта олмаслиги, хўжалик

юретишнинг янги ташкилий – иқтисодий усуллари эса хали етарлича ривожланмаганлиги билан характерланади;

- ❖ хозирча иқтисоднинг бу секториди шахсий - хўжалик юретишнинг жамоа усулига асосланган шакллари етакчилик қилмоқда. Қишлоқ меҳнаткашларининг, ерга эгаллик қилиш хиссининг пастлиги, уларни меҳнатнинг пировард натижаларидан манфаатдор бўлишларига тўсик бўлиб келмоқда;
- ❖ сарф-харажат механизмининг мавжудлиги, қишлоқ хўжалигида илгор техника ва технологиядан самарали фойдаланишга, ортиқча иш кучини озод қилишга имкон бермаяпти;
- ❖ товар-пул муносабатларининг етарлича ривожланмаганлиги, агробизнесда рақобат муҳитининг шаклланимаганлиги ва пул муносабатларидаги қийинчиликлар сабабли, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини ихтисослашган ишлаб чиқаришдан узоқлашиб, натурал хўжаликка интилишларига сабабчи бўлмоқда;
- ❖ жойларда хануз турли юқори ташкилотлар ва давлат органларининг қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятига аралашув ҳолатлари учраб турибди;
- ❖ қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришнинг асосий мақсади, кучли давлат химоясига таянган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ўз - ўзини бошқаришни таъминлаш тизимини яратишдан иборатдир.

Қўйилган мақсадга эришишининг асосий йўллари қуйидагилардан иборат:

- ерга, хусусий мулкчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ки уларни узоқ муддатли ижарага бериб, хўжалик юритувчи субъектларнинг ундан манфаатдорлигини кучайтириш;
- ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва қишлоқ меҳнаткашларининг ҳа,тий фаоллигини кичик ва ўрта бизнесга қизиқишини ошириш;
- корхоналарни, фермер ва дехқон хўжаликларини моддий техник ресурслар билан таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишда рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалигини давлат тамонидан қўллаб қувватлашнинг мақсадли тизимини шакллантириш ва хоказолар.

## **2.2. Кооператив (ширкат) хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий асослари**

Бозор иқтисоди, ти мулкчилик тизимида кооператив (ширкат) хўжалиги мулкчилигини мулккий пай асосида шаклланишини илгари сурди. Чунки қишлоқда мулкдорлар синфини яратиш, мулк эгаларининг янги авлодини

ўстириш, ўтиш даврининг устувор йўналишларидан бирига айланиб қолди. Бозор муносабатлари, сармояси бор кишиларни ўзига тортиш билан характерланади, барчани товар-пул муносабатларига жалб этиш билан ахамиятли хисобланади. Мулккий пайга асосланган кооператив (ширкат) хўжаликлари ҳам худди ана шу мақсадни рўйбга чиқаришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатлар мулк шаклини такомиллаштиришдан бошланди. Мулк ўз эгасини топгандагина ҳақиқий мулкка айланиб, иқтисодий-ижтимоий самара беради. Қишлоқ хўжалик корхоналари эса беқиёс катта мулкка эга бўлиб, жумҳуриятимиз ялпи ички маҳсулотининг деярли учдан бир қисмини, аҳоли учун зарур бўлган озиқ - овқат маҳсулотларининг 90 фоизини, валюта тушумининг 55 фоизини таъминламоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортиқроғи, шу жумладан ишга яроқли аҳолининг 40 фоизи қишлоқ жойларида хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалик корхоналарида мавжуд бўлган катта имкониятлар, соҳада иқтисодий самарадорлик ва барқарорликни таъминлай олма, тир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш Дастурини қабул қилди. Дастурда қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислох қилишнинг ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий асослар тизимини яратиш ва янада такомиллаштириш асосида кўп укладли иқтисодий шакллантириб, кооператив (ширкат) хўжаликлари, фермер ва деҳқон корхоналари ривожланишига шароит яратиб бериш кўзда тутилган.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида жамоа хўжаликлари ўрнига кооператив (ширкат) хўжалиklarини қайта ташкил этиш ва уларни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 июлда қабул қилган «Қишлоқ хўжалигини ислох қилишга мувофиқ қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат) хўжалиklarини тузиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 299-сонли қарорига биноан барча турдаги жамоа хўжалиklarини ширкатларга айлантирилиши кераклиги ва бу тадбирларнинг амалга оширилиш муддатлари белгиланди. Хозирги вақтда жумҳуриятимизда 1556 та қишлоқ хўжалик корхоналари кооператив (ширкат) хўжаликлари мавжуд.

Қайта ташкил этилган ширкат хўжалиklarининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан айрим фарқлари қуйидагилардан иборат:

- корхонани қайта ташкил этиш, хусусийлаштириш жаранининг давоми бўлиб, унинг мулкни бир қисми, корхона аъзоларига иш стажи ва иш ҳақи миқдори ва малакасига қараб, тақсимланиб, меҳнаткашлар мулк эгасига айланади;

- якуний даромад (фойда) ширкат хўжалиги аъзолари ўртасида уларнинг мулккий пай-улушларига мувофиқ равишда қайта тақсимланади;
- юридик шахсларга ҳам (бадал тўлаш асосида) ширкат хўжалигига аъзо бўлиш имконияти тугилади;
- бошқарувнинг демократик тамойиллар асосида олиб борилиш натижасида қарор қабул қилинишида «ширкатнинг бир аъзоси – бир овозга эга» қоидасига амал қилинади.

Республикаимиз Президенти И.Каримов Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда қилган маърузасида «Мулкка, мулкдорларнинг шаклланишига уларнинг манфаатдорлигини химоя қилишга бўлган муносабат ниҳоятда секин ўзгармокда. Холбуки, ана шу муносабат ислохотлар самарадорлигининг асосий мезони бўлиб хизмат қилиши лозим» - деб таъкидлаб ўтди.

**Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қила, тган ўрта ва қуйи бўгин бошқарувдаги ходимлар ишида ижобий ўзгариш сезилмаслиги натижасида Президентимизнинг сермазмун фикр-мулоҳазалари мулкчилик тизими, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ниҳоятда секинлик билан жорий этилмокда. Мулкчилик тизимини жойларда жорий этувчиларда қаътият ва талабчанликдан ташқари тафаккур ва жавобгарлик ҳам камлик қилмокда.**

Шуни айтиш лозимки, пайчилик тизими республикаимиз қишлоқ хўжалигида янгича хўжалик юритиш шакли сифатида қарор топа, тганлиги учун унинг фаолият жара, ни ва ривожланишининг асосий мақсадини ифодаловчи маълум бир тамойиллари бўлиши мақсадга мувофиқдир. Пай тизимидаги ширкат хўжаликлари қуйидаги тамойилларга асосланса, самарали хўжалик юритиш шаклига эришиши мумкин:

- ❖ хўжалик фаолиятини ташкил этишда ва ишлаб чиқариш муносабатларини жорий қилишда хар томонлама тўла мустақиллик;
- ❖ ишлаб чиқариш таркибини белгилашда, корхона табиий-иқтисодий шароитига мос келадиган янги, жадал, дехқончилик ва чорвачилик тизимларини жорий этишда эркинлик;
- ❖ ишлаб чиқариш муносабатларини шартнома ва фьючерс битимлари асосида ташкил этишда моддий манфаатдорлик ва жавобгарлик;
- ❖ мулккий пай ва дивидендлар тақсимотида адолатлилик;
- ❖ корхоналарнинг нима ишлаб чиқариш, кимга ва қаерга сотиш, талаб ва таклиф муносабатидан келиб чиқиб нарх белгилаш, кўпрок фойда олиш ва даромадни тақсимлашда тўла иқтисодий мустақиллик;
- ❖ ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишда моддий жавобгарлик ва харажатлар қопланишини ўз даромади хисобидан таъминлаш;

- ❖ меҳнатни ташкил этишда оила (жамоа) пудрати ва ҳақ тўлашда аъзоларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш учун даромадни ҳар кимнинг ишлаб чиқаришга қўшган хиссасига яраша одилона тақсимлаш;
- ❖ кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилишда устуворлилик;
- ❖ хўжаликнинг ишлаб чиқариш – молия фаолияти устидан чек тизими, рдамида сўм билан назорат қилиш.

**Юқоридаги тамойилларга амал қилинсагина қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни ўтқозишдан кўзда тутилган мақсадга эришиш мумкин. Тезкорлик билан қишлоқда мулкка эгалик қилиш хиссини ва мулкдорлар синфини яратиб, ишлаб чиқаришнинг ички имкониятларидан унумли фойдаланишни ташкил этиш ва пировард натижани ҳар томонлама самарали қилиш, харажатларни тежаб-тергаб, ҳисоб-китоб ишларини йўлга қўйиш асосида талаб даражасидаги, арзон, сифатли ва рақобатга чидайдиган, бозор андозаларига мос келадиган, товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятлари тугилади.**

Қишлоқда мулкдорлар қатламини қарор топтириш ва корхоналарда мулккий пай тизимини жорий этиш шу куннинг долзарб масалаларидан энг асосийси бўлганлиги сабабли, фақатгина адолатли ўрнатилган пай тизимигина қишлоқда янги ишлаб чиқариш муносабатларини жорий этишга ва уларни такомиллаштиришга янги туртки бўла олади. Мулккий пай тизимигина меҳнаткашлар тафаккурини ижобий томонга ўзгартириб, уларни тадбиркор, интилувчи, янги гоя эгаси сифатида тарбиялай олади, ҳақиқий мулк эгасига айлантиради.

Мулккий пай эгасининг онгида аста-секин боқимандаликдан қутилиш хиссини тугдириб, мулкдор ўзининг қарамоғидаги моддий бойликни талон-тароҷ бўлишига, фойдаланмасдан қолишига, тез ишдан чиқиб қолишига бефарқ қарай олмайди, унда моддий бойликдан аниқ мақсадда фойдаланиб, пировард натижада манфаатдорликни ўстиришга интилиш хисси кундан-кунга, ўсиб боради.

Мулккий пай тизими мулкдордан ишлаб чиқаришни жадаллаштиришни талаб этади. Натижада мулкдор қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган ортиқча меҳнат ресурсларини бошқа тармоқларга жалб этиш йўллари қидиради, янги ишчи ўринларини яратади, қишлоққа маҳсулотларни қайта ишлайдиган кичик-кичик саноат корхоналарини жалб этади. Уларга хизмат қилувчи машина-трактор парклари ва агросервис тизими юзага келади. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигида сарфлана, тган меҳнатни тежаб, унинг унумдорлигини ўсишига, меҳнаткашлар даромадини кўпайтиришга ва натижада қишлоқ хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини оширишга олиб келади.

Мулккий пай тизими, ишлаб чиқариш шаклинигина эмас, балки мазмунини ҳам янгилайди. Мулккий ҳуқуққа асосланган янги демократик ижтимоий бошқариш тизими юзага келади.

Юқорида қайд этилган ва бошқа кутиладиган афзалликлар фақатгина мулкый пай тизимини жорий этиш натижасида юзага келмайди. Мулкый пай тизимига яраша янги ишлаб чиқариш муносабатлари меҳнатни ташкил этишда - оилавий (жамоа) пудратини жорий этиш ва меҳнатга ҳақ тўлашда пировард натижага қараш, деҳқончилик ва чорвачилик тизимларини, янги техника ва технология асосида қайта ташкил этишда, даромадларни тақсимлашда ва моддий манфаатдорликни такомиллаштиришда, ҳамда бозор тадқиқотларини ўтқизишда ўзининг самарасини тўлиқ юзага чиқара олади.

Қашқадар, вилояти, Касби туманидаги, Х.Хўжакулов номли қишлоқ хўжалик пайчилиқ жамияти, 1997 йилда жамоа хўжалиги ўрнида қайта ташкил этилган бўлиб, унинг Устав жамгармаси 56,2 млн. сўми ташкил этиб, унинг 30 фоизи ,ки 16,9 млн. сўми бўлинмас жамгармани ва 70 %-и ,ки 39,3 млн. сўми пай жамгармасидан иборат бўлган. Шунингдек, корхонада мулкый пайнинг 5 фоизи ,ки 1,9 млн. сўми нафақахўрларга ажратилган ва 3 % ,ки 1,2 млн. сўми захирага сақланган.

Корхона аъзоларига тақсимланадиган мулкый пайнинг қиймати 36,3 млн. сўми ташкил этади. Корхонада 1879 киши ишлайди ва уларнинг жами йил-сўми 272,5 млн. сўмдан иборат бўлиб, ҳар бир йил-сўмга тўғри келадиган мулкый пай қиймати 0,133 сўм миқдорида белгиланади. Жамият бўйича ҳар бир мулкый пайнинг ўртача қиймати 19284 сўми ташкил этади. Ҳар бир аъзонинг мулкдаги улуши эса  $(19284 \times 0,133) = 2564,77$  сўмга тенгдир.

Пай тизими жорий этилган йилнинг ўзида, қ сезиларли натижаларга олиб келди. Биринчи навбатда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги пахта бўйича режага нисбатан 21,0 фоизга; галлачиликда – 33,0; сабзавотчиликда - 11,0; полиз экинлари бўйича - 12 фоизга кўтарилди. Шунингдек, пул даромадининг тушуми бўйича ҳам ижобий натижалар олинди. Пахтачиликдан режага нисбатан 21,9 млн. сўм, галладан - 15,5; сабзавотчиликдан - 0,8 млн. сўм, полиз экинларидан эса 71,0 минг сўмдан кўпроқ даромад олинди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, пай тизими, меҳнатни оила пудрати асосида ташкил этгандагина ўзининг иқтисодий самарадорлигини сезиларли намояндалар экан.

Хўжаликда айрим олинган оила пудрати асосида ишловчилар ва ижарачилар ўртасида ҳам ишлаб чиқариш натижалари турличалиги кузатилади. Оила пудратида ишловчи Ш.Бўриев бригадасида пахта ҳосилдорлиги 49,3 ц. ни ташкил этган бўлса, Рўзибоев ижарачилар жамоасида бу кўрсаткич 23,3 ц. ни, ҳар 1 гектар ердан олинган ўртача даромад мутаносиб равишда 109,12 ва 35,7 минг сўми, ўртача ҳар бир ишловчининг иш ҳақи 11650 ва 2965 сўми ташкил этган. Кўриниб турибдики, оилавий пудрат мазмун жихатдан пайчининг ер ҳосилдорлигини оширишга, ишлаб чиқарган маҳсулотини рақобатбардош ва харидоргир бўлишини, сарф-харажатларни камайитиришдан манфаатдорлигини оширадиган кучли иқтисодий механизмлардан бирига айланган.

Оилавий пудрат асосида ишлагандагина ишлаб чиқаришнинг пировард натижасини ва хусусан иш ҳақини сунъий тенглаштиришга барҳам бериш имконияти тугилади. Энг асосий ҳар бир пудратчининг ўзига топиширилган ишга муносабати ўзгариб, жавобгарлиги, масъулияти ошади. Бошқача айтганда, пудрат ,рдамида оилавий ҳа,тни ташкил этиш билан ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсад ва мазмун жиҳатдан бирлаштирилади. Натижада пудратчилар ҳа,тида, кунлик турмушида янгилашиш, моддий манфаатдорликнинг ошиши, янада яхшироқ яшашга қизиқиш ва кўп ҳолларда айрим ижтимоий муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетади. Оилавий пудрат асосида меҳнатни ташкил этишнинг жамият учун устуворлик томони шундаки, қишлоқда энг катта муаммо бўлиб турган мулкчилар синфи вужудга келади, жамоа мулки билан хусусий мулк ўртасида оилавий пудрат боғловчи звено хизматини ўтайди. Энг муҳими одамларда иқтисодий мустақиллик ва ҳақиқий ташаббускорлик туйғулари уйғонади.

Таъкидлаш керак-ки пайчилик хўжаликларида ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этиш, мулкка бўлган муносабат, пировард натижадан манфаатдорлик ҳали бозор муносабатлари даражасигача етказилган эмас. Шунга қарамасдан, пайчилик тизими ўз афзалликлари билан янги ишлаб чиқариш муносабатларини жорий этилишига кенг йўл очиб беради ва қишлоқда мулкчилар синфини шаклланишига ,рдам беради.

Ширкат хўжалиги фаолиятининг асосий тури қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришдир.

Ширкат хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан бир қаторда ширкат хўжалигининг ўз ҳудудида ҳам, шунингдек ундан ташқарида ҳам қишлоқ хўжалик хом аш,сини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, техник аҳамиятига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, савдо-сотик, таъмирлаш ва қурилиш ишлари, юридик ва жисмоний шахсларга хизмат курсатиш, шунингдек қонунларда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шугулланишга ҳақли.

Ширкат хўжалиги аъзоларининг сони, ширкат фаолияти соҳасига, унинг уставига кўра белгиланади.

Ширкат хўжалиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда туман хокимлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ташкил этилган деб ҳисобланади ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади.

Ширкат хўжалиги мустақил балансга, банк муассасида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варақларга, номи ,зилган муҳрга эга бўлади.

Устав ширкат хўжалиги фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатдир. Уставда қуйидагилар белгиланади:

- ширкат хўжалигининг номи ва жойлашган ери;
- фаолият соҳаси ва мақсади;
- ширкат хўжалигига кириш ва ундан чиқиш тартиби;

- ширкат хўжалиги муассасаларининг таркиби ва аъзоларининг сони;
- ширкат хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва уларнинг ваколатлари;
- ширкат хўжалигининг пай, бўлинмас ва бошқа жамгармаларининг миқдори ва уларни шакллантириш тартиби;
- ширкат хўжалиги аъзоларининг меҳнатда иштирок этиши ва улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг кўпроқ оила (жамоа) пудратига асосланган шакллари;
- ширкат хўжалиги даромадларини (фойдасини) тақсимлаш, шу жумладан мулкӣ пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун тақсимлаш тартиби;
- ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

Уставга ширкат хўжалиги фаолияти билан боғлиқ бўлган, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

Ширкат хўжалигининг устави, мутахассислар томонидан таъсис йиғилишида қабул қилинади, унга ширкат аъзоларининг умумий мажлисида ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилади.

**16 -шга тўлган, ширкат уставини тан олувчи ва унинг талабларига риоя этувчи, ширкат фаолиятида ва унинг жамгармаларини шакллантиришда иштирок этувчи жисмоний шахслар ширкат хўжалиги аъзоси бўлишлари мумкин.**

Ширкат хўжалигига аъзо бўлиб кириш берилган ариза асосида амалга оширилади.

Ширкат хўжалигини бошқариш, ўз-ўзини бошқариш, ширкат фаолияти масалаларини ҳал этишда ошкоралик асосида амалга оширилади. Ширкат хўжалигининг юқори бошқарув органи умумий мажлис бўлиб, у раисни, бошқарувни, тафтиш комиссиясини (тафтишчини) сайлайди, ширкатни жорий бошқариш бўйича ўз ваколатларини уларга бериб қўяди.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ширкат хўжаликларига белгиланган мақсадда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун доимий эгалик қилишга берилади.

Ширкат хўжалигига бериб қўйилган ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳады қилиш, айирбошлаш объектлари бўлиши мумкин эмас. Бу ер участкалари белгиланган тартибда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга, вақтинча фойдаланишга, ки ижарага берилиши мумкин.

Ширкат хўжалиги ходимларига, деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган, ер участкаларини ажратиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўлчамлар ва тартибда амалга оширилади.

Ширкат хўжалигида ер участкалари қоида тариқасида, оилаларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун вақтинча фойдаланишга, оила (жамоа) пудрати шартномаси шартлари асосида берилади.

Ширкат хўжалигининг мустақил балансида акс эттириладиган асосий жамгармалар, айланма маблағлар ҳамда бошқа бойликлар ширкатнинг мулкидир.

Ширкат хўжалигининг мол-мулки асосий жамгармалар қиймати, етиштирган маҳсулот, уни сотишдан тушган даромадлар (фойда), аъзоларнинг пул ва моддий бадаллари, банк кредитлари, қимматли қогозлар ҳисобидан ҳамда ширкатнинг уставида назарда тутилган бошқа фаолият натижасида ва қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳосил бўлади. Ширкатнинг мол-мулкни шакллантиришда юридик ва жисмоний шахслар шартнома асосида пул ва моддий бадаллар киритиш йўли билан иштирок этишлари мумкин.

Ширкат хўжалиги томонидан ташкил этиладиган корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки, шунингдек, хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки, уларнинг улушли иштирокига мувофиқ шу ширкатнинг мулкидир.

Ширкат хўжалигида, умумий мажлис қарори билан қуйидагилардан таркиб топадиган устав жамгармаси (капитали) шакллантирилади:

пай жамгармаси;

техника сотиб олиш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш, бошқа умумий, ижтимоий ва хўжалик вазифаларини хал этиш учун мулжалланган бўлинмас жамгарма. Ширкат хўжалигининг пай жамгармаси ер участкаларининг қиймати-баҳосини ва асосий жамгармаларнинг қийматини ҳамда ширкатнинг мажбуриятларидан холи, бошқа активлари қийматини ўз ичига олади. Пай жамгармасига қўшиладиган ер участкалари қийматини баҳолаш, Давлат ер кадастри ва қонун ҳужжатларида белгиланадиган табақалаштирилган қийматни баҳолаш коэффициентлари асосида амалга оширилади.

Пай ва бўлинмас жамгармаларнинг миқдорлари ширкат хўжалигининг уставида белгилаб қўйилади.

Пай жамгармаси ширкат хўжалиги аъзоларига умумий улушли мулк асосида, бўлинмас жамгарма эса - умумий биргаликдаги мулк асосида қаршли бўлади.

Пай жамгармаси ширкат хўжалиги аъзолари ўртасида мулк пайларга тақсимланиши лозим.

Мулк пай ширкат хўжалигини ҳар бир аъзосининг ширкат пай жамгармаси қийматидаги улушини белгилайди ва ширкат аъзосига ширкатнинг якуний даромадидан (фойдасидан) дивидендлар тариқасида тегишли улушни олиш ҳуқуқини беради.

Мулк пай миқдорини аниқлаш, пайлар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби, шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Ширкат хўжалигининг ҳар бир аъзоси мулк пайнинг аниқ миқдори, ширкатнинг аъзосига мол-мулкни муайян улушига ҳамда хўжалик оладиган умумий

даромад(фойда)нинг тегишли қисмига бўлган унинг ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўювчи, номи, зилган гувоҳнома берилган ҳолда, ширкатнинг юқори бошқарув органи қарори билан белгиланади.

Ширкат хўжалиги даромади (фойдаси)нинг пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун мўлжалланган қисми, йил якунларига кўра тақсимланади ва мулкый пайнинг миқдорига мутаносиб равишда тўланади.

Ширкат хўжалиги ўз фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқаришнинг таркиби ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди.

Ширкат хўжалиги ўзи етиштиратган маҳсулот сифатига тегишли амалдаги нормативлар ва стандартларга, экология, санитарияга оид қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга риоя этиши шарт.

Давлат ва бошқа муассасалар ҳамда ташкилотларнинг, шунингдек уларни мансабдор шахсларининг ширкат хўжалик фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Оила пудрати ширкат хўжалигида ички хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишнинг устун шаклидир.

Оила пудрати шартномаси ҳар йили ширкат хўжалиги бошқаруви орқали мазкур ширкат ва оила бошлиги (жамоанинг ваколоти берилган вакили) ўртасида тузилади.

Оила пудрати шартномаси бўйича оила аъзолари пудратчи сифатида муайян қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва уни буюртмачига - ширкат хўжалигига келишилган муддатларда топшириш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса мазкур маҳсулотни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Оила пудрати шартномасида қуйидагилар назарда тутилади:

- ер участкасининг ўлчами, жойлашган манзили ва ҳолати;
- ер участкасидан фойдаланиш шартлари, тарафларнинг алмашиб экиш схемасига мувофиқ қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва ер сифатини ошириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўйича мажбуриятлари;
- етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг миқдори ва турлари, унинг сифати;
- етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг баҳоси, унга ҳақ тўлаш ва уни реализация қилиш шартлари;
- пудратчини сугориш учун сув ва моддий-техника ресурслари билан таъминлаш;
- тарафларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлиги ва уларнинг хохишига кўра бошқа шартлар.

Ширкат хўжалиги уставида белгиланган вазифаларни бажариш учун ширкат аъзоси бўлмаган шахсларни меҳнат шартномаси бўйича ишга жалб этиш мумкин.

Ширкат хўжалиги аъзоларига мулкый пайлар бўйича тўланган дивидендлар мехнат хақи таркибига киритилмайди.

Ширкат хўжалиги етиштирила, тган махсулотни реализация қилиш учун, шу жумладан давлат харидлари тартибда сотиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ихти,рийлик асосида хўжалик шартномалари тузиш ҳуқуқига эга.

Ширкат хўжалиги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар, йигимлар ва бюджетга бошқа тўловларни тўлайди.

Ширкат хўжалиги ўзига зарур бўлган мол-мулк ва ишлаб чиқариш воситаларини фирмалардан, ярмаркалардан, бозорлардан юридик ва жисмоний шахслардан, аҳолидан сотиб олишга ҳақли.

Ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида ва ширкат уставида белгиланган тартибда: қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиш ва қайта тузиш шаклида амалга оширилади. Ширкат хўжалиги, умумий мажлис қарорига биноан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, суднинг ҳал қилувчи қарорига биноан тугатилади.

Ширкат хўжалигининг тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ширкат хўжалигини кредиторлар даъволарини қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулкнинг қиймати унинг аъзолари ўртасида тақсимланади.

### **2.3. Фермер хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий асослари**

Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларини шакллантирмасдан туриб бозор иқтисоди, тига ўтиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда фермерчилик ҳаракати кенг кулоч ,зиб кетди. Фермерчилик ҳаракатининг архитектори бўлмиш Президентимиз И.Каримовнинг табири билан айтганда, фермерлар «Қишлоқдаги иқтисодий ислохотларнинг биринчи қалдирғочларидир» лар.

Бозор иқтисоди, тига ўтиш даврида қишлоқ хўжалигини чуқур иқтисодий ислох қилиш, ўзининг ҳақиқий мазмун-маъносига, фермер хўжаликларини ташкил этиш билан эриша бошлади. Чунки фермер хўжаликларида янгича мулк шакли ўз эгасини топиб, мехнат билан бирлашиб, унинг пировард мақсади қишлоқда мулкдорга хизмат қилишдир. Фермер хўжаликларида моддий жавобгарлик ва иқтисодий манфаатдорлик ўзининг амалий натижасини бера бошлади, мехнат унумдорлиги кескин кўтарилиб, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ортди.

Фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш, аввало, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришни, бошқаришнинг маъмурий усулларида иқтисодий усулларга ўтишни таказо этади.

**Ташкилий асослар.** Бозор иқтисоди, тига ўта, тган республикаимиз қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликлари икки кўринишда, яъни турли хўжалик

шакллари таркибида ички ижара бўлинмалари сифатида ҳамда ўз мухрига ва банк муассасаларида шахсий ҳисоб-китоб рақамларига эга бўлган мустақил хўжаликлар сифатида ташкил этилган. Улар ўртасидаги асосий фарқ ерга ва ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабатлардагина акс этади. Агар ижара асосида ташкил этилган фермер хўжаликларида ер ва асосий ишлаб чиқариш воситалари маълум бир вақтга фойдаланишга бериладиган бўлса, мустақил фермер хўжаликларида узоқ муддатларда фойдаланиб, мерос қолдириш ҳуқуқи билан бирикитилиб қўйилади. Бозор муносабатларига ўтирилган ҳозирги даврда иқтисодий ислохатларни босқичма-босқич амалга ошириш ҳамда бу борада камчиликларга йўл қўймаслик учун фермер хўжаликларини ижара муносабатлари заминида ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай хўжалик юритиш шаклида оила, ки қариндошчилик заминида фермер хўжаликлари тузилади. Уларга ер ва асосий ишлаб чиқариш воситалари узоқ муддатга шартнома асосида фойдаланишга берилади. Ўз навбатида фермер хўжаликлари ширкатларга, ки уюшмаларга, ширкатлар эса ассоциацияларга бирикитилиши мумкин. Шу билан бирга, ассоциация таркибида фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи бир қанча ширкатлар ҳам фаолият кўрсатади. Ассоциация фермер хўжаликлари ҳамда ширкатлар фаолиятини иқтисодий муносабатларга таянган ҳолда ташкил этиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган ва тадбиркорлик билан шугулланадиган хўжаликка айланади. Ассоциациядаги барча ширкатлар хўжалик аъзоларининг умумий йиғилишида маъқулланган тартибларда бир-бирлари билан иқтисодий муносабатларда бўлади. Шу билан бирга, ҳар бир фермер хўжалигининг ассоциациядаги марказлашган молия-иқтисод бўлимида ҳисоб-китоби бўлади. Келгусида ушбу бўлимнинг қошида хўжалик аъзоларига ҳамда барча ширкатларга хизмат курсатувчи ассоциация банкини очиш масаласи ҳам назарда тутилади. Бу эса фермер хўжаликлари ва ширкатларнинг ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишларига имконият тугдиради. Бундай фермер хўжаликлари фақатгина қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан чегараланиб қолмай, уни нес-нобуд қилмай сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш орқали юқори даражада даромад олишга ҳаракат қилади. Лозим бўлган тақдирда чет мамлакатларнинг фирмалари билан тай,р қишлоқ хўжалик маҳсулотларини зарур товарларга алмаштириш ва уни минтақаларга сотиш билан ҳам шугулланиши мумкин. Фермер хўжаликлар ширкатлари, шаҳар бозорларида ўзларининг савдо тармоқларини очади. Бу эса уларга тижорат ишларини юритиш учун кенг имкониятлар беради. Яъни фермер хўжаликлари маҳсулот етиштириш ва уни сотишда тўла мустақил бўлади. Уюшманинг вазифаси эса уларнинг бутун фаолиятини тўғри ташкил этишни таъминлашдан иборат бўлади.

Фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини бошқа корхоналар фаолияти билан муносабат равишида белгилаш мақсадида 1998 йил

30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни ва устави қабул қилинди.

Фермер хўжалигининг намунавий устави 12 бўлимдан иборат:

I.	Умумий қоидалар.
II.	Мақсад, вазифалар ва фаолият соҳаси.
III.	Фермер хўжалигига аъзолик, аъзоларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.
IV.	Фермер хўжалигининг мулки ва унинг манбалари.
V.	Фермер хўжалигини бошқариш.
VI.	Фермер хўжалигида ер ва сувдан фойдаланиш.
VII.	Мехнатни ташкил этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш.
VIII.	Фермер хўжалигининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари.
IX.	Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби.
X.	Фермер хўжаликларининг биргаликдаги фаолиятлари.
XI.	Фаолият натижаларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш.
XII.	Қайта ташкил этиш ва тугатиш.

Фермер хўжаликларининг уставида фермер хўжалиги нима? деган саволга фермер хўжалиги – ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш билан шугулланувчи, ўз тасарруфидаги ер майдони ва мулкдан мустақил фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектидир деб кўрсатилган. Бундан кўриниб турибдики, фермер хўжалиги тадбиркорлик фаолиятининг бир кўриниши бўлиб, улар иқтисодий манфаатдорлик тамойиллари, тадбиркорлик ва ишбилармонлик асосида товар маҳсулоти ишлаб чиқаришни ривожлантириши, уни сифатини яхшилаш ва меҳнат ҳамда маблағни кам сарфлаб, чекланмаган миқдорда наф кўриш мақсадида ташкил этилган хўжалик юритиш шаклларида бири.

Фермер хўжаликларини ташкил этишда энг катта эътибор уларни тузиш, фаолият кўрсатиш ва ривожланишининг асоси бўлган хўжалик юритиш тамойилларига қаратилган бўлиши керак. Унинг бу тамойиллари қўйидагилардан иборат:

- ташкил этилиши ва хўжалик юритишда барча шаклдаги корхоналар ичида манзил-мақонга эга бўлиши ва корхоналар билан мустақил алоқа қилиши;
- ажратилган ер майдонларидан эллик йилгача, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва бошқа ҳужжатларда белгиланган тартибда фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш воситалари (уй жойлар, хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллари, паррандалар, қишлоқ хўжалиги техникаси, инвентар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва х.к.)га эгаллик қилиш;

- ишлаб чиқариш йўналиши ва таркибини аниқлаш, шунингдек, махсулотни сотиш, олинадиган даромаддан фойдаланишда тўлиқ мустақиллик;
- хўжалик фаолияти учун иқтисодий жавобгарлик;
- давлатнинг молиявий-иқтисодий гамхўрлигига таяниш;
- хўжалик аъзоларига давлатнинг ижтимоий-таъминот, қариллик ва ногиронлик нафақасидан фойдаланиш.

Уставда фермер хўжалигининг мақсади, вазифалари ва фаолият доираси янгича бозор иқтисодига мос равишда таърифлаб ўтилган ва қуйидагича ифодаланган:

қишлоқ хўжалик махсулотлари етказиш ва хизмат кўрсатиш асосида даромад (фойда) олиш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ҳамда ўз аъзоларининг ижтимоий ва иқтисодий эҳтижларини қондириш фермер хўжалигининг мақсади ҳисобланади.

**Вазифалари:**

- ажратилган ердан агротехника қоидалари асосида оқилона ва самарали фойдаланган ҳолда юқори даражада ҳосил олишни таъминлаш;
- қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш ва реализация қилиш;
- чорва молларини зооветеринария қоидалари асосида тарбиялаш ва уларнинг махсулдорлигини ошириш.

Фермер хўжаликларининг фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ❖ қишлоқ хўжалик махсулотлари етказиш;
- ❖ қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ҳамда бозорларда сотиш, шу жумладан, ўз савдо шаҳобчалари орқали реализация қилиш;
- ❖ тижорат фаолиятини ва маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш;
- ❖ аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш;
- ❖ ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- ❖ фаолиятнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турларини амалга ошириш.

Фермер хўжалиги ва унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда белгилаб берилган: ишлаб чиқариш фаолиятининг барча соҳаларида мустақил иш юритиш, шартномалар тузиш орқали иқтисодий муносабатлар ўрнатиш, товар махсулотларига мустақил нарх ўрнатиш, ўз хохиши бўйича истеъмолчига сотиш, фьючерс битимларини тузиш, чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш, акциялар сотиб олиш, кредит олиш, барча имтиёзлардан фойдаланиш, ер майдонини ижарага бериш ҳуқуқини кредит олиш учун гаровга қўйиш, ходимларни ишга жаллаш, ишлаб чиқариш воситаларини

**сотиб олиш, кооператив, уюшма ва бирлашмаларга аъзо бўлиш ва бошқа қонуний ҳуқуқлардан фойдаланиш.**

**Фермер хўжалиги аъзолари: фойдадан ўз улушини олиш, ижтимоий сугурта ва ижтимоий таъминланиш, ижтимоий меҳнатда шахсий улуши билан қатнашиш, меҳнат тартибига бўйсунуш ва х.к.**

***Мажбуриятлари:* ер майдонидан шартномада кўрсатилган мақсад ва шартларда самарали фойдаланишини таъминлаш, атроф муҳитни химоя қилиш қоидаларига риоя этиш, ер майдонларини асраш, унинг унумдорлигини ошириш юзасидан сарф-харажатлар қилиш, ижарага олинган ерларни бир йилда ўзлаштириш, агротехника қоидаларига ва сервитутларга риоя қилиш, қарзларга тўлиқ жавоб бериш, ижтимоий таъминот ва пенсия жамгармасига мажбурий бадаллар тўлаш, ходимларининг меҳнат фаолиятининг ҳисобини юритиш ва улар учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш.**

Таъкидлаш жоизки, уставда энг катта эътибор унинг умумий-ташқилий томонларига қаратилган. Фермер хўжаликларини рўйхатдан ўтказиш учун туман ҳокимлигига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- ❖ туман ҳокимлигига ариза;
- ❖ фермер хўжалигининг низоми ва бизнес режаси;
- ❖ фермер хўжалигига тегишли ерни ижарага бериш далолатномаси;
- ❖ ажратилган ернинг ҳолати (картограммаси), кадастр балли;
- ❖ фермер хўжалигини ташкил этиш ва ер тўғрисида ширкат хўжаликлари аъзоларининг умумий йиғилиш ба, номасидан кўчирма.

Фермер хўжаликлари қайси ерларда ташкил этилиши ҳам янги ишлаб чиқариш муносабатларини жорий этишда ўта долзарб масалалардан биридир. Фермер хўжаликларини Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасига биноан захира ерларда, республиканинг махсус ер фондларида, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган хўжаликларда ва янги сугориладиган манзиллардаги ерларда ва зарар кўриб ишлатилган, ки кам рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерларида ташкил этиш кўзда тутилган.

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер майдонларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганда Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Самарқанд ва Хоразм вилоятлардаги сугориладиган ерларда камида 0,3 гектар, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардаги сугориладиган ерларда камида 0,45 гектар, сугорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.

Дехқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер майдонларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва галлачилик учун камида 10 гектар, богдорчилик, узумчилик,

сабзавотчилик ва бошқа экинлар етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади.

Ер майдонлари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг хосилдорлигини(уч йил учун ўртача йиллик хосил хисобида), ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш, мажбуриятини олади ва ижара шартномасида қайд қилинади.

Фермер хўжалигига берилган ер майдонидан фойдаланганлиги учун ижара хақи, ер майдонининг сифатига, жойлашган манзилига ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб, унинг кадастр баҳосини хисобга олган ҳолда белгиланадиган ер солиги меъ,ри миқдорида ундирилади.

Давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил давомида фермер хўжалиги ер майдонидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан озод этилади.

Бозор иқтисодига ўтишда фермерлар учун ўта долзарб муаммо, бу-мулкка бўлган муносабатдир. Фермерлар уставида бу муаммо ҳам ўз ечимини топган.

Фермер хўжалигининг мол-мулки ва уларнинг манбаларига – фермерга қарашли уй-жойлар, хўжалик иморатлари, экинзорлар ва кўчатзорлар, дов-дарахтлар, махсулдор чорва моллари, ишчи хайвонлар, паррандалар, техника воситалари, инвентар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул ва моддий маблағлар, интеллектуал мулк объектлари, ишлаб чиқарилган махсулотлар, олинган даромад (фойда) ва х.к. мол-мулк хисобланиб, уларнинг юзага келиш манбаларига фермерларнинг пул ва моддий маблағлари, товар сотишдан, иш бажаришдан, хизмат кўрсатишдан ва бошқа турли манбалардан олинадиган даромадлар, қимматбаҳо қогозларни сотишдан олинадиган даромадлар, кредитлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия ва эҳсонлари, турли хил бадаллар, қонуний ҳужатларда тақиқланмаган бошқа манбалар киритилади.

Иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида, энг муҳим ва долзарб вазифа меҳнатга бўлган муносабатларни тубдан ўзгартиришдир. Шу мақсадда фермер хўжаликлари уставида ҳам меҳнатни ташкил қилиш хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланиши, бошқа шахслар эса меҳнат шартномаси асосида ишга жалб этилиши мумкин деб алоҳида уқтириб ўтилган. Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда, томонларнинг келишувига биноан ҳам пул тарзида, ҳам натура шаклида тўланади. Шунингдек шартнома асосида ишловчилар хўжалик бошлигининг розилигига асосан фермерлар мол-мулкига пул ,ки бошқа хил улуш кўшиб, мутаносиб равишда уларнинг даромади (фойдаси)тақсимотида қатнашишга ҳақлидир. Фермерлар ҳам, шартнома асосида ишловчи шахслар ҳам, давлат ижтимоий сугуртасидан ўтказилиши ва уларнинг ишлаган вақти сугурта бадалларини тўлаган тақдирда меҳнат стажига кўшилиши мумкин. Натижада

уларга давлат нафақалари ва пенсиялари тўланиши қонуний асосда амалга оширилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида барча шаклдаги корхоналар катори, фермер хўжалиги ҳам фойда кўриб ишлаши керак. Акс холда улар тугатилади, ки қайта ташкил этилади. Фермер хўжаликлари уставида инкирозга учраган фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва тугатиш шартлари қуйидагича ифодаланган: фермер хўжалигини юритувчи аъзоси ва меросхўри қолмаганда, ерни ижара ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечганда, ижара муддати тугаб, ердан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш имконияти бўлмаганда, ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланмаслик, олинган хосилдорлик, меърий кадастр баҳосидан доимий равишда (уч йил мобайнида) паст бўлиши, ернинг экологик ҳолати монлашганда, ер майдони қонуний равишда олиб қўйилганда, фермер банкротга учраганда, ижара ҳақини ўз вақтида тўламаганда, ер майдонини ижарага олиб бир йил давомида ишлатмаганида, «Фермерлар тўғрисида»ги қонун қўпол равишда бузилганда, шартнома шартлари бузилганда ва х.к. ҳолатларда хўжалик аъзолари ва суднинг қарорига биноан тугатилади. Фермер хўжалиги тугатилганда унинг аъзолари ўз мол-мулкларига ва томорқа ер майдонига бўлган ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳамда истиқболда асосий субъект – қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиси бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини устувор ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохатларни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси» тўғрисидаги фармонда қуйидагилар белгиланган:

- ❖ фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароит ва кафолатларни яратиш;
- ❖ қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришда молиялашнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган ҳамда молиялашнинг услуб ва шакллари танлашда, молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжаликларининг мустақиллигини, барча харажатларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари хисобига қоплашни таъминлайдиган ишончли тизимни шакллантириш;
- ❖ қишлоқда фермер хўжаликларининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

- ❖ белгилаб қўйилсинки, танлов асосида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларга ерни узоқ муддатли ижарага беришда қишлоқ хўжалиги экинлари, биринчи навбатда, пахта ва галлани етиштиришга етадиган барча харажатлар фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги махсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари хисобига қопланиши тамойилига қатъий риоя қилиниши зарур. Бунда электр – энергия, қилги – мойлаш материаллари, минерал ўғитлар етказиб берадиган ва фермер хўжаликларига бошқа хизматларни кўрсатадиган ташкилотлар билан ўз вақтида хисоб-китоб қилиниши шарт.

Камида 3 йил давомида мунтазам равишда бу тамойилга амал қилмаган фермер хўжаликлари билан ерни ижарага бериш шартномаси бекор қилиниб, ўзи тарқатиб юборилади;

- ❖ фермер хўжалигида ижарага берилган қишлоқ хўжалик майдонла-ридан бошқа мақсадда фойдаланиш, шу жумладан шартномада кўрсатилган экинлар ўрнида бошқа экин экиш – ижара шартномасини қўпол бузиш деб хисобланадиган ҳамда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган чоралар қўлланиладиган тартиб жорий этилсин;
- ❖ белгилаб қўйилсинки, фермер хўжалиги фаолиятини юритиш учун ижарага ер майдонлари бериш ҳақидаги туман хокимининг қарори вилоят хокими бошчилигидаги ер майдонларини ажратиш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради;
- ❖ Фермер хўжаликларини тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри кредитлаш йўли билан, мавжуд кредиторлик қарзлари тўлангандан сўнг маблағларни эркин тасарруф қилиш ҳуқуқини берган ҳолда уларни молиялашга 2004-2005 йиллар мобайнида босқичма-босқич ўтишни кўзда тутувчи механизмни ишлаб чиқсин;
- ❖ фермер хўжаликларига айлантириладиган қишлоқ хўжалик ширкатлари рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар хокимликлари тақдимномасига кўра ҳар йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади;
- ❖ фермер хўжаликлари давлат эҳтижлари учун махсулот сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажармаган ки ер тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳоллари аниқланган ҳолларда, шунингдек ягона ер солиги белгиланган тартибда ўз вақтида тўланмаган тақдирда фермер хўжаликлари фаолиятини фақат уларга ижарага берилган ерлардан ижара шартномасида мувофиқ мақсадли ва унумли фойдаланиш масалалари бўйича текширишга йўл қўйилади;
- ❖ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фермер хўжаликларининг қонуний манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминласин, фермер хўжаликлари уларнинг хўжалик фаолиятига

бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ноқонуний аралашшига уриниш ҳолларига қатъий чек қўйсин;

Қуйидагилар ташкил этилган вақтдан бошлаб, истисно тариқасида:

- ❖ қайта ташкил этилган қишлоқ хўжалик ширкатлари ҳудудида фермер хўжаликларини минерал ўғитлар ва қилги-мойлаш материаллари билан таъминлаш бўйича ташкил этилган корхоналар ер ва мулк солигини тўлашдан;
- ❖ сувдан фойдаланиувчилар уюшмасининг хизматлари қўшимча қиймат солиги, даромад ва мулк солигини қўшиш ва тўлашдан 3 йил муддатга озод қилинсин.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини тадбиқ этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 23 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохатларнинг чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-3326 сонли фармони эълон қилинди.

Ушбу фармонга асосан қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларини ўзгартириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш энг муҳим вазифалардан бири этиб белгиланди. Қишлоқда асосий ишлаб чиқаришнинг бўғини ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини пухта таъминлашга қаратилган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлари яратилиб, тай, рлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий техника ресурслари етказиб берувчилар, молия, банк муассасалари ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятлари ушбу мақсад учун бўйсундирилди.

Хўжалик юриштиқнинг ширкат, фермер ва дехқон хўжаликлари ташкилий-ҳуқуқий шаклларини сақлаб қолган ҳолда, истиқболда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини ривожлантириш устувор йўналиши сифатида белгилаб берилди.

Бундан ташқари фармонда қуйидагилар:

- ❖ вилоят хокимликлари таклифларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва тай, рлов ташкилотлари ўртасида пахта ва галла учун тузиладиган контракция шартномалари умумлаштирилган ҳолад прогноз кўрсаткичлари республика ва минтақавий даражада белгиланиши;
- ❖ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари хўжаликларининг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда ва тузиладиган контракция шартномаларига асосан қишлоқ хўжалиги экинларини мустақил жойлаштириш;

- ❖ хўжаликлар ўз меҳнати натижаларини, шу жумладан етиштирилган махсулотни, ўзларига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни ўз хоҳишига кўра тасарруф этиши белгилаб берилди.

Фармонда қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини ривожлантириш бўйича топшириқ берилиб, 2004 йилдан бошлаб барча қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштирувчилар экин майдонларидан фойдаланишнинг ижара шаклига ўтиши белгилаб берилди. Натижада Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги «Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларин янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 486-сонли қарори қабул қилинди.

Президентимизнинг 2003 йил 27 октябрда «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармонга асосан:

- ❖ фермер хўжаликлари томонидан етиштириладиган махсулотларга кетадиган харажатлар уларнинг ишлаб чиқаришдан олган ўз даромадлари ҳисобидан қопланиши;
- ❖ ижарага берилган ер майдонларидан фермер мақсадсиз фойдаланса, ки шартномада белгиланган экин турларини экмаса, унга нисбатан қатъий жазо чоралари кўрилиши, хаттоки у ердан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши;
- ❖ фермер хўжаликларига ер бериш олдиндагидай фақат туман ҳокимнинг қарори билан эмас, балки туман ҳокимининг қарори вилоят ҳокими бошчилигидаги махсус комиссия томонидан тасдиқлангандан кейин кучга кириши;
- ❖ фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва фермер хўжаликларига ўзоқ муддатли ижарага берилаган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитларни ва қафолатларни яратилиши ва бошқа муҳим муаммолар ва масалалар ўз ечимини топган.

Фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича танлов (тендер)лар ўтказди. Сугориш тармоқларининг жойлашувини эътиборга олган ҳолда галлачиликда 60 гектар, пахтачиликда 50 гектардан кам бўлмаган ҳолда вилоят ҳокимлиги тавсиясига асосан 571 та фермер хўжаликлари ташкил этилди ва илгаридан фаолият кўрсатиб кела, тган ўтган йилларда ижобий натижаларга эришган фермер хўжаликларига 11,2 минг гектар майдон деҳқончилик қилиш учун кўшиб берилади.

2004 йилдан бошлаб Самарқанд вилоятидаги барча фермер хўжаликларининг давлат эҳти, жлари учун харид қилинадиган пахта хом-аш, си ва галла етиштириш харажатларини уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имти, зли кредитлаш механизмига ўтилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги 486-сонли қарори келиб чиққан ҳолда туман ҳокимликлари бундай 1-10 гектаргача бўлган фермер хўжаликларини бирлаштиришни, йириклаштириш ва экин майдонларини кенгайтириш, уларни иқтисодий бақувват фермер хўжаликларига айлантиришни ўз олдларига вазифа қилиб белгилаб қўйишлари лозим.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида, Республика Молия Вазирлиги ва Марказий банки бошқаруви томонидан 2004 йил 6 январда Республика Адлия Вазирлигида 1295-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Фермер хўжаликларининг давлат эҳти,жлари учун харид қилинадиган пахта ва галла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида»ги низоми ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг 16 январидан кучга киритилди.

Низомга асосан фермер хўжаликларида кредитлар тижорат банклари томонидан муддатлилик, тўловлилик ҳамда мақсадли фойдаланиш шартларида давлат эҳти,жлари учун харид қилинадиган галла ва пахта хом-аш,си етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадларида имти,зли фоиз ставкаларида (йиллик 5 фоиз) берилади.

Кредитлар фермер хўжаликларга улар томонидан давлат эҳти,жлари учун сотиладиган галла ва пахта хом-аш,си қийматининг 50 фоизгача микдорда, тегишли қишлоқ хўжалик маҳсулоти бўйича фермер хўжаликлари билан яқуний ҳисоб-китоблар яқунлангунча, лекин 18 ойдан кўп бўлмаган муддатга берилади.

#### **2.4. Дехқон хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий асослари**

Дехқон хўжалиги оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, меърос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилиш учун оила бошлигига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиради ва реализация қилади.

Дехқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда дехқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс мақомига ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган ишлаб чиқаришни амалга ошириши мумкин.

Дехқон хўжалиги ўз фаолиятида ,ланма меҳнатдан доимий равишда фойдаланиши мумкин эмас.

Дехқон хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг фаолияти ва тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар дехқон хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Дехқон хўжалиги аъзолари жумласига биргаликда яшати,ган ва дехқон хўжалигини биргаликда юрита,тган оила бошлиги, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олинган

болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ,шга етган бошқа қариндошлар киради.

Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда дехқон хўжалиги номидан шу хўжалик бошлиги иш кўради.

Дехқон хўжалиги бошлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкаси мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилган оила бошлиги ,ки оиланинг муомалалага ла ,қатли аъзолардан биридир.

Дехқон хўжалигининг бошлиги вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ,ки узоқ вақт бўлмаганда у ўз мажбуриятларини бажариш ваколатини, шу хўжалик аъзоларидан бирига, дехқон хўжалигининг аъзоси бир кишидан иборат бўлганда эса, шартнома асосида талабларга жавоб берадиган ҳар қандай шахсга беришга ҳақлидир.

Дехқон хўжалиги ихти ,рийлик асосида, хўжалик бошлигининг қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат) хўжалиги бошқарувига ,худ бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг иш берувчисига (маъмуриятига) ҳамда туман хокимига ,зма мурожатига асосан ташкил этилади. Аризада сўралатган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, дехқон хўжалигининг таркиби ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланишнинг йўналишлари кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалик кооператив (ширкат) хўжалиги бошқаруви дехқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги масалани умумий мажлис муҳокамасига киритади, мажлис шу хусусда тегишли қарор қабул қилади. Бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида дехқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг юқори бошқарув органи, иш берувчиси (маъмурияти) томонидан қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалик кооператив (ширкат) хўжалиги умумий мажлисининг ,ки бошқа қишлоқ хўжалик корхонаси, муассасаси ва ташкилоти юқори бошқарув органининг, иш берувчининг (маъмуриятининг) қарори асосида, ер участкалари бериш масалаларини кўриш бўйича туман комиссиясининг ҳулосасини инобатга олган ҳолда туман хокими дехқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Туман хокимининг дехқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарори туманнинг молиявий, банк, солиқ ва бошқа тузилмалари учун мажбурий ҳужжатдир.

Дехқон хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтидан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади.

Дехқон хўжалигининг бошлигини давлат рўйхатига олиш, дехқон хўжалиги бошлигининг доимий яшаш жойидаги туман хокимлиги томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур ҳужжатлар билан биргаликда ариза берилгандан эътиборан 3 кун ичида амалга оширилади. Дехқон хўжалиги

бошлигига ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати ҳамда давлат рўйхатидан ўтқазилганлик тўғрисидаги белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади.

Пос, лқа, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини - ўзи бошқариш органлари ҳар бир дехқон хўжалигини, хўжалик китобига киритиб, унда дехқон хўжалигининг таркиби, хўжалик бошлиги, худ унинг вазифасини бажарувчи шахс, шунингдек хўжаликнинг ташкилий – ҳуқуқий шакли (юридик шахс ташкил этган ҳолда, ки юридик шахс ташкил этмасдан) тўғрисидаги маълумотларни қайд этиб қўяди.

Дехқон хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтқазилгач ўзаро йигимни тўлашдан озод қилинади.

Томарқа ер участкаси қишлоқ хўжалик маҳсулотини эркин савдо ҳамда оила эҳти, жлари учун етиштириш, шунингдек якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларини белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкасидир.

Қишлоқ хўжалик кооператив (ширкат) хўжалиги аъзоларининг, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг оилаларига, шунингдек қишлоқ жойларда яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига дехқон хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси, иморат ва ховли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда сугориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва сугорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва сахро минтақасида эса сугорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади.

Фуқароларга дехқон хўжалиги юритиш учун 0,06 гектар доирасида томорқа ер участкаларини мерос қилиб қолдириладиган ва умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ким ошди савдоси асосида реализация қилиниши мумкин.

Дехқон хўжалигига томорқа ер участкаси бериш тўғрисидаги қарор, дехқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор билан бир вақтда қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат) хўжалиги умумий мажлисининг, бошқа қишлоқ хўжалик корхонаси, муассасаси ва ташкилоти юқори бошқарув органининг, иш берувчисининг (маъмуриятининг) қарори асосида туман ҳокими томонидан қабул қилинади.

Янги ташкил этила, тган дехқон хўжалиги учун томорқа ер участкаси олиш ҳуқуқидан, мазкур жойда камида 3 йил мобайнида доимий яшаб кела, тган шахслар фойдаланадилар (янги ўзлаштирила, тган ер майдонлари бундан мустасно).

Дехқон хўжалигига ажратилган ернинг чегаралари натурада (жойнинг ўзида) ер тузиш хизмати органлари томонидан, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан расмийлаштирилади.

Томарқа ер участкасидан оқилона ва самарали фойдаланила, тган дехқон хўжалигига қишлоқ хўжалиги махсулоти етиштириш ва реализация қилиш, ем-хашак ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек яйлов яратиш учун қисқа муддатли ижарага, қўшимча равишда ер участкалари берилиши мумкин.

Фуқароларга дехқон хўжалиги юритиш учун ер бериш, ки ерни реализация қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», «Дехқон хўжалиги» тўғрисидаги ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Дехқон хўжалигига мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилишга берилган томарқа ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди – сотди, гаров, хадя, айрибошлаш объекти бўлиши мумкин эмас, аммо кредит олиш учун гаровга қўйилиши мумкин.

Дехқон хўжалигига берилган томарқа ер участкаси бўлиниши мумкин эмас. Томарқа ер участкасининг ўлчами ва чегаралари фақат дехқон хўжалиги бошлигининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Дехқон хўжалигига мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилган томарқа ер участкасидан фойдаланганлиги учун ҳақ, ер солиги тариқасида ундирилади.

Дехқон хўжаликлари учун сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлар томонидан белгиланади.

Дехқон хўжалигига берилладиган сувнинг сарфини ҳисобга олиш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тартиби, шунингдек мазкур солиқ бўйича имти, злар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Дехқон хўжалиги тадбиркорлик фаолиятининг субъекти тариқасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ❖ ўзига берилган томарқа ер участкасида дехқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиш;
- ❖ етиштирила, тган ва реализация қилина, тган махсулотга мустақил равишда баҳо белгилаш;
- ❖ ўзи етиштирган махсулотни, шу жумладан бу махсулотни истеъмолчиларга ўз хохиши бўйича реализация қилиш ҳуқуқини тасарруф этиш;
- ❖ харид этиладиган махсулотга, олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимларини тузиш;
- ❖ тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;
- ❖ қишлоқ хўжалиги махсулоти етиштирувчиларга сотиш учун ва эркин савдога мўлжалланган акцияларни сотиб олиш;
- ❖ ўз мол-мулкни, шунингдек томарқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан ким ошди савдоси асосида сотиб олинган ҳуқуқни гаровга қўйиш.

Дехқон хўжалиги қуйидагиларни бажариши шарт:

томарқа ер участкасидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш; табиий объект бўлмиш ерга зарар етказмаслик; томарқа ер участкасини асраш, унинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш юзасидан сарф харажатлар қилиш; янги берилган томарқа ер участкасини бир йил ичида фойдаланишга киритиш; агротехника талабларига, белгиланган режа, сақлаш вазифаси ва сервитутларга риоя этиш; дехқон хўжалигининг мажбуриятлари ва арзлари бўйича тўла жавобгар бўлиш; хўжалик аъзолари учун хавфсиз меҳнат шaroитини таъминлаш.

Дехқон хўжалиги бошлиги қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
деҳқон хўжалиги номидан ишончномасиз иш кўриш;  
юримдик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;  
ишончномалар бериш;  
банкда ҳисоб варақлар очиш.

Дехқон хўжалиги бошлиги дехқон хўжалигининг ҳамда унинг аъзоларининг манфаатлари ҳимоя қилиниши ва ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлаши лозим.

Дехқон хўжалиги бошлиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Дехқон хўжалиги аъзолари:

хўжалик аъзолари ўртасидаги шартнома шартларига кўра биргаликда ,ки яққа тартибда фойдаланиладиган даромаддан ўз улишини олиш;

давлат ижтимоий сугуртасидан ўтқазилиш ва ижтимоий таъминлаш, шунингдек товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириши учун дехқон хўжалигида сарфлаган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамгармасига бадаллар тўлаб борилган тақдирда, меҳнат стажига киритилиши ҳуқуқига эга.

Дехқон хўжалиги аъзолари дехқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятида шахсий меҳнати билан иштирок этиши шарт.

Дехқон хўжалиги: ўзига қарашли уй-жойлар, хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кучатзорлар, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллари, паррандалар, қишлоқ хўжалик техникаси, асбоб-ускуна ва аш,-анжомлар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектларига , шунингдек бошқа мол-мулкларга, ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотга, олинган даромадга (фойдага), қонунда тақиқланмаган асосларда эга бўлган бошқа мол-мулкка мулкдордир.

**Дехқон хўжалигининг ўзига қарашли мол-мулкка бўлган мулкий ҳуқуқи, давлат ҳимоясида бўлади.**

Дехқон хўжалигининг мол-мулкка эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва тасарруф этиши хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида амалга оширилади.

Дехқон хўжалиги мол-мулкни ҳосил қилиш, кўпайтириш, уни ижарага ,ки вақтинча фойдаланишга олиш ҳуқуқига эга.

Дехқон хўжалиги пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш ва бу маблағларни эркин тасарруф этиш учун банк муассасасида ҳисоб варақлари очиш ҳуқуқига эга. Дехқон хўжалигининг ҳисоб-китоб варағидан маблағларнинг фақат унинг розилиги, ки суднинг қарори билан ҳисобдан чиқариш мумкин.

Дехқон хўжалигининг мол-мулки фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ мерос қилиб қолдирилади. Хўжалиқда фаолиятини давом эттира, тган меросхўрлар, мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилгандагина давлатга бож тўлашдан озод этиладилар.

Дехқон хўжалиги ўз фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқариш таркиби ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Дехқон хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай тури, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шугулланишга ҳақли.

Дехқон хўжалиги ўзи етиштира, тган ва реализация қила, тган маҳсулот сифатига оид амалдаги норматив ва стандартларга, экология, санитарияга оид ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа талаб ва қоидаларга риоя этиши лозим.

Дехқон хўжалиқларининг ишлаб чиқариш-молия фаолиятларига давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг ҳамда мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди.

Юридик шахс тариқасида рўйхатга олинган дехқон хўжалиги ташқи иқтисодий фаолиятини бошқа шаклларда хўжалиқ юритувчи корхоналар билан тенг шартларда амалга оширади.

Дехқон хўжалигининг фаолияти, хўжалиқ аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Дехқон хўжалигидаги муайян ишни бажаришга, бошқа шахслар меҳнат шартномаси асосида вақтинча жалб этилиши мумкин.

Дехқон хўжалигининг аъзолари дехқон хўжалиги томонидан пенсия жамгармасига ихти, рий равишда бадаллар тўлаган тақдирда, давлат ижтимоий сугуртасидан ўтқазилиши лозим.

Дехқон хўжалигида ишлаган вақт, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича бадаллар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида, пенсия жамгармасининг туман бўлимида меҳнат дафтарчасида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳолда, меҳнат стажига қўшилади.

Дехқон хўжалиги аъзоларига ижтимоий сугурта бўйича давлат нафақалари ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

Дехқон хўжалиги ўзи етиштира, тган маҳсулотини реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ихти, рийлик асосида хўжалиқ шартномалари тузиш ҳуқуқига эга. Тарафлар шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда, қонун ҳужжатларида, ки шартномада белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Дехқон хўжалиги ўзи етиштиратиладиган махсулотга бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб, мустақил равишда баҳо белгилайди.

Дехқон хўжаликлари ихтирийлик асосида, шу жумладан улушли (пай) асосида махсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агроким, маслаҳат бериш йўсинидаги ва бошқа хил хизмат кўрсатиш бўйича кооперативларга(ширкатларга), жамиятларга, иттифоқларга, уюшмаларга ва бошқа бирлашмаларга бирлашиш, кириш ҳуқуқига эга.

Юридик шахс мақомига эга, ҳамда юридик шахс мақомига эга бўлмаган дехқон хўжалиги ер солиги, сув рурсурсларидан фойдаланганлиги учун солиқ ва мол - мулк солигини тўлайди.

Дехқон хўжалигидан ер солиги, томарқа ер участкасининг сифатига, жойлашган манзилига ва сув билан таъминланиш даражасига қараб, унинг кадастр баҳосини ҳисобга олган ҳолда белгиланган миқдорда ундирилади.

Биринчи марта томарқа ер участкаси олган дехқон хўжалиги, давлат рўйхатига олинган пайдан эътиборан икки йил муддатга ер солиги тўлашдан озод қилинади.

Юридик шахс мақомига эга бўлган дехқон хўжаликлари фаолиятларини амалга ошириш учун кредит олишлари, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва пул маблағларини ихтирийлик асосида ва шартнома шартларида, шу жумладан дехқон хўжаликларини кредитини узишнинг зарур гарови, сугурта ҳамда бошқа кафолатларни таъминлаган ҳолда имтизони кредитлашга жалб этилишлари, шунингдек хусусий, кичик тадбиркорлик учун белгиланган имтизони барча турларидан фойданишлари мумкин.

Дехқон хўжалигида ишлаб чиқариш ахамиятига молик объектлар қурилиши, асосий ишлаб чиқариш воситаларини харид этиш учун узок муддатли кредитлар ва жорий ишлаб чиқариш фаолияти учун қисқа муддатли кредитлашни, кредит шартномаси асосида амалга оширадилар.

Дехқон хўжалиги ўзига қарашли ва ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларнинг, қишлоқ хўжалиги экинзорларнинг (кўчатзорларнинг) кўп йиллик дов-дарахтларнинг, етиштирилган махсулотнинг, хом-ашнинг, материалларнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чикиши, ки шикастланиш хавфини, тадбиркорлик хавфини шунингдек шартномаларни бузганлик учун ўзининг жавобгарлик хавфини ихтирийлик асосида сугурта қилдиради, ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда сугурта тавони олади.

Давлат, қишлоқ хўжалиги махсулоти етиштириш ва уни реализация қилиш билан шугулланувчи дехқон хўжаликларининг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатларини химоя қилишини кафолатлайди. Давлат органлари дехқон хўжалигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашадилар.

**Дехқон хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини химоя қилиш Ўзбекистон Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда уларнинг жойлардаги ҳудудий органлари тамонидан амалга оширилади.**

Қишлоқ хўжалик кооператив(ширкат) хўжаликлари ва фуқароларнинг ўзи-ўзини бошқариш органлари, дехқон хўжалигига берилган ерлардан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширадилар ҳамда ердан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрадилар.

## **2.5. Ижара хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий асослари**

Бозор иқтисоди, ти шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарида ички имкониятлардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун янги хўжалик юритиш механизмларини жорий этиш талаб этилади. Ана шундай корхоналар ички потенциалини ишга солувчи ва ишлаб чиқаришни жадаллаштирувчи механизмлардан бири бу - ишлаб чиқаришга кенг жорий этилиши лозим бўлган ижара муносабатларидир.

Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз қишлоқда мавжуд бўлган 60 фоиздан ортиқ аҳолининг, 40 фоиз меҳнатга яроқли бўлган ишчи кучларидан тўғри ва мақсадга мувофиқ фойдаланишга катта имкон очиб берадиган ижара муносабатларини мумкин қадар кенг ривожлантиришга, ҳамда иқтисодий муносабатларни қайта қуришга катта эътибор билан қарамокда.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалик корхоналари тамонидан етиштирила, тган маҳсулотлар, уларнинг миқдори, сифати ва таннарни ва бу маҳсулотларни сотишдан тушадиган пул даромадлари хўжаликлар ишлаб чиқаришини кенгайтириш ҳамда рентабеллигини оширишда, шу билан бирга аҳолининг ўсиб бора, тган эҳти, жларини қондиришга тўлалигича жавоб берма, тир. Натижада қишлоқ хўжалик ходимларининг ишлаб чиқаришга бўлган муносабатлари ва уларнинг моддий манфаатдорликлари йилдан-йилга пасайиб кетмокда, кўпчилик корхоналар эса иқтисодий жихатдан зарар кўриб инқирозга юз тутмокдалар.

Ана шундай мураккаб бир шароитда қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун ташкилий иш усулларини такомиллаштириш меҳнатни хўжалик юритишнинг янги иқтисодий механизмларга мос келадиган ҳолида уюштириш давр талаби бўлиб колмокда.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини бозор иқтисоди талаблари асосида ривожлантириш учун хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш, тўлиқ хўжалик ҳисоби муносабатларини янада кенг ривожлантириш, корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, бошқарувнинг демократик шаклларини, яъни ижарачи ўз жамоасини ўзи бошқаришини кенг жорий этиш, ташкилий механизмларни, шу жумладан

мехнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг ижара ва оила муносабатларини турли усулларини ишлаб чиқаришга жорий этишни тубдан янгилаш лозим.

Ижара муносабатлари деб, ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини маълум муддатга ва тўлов асосида фойдаланиб туриш билан боглиқ бўлган шартнома асосида тузиладиган иқтисодий муносабатларга айтилади.

Ижара пудратида хар бир ижарачи ўз хохиши билан ижарага олган мол-мулкидан ва хусусан ердан унумли фойдаланиш мақсадида, унинг хосилдорлигини кўтаришга, чорва махсулдорлигини оширишга барча назарий ва амалий тадбирлардан кенг фойдаланишга интилади. Таъкидлаш жоизки, барча ижарачилар ўзларининг бажаратган ишлари ва хизматлари эвазига пировардида қандай моддий манфаатдор бўлиши мумкинлигини олдиндан била оладилар. Шунинг учун махсулот миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва арзонлаштириш учун қўлларидан келадиган барча ишларни, билимлари, омилкорликларини ва ташаббусларини ишга соладилар. Бу эса ўз навбатида ижарачилар жамоаларида мехнат унумдорлигини ошишга, иш ҳақини кўпайишига ва ишлаб чиқариш рентабеллигини ўсишга олиб келади.

Ижара муносабатларини жорий этишда қуйидаги ташкилий тамойилларга амал қилиш талаб этилади:

- ❖ хар бир ижарачи ўз ихтиёри билан гуруҳ ,ки жамоа муносабатларига қўшилиб шартнома асосида иш юритиш;
- ❖ бизнес режа тузиш ва ишлаб чиқариш-молия муносабатларини юритишда иқтисодий мустақиллик;
- ❖ шартномага асосланган холда хар бир ходимининг йил давомида иш билан банд бўлишини ва ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишига эришишни таъминлаш;
- ❖ ер ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларини асраш ва фойдаланишда моддий жавобгарлик ҳамда манфаатдорликни амалга ошириш;
- ❖ ишлаб чиқаришга инвестицияларни кенг жалб этиш асосида янги технологияларни жорий этиб, экспортбоп товар махсулотлари ишлаб чиқариш;
- ❖ пировард натижага кўра хар бир ижарачини ўз иши якунига яраша моддий рағбатлантириш.

Амали,тда ижара муносабатлари «тик» ва «,тик» йўналишларда «эркин» ва «чегараланган» шаклларда ривожлантирилмоқда. «Тик» йўналиш қуйи корхоналарни юқори корхоналарга бўйсунитишга асосланади. Масалан алоҳида олинган ижарачиларни гуруҳга, гуруҳни ижарачилар жамоасига, жамоани эса ишлаб чиқариш муносабатлари олиб боришда корхонага бўйсунитиш ва х.к. «,тик» йўналишда эса ижара муносабатларига қатнашган барча корхоналар ва ижарачилар тенг ҳуқуқли иш юритиши, бир-бири билан ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларни «олди-сотди» шартлари асосида амалга оширилиши кўзда тутилади. «Эркин» ишлаб чиқариш муносабатида ер ва бошқа ишлаб

**чиқариш воситаларидан фойдаланиш ва даромад олиш чекланмаган бўлади. «Чегараланган» ижарада ижарачининг фаолияти маълум мақсадга қаратилади, холос.**

**Ташкилий муносабатларнинг шаклланишга қараб ижара муносабатлари, тўловлари ва махсулотлар реализацияси бўйича қуйидагича табақаланади:**

1. Ташкилий омилларга асосан ижарачилар уч табақага бўлинади:
  - а) якка ижарачилар;
  - б) оилавий ижарачилар;
  - в) гуруҳ ,ки жамоа кўринишидаги ижарачилар.
2. Ижара ҳақи тўлаш бўйича ижарачилар тўрт табақага бўлинади:
  - а) олдиндан белгилаб қўйилган ижара тўловлари;
  - б) ҳисоб баҳоси билан сотиш баҳоси ўртасидаги фарқдан ташкил топадиган ижара тўловлари;
  - в) товар махсулотини реализация қилишдан тушадиган пулдан олинadиган ижара тўловлари;
  - г) натура холида тўланадиган (махсулот билан) ижара ҳақлари.
3. Махсулотларни реализация қилиш бўйича ижарачилар уч табақага бўлинадилар:
  - а) корхонанинг буюртмаси бўйича тай,рланган махсулотларни ички ҳисоб баҳоси билан, ортиқча махсулотларни эса эркин нархда сотувчи;
  - б) корхонанинг буюртмаси бўйича тай,рланган махсулотларни харид қилиш баҳоси билан, ортиқча махсулотни эркин нархда сотувчи;
  - в) барча етиштирилган махсулотларни эркин баҳода сотувчи ижарачиларга бўлинади.

Корхона билан ижарачи ўртасидаги иқтисодий муносабатларга кўра ижара уч шаклга бўлинади:

1.Ички хўжалик ижараси – ижарачининг ишлаб чиқариш дастури корхона томонидан тузилади ва унинг бажарилиши назорат этилади. Шунинг учун ижарачи корхонага доимий қарам бўлади. Бунга жамоа ва оилавий ижарачилар ўтқазилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Умум хўжалик асосидаги ижара – ижарачига корхона фақатгина ерни эмас, балки бошқа турдаги ишлаб чиқариш воситаларини ҳам беради. Бу усулда ижарачининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш муносабатлари анча кенгайди, у фақатгина ерга ишлов бериш /чорвага қараш/ билан чегараланмай, балки ишлаб чиқариш таркибини, деҳқончилик ва чорвачиликни юритиш тизимларини, моддий техника таъминоти ва агрозооветсервис хизматлари, олган даромадини тармоқларга тақсимлаш каби фаолиятлар билан ҳам шугулланади.

3. Ташкилий хўжалик ижараси – шаклида асосан мустақил фермер хўжаликлари фаолият курсатадилар. Бунда фермерлар қишлоқ хўжалик корхоналари таркибидан ажралиб чиқиб кетиб, ўзича мустақил хўжалик сифатида иш юритадилар. Бундай усулда ижарага чорва моллари, узумзорлар,

боғлар, сабзавот ва полиз махсулотлари етиштириш ва хар хил навдаги ва турдаги уругликлар етқазиб беришга ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳамда иссиқхоналар киритилиши мумкин.

Ижара муносабатларини қонуний жихатдан ўзида акс эттирувчи хужжат шартнома ҳисоблананди. Шартнома корхона ва ижарачилар ўртасидаги икки томонлама ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзида ифодаловчи хужжатдир. Шартнома хар иккала томондан тасдиқлангандан кейингина кучга киради. Ижара қисқа ва узок муддатли бўлиши мумкин. Қисқа муддатлиси 1 йилдан 5 йилгача, узок муддатлиси 5 йилдан ортиқ вақтни ўз ичига олади. Шартномада ижарачининг барча хўжалик ва иқтисодий фаолияти илмий ва қонуний асосда ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни янада ривожлантириш мақсадида давлат корхоналарини ижара корхоналарига айлантириш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Бу қарорга асосан хоҳлаган корхонани ижара корхонасига айлантириш мумкин. Бунинг учун корхонада аввалдан ишлаб келатган меҳнаткашлар жамоаси уни ижарага олиб, ишлаш истагини билдириб, туман ҳокимлиги билан шартнома тузади ва у имзолангандан кейин қонуний кучга киради. Шартномага асосан давлат корхонасида мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш воситалари ижарага берилади. Уларнинг қайси турларини ва миқдорини ижарага олиш-олмасликни ижарачилар хал киладилар.

Ижарага олинган корхоналар, бозор иқтисодиети қонун-қоидалари бўйича ривожлантирилиб, ўз-ўзини бошқариш, демократия, ошқоралик, барча масалаларни биргаликда хал қилиш асосида бошқарилади. Ижара корхонаси ўзи ижарага олган ишлаб чиқариш ресурсларини сотиш, айирбошлаш, бошқа ижарачиларга фойдаланишга бериш, уларни янгилаш, кенгайтириш ҳуқуқига эга. Ижарага олувчи шартномада кўзда тутилган махсулотларни ўз вақтида сифатли қилиб етқазиб бериши шарт.

Ижара корхоналарининг мулки уларда ишлаб чиқарилган барча турдаги махсулотлар, даромадлар, ишлаб чиқариш ресурслари, фойда ҳисобига олинган воситалардан ташкил топади.

Ижара корхонаси маблағларидан моддий харажатлар, иш хақи сарфи, солиқлар, ижара хақи, сугурта тўловлари, меҳнат ва табиий ресурслар учун сарфланган харажатлар (нафақалар, атроф муҳитни соғломлаштириш), кредит учун тўланадиган фоизлар ва бошқа сарфлар чиқариб ташланади. Қолган қисми ижара корхонасининг фойдаси ҳисобланади.

Ижара корхонаси қўшимча маблағ топиш мақсадида қимматбаҳо қоғозлар, бирор мақсадни ўзида акс эттирувчи заҳмлар чиқариши ҳамда ўзида вақтинча бўш қолган маблағларни бошқа корхоналарга қарзга бериши мумкин. Ижара корхонаси мустақил равишда ўзига керак бўлган ишчи кучини жаллаш ва ишдан бушатиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзига мақбул бўлган усулларини қўллаш, иш куни тартибини ўрнатиш, дам олиш ва таътиллар бериш

тартибларини белгилаш ҳуқуқларига эга. Ижара корхонаси ўз даромадидан ижтимоий сугурта фондига белгиланган миқдорда пул ажратиши зарур.

### **Тест – рейтинг саволлари:**

- **Қишлоқ хўжалик корхоналарининг аграр саноат мажмуидаги ўрни ва моҳияти.**
- Қишлоқ хўжалик корхонаси деб нимага айтилади.
- Қишлоқ хўжалик корхоналарининг турлари.
- Қишлоқ хўжалик корхоналарини тузиш тамойиллари.
- Ширкат хўжалиги деб нимага айтилади.
- Ширкат хўжаликларини тузишдан кўзда тутилган мақсад.
- Ширкат хўжаликларининг вазифалари.
- Ширкат хўжаликларининг фаолият доираси нималардан иборат.
- Ширкат хўжаликларини тузиш тамойиллари.
- Ширкат хўжаликларида мулкӣ пай миқдорини аниқлаш усули .
- Ширкат хўжалигининг мол-мулкни хажми қандай аниқланади.
- Ширкат хўжаликларида устав жамгармаси қандай тузилади ва улардан фойдаланиш қоидалари.
- Ширкат хўжалиги аъзоларига мулкӣ пай ва дивидент қандай тақсимланади.
- Мулкӣ пайни сотиш, сотиб олиш ва уни мерос қилиб колдириш.
- Ширкат хўжалиги қандай бошқарилади.
- Ширкат хўжалигига аъзо бўлиш ва ундан чиқиш тартиби.
- Ширкат хўжалиги давлат руйхатидан қандай ўтказилади.
- Ширкат хўжаликлари Ўзбекистон Републикаси Президентининг қайси фармонлари, Вазирлар Махкамасининг қайси қарорлари ва бошқа қанақа меъ,рий хужжатлар асосида ташкил этилган.
- Фермер хўжаликлари деб қандай хўжаликларга айтилади.
- Фермер хўжаликларини ташкил этиш тамойиллари .
- Фермер хўжаликлари Ўзбекистон Републикаси Президентининг қайси фармонлари, Вазирлар Махкамасининг қайси қарорлари ва бошқа қанақа меъ,рий хужжатлар асосида ташкил этилган.
- Фермер хўжаликларининг низомининг қисқача мазмунини тушунтиринг
- Фермер хўжаликларини тузишдан мақсад нима.
- Фермер хўжаликларининг вазифалари.
- Фермер хўжаликларининг фаолият доирасига нималар киради.
- Фермер хўжаликлари қандай тузилади.
- Фермер хўжаликлари аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари нималардан иборат.
- Фермер хўжалигини бошқариш.

- Фермер хўжаликларини ташкил этиш шартлари.
- Фермер хўжаликларининг мол-мулкка бўлган ҳуқуқи .
- Фермер хўжаликларининг маблағлари ва ҳисоб- китоблари.
- Фермер хўжаликларида ердан фойдаланиш.
- Фермер хўжаликларига бериладиган имти, злар нимадан иборат.
- Фермер хўжаликлари қандай ерларда тузилади.
- Фермер хўжаликларида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш қандай амалга оширилади.
- Фермер хўжалигини тугатиш шартлари.
- Фермер хўжалигини тугатиш тартиби.
- Дехқон хўжаликларини таърифланг.
- Дехқон хўжалигини тузишдан мақсад ва унинг вазифалари.
- Дехқон хўжаликларини руйхатга олиш.
- Дехқон хўжалиги аъзолари.
- Дехқон хўжалиги қандай бошқарилади.
- Дехқон хўжалигини ташкил этиш тартиби.
- Дехқон хўжаликлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайси фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қайси қарорлари ва бошқа қанақа меъ, рий ҳужжатлар асосида ташкил этилган.
- Дехқон хўжаликларига ер бериш ва ундан фойдаланиш тартиби.
- Дехқон хўжаликларида ер участкасидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ.
- Дехқон хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
- Дехқон хўжалиги бошлигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
- Дехқон хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
- Дехқон хўжалигининг мол-мулки.
- Дехқон хўжалигининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари.
- Дехқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти .
- Дехқон хўжалигида меҳнат ва унга ҳақ тўлаш.
- Дехқон хўжаликларида маҳсулотни реализация қилиш тартиби.
- Дехқон хўжалигига солиқ солиш.
- Дехқон хўжалигини кредитлаш ва сугурталаш.
- Дехқон хўжалигига давлат , рдами ва бошқа тарзда уларни қўллаб-қувватлаш.

3-боб. Қишлоқ хўжалик корхоналарида хўжалик юритиш тизими.

### **3.1. Хўжалик юритиш тизимининг тушунчаси ва мазмуни**

Бозор иқтисоди,ти қонун-қоидалари ўзига хос ва мос қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тизимини яратади. Бу тизим бозор иқтисоди,ти шароитида ишлаб чиқариш мунособатлари характерини ўзида ифода этади.

Қишлоқ хўжалигини юритиш тизими қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш мунособатларидан ташкил топган бўлиб, бу мунособатлар ерга ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик шаклини, шахс, жамоалар ва давлат ўртасидаги иқтисодий мунособатларни, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тақсимлаш, айирбошлаш ва уларни ўзлаштириш характери, ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг ташкилий хўжалик шакллари ифодалайди.

Қишлоқ хўжалигини юритиш тизими бозор тизимининг иқтисодий қонунларини чуқур билиш, уларнинг қишлоқ хўжалигида амал қилиши учун зарур шарт - шароитларни яратиш заминида ривожлана боради.

Янги хўжалик юритиш тизимини жорий этишда унинг қўйидаги устунлик томонларига эътиборни қаратиш лозим:

- ❖ ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулк шаклига айланишига;
- ❖ мулкчиликнинг кўп укладли шаклига (хусусий, жамоалар ва давлат мулки);
- ❖ ишлаб чиқаришнинг мукамал техника ва юксак технологияга асосланишига;
- ❖ малакали меҳнатни чекланган ресурсга айланишига ва меҳнат турлари танланишига;
- ❖ халқ истеъмолчини қондирувчи соҳа, қишлоқ хўжалик тармоқларининг устувор ривожланишига;
- ❖ майда бизнес ва тадбиркорликнинг гуркираб, тез суръатлар билан ривожланишига;
- ❖ даромадлар ишлаб чиқаришнинг ўзида тақсимланиб, юқори даражада иш ҳақи берилишини ўзига хос хусусиятларига;
- ❖ ишлаб чиқариш ва самарадорлик кўрсаткичларини янада юқори поғонага кўтарилишига ҳамда оммавий фаравонлик юксалишига;
- ❖ миллий бойлик таркибида аҳоли мол-мулки хиссасининг ортиб боришига;

Янги қишлоқ хўжалик юритиш тизимининг бу хусусиятлари ва афзалликлари унинг бошқа социалистик, капиталистик сингари қишлоқ хўжалик юритиш тизимларидан тубдан фарқ қилишини кўрсатади.

Аҳолининг моддий фаравонлигини кўтариш ва бозорни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдиришни кескин яхшилаш учун қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини. илмий жихатдан асосланган хўжалик юритиш тизимига ўтказиш шу куннинг долзарб муаммоларидан хисобланади.

Хўжалик юритиш тизими деб, жамиятни талаб даражасидаги арзон, сифатли ва рақобатбардош қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида, аниқ йўналтирилган ва ишлаб чиқаришни олиб боришда

қўлланиладиган бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирини тўлдирадиган ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, технологик ва техникавий тадбирийд чоралар мажмуига айтилади.

«Тизим» деганда бир неча қисмдан иборат бўлган ва бир жойга тўпланган тузилма, ки тадбирлар йигиндиси тушунилади.

Хўжалик юритиш тизими қаерда, қайси даражада қўлланилишига қараб қўйидагича туркумланади:

- ❖ минтақавий-тизим-мамлакат, худуд, вилоят, туман ва корхона даражасида;
- ❖ тармоқлар даражасида- дехқончилик, чорвачилик, хизмат курсатиш ва ,рдамчи тармоқлар бўйича;
- ❖ технологик омиллар даражасида- машиналар тизими, ўғит тизими, иш хақи тизими, ем-хашак тизими ва х.к.
- ❖ корхонани ташкил этувчи таркибий тамойиллар бўйича - ишлаб чиқариш, ташкилий таркиб, ижтимоий ва х.к.

Хўжалик юритиш тизими қайси даражада бўлмасин, корхонадан минтақагача бир хил, бир-бирига ўхшовчи мақсад ва вазифаларга асосланади.

Янги тизимни жорий этишдан мақсад ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириб, самарадорлигини юксалтириш асосида бозорни қишлоқ хўжалик махсулотларига тўлдириб, чекланмаган миқдорда фойда олишдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, хўжалик юритишнинг барча ҳолатларида уни олиб боришнинг мақсадга мувофиқлиги, яъни иқтисодий жихатдан фойдали бўлиши таъминланиши керак. Тизимни самарали юритиш учун қўйидаги асосий вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқдир:

- ❖ шартнома ва буюртма курсатгичларини сўзсиз бажариш;
- ❖ ихтисослаштиришни чуқурлаштириш ва мақсадга мувофиқ хажм кўрсаткичларга асосланиш;
- ❖ саноат асосларини, илгор ва тежамкор технология ва техникани жорий этиш, қишлоққа саноатни олиб кириш;
- ❖ тизимни барқарор юритиш;
- ❖ тармоқлар ва бўлинмалар ўртасида мустахкам ва мақсадга мувофиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар ва алоқаларни ўрнатиш;
- ❖ ишлаб чиқаришнинг барча имкониятларидан (ер, ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат ресурслари, яъни ресурс потенциалидан) тўлиқ ва самарали фойдаланишни таъминлаш;
- ❖ йил давомида меҳнат ресурсларини бир текис ва тўлиқ банд қилиш, меҳнат мавсумийлигини бартараф этиш;
- ❖ кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун етарли даражада жамгармага эга бўлиш;
- ❖ сарфланган маблағларнинг айланиш тезлигини ошириш ва йил давомида деярли бир хил пул тушумини таъминлаш;

Аниқ корхона бўйича хўжалик юритиш тизимини илмий жихатдан асослашда унинг ташкилий ва ишлаб чиқариш таркибини самарали шакллари белгилаб олиш шарт:

- Корхонада шаклланган тармоқларни сақлаб қолган ҳолда, уларнинг сифат кўрсаткичларини ўзгартириш (яъни ишлаб чиқаришга янги, илгор техника ва технологияни, махсулдор мол зотларини ва экинларининг янги навини жорий этиш натижасида махсулотлар сифатини яхшилашга эришиш);
- Тармоқларнинг миқдорий ва таркибий унсурларини ўзгартириб, уларнинг сифатини бир маромда сақлаб қолиш, яъни корхонада ишлаб чиқариш йўналишини ўзгартириш асосида, асосий ва айланма воситалар мутаносиблигини, иш кучи таркибини, экин майдонлари миқдорини ва х.к. ўзгартириш йўли билан;
- Корхонада тармоқлар миқдори ва сифатини нисбий ўзгартириш йўли билан, яъни корхонада ишлаб чиқариш йўналишининг характери ва даражасини ҳамда қишлоқ хўжалик махсулотлари ишлаб чиқариш таркибини сезиларли даражада ўзгартириш йўли билан самарали ташкилий ва ишлаб чиқариш таркибига эга бўлиш мумкин.

Амалда, ҳар бир корхона учун хўжалик юритиш тизими алоҳида ишлаб чиқилади. Бунинг учун илмий тадқиқот институтлари тавсияларидан маълумотлари ва илгор хўжаликлар тажрибасидан кенг равишда фойдаланилади. Миқдорий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини режалаштириш меъ,рлари ва мезон кўрсаткичлари кенг ишлатилади.

Хўжалик юритишнинг умумий услубий қизилмаси ва кетма-кет бажарилиши қўйидагича амалга оширилади:

- бозор ишлаб чиқариш шароитида корхона фаолиятининг тахлили ва истиқболда уни ривожлантириш концепцияси аниқланади;
- корхонанинг ишлаб чиқариш йўналишини белгилаш; ички хўжалик ихтисослашиши, концентрацияси ва ишлаб чиқариш интеграцияси режалаштирилади;
- дехқончилик, чорвачилик ва ем-хашак ишлаб чиқариш тизимлари аниқланади;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш, электрлаштириш ва автоматлаштириш тизими ишлаб чиқилади;
- қишлоқ хўжалик махсулотларини хўжаликнинг ўз саноат корхоналарида қайта ишлаш, сақлаш, хизмат қилиш тизими ва ,рдамчи саноат ишлаб чиқариши белгилаб олинади;
- меҳнат мувозанатини ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш ҳамда меҳнат муҳофазаси режалаштирилади;
- ташкилий ишлаб чиқариш таркиблари ва ишлаб чиқаришни бошқариш аниқланади;
- ижтимоий тараққи,т режалаштирилади;

- аҳолининг шахсий томарқа хўжалигини ривожлантириш;
- ташки мухитни муҳофазаси;
- капитал қурилишларга бўлган талаб;
- хўжалик юритиш тизимининг иқтисодий самарадорлиги ва х.к. лар белгилаб олинади.

Юқорида қайд қилинган масалаларнинг мураккаблигини ҳисобга олиб ва уларнинг ечими узоқ муддат талаб қилиши сабабли, бу муаммоларни ҳал этишда иқтисодий математик усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Хўжалик юритиш тизими, бўйича уни ишлаб чиқиш тажрибаси шуни кўрсатадики, лойихалаштиришнинг биринчи даврида, туманда хўжаликлараро ташкилий-технологик алоқаларни ўрнатиш учун тизимнинг мақсадга мувофиқ лойихаси тузилиши лозим, сўнгра ҳар бир фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш таркиби мувофиқлаштирилади. Бундай ҳаракат корхона ва фермер хўжаликларнинг истиқболдаги ижтимоий таркибларини ва улар учун керакли капитал қуйилмалар ҳажмини аниқ белгилаш имконини беради.

Ташкилий таркиби мураккаб бўлган, қишлоқ хўжалик корхоналарида, хўжалик юритиш тизимини асослашни бирламчи ишлаб чиқариш бўлинмалари-оила (жамоа) пудрати, фермерлар ва ижарачилар жамоаларидан бошлаш керак.

Шу сабабли иқтисодий ахборот тўплашда кўп миқдорда мустақил ҳисоб-китоблар пайдо бўлади ва улар иқтисодий-математик топшириқлар тизимини ташкил этади. Буларнинг ечимини топишда кетма-кет ечиш усулидан фойдаланиш хўжалик юритиш тизимини тараққи, т режаларини аниқ тузишга ,рдамлашади.

Лойихалаштириладиган хўжалик юритиш тизими илгор фан-техника тараққи, тига асосланган бўлиб, ўзида илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари олимлари ишлаб чиққан энг янги тавсиялар ва илгорлар тажрибасини акс эттириши лозим.

Хўжалик юритиш тизимини режалаштирувчи хайъат тузилиб, уни корхона раҳбари бошқаради. Тузилган лойиха корхона жамоаси йигилишида муҳокама этилиб, тасдиқланади. Қишлоқ хўжалигида янги тизимни жорий этишда катта эътиборни дехқончилик ва чорвачиликни юритиш тизимларига қаратиш талаб этилади.

### **3.2. Дехқончиликда хўжалик юритиш тизими**

Дехқончилик тармоғи олдидаги вазифаларни бажариш учун уни барқарор ривожлантириш ва самарадорлигини ўстириш, махсулот сифатини доимо яхшилаб, рақобатбардош қилиб бориш мақсадида, хўжалик юритишнинг такомиллашган, илмий жихатдан асосланган тизимини жорий қилишни тақозо этади.

Дехқончилик тизими деб, ҳар бир гектар ернинг тупроқ унумдорлигини ошириб, кўпроқ сифатли, арзон ва рақобатга чидайдиган товар махсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилган, ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирадиган

ташкилий-иқтисодий, техникавий ва агротехник тадбирлар йигиндисига айтилади.

Дехқончилик тизимининг асосини дехқончилик технологияси, яъни агротехникаси ташкил этади. Бу тизим тупроқ унумдорлигини сақлаш ва яхшилаш соҳасидаги агротехник тадбирларнинг йигиндисидан иборат бўлиб, парвариш қилина, тган экинлар хусусиятига мувофиқ келиши, уларнинг ўсиши ва ривожланишига кўмаклашиши ва пировард натижада юқори сифатли ва арзон маҳсулотлар етиштиришни таъминлаши керак. Хар бир табиий, иқтисодий ва хўжалик шароитларига мувофиқ келадиган дехқончилик тизими ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишига, яъни янги техника, химиявий воситалар, экинларга ишлов беришнинг янги технологияси ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг такомиллашувига қараб доим ўзгариб ва тараққий этиб бораверади.

Дехқончилик тизими таркибига қўйидаги тадбирлар киради:

- барча ер майдонларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш;
- ер майдонларини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш, алмашлаб экишнинг тўғри тизимини жорий этиш ва ўзлаштириш;
- сугориш ва ўрмончилик тизимлари тадбирларини жорий этиш;
- тупроққа ишлов бериш ва янги ишлаб чиқариш технологияси тизимларини ўзлаштириш;
- уругчиликни ва ўғитлаш тизимларини йўлга қўйиш;
- жорий қилинган технологияга тўғри келадиган машиналар тизимини ишлаб чиқаришга тадбир этиш;
- ўсимликларни зараркунандалар ва касалликлардан химоя қилиш;
- ташкилий-иқтисодий тадбирлар тизими (меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш, маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш, режалаштириш, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва х.к.).

Юқорида қайд қилиб ўтилган барча тадбирлар бир-бири билан узвий боғланса ва корхонанинг табиий-иклим шароитига мос келсагина тупроқ хосилдорлигини ошириш тўла таъминланади.

Республикада пахта якка хокимлигига тамоман барҳам берилиб, унинг илмий асосланган ва амалда исбот этилган кўп хосилли тизим қарор топди.

Шу ўринда гўза хосилдан сўнг, кузги бошоқли дон экинлари ва улардан сўнг эса такрорий оралиқ ва ангиз экинлари экилиши одат бўлмоқда. Шу тарика икки ва баъзи ҳолларда уч хосилли тизим илмий муассасалар томонидан ўрганилиб, амалий жихатдан қўлланилиши учун муайян шароитлар юзага келмоқда.

Дехқончилик тизимининг истиқболлини белгиловчи агротехник чора-тадбирлар мажмуасида республикада илмий салоҳиятидан, уларнинг ишланма ва тавсияларидан, дехқонлар маслаҳатидан кенг равишда фойдаланиш назарда

тутилади. Бу нафақат хосилдорликнинг 1,5-2 хисса ўсишига, шунингдек тупроқ унумдорлигининг ортишига ҳам асос бўлади.

Дехқончилик тизимини ривожлантириш истиқболини белгиловчи агротехник чора-тадбирлар мажмуаси қуйидагиларни ўз ичига олади.

Ердан оқилона фойдаланишни ва тупроқ унумдорлигини таъминлаш борасидаги тадбирлар мажмуаси:

а) Тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича тадбирлар:

- барча хайдаладиган ерларнинг тупроқ сифатини баҳолаш (бонитетлаш);
- қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар ишлаб чиқариш хажмини ва уларни сотишни кўпайтириш;
- сугориладиган ерларда экинларни навбатлаб экишни жорий қилиш;
- пахтачилик мажмуасида-пахта-бошокли дон экинлари-беда; шолчилик мажмуасида-шоли-беда-бошокли дон экинлари ва мелиоратив майдонлар колдириш; сабзавотчилик мажмуасида-сабзавот-полиэ экинлари-картошка-беда-бошокли дон экинлари:
- дон экинларининг бир далада икки йилдан ортиқ жойлаштирилишига йўл қўйилмайди. Лалмикор ерларда тоза шудгорга ажратилган ер майдонининг - 25-30 фоизи ва бедапоёни -10 фоиз бўлган 5-6 далали галла ва қатор ораларига ишлов бериладиган экинларни алмашлаб экишни жорий қилиш назарда тутилади;
- барча ер эгаларини ва ердан фойдаланувчиларни янгиланган тупроқ хариталари ҳамда агроким, вий хаританомалари билан таъминлаш.

б) Ердан фойдаланиш ва ернинг сифатини аниқлаш ҳамда баҳолашни тартибга солиш чора-тадбирлари:

- ер муносабатлари ва ер тузишни тартибга солиш;
- ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи зарурий юридик ҳужжатлар билан таъминлаш;
- ер эрозиясига қарши кураш ишлари ва ерларни рекультивация қилиш;
- янги ихота ўрмонзорларини ташкил этиш;
- яйловлар ҳолатини яхшилаш.

в) Экин майдонлари таркибини мақобиллаштириш ва қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришнинг ихтисослаштириш тадбири чоралари:

- ❖ янги ерларни ўзлаштириш, ноқишлоқ хўжалик эҳтижларига ажратиладиган ерлар ўрнини қопланишини таъминлайдиган миқдорда амалга оширилиши;
- ❖ пахта майдонларини-1,5 млн. гектар, кузги бошокли дон экинлари майдонини-1 млн. гектар, шоли майдонини-137 минг гектар миқдорда сақлаб қолиниши;
- ❖ силос учун маккажўхорини, асосан кузги бошокли дон экинларидан кейин такрорий экин сифатида жойлаштириш;
- ❖ минтақавий ихтисослаштиришни ҳисобга олган ҳолда туманлар ва хўжаликлар бўйича экинлар таркибини ўзгартиришга йўл қўйиш.

- г) Ноанъанавий қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш тадбирлари:
- шўрга чидамли ер ,нгоқ, нўхат, амарант, кунгабоқар етиштириладиган майдонларни кенгайтирилиши;
  - сув билан кам таъминланган ва лалми ерларда ,гли экинлар (махсар ва зигир) ва папая (қовун дарахти) майдонларини кўпайтириш;
  - пахта мажмуасида такрор экиладиган ерларга соя, кунгабоқар, кунжут, дон ва силос учун маказхўхори, тарик етиштириш;
  - оралик экин майдонларини кенгайтириш;
  - ноанъанавий экинлар уругини етиштириш билан шугулланадиган махсус хўжаликларни ташкил этиш.

д) Селекция ва уругчилик бўйича тадбирлар мажмуаси

- махаллий селекция ва уругчиликни ривожлантириш;
- экинлар уругчилигининг бошқарув тизимини такомиллаштириш ва қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш.

Хар хил табиий-иқтисодий ва хўжалик юритиш шароитларига мувофиқ келадиган деҳқончилик тизимлари, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишига мос келиши, яъни техника ва химиявий воситалар, экинларга ишлов бериш технологияси, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг такомиллашувига қараб доимо ўзгариб, такомиллашиб ва тараққий этиб бораверади.

### **3.3. Чорвачиликда хўжалик юритиш тизими**

Чорвачилик тизими дейилганда чорва моллари сонини ўстириш ва махсулдорлигини мунтазам ошириб бориш ҳамда махсулот бирлигига қилинадиган харажатларни камайтириш, умуман чорва ва чорвачилик воситаларидан мақсадда мувофиқ фойдаланиш орқали, уни энг самарали тармоққа айлантиришни таъминлайдиган ташкилий-иқтисодий, технологик ва техникавий тадбирлар йигиндиси тушунилади.

Чорвачиликнинг у ,ки бу тармогини мамлакатнинг айрим туманлари ва минтақаларида жойлаштириш тасодифий бўлмай, балки махаллий шарт-шароитлар, аҳоли эhti,жларини кондириш ҳамда махсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан белгиланади. Мамлакатнинг турли туманлари ва минтақаларидаги табиий-иқтисодий хусусиятлар, ем-хашак етиштириш ва ундан фойдаланиш шароитлари ҳисобга олингани ҳолда, чорвачилик юритишнинг турли минтақа ва махаллий тизимлари мавжуд бўлади. Чорвачиликни юритиш тизимлари ва ,з пайтларида асраш ва боқиш усуллари, ем-хашак етиштириш манбалари, тармоқнинг жадаллашганлиги, 1 бош чорва моли ва 1 гектар ем-хашак майдонига қилинадиган меҳнат ва маблағ харажатлари даражаси ҳамда 100 гектар ер майдони ҳисобига етиштириладиган чорва махсулот миқдори билан фарқланади.

Чорва молларини асраш ва боқиш, ем-хашак етиштириш ва ундан самарали фойдаланиш хусусиятларига кўра чорвачиликни юритиш тизими

яйлов, яйлов -ўтлоқ, яйлов-огилхона, огилхона-яйлов, огилхона ва огилхона-лагер турларига бўлинади.

Чорвани соф асраш хусусиятларига кўра чорвачиликни юритиш тизими боглаб боқиш ва богламай боқиш тизимларига, чорва моллари бош сонига қилинадиган харажатлар ва улардан олинadиган махсулот миқдори даражасига кўра экстенсив ва интенсив тизимларига бўлинади. Бинобарин, объектив жihatдан турли табиий-иқтисодий шарoитда бўлган хўжаликлар учун шунингдек, айрим чорвачилик тармоқлари учун ягона тизим бўлиши мумкин эмас.

Яйлов тизими - энг кадимий чорвачилик тизимидир. Бу тизимнинг асосини табиий яйловлар ташкил қилиб, улардан йилнинг турли фаслларига фойдаланилади. Бу тизимда одам чорвачиликдаги ишлаб чиқариш жара,нлари (молларни боқиш, ем-хашак ишлаб чиқариш, чорва бош сонини такрор ишлаб чиқариш) га кам аралашади.

Яйлов – ўтлоқ- тизимида чорва моллари йил фаслларига кўра мавсумий яйловларда сақланади. Ноқулай об-хаво ва бошқа табиий шарoитлар ҳисобга олиниб, кишилар уй-жой бинолари, чорва моллари учун эҳти,т озуқа захиралари, усти ,пик қутонлар тай,рлаш, яйловларга сув чиқариш, қудуқлар қазилиб, улардан сув чиқариш, механизациялаштириш ишларини амалга оширилиб, ветеринария назорати йўлга қўйилади ва бошқалар.

Бу тизимнинг анча такомиллашган шакли маданий яйлов тизими бўлиб, у ишлаб чиқариш жара,нига одамнинг фаол аралашувини тақозо этади. Бунда яйловларга изень, саксовул ва буталар уруги экилади, ,мгир сувларини тўплаш, қудуқлардан сув олиш йўли билан сугорилган экинзорлар ташкил қилинади ва у ерларда ем-хашак етиштирилади, чўл ва ўтлоқларда кичик корхоналар ташкил қилинади. Чорва моллари кўшимча озиқлантирилиб, уларнинг яхши ўсиш ва ривожланиши таъминланади.

Ўзбекистонда яйлов-ўтлоқ тизими қоракўлчиликда, гўшт ва дагал жунли қўйчиликда, йилқичиликда ва қисман гўшт қорамолчилигида қўлланилади.

Огилхона-яйлов(ўтлоқ) ,ки яйлов-огилхона тизими, яйлов-ўтлоқ тизимининг анча такомиллашган, жадаллашган кўринишидир. Огилхона тизими чорва молларини яйловда ўтлатиш даври, яйловларда ўтлар ўсиш муддати билан белгиланади. Бу тизим яйлов майдони унчалик катта бўлмаган, далачиликдан ем-хашак олиш имкони бўлган туманларда кенг қўлланилади, чорва моллари миқдори, яйловларда ўтлар ўсиш муддати билан белгиланади. Чорва моллари яйловларда ўтлар ўсиб чиқишидан, кузгача ўтлатилади,қишда эса уларни асраш мол эгалари зиммасига тушади.

Чорва моллари қишда жихозланган огилхоналарда парвариш қилинади, ем-хашак тай,рлаш, огилхоналарга ташиш, тарқатиш, сугориш, гўнгини тозалаш ишлари механизацияланади, капитал характердаги озуқа омборлари, ишлаб чиқариш иншоотлари бун,д этилади. Кўп хўжаликларда яйлов ва ўтлоқлар ҳосилдорлигини ошириш билан боглиқ тадбирлар амалга оширилиб,

маданий ўтлоқлар вужудга келтириладигани, бу нарса ер бирлигига тўғри келадиган чорва моллари сонининг анча юқори бўлишини таъминлаши керак. Бунда ем-хашак майдони, чорва мол боши бирлигига меҳнат ва маблағ сарфлари кўп бўлсада, лекин харажатлар молларнинг анча юқори маҳсулдорлиги билан қопланиб кетади, маҳсулотнинг йил давомида бир меърада етиштирилиши таъминланади.

Огилхона-яйлов(ўтлоқ) тизими- хозирги даврда мамлакатимизнинг турли минтақаларида ва туманларида қорамолчиликнинг гўшт; сут-гўшт ва сут йўналишида, майин жунли ва ярим майин жунли қўйчиликда, гўшт-мой қўйчилигида кенг қўлланилмоқда.

Огилхонада боқиб - тизими чорвачиликнинг энг жадал тизими бўлиб, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг жуда юқори даражада хайдалишига эришилган туманларда кенг қўлланилади, ем-хашак асосан далачиликдан олинади. Агар яйлов, огилхона тизимларида озуқа топиб ейиш тўла, ки қисман моллар зиммасига тушса, огилхона тизимида озуқа етиштириш ва уни чорва молларига бериш бутунлай одамлар зиммасига тушади. Шунга кўра моллар қатъий меъра асосида боқилиб, урчитиш ва болалатиш муддатлари тартибга солинади. Йил давомида бир меърада ва юқори даражада маҳсулот етиштирилади. Бу тизимда моллар йил давомида бино ичида бўлади, сайр учунгина ташқарига чиқарилади.

Кўп хўжаликларда огилхона-лагерь тизими ҳам қўлланилади. Бу тизимда моллар қишда огилхонада боқилиб, 3 ойларида лагерларга олиб чиқилади. Одатда лагерлар фермадан узоқ бўлмаган маданий ўтлоқларда ташкил қилинади.

Чорвачиликни бу тарзда ташкил қилиш чорва моллари соғлигини сақлаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатларни қисқартириш имконини беради. Маданий яйловлар бўлмаган хўжаликларда ферма-сайр майдончалари ташкил қилинади. Ҳамда моллар хосили олинган майдонларда ўтлатилади, сайр қилдирилади. Йил бўйи огилхонада боқиб тизими асосан молларни семиртиришда, репродуктор чўчкачилигида, огилхона-лагерь тизими эса интенсив сут қорамолчилигида кенг қўлланилади.

Чорвачиликнинг у, ки бу тизимига иқтисодий баҳо беришда қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади;

- ❖ хар 100 гектар ем-хашак майдонига тўғри келадиган чорва моллари сони ва маҳсулдорлиги;
- ❖ чорва молларининг маҳсулдорлиги; 1 бош молга тўғри келадиган харажатлар; ем-хашак бирлигига етиштирилган маҳсулот миқдори;
- ❖ меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот таннари: капитал қўйилма самарадорлиги;

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг қўпайтириш моллар бош сонини ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини ошириб, маҳсулот сифатини яхшилаб,

ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш мақсадида қўйидаги тадбирий чораларни амалга ошириш режалаштирилган ва "Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш" дастурига киритилган:

- чорвачилик фермаларини хусусийлаштириш;
- ихтисослашмаган хўжаликлардаги чорвачилик фермалари, улардаги моллар бош сонидан қатъий назар ҳамда 250 бошдан кам қорамоли бўлган фермалар шахсий мулк сифатида сотилиши;
- мол бош сони 250 бошдан кўп бўлган қорамолчилик фермаларининг фермер хўжаликларига айлантирилиши;
- давлат наслчилик заводлари, наслчилик хўжаликлари ва фермалари балиқ етиштириш учун мўлжалланган ховузлар ва табиий сув хавзаларининг хусусийлаштирилмаслиги;
- ихтисослаштирилган наслчилик хўжаликларини ташкил этиш;
- зооветеринария пунктлари очилиши, уларни барча керакли лаборатория ускуналари ва асбоб-анжомлар билан тўлиқ таъминлаш;
- хусусийлаштирилган чорвачилик фермалари ва фермер хўжаликларига сугориладиган ер майдонларини бириктириш;
- хар йили оралик озуқабоп экинлар майдонини-140 минг гектар, такрорий экин майдонларини - 200 минг гектар хажмида белгилаш;
- "Ўзгўштсаноат" давлат хиссадорлик уюшмасида қорамоллар ва чўчқаларни бўрдоқилаш;
- қорақўлчиликда - сохани мустақил фермер хўжаликлари таркибига ўтказиш;
- пиллачилик сохасини бошқариш тизимини такомиллаштириш, грён заводлари, пилла етиштирувчилар ва ипак йигирувчи корхоналарни бирлаштириш, товар махсулотини калава сифатида тўқимачилик фабрикаларига сотиш ва экспорт қилиш;
- балиқ етиштирувчи фермер хўжаликларини ташкил этиш;
- чорвачилик махсулотларини жойларда харид қилиб олиш;

Чорвачиликни юритиш тизимининг истикболга мўлжалланган тадбирий чораларини амалга ошириш тармоқда мулк шаклини бозор иқтисоди, ти талабларига мослаштиришга ва тармоқ олдида қўйилган вазифаларни тўлиқ хал этишга, рдам беради.

### **Тест – рейтинг саволлари:**

- Хўжалик юритиш тизими тушунчаси.
- Хўжалик юритиш тизимининг мақсади ва асосий вазифалари.
- Хўжалик юритиш тизими қандай туркумланади.
- Хўжалик юритиш тизимини ўрнатиш усуллари.
- Дехқончиликда хўжалик юритиш тизмига таъриф беринг.
- Чорвачилик тизими деб нимага айтилади.

- Дехқончилик тизимида технологик тадбирий - чораларга нималар киради.
- Чорвачиликдаги технологик тадбирий - чораларни таърифланг.
- Хўжалик юритиш тизимида иқтисодий тадбирий - чораларга нималар киради.
- Хўжалик юритиш тизимида ташкилий тадбирий - чораларга нималар киради.
- Хўжалик юритиш тизимида социал тадбирий - чораларга нималар киради.
- Дехқончилик тизимини ривожлантириш истиқболлари.
- Чорвачилик тизимини такомиллаштириш тадбирлари.
- Дехқончилик тизимини иқтисодий баҳолаш.
- Чорвачилик тизимини иқтисодий баҳолаш.

4-боб. Қишлоқ хўжалик корхоналарида хўжалик ҳисобини ташкил қилиш

#### **4.1. Хўжалик ҳисобининг мазмуни ва тамойиллари**

Қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш доимий равишда меҳнат ва моддий харажатлар бўлишини талаб этади. Меҳнат эгалари ўзига яраша иш ҳақи билан таъминланиши ва ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун моддий харажатлар қилиниши лозим. Хар иккала ҳолатда ҳам ишлаб чиқаришни шакллантириш учун молиявий ресурслар керак. Молиявий ресурсларнинг асосий манбаси фойда. Маҳсулот ишлаб чиқариш даври: харажат – маҳсулот ишлаб чиқариш – пул тушуми – ялпи даромад – фойда шаклида ифодаланади. Бу занжирнинг бош звеноси ўлчанадиган кўрсаткичлар харажат ва фойдадан иборатдир. Ана шундай кетма-кетлик доимий равишда жорий ва якуний сарф харажатларни, корхона фаолиятининг натижалари билан солиштириб борилиши хўжалик ҳисобининг асосини ташкил этади.

Бозор иқтисоди, ти шароитида корхонада ишлаб чиқаришининг хар бир бўғинини амал қилиши, уларнинг бир бутунлиги, ишлаб чиқаришини ривожлантириш манфаатларига бўйсундирилиши лозим. Қишлоқ хўжалик корхонаси шартнома асосида мустақил ривожлана, тган, ягона аграр ишлаб чиқариш муносабатларининг таркибий қисмидир. Шу билан бирга корхоналар хўжалик ва иқтисодий мустақилликка эришиб, бу мустақиллик уларнинг ўзаро ва ташкилотлар ҳамда жамият билан бўладиган алоқаларида ифодаланади.

Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалик корхоналари олдида турган вазифаларни мувоффақиятли ҳал қилинишини хўжалик ҳисобисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хўжалик ҳисоби – бу хўжаликни ташкил қилиш ва юритишнинг шундай бир самарали усулидирки, бу усул корхоналарда иқтисодий қонунлар талабини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни бир меъ,рда олиб бориш ва энг юқори иқтисодий натижага эришишга имконият яратиб беради. Корхонанинг барча сарф-харажатларини

пулда ўлчаб, шу сарф-харажатларни корхона ҳисобидан қоплаб, мақсадга мувофиқ рентабелликни таъминланишни хўжалик ҳисоби деб айтилади.

Бу тушунчадан кўриниб турибдики, хўжалик ҳисобининг асосини корхона фаолиятини шу корхонага юклатилган вазифа доирасида юритиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, ҳамда корхонани бир меърада ривожлантириш учун етарли маблағга эга бўлиш талаб этилади. Хўжалик ҳисобининг корхоналарни юритишда мустақил усул сифатидаги ўзига хос хусусияти яна шундан иборатки, унда сарф-харажатлар ва даромадлар пул ифодасида ҳисобга олинади. Корхоналарга мустақиллик бериш, улар фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида ташкил қилиш орқали корхона жамоасини ўз фаолияти натижаларидан моддий манфаатдорлиги ва жавобгарлиги таъминланади. Хўжалик ҳисоби ташкилий-технологик тадбир эмас, балки иқтисодий қонунлар тизими талабларини амалга оширишга қаратилган воситадир.

Хўжалик ҳисобининг таркибий қисмини қишлоқ хўжалик корхонасининг хизмат кўрсатиш, тайрлов, банк ва бошқа корхоналар билан ўзаро бир-бири билан, шунингдек бошқа хорижий давлатлар ташкилот ва корхоналари билан, ҳамда корхона ичида бўладиган (корхона ишлаб чиқариш бўлимлари билан) иқтисодий муносабатлар тизими ташкил этади. Қишлоқ хўжалик корхоналари билан, тайрлов, банк, сервис хизмати ва давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятига шартномалар ва буюртмачилар таъсири орқали белгиланади. Бундай ишлаб чиқариш муносабатлари қуйидагича ифодаланади:

- хар бир ширкат, фермер ва қишлоқ хўжалигидаги бошқа корхоналарга, стратегик аҳамиятга эга бўлган айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат буюртмаси асосида сотиш хажми ва тури бўйича режа топшириқлар етказилади;
- давлат, буюртмада курсатилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид ва устама баҳоларини, ишлаб чиқариш воситаларини улгуржи ва чакана баҳоларини, қишлоқ хўжалик корхоналарига курсатиладиган моддий - техник ва бошқа хизматлар, тарифлар(курсатилган хизмат бирлигига белгиланган ҳақи) ни белгилайди ва тартибга солади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, янги шаклланган қишлоқ хўжалик корхоналари ўз иқтисодий табиатига кўра, тўла маънодаги хўжалик ҳисобидаги корхоналардир. Корхоналар турли мулк шаклига асосланганлиги учун ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш ва юритиш масалаларида кенг иқтисодий мустақилликка эгадирлар. Уларда етиштирилган маҳсулот бўйича давлат мажбуриятини (давлатга маҳсулот сотиш буюртма топширигини) бажаргандан кейинги қолган маҳсулотни корхона аъзолари хоҳишига кўра тақсимлайдилар, ки сотишни уюштирадилар, ўз маблағлари ҳисобига маҳсулот етиштириш билан боғлиқ ҳамма харажатларни қоплайдилар, истеъмол ва жамгарма фондларини тузадилар. Янги ташкил қилинган қишлоқ хўжалик

корхоналарини умумий йигилиши қарорига кўра даромадлар ва махсулотларни тақсимлаш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби ва даражалари, шунингдек бошқа корхонага хос тадбирлар белгиланади.

Шуни такидлаш керакки, барча шаклдаги қишлоқ хўжалик корхоналари ўзига хос тадбирларни Олий Мажлис томонидан таъсис этилган қонун-қоидалар доирасида, уларга мувофиқ равишда белгилайдилар.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига янги тежамкор технологияни тобора кўпроқ кириб келиши, қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасида ва ичида меҳнат тақсимотининг жорий қилиниши, корхонанинг белгиланган тай, р махсулот турига, унинг бирон қисми, ки босқичига ихтисослашиши ва юқори пировард натижага эришиши шу жара, нда қатнаша, тган турли мустақил корхоналар ўртасида иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштиришни тақоза этади. Корхоналар билан корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар асосан улар ўртасида тузиладиган шартномалар, ўзаро келишилган ҳолда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ҳисоб баҳолари ва хизмат курсатиш тарифлари, биргаликда эришилган натижани (фойдани) тақсимлаш тартибини белгилаш ва шунга ўхшаш шаклларда олиб борилади.

Корхона ичидаги иқтисодий муносабатлар, яъни корхона маъмурияти билан айрим ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасидаги муносабатлар иқтисодий қонунлар талабига риоя қилинган ҳолда қанчалик тўғри ташкил қилинса, корхонанинг хўжалик ҳисоби фаолияти шунчалик юқори бўлади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида ташкил қилиш унинг моҳиятидан келиб чиқадиган талаблар ва тамойилларга қуйидагилар киради: корхонанинг иқтисодий-ижтимоий мустақиллиги; ўз харажатларини ўзи қоплаши, ўз даромадларини ҳамда ўз фаолиятини ривожлантириш учун етарли маблағларга эга бўлиш; ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларидан моддий манфаатдор бўлиш; ишлаб чиқариш натижаси учун моддий жавобгар бўлиш; ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятни пул билан назорат қилиш.

**Корхонанинг иқтисодий-ижтимоий мустақиллиги.** Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига иқтисодий раҳбарликни шу корхоналар хўжалик ташаббуси ва мустақиллигини доимий ўстириб боришни тақоза этувчи демократик мустақиллик тамойиллари асосида олиб борилади. Хар бир қишлоқ хўжалик корхонаси махсулот сотиш шартномаси, топширигига асосан ўз ишлаб чиқаришини ташкил қилади ва унинг энг самарали таркибини белгилайди, дехқончилик ва чорвачилик тармоқларини юритиш тадбирларини ишлаб чиқади, моддий ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланишда, ички имкониятларни қидириб топади, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг янги, илғор усулларини жорий қилади.

Корхоналарга доимий фойдаланиш учун ер ажратилади, асосий ва айланма фондларининг мустақил мувозанатига ва банклардаги ҳисоб рақамларига эга бўладилар; юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланадилар; бошқа корхоналар, ташкилотлар ва идоралар билан алоқа олиб бориш ҳуқуқига эга бўладилар; шартномалар тузадилар ва молиявий жараҳларни амалга оширадилар.

**Хўжалик ҳисобининг ўз-ўзини қоплаш тамойили** корхонада маҳсулот етиштириш билан боғлиқ барча харажатларни, шу маҳсулотлар реализациясидан тушган даромадлар билан тўла қоплаш ҳамда ишлаб чиқаришни бир меърада кенгайтирилган ҳолда ривожлантиришни таъминлайдиган ўз маблағларига эга бўлишни тақоза этади. Бу ўз навбатида моддий пул воситаларидан тежаб-тергаб фойдаланишни, тежамкорликка қатъий риоя қилишни, ички резерв ва имкониятларни қидириб топишни, ишлаб чиқаришни ҳамма бўлинмаларида иш сифатини яхшилашни, меҳнат ва иш жараҳларини ташкил этишининг илғор усулларини жорий этишни талаб қилади.

**Ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларидан моддий манфаатдорлик тамойили** ҳар бир ходимнинг ўз меҳнати ва корхона фаолияти натижаларидан биргаликда (жамоа), худ шахсан (алоҳида) моддий манфаатдорлигида ифодаланади. Хўжалик ҳисобининг моддий манфаатдорлик тамойили ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва бошқа турдаги моддий рағбатлантириш тизими орқали амалга оширилади. Хўжалик фаолияти якунига кўра корхоналарда олинган соф даромад ҳисобидан турли иқтисодий рағбатлантириш фондлари ташкил қилиниб, ходимларнинг жамоа ва шахсий истеъмолларини қондиришга кўшимча тариқасида сарф қилинади.

Ишлаб чиқариш даражаси қанча жадал ва юқори бўлса, қанча кўп соф даромад ва фойда олинса, иқтисодий рағбатлантириш фондларига шунча кўп маблағ ажратилади ва корхона ходимларининг жамоа ва шахсий эҳтиёжлари шунча юқори даражада қондирилади.

**Иш фаолияти якунлари учун корхонанинг моддий жавобгарлиги** шундан иборатки, деҳқон, фермер, ширкат хўжаликлари ва фермерлар уюшмаси ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари маҳсулот етиштириш, давлатга буюртма асосида маҳсулот сотиш, бошқа корхоналарга маҳсулот етказиб бериш шартномалари ва тўлов мажбуриятларини бажариш бўйича масъулиятга эга бўладилар.

**Корхона ва унинг ишлаб чиқариш бўлинмалари хўжалик-молиявий фаолиятини пул билан назорат қилиш.** Корхонага молиявий радам курсатиш учун банклар, инвестиция киритган ташкилотлар, солиқ ҳамда бошқа маъмурий ташкилотлар томонидан назорат ишлари олиб борилади. Юқори назорат ташкилотлари давлат буюртмалари, хўжалик шартномаларининг бажарилишини, маблағ ва воситалардан фойдаланишни, банк эса берилган узоқ

ва қисқа муддатли кредитлардан белгиланган мақсадларда фойдаланишни, пул муомаласи шароитларини назорат қиладилар. Пул билан назорат қилиш корхона фаолиятигагина эмас, балки корхонанинг ички бўлинмаларига ҳам тааллуқлидир. Кўриниб турибдики, хўжалик ҳисобининг юқорида кўрсатилган тамойилларига тўла риоя қилиш қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини такомиллаштириш, уларга ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини янада ошириш имконини беради.

Хўжалик ҳисобининг объекти-бу қишлоқ хўжалик корхоналари, бирлашмалар ва уларнинг ички бўлинмалари (фермер ва пудратчилар уюшмалари)дир.

Қўлланиладиган объектлар хусусиятига кўра хўжалик ҳисоби, умумхўжалик ҳисоби ва ички хўжалик ҳисоби шаклларида мавжуд бўлади.

#### **4.2. Қишлоқ хўжалик корхоналарида умумхўжалик ҳисобини ташкил**

##### **ЭТИШ**

Умумхўжалик ҳисоби, хўжалик ҳисоби тамойилларининг бутун корхона фаолиятида амал қилишдир. У ишлаб чиқариш билан бирга муомала, хизмат курсатиш ва реализация жараҳларини, маданий-маиший, уй-жой қурилиши ва ободонлаштириш ишларини ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун умумхўжалик ҳисоби махсулот бирлигига кам меҳнат ва маблағ сарф қилган ҳолда кўп ва сифатли махсулот етиштириш, корхонанинг юқори рентабиллигини таъминлайдиган ташкилий-иқтисодий тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақоза этади. Шунга кўра корхона хўжалик ҳисоби фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири, ҳар бир гектар ердан, ҳар бир шартли бош молдан максимал фойда олиш ва рентабелликни таъминлашдир. Маълумки, корхонанинг рентабеллик даражаси унинг ўзигагина эмас, балки кўпроқ у билан иқтисодий муносабатлар қиладиган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига ҳамда корхонанинг ўзига хос табиий-иқтисодий шароитларига ҳам боғлиқдир. Бундан ташқари, юқори рентабелликни таъминлаш корхоналар хўжалик ҳисобида мақсадли иш олиб боришнинг бир томони ҳолос. Тақрор ишлаб чиқариш жараҳида молиявий ва моддий ишлаб чиқариш муносабатларини, мустаҳкамлашда томонларнинг бирдамлиги ўта зарурдир. Корхона етарлича даромадга ва юқори рентабелликка эга бўлса-ю, лекин бу молиявий маблағлар етарлича моддий воситалар, техника, қурилиш материаллари, ем-хашак, уруглик, махсулдор моллар, кўчатлар ва бошқа моддий-техника воситалари билан таъминланган бўлмаса, хўжалик ҳисобининг тасирчанлиги ва моҳияти кескин пасайиб кетади, шунинг учун ҳам давлат, қишлоқ хўжалигида, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга қаратилган иқтисодий рағбатлантириш тизимларини жорий қилиш билан бирга, уларнинг моддий-техника базасини кўп даражада мустаҳкамлашга бирдам берадиган тадбирларни кўришга алоҳида эътибор бермоғи керак.

Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида ташкил қилишда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши керак. Аввало, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши турли табиий ҳудудларда, хилма-хил иқлим, тупроқ, сув таъминоти шароитларида олиб борилади. Корхоналарда кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришни хўжалик ҳисоби асосида амалга ошириш, шу ҳудудда жойлашган корхоналарда ҳам об-хаво шароитлари турли ерларда бир хил бўлмаслиги натижасида олинмаган даромадларда катта фарқлар содир бўлади ва ишлаб чиқаришни бир меърада кенгайтирилган ҳолда олиб боришни таъминлаш учун эҳтиёт ва резерв фондлари ташкил қилиш зарурияти туғилади.

**Республикамиз мустақиллиги қишлоқ хўжалигида вужудга келган аҳволнинг туб сабабларини очиқ берди. Давлат, қишлоқ хўжалигини кескин ривожлантиришга қаратилган ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий тадбирларнинг кенг тизимини амалга оширди ва янги аграр сиёсатга асос солди.**

Қишлоқ хўжалигини ривожланишига қаратилган тадбирлар тизими корхоналарда хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, уларнинг хўжалик фаолияти яқунига самарали таъсир ўтказиш имкониятини очиқ беради. Бу тадбирлар мажмуасига қуйидагилар киради:

- қишлоқ хўжалигида режалаштиришни тубдан ўзгартириш, ички ва ташқи шартнома муносабатларини такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарига, фаолият юритишда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишда, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий ва молиявий ресурсларни тасарруф қилишда кенг ҳуқуқлар ва мустақиллик бериш;
- тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилишнинг янги, юқори ва табақалашган баҳоларини белгилаш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарига кредит бериш тизимини, даромад солиғи олиш ва хўжалик ҳисобини бошқа иқтисодий воситаларини такомиллаштириш, шу жумладан уларга мавсумий етишмаган айланма маблағлари учун бевосита имтиёзли кредит бериш тартибинини жорий қилиш;
- корхоналарда меҳнатга кафолатланган ҳақ тўлаш тизимини жорий этиш; соғлом иқтисодий асосда қурилган хўжалик ҳисоби фондларини ташкил қилиш; иш ҳақини ялпи даромаддан қатъий ва олдиндан белгиланган ҳажмда ажратиш, буни ходимларга маълум қилиш; корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини ошириш, унинг шаклларини такомиллаштириш; хўжалик ҳисоби воситалари таъсирчанлигини кескин кўтариш;

- корхоналар моддий-техника базасини мустахкамлаш, уларга кўплаб техника ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари етказиб беришда лизинг асосида ,рдамлашиш; ерлар холатини яхшилаш; ирригация ва мелиорация ишларини кенг кўламда амалга ошириш; хўжалик хисобининг моддий асосларини таъминлаш.

**Қишлоқ хўжалигини барқарор, мутаносиб ва мувозанатлаштирилган тарзда ривожлантириш учун зарур, моддий ва молиявий резервларни вужудга келтириш кўзда тутилади. Корхоналарни тўла хўжалик хисобига ўтказиш муносабати билан уларнинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолияти билан жуда кўп масалалардаги ҳуқуқлари кенгайтирилади. Хўжаликлар махсулот сотиш, савдо ва бошқа ташкилотлар билан тузилган шартномаларга асосан махсулот етиштириш ҳажмини, меҳнат унумдорлиги, махсулот таннархи, ходимларнинг умумий сони бўйича режаларни ишлаб чиқади. Махсулот етиштириш технологиясини, корхонани мақсадга мувофиқ бошқариш таркибини белгилайди.**

Қишлоқ хўжалик корхоналарига ўзларидаги ортиқча фойдаланишга эҳти,ж бўлмаган тракторлар, хўжалик машиналари, махсулдор ва ишчи хайвонлар, уруглик, ем-хашак, транспорт воситалари, ускуналар ва кам қийматга эга бўлган бошқа воситаларни юқори ташкилот белгилаган тартиб ва муддатларда ўз хохишлари бўйича сотишга рухсат этилади.

Фойда массасини ва меъ,рининг юқори бўлиши хали корхонанинг хўжалик хисоби фаолиятини рағбатлантириш учун етарли эмас, гап унинг қандай қисми корхонанинг ўзида истеъмол қилиниши учун қолишига боғлиқ. Амалда корхоналарда фойда уч кўринишда: мувозанат фойда, соф фойда ва тақсимланадиган фойда кўринишида намо,н бўлади.

Мувозанат фойда – бу хўжаликнинг ҳамма сохалари бўйича бир йиллик фаолиятидан олинган фойда суммасидир. Корхоналарда ноқулай табиий шароит, ,худ сифатсиз меҳнат натижасида содир бўлган салбий натижанинг келгуси йил фаолиятига таъсирини камайтириш учун корхонанинг ўзида етиштирилган ва келгуси йилда фойдаланиш учун ажратиб қўйилган уруглик, ем-хашак захиралари ҳамда асосий подага ўтказиладиган ,ш моллар келгуси йил харажатларига ҳақиқий таннархида, лекин харид бахоларидан ошмаган бахоларда ўтказилади. Уруглик, ем-хашак ва ,ш молларнинг ҳақиқий таннархи бозор харид бахоларидан юқори бўлган тақдирда улар ўртасидаги фарқ суммаси мувозанат фойда хисобидан қопланади. Мувозанат фойдадан уруглик, ем-хашак ва ,ш моллар қийматини чегирилгандан кейин қолган фойда соф хисобланади.

Моддий рағбатлантириш, махсулот етиштириш ва фойда олишнинг кўпайишига қараб, соф фойда барқарор нормативларга биноан тузилади.

Фойдани кўпайтириш ва мустахкамлаш учун маблағлар бизнес-режада кўзда тутилган ортиқча капитал қуйилмаларни ва корхонани ривожлантириш

билан боглик, қўшимча тадбирларни пул билан таъминлашга, яъни чорвачилик бинолари, устахоналар, омборхоналар ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва капитал таъмирлашга, ,рдамчи ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш цех ва заводларини қуриш ҳамда жихозлаш, янги техника ва технологиялар, механизация ҳамда ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилиш билан боглик харажатларни қоплашга сарфланади.

Эҳти,т фонди йил охирида беркитилмай балки келаси йилда фойдаланиш учун ўтказилади. Корхонанинг даромадлар ва харажатлар мувозанатида эҳти,т фонди маблағларини жорий харажатларни қоплаш манбаи сифатида ҳисобга олинмайди.

**Тақсимланадиган фойданинг иқтисодий рағбатлантириш ва эҳти,т фондларини ташкил қилишга ажратгандан кейинги қолган қисми кўйидаги мақсадлар учун сарфланади:**

- асосий подани тўлдириш харажатлари бўйича ўз айланма маблағларининг ўсган қисмини пул билан таъминлашга;
- янги техника ва технологияни жорий қилиш, ишлаб чиқариш жара,нларини механизациялаш ва интенсивлаш, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун олинган банк қарзларини тўлаш ҳамда ундан олинган узоқ муддатли кредитлар фоизини тўлашга;
- режада кўзда тутилган капитал қуйилмаларини пул билан таъминлашга ҳамда амалдаги қонун-қоидаларга кўра амалга ошириладиган тадбирларга сарфлаш.

### **4.3. Ички хўжалик ҳисобини ташкил этиш**

Ички хўжалик ҳисоби, умумхўжалик ҳисобининг мантиқий давоми, корхонанинг ишлаб чиқариш бўлинмалари (пудратчилар, фермерлар, ремонт устахонаси, трактор ва автомобиль парки, ,рдамчи ва қайта ишлаш корхоналари) фаолиятини хўжалик ҳисоби тамойиллари асосида ташкил қилиш ва юргизишдир. Ички хўжалик ҳисоби тамойиллари оддий ва содда бўлиб, мазкур корхонанинг ишлаб чиқариш бўлинмалари олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқади.

Ишлаб чиқариш бўлинмаларининг асосий вазифаси маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, маҳсулот етиштириш билан боглик харажатларни камайтиришни таъминлашдир. Ички хўжалик ҳисоби турли табиий ва иқтисодий шароитларда жойлашган ишлаб чиқариш бўлинмалари ходимларининг улар олдига қўйилган вазифаларни мувоффақиятли бажаришдан моддий манфаатдорлигини ва жавобгарлигини таъминлашга қаратилади.

Хўжалик ҳисоби корхона фаолияти билан бирга ишлаб чиқариш бўлинмалари фаолиятини ҳам қамраб олса, ички хўжалик ҳисоби ижобий иқтисодий натижаларга эришиши мумкин бўлади.

Қишлоқ хўжалигида ички хўжалик ҳисобини жорий қилиш бошқа соҳаларга нисбатан мураккаброқ ва муҳимроқдир. Маълумки, сарф қилинган меҳнатнинг сифати етиштирилган маҳсулот миқдори, сифати ва унинг таннархида тўла ифодаланади. Қишлоқ хўжалигида меҳнат мавсумий характерга эга, ки фақат кўпчилик тармоқларда ва айниқса далачиликда йил давомида кўпчилик ходимлар томонидан бажарилади. Бундай ҳолда айрим олинган ходим меҳнатининг сифати пировард натижада, у ишлаган бўлим ходимлари жамоаси меҳнатининг сифати тарзида намоён бўлади. Қишлоқ хўжалигида ҳар бир алоҳида олинган ходим меҳнати натижасини, ҳар бир меҳнат жараёни якунига қарабгина эмас, балки ишлаб чиқаришнинг йил охиридаги пировард натижасига, оқибатига қараб ҳам тўла аниқлаш имконияти, етарли даражада бўлмаганлиги учун меҳнат жамоасига ҳақ тўлаш, жамоани рағбатлантиришни кенг жорий қилиш объектив зарурият ҳисобланади. Бундай тадбирни фақат ички хўжалик ҳисобини жорий қилиш орқали амалга ошириш мумкин.

Ишлаб чиқариш бўлимлари-ижарачилар ва оила пудрати жамоалари-фаолиятини ички хўжалик ҳисоби асосида ташкил қилиш иқтисодий аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, балки жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга ҳам моликдир.

Корхоналарда ички хўжалик ҳисобини ташкил қилиш жуда мураккаб жараён бўлиб, бир қанча тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Аввало, корхона бўлимлари, фермерлар, пудратчиларнинг ички ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолияти чуқур таҳлил қилинади, уларнинг ер ресурслари, ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучлари билан таъминланиш даражаси, ички хўжалик ва тармоқлар ичидаги ихтисослаштирилиши аниқланади. Зарурият бўлганда ишлаб чиқаришнинг ташкилий таркибига ва иш ҳақи тўлаш тизимига маълум ўзгартиришлар киритилади. Шундан сўнг ички хўжалик ҳисобини ташкил қилишнинг асоси бўлган ички хўжалик ҳисоби тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилади.

Ички хўжалик ҳисоби тўғрисидаги Низом ҳар бир корхона томонидан амалдаги қонун-қоидалар ва хўжаликнинг аниқ ишлаб чиқариш шароитларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиб, доимий ишлаб чиқариш кенгашларида муҳокама қилинади ва кейин кучга киради. Низом қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

- хўжалик ҳисобидаги бўлимларнинг таркиби;
- хўжалик ҳисобидаги бўлимларнинг корхона маъмурияти ва бир-бири билан алоқалари;
- хўжалик ҳисобидаги бўлимлар фаолиятини баҳолашда қўланиладиган меърилар, тарифлар, баҳолар, расценкалар ва бошқа ўлчовлар;
- маҳсулот етиштириш (иш ҳажмини бажариш) ҳамда харажатлар лимити бўйича режа топшириқлари;

- хўжалик ҳисоби бўлимлари фаолиятини ҳисоб-китоби ва уларни назорат қилиш;
- хўжалик ҳисоби бўлимлари фаолиятига иқтисодий баҳо беришда фойдаланаладиган кўрсаткичлар;
- бўлим ходимларининг хўжалик ҳисоби фаолияти натижаларига кўра, моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими.

Бундан ташқари, ижарачи ва пудратчиларга маҳсулот етиштириш режасини орттириб бажарганлиги ва бевосита харажатларни тежаб қолганлиги учун режадан ортиқча етиштирилган ҳамда тежаб қолинган маблағнинг маълум миқдори, қўшимча иш ҳақи, ки мукофот тариқасида берилиши маълум қилинади.

Ички хўжалик ҳисобининг мувоффақиятини таъмин этувчи яна бир омил, ҳисоб-китоб ишлари назоратини чек тизими орқали тўғри ташкил қилишдир. Хар бир ишлаб чиқариш бўлими фаолияти ва натижалари алоҳида ҳисобга олиб борилиши ва бу масалада чалкашликларга йўл қўймаслиги керак. Тўғри ташкил қилинган ички хўжалик ҳисоби, ички резервларни қидириб топиш ва ишга солишга, ходимлар меҳнат фаоллигини янада оширишга, уларнинг диққат эътиборини ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларини кўпайтиришга қаратишга хизмат қилади.

### **Тест рейтинг саволлари:**

- Хўжалик ҳисобига таъриф беринг.
- Хўжалик ҳисобининг бозор иқтисоди, тидаги ўрни.
- Хўжалик ҳисобининг асосий тамойиллари.
- Хўжалик ҳисобида иқтисодий муносабатлар нима асосида ва қандай ечилади.
- Корхонанинг иқтисодий мустақиллигини таърифланг.
- Корхона ўз-ўзини(харажатларда) қоплаш тамойилини тушунтиринг.
- Корхоналарда моддий жавобгарлик тамойили.
- Корхоналарда моддий манфаатдорлик тамойили.
- Хўжалик ҳисобида ишлаб чиқариш молия фаолиятини пул билан назорат қилиш.
- Умумхўжалик ҳисобини таърифланг.
- Ички хўжалик ҳисобини айтинг.
- Ички хўжалик ҳисоби низомини тушунтиринг.
- Мувозанат фойда ва унинг вазифаларини таърифланг.
- Соф фойда қандай ҳосил бўлади ва қайси мақсадлар учун сарфланади.
- Тақсимланадиган фойдани тушунтиринг.
- Ички хўжалик ҳисобининг иқтисодий механизми нимадан иборат.

## 5-боб. Корхоналарининг ички хўжалик фаолиятини ва бизнесни режалаштириш

### 5.1. Режалаштиришнинг тизими, тамойиллари ва тузиш услуби

Республикамизда бозор иқтисоди,ти талабларига жавоб берадиган корхоналарнинг ички иқтисодий муносабатларини ўзида аниқ акс эттира оладиган механизм бу - режалаштиришдир.

Бозор иқтисоди,тининг талаб ва таклиф қонуниятларига таянган ҳолда яратилган режалаштириш тизими, қишлоқ хўжалик корхоналарида мавжуд бўлган тармоқлар ўртасида, уларнинг ички ресурсларидан фойдаланишда мутаносибликни ўрнатиб, ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ва тез суръатлар билан ривожланиб боришига имкониятлар яратади.

Режалаштиришнинг асосий мақсади бозорни сифатли, арзон ва рақобатбардош товар маҳсулотлари билан тўлдиришда, қишлоқ хўжалик корхоналарининг соҳа ва тармоқлари ўртасида ички ресурслар билан таъминланиш мутаносиблигини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигига эришишдир.

Режалаштириш натижасида қишлоқ хўжалик корхоналари ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан, меҳнат ва молия ресурсларидан, табиий бойликлар, фан ва техника ютуқлари ҳамда илгорлар тажрибасидан, оқилона ва самарали фойдаланишга, тежамкорлик қоидаларига риоя қилишга ва нобудгарчиликларга йўл қўймасликка эришишни назарда тутади.

Бозор иқтисоди,тига ўтиш даврида режалаштириш орқали қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

- ❖ қишлоқ хўжалик корхоналари ичида аграр ва иқтисодий муносабатларни чуқур ислох қилиш асосида хусусий мулкчиликни шакллантириш ва мустаҳкамлаш;
- ❖ деҳқоннинг ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат, молия ва илмий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланишида шахсий жавобгарлиги ва манфаатдорлигини оширишни таъминлаш;
- ❖ ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасида экинлар ҳосилдорлигини, чорва ва парранда маҳсулдорлигини оширишнинг аниқ йўллари хисоблаб чиқиб, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларида меҳнат унумдорлигини ўстириш, сарф-харажатларни тежаш ва ишлаб чиқариш рентабаллигини кўтариш;
- ❖ корхонанинг табиий-иқтисодий шароитини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва тармоқларни бир-бири билан самарали мувофиқлаштириш;
- ❖ маҳсулот сотиш бўйича корхона тузган шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш;
- ❖ корхонада ишлаб чиқариш муносабатларини, техника ва технологиясини такомиллаштириш, фан, техника ва илгорлар тажрибасини, тадбиркорликни хорижий давлатлар ва ички инвестицияларни ишлаб

чиқаришга кенг жорий этиб, экспортбоп товар махсулотлари етиштиришни таъминлаш.

Шунинг билан биргаликда, қишлоқ хўжалик корхоналарида иқтисодий ва аграр ўзгаришларни ўзида акс эттира оладиган, мулк эгаси ҳуқуқини таъминловчи бозор механизми ва моддий рағбатлантирувчи омилларни жонлантириш ва режалаштириш улар зиммасига юкланган вазифалар қаторига киради.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда режалаштириш куйидаги тамойилларга таянади:

- ❖ режалаштиришнинг демократик мустақилликка асосланиши, яъни корхонанинг ишлаб чиқариш молия фаолиятини ташкил этишда, хўжалик ичида иқтисодий ва аграр муносабатларни жорий этишда хар томонлама мустақиллик ва бозор иқтисоди, ти талабларига мос келадиган бошқариш тизимини ўрнатишда демократик қонун-қоидаларга амал қилиш;
- ❖ режалаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, яъни корхона учун хар бир гектар ердан ва хар бир бош чорвадан энг кўп фойда олинадиган ишлаб чиқариш йўналишини бизнес режа орқали асослаб олиш ва шу етакчи бўғинга корхонанинг барча ресурсларини жалб этиб улардан оқилона фойдаланиш, режани ўз вақтида бажариш ҳамда ишлаб чиқариладиган товар махсулотлар миқдорини кўпайтириш, ассортиментларини яхшилаш, меҳнат сарфини камайтириш учун энг кўлай шароитлар яратиш;
- ❖ истиқбол ва йиллик режаларнинг бир бири билан уйғунлашганлиги ва илмий жихатдан асосланганлигини таъминлаш, яъни корхонада етакчи тармоқдан энг кўп фойда олиш атрофида, режанинг барча қисмларини бир бири билан уйғунлаштириб, улар ўртасида мутаносибликни ўрнатиш имконияти яратилади. Кўзда тутилган мақсадга эришиш учун эса режа кўрсаткичлари илмий жихатдан асосланган меъ,рларга таянган бўлиши керак. Фан-техника ютуқлари, замонавий илгор технологиялардан фойдаланиш ишлаб чиқаришни ташкил этишда режалаштириш механизмдан кенг фойдаланишни талаб этади;
- ❖ корхона иқтисоди, тини барқарорлаштириш, яъни корхонада юзага келатган тангликларни бартараф этиш учун кўриладиган барқарорлаштириш чора тадбирлари мажмуаси, корхона тўла инқирозга учрашига чап бериш мақсадида ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариладиган махсулотлар таркибини ўзгартириш тадбир-чораларини аввалдан режалаштириб, ишлаб чиқариш харажатларини тежашга, махсулот сифатини яхшилашга, уларнинг рақобатбардорлигини оширишга харакат қилиш.

Тақъидлаш лозимки, корхонада тузилган барча турдаги режаларнинг бажарилишини мунтазам равишда назорат қилиниши ва уларнинг ўз муддатида бажарилиши учун шарт-шароитлар яратилиши меҳнаткашларнинг иш

натижалари учун жавобгарлигини кучайтиради.

Режаларнинг илмий асосланган ва аниқ бўлиши, кўп жихатдан уларнинг тузиш усулларига боғлиқ. Бунга қишлоқ хўжалигини режалаштиришининг мувозанат, мезон, иқтисодий математик усуллари ва автоматик бошқариш тизимини киритиш мумкин.

Мувозанат усули – бу бугун аграр саноат корхоналари ва шу жумладан қишлоқ хўжалик корхоналари тараққи, тини режалаштиришда қўлланила, тган асосий усуллардандир. Бу усулнинг иқтисодий мохияти шундаки, қишлоқ хўжалигининг турли соха ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликнинг моддий, меҳнат ва молия ресурсларига талаби ва уни кондиритиш манбаларини акс эттиради.

Режа мувозанатлари уч турда тузилади: меҳнат, моддий ресурслар ва қиймат мувозанатлари.

Моддий мувозанатлар қишлоқ хўжалик корхонасининг барча тармоқларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури бўйича тузилади. Масалан дон, пахта, гўшт, тухум ва х.к.

Меҳнат ресурслари мувозанати ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган ходимлар ва мутахассис кадрлар миқдори билан аниқланади.

Қиймат мувозанати пул кўринишда тузилиб, ялпи маҳсулотнинг солиштирма ва жорий баҳолардаги ифодасидир.

Мезон (норматив) мувозанат усули маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишда режа – топшириқларини иқтисодий жихатдан асослаб беради. Бу усулда ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган ресурслар меъ,рий кўрсаткичлар асосида аниқланади. Масалан: қилги, уругликлар, ўғит, ем-хашак ва хоказо. Меъ,рий кўрсаткичлар вақти-вақти билан ишлаб чиқариш технологияси ва техникасининг янгиланиш ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражасига қараб ўзгартириб турилади. Акс холда, улар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга салбий таъсир этади.

Иқтисодий математик усул мураккаб техникани, ЭХМларни янги компьютерлар тизимини талаб этади. Қишлоқ хўжалигини режалаштиришда бу усулнинг чизикли дастурлаш, режалаштириш, коррелляция сингари турларидан фойдаланилади. Бу усулдан чорва моллар рациона, пода таркиби экинлар хосилини дастурлаш, МТП паркдан фойдаланишнинг оқилона таркибини аниқлашда кенг фойдаланилади.

## **5.2. Бизнес режанинг мақсади, вазифалари ва талаблари.**

Бизнес режа ўрта ва кичик тадбиркорлар, ки дехқон ва фермерларнинг аниқ гоёга асосланган ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва тижорат билан шугулланиш истиқболларини (моделлаштириш дастури) ,ки хисоб-китоблар мажмуаси акс этган хужжатдир.

Дастурда (2-5 йил учун), биринчи йил кўрсаткичлари ойма-ой, иккинчи йил кўрсаткичлари чоракма-чорак ва колган йилларники эса йил келишида

,ритилиши мақсадга мувофикдир.

Бизнес режани тузишдан мақсад:

- биринчидан, сармоядор, хомий, хиссадор ва банкирларнинг пул маблағларини ишлаб чиқаришга жалб этиш;
- иккинчидан ўз ходимларини мақсад, вазифа ва истиқболга ишонтириш ва кизиктириш;
- учинчидан, ўз гоёларининг фойда келтиришга ишониб, режали ва самарали бошқаришни ташкил этиш.

Бизнес режанинг бозор иқтисоди,ти даврида долзарблиги қуйидаги омиллар таъсирида шаклланади:

- ❖ биринчидан, қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисоди,тига янги мулк шакллари, ишлаб чиқариш муносабатлари кириб келиши билан ўрта ва кичик тадбиркорлик ҳамда фермер, ижарачи-пудратчиларнинг янги авлодлари шаклланмоқда. Улар учун бозор иқтисоди,ти шароитида ишлаб чиқаришни бошқариш, ташкил этиш ва иқтисоди,т билан боғлиқ бўлган муаммоларни хал этиш бизнес-режасиз мумкин эмас;
- ❖ иккинчидан фермерлар, ўрта ва кичик тадбиркорлик учун ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришда тамоман янгича муносабат-таваккалчилик рақобат, рақобатга чидаш ва унда енгиб чиқиш сир-синоати ҳам бизнес режа орқали хал этилади;
- ❖ учинчидан, хорижий мамлакатлар инвестицияларини жалб этмасдан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янгилаш ва самарадорлигини кўтариш жуда катта муаммога айланмоқда. Шундай бир даврда хорижий мамлакатлар инвесторларига буюртмаларни долзарб ва самарадорлигини исботлаб бериш ва уларга сарфланадиган маблағларнинг юксак даражада фойда беришини хар жихатдан кўрсата билиш учун ҳам бизнес-режа зарурдир.

Юқорида қайд этилган муоммоларни турли шаклдаги қишлоқ хўжалик корхоналарида ечимини топишда, бизнес-режанинг ўзи кифоя килмайди. Бизнес-режа дехқончилик ва чорвачилик тармоқларида ишлаб чиқаришни режалаштириш учун зарур бўлган технологик хариталар, меъ,рий хужжатлар ва бирламчи агрономия, зооветеренария ҳам бухгалтерия хисоб-китоблари билан тўлдирилиши шарт.

Бизнес-режа қуйидаги вазифаларни ечишга каратилиши лозим:

- дехқон ва фермерлар, ижарачи ва пудратчи жамоалари ўз ишларини қандай бошлаши;
- қандай қилиб ишлаб чиқаришни самарали юргизиши ва товарни бозорга олиб чиқиши;
- янги ишлаб чиқаришни кимлар билан ташкил этиш ва қачон дастлабки

даромадларни олиш;

- таваккалчилик хавф-хатарини қандай камайтириш;
- о,кка туриб олиш ҳамда рақобат курашида ютиб чиқиш.

Бизнес-режа тузиш ,рдамида ижарачи ва оила пудрати жамоалари дехқон ва фермерлар ўзлари учун қуйидагиларни билиб оладилар:

- ❖ бизнес-режани тузиш жара,нида ўз ишлаб чиқариш молия фаолиятини хар тамонлама ташкилий-иқтисодий ва социал жихатдан тахлил қилиш, ўзи бошлаган ишни пухта билишга, келажакда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва холисона баҳолашга олиб келинишини;
- ❖ бизнес-режа бу-тадбиркор бажарадиган фаолиятнинг тай,р режаси эканлигини. Уни ишбилармонларнинг ўз корхоналарини самарали бошқаришга ҳамда ўйлаган ишларини мувоффақиятли ўтишига ,рдамлашадиган ишчи дастур сифатида хизмат қилишини;
- ❖ бизнес-режа тадбиркорнинг ўз гоясини бошқа хамфикрларига сармоядорларга ва банкирларга етказадиган энг яхши синалган усул ва шунингдек, молиявий фаолиятни аниқ режалаштириш эканлигини.

### ***Бизнес-режа тузишга қўйиладиган асосий талаблар:***

Бизнес-режа тузишда ижарачи ва оила пудрати жамоалари, дехқон ва фермерларнинг, биринчи навбатда, рахбарлари, мутахассислар ва илмий маслахатчилар ,рдмидан фойдаланиб тузишлари талаб этилади. Чунки, рахбар ходим ўз келажак фаолиятини лойихалаштириши, хомчўт қилиши, ўз гоясининг тўғрилиги ҳамда уни амалга ошириш учун барча зарур шароитлар мавжудлигига яна бир марта ишонч хосил қилиш имкониятига эга бўлади.

Бизнес режа унинг хулоса қисмини ,ритишдан бошланади. Шунини айтиш керак-ки, бизнес-режанинг хулоса қисми унинг бошқа қисмлари ишлаб чиқилгандан кейингина тўла шаклланади. Шунга қарамасдан, ижарачи ва оила пудрати жамоалари дехқон ва фермерлар ўз хамфикрлари, ходимлари ва четдан таклиф қилинган илмий маслахатчилар билан биргаликда, энг аввало, ўз фаолиятлари дастурини амалга ошириш йўлларини тўла ва равшан тасвирлашга харакат қилмоқлари лозим. Хулоса қисмида ,зиладиган фикр ва мулохазалар, таклиф ва гоюлар, тушунарли, кўзланган мақсадга эришиш йўлларини бир ўқишда тушунишга имкон берадиган холда ,ритилиши лозим. Ба,н қилинадиган гою ва фикрларда тадбирнинг мақсади нима? Одамлар, тадбирни амалга оширишдан кўзланган канака махсулотни олишлари керак? Бу махсулотнинг ўзига ўхшаш бўлган махсулотлардан фарқи нимада? каби саволларга жавоб бериш лозим.

Хулосанинг охирги қисми тадбирни амалга оширишдан кўзланган молиявий натижаларга багишланган бўлиб, унда яқин давр ичида сотилиши мумкин бўлган махсулотлар хажми, сотишдан тушадиган нақд пул даромади,

ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатлар, даромад, фойдалилик даражаси ва нихоят сармоядорлардан олган қарзни узиш муддатлари ҳақида ахборот бериш талаб этилади.

Бизнес-режа тузишда ижара ва оила пудрати жамоалари ва дехқон-фермер хўжаликлари раҳбарларининг ўрни:

бизнес-режанинг асосий қисми харидорларга таклиф қилинадиган маҳсулот, умуман амалга оширилмоқчи бўлган тадбирнинг моҳияти билан қилинган бўлимдан иборат бўлади. Бу бўлимни шунда раҳбар ходим таклиф қилган маҳсулот рақобатдошларникидан маълум хусусиятлари билан ажралиб турмоғи лозим;

Раҳбар тадбиркор таклиф этган, амалга оширилган тадбири натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулоти фақатгина унинг саъй ҳаракати маҳсули бўлмасдан, балки молиявий таъминотига ҳам боғлиқдир.

Шулар сабабли раҳбар ходим таклиф қилган тадбир асосида ишлаб чиқаришни хом-аш, билан ва бошқа зарур моддий ресурслар билан таъминлаш, янги техника, илгор ва тежамкор технологияларни жалб этиш, уларга етарли шарт-шароитларни яратиб бериш раҳбарларга маълум бўлиши ва бошлангич фаолияти негизини ташкил қилмоғи лозим.

Тадбир раҳбари қуйидаги саволларга аниқ ва тушунарли жавоб бериши шарт:

- таклиф қилинган маҳсулотларга (хизматга) бозорда талаб борми, қийинчиликми? Талаб даражаси қандай? (юқори, ўрта, паст).
- таклиф этилган маҳсулотлари (хизмат) истеъмолчига нимаси билан қўйлади?
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлар маҳсулотидан нимаси билан фарқланади?
- маҳсулот бозоргирми ва у неча йил давомида бозорни эгаллаб туради?
- маҳсулот патентланган-ми, муаллифлик гувоҳномаси борми, улар қаерларда ва ким томонидан руйхатга олинган, банкда ҳисоб рақамига эгами?

Бизнес-режанинг бу бўлимида таклиф қилинадиган маҳсулотнинг сотилиш нархи, ҳажми ва уни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар қиймати, олинган наф-фойда миқдори баҳо берилиши шарт.

Бизнес-режада бозорни ўрганиш:

бизнес-режанинг бу қисмида тадбиркор, ўз хам фикрлари ва сармоядорлари билан маркетинг режасининг асосини ташкил қилувчи масалаларни баён қилиши керак. Бу қисм нихоятда муҳим бўлиб, унинг тафсилоти тадбиркорлар, дехқон ва фермерлар учун истиқбол режа ва бажарадиган ишларда дастур вазифасини ўтайди. Уларга қуйидагилар қиради:

- ❖ товар маҳсулотини истеъмолчига етказиш усули ва йўллари;
- ❖ нарх-наво тизими;

- ❖ товар махсулотини ташвиқот (реклама) қилиш йўллари;
- ❖ товар махсулоти сотилишини рағбатлантириш йўллари;
- ❖ товар махсулотини олганларга хизмат кўрсатиш;
- ❖ корхона ва товар махсулотининг обрў-эътибори (имидж) ҳақида истемолчилар ва кенг омма ўртасида ижобий фикр уйғотиш.

Юқорида қайд қилинган ҳар бир масала бўйича ижара ва оила пудрати жамоалари, деҳқон ва фермерлар қуйидагиларни билишлари лозим. Биринчидан, махсулотлар қайси усулда сотилади, ўз дуконларида-ми? ,ки бошқалар орқали-ми? Иккинчидан, махсулот нархи нимага асосланиб белгиланади, кетган харажатларни қоплаш учун қайдан даражада фойда кўриш етарли? Учунчидан, махсулотларни ташвиқот қилишни қандай ташкил қилиш мумкин ва бунга қанча маблағ ажратилади? Тўртинчидан, махсулот сотиш қандай йўллар билан кенгайтирилади: сотувчилар сонини кўпайтириб-ми? ,ки янги бозорлар топиш ҳисобигами? Бешинчидан, махсулот ва корхона ҳақида истемолчилар ўртасида обрў-эътибор, яхши фикр пайдо қилиш учун қандай ишларни амалга оширмоқчи? Бу тўғрида хорижий давлатлар тадбиркорлари, деҳқон ва фермерлари тажрибасини ўрганиш зарур.

### 5.3. Бизнес режанинг таркибий қисмлари

Таклиф этила, тган лойиха турига қараб (қандай махсулот ишлаб чиқариш ,ки хизмат турларига қараб), бизнес-режанинг бўлимлари ҳам турлича бўлиши мумкин. Лекин, бундай ҳужжатнинг мазмуни озми-кўпми намунавий бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Резюме (Хулоса). Бу бизнес-режанинг бошланувчи ва энг қисқа бўлими бўлиб, у ўзидан кейин келадиган барча бўлимларнинг хулосасини ўзида жамлайди. Кўпгина сармоя ажратувчи инвесторлар, банкирлар (чунки уларнинг аксарияти, энг аввало тадбиркорлардир) бир ,ки икки варақли бизнес-режанинг ушбу қисқа мазмунли бўлимини ўқишни яхши кўрадилар. Чунки улар бу орқали лойиханинг энг керакли хусусиятларини ва афзал томонларини пайқай оладилар. Шунинг учун бу бўлимни тай,рлаш жуда мушкул иш ва у бизнес-режани тай,рловчи ходимлардан катта маҳорат ҳамда билимларни талаб қилади.

Бу ишни фақатгина бизнес-режанинг барча бўлимлари ишлаб чиқилгандан сўнггина юқори савияда бажариш мумкин. Шунини ,дда тутиш лозимки, резюме (хулоса) - бу биринчи материал бўлиб, сармоя ажратувчи инвестор, банкир, унинг мазмунидан лойиха ҳақида ҳукм чиқаради.

Резюмеда (хулосада) жуда қисқа тарзда қуйидагилар ,ритилади:

- лойиханинг мазмуни: унинг мақсади ва имконият даражасидаги самарадорлиги;
- маълум бир аниқ бозор шароитида лойихани амалга ошириш мумкинлиги;
- лойихани ким ва қандай амалга оширади;

- лойихани молиялаштириш манбалари;
- лойихани инвестициялашдан келадиган, кутилган фойдалар: сотув хажми, ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари, фойда нормаси, инвестиция маблағларини қайтариш ҳамда харажатларни қоплаш вақти.

2. Корхона (фирма) ҳақида маълумотлар келтирилади. Унда қуйидагилар ,ритилади:

- корхонанинг (фирманинг) ташкил этилган вақти;
- рўйхатдан ўтганлиги;
- корхона сармоясининг таркиби;
- корхонага хизмат кўрсататган банк;
- корхона раҳбарияти ҳақида маълумот;
- корхонанинг ташкилий-бошқарув тузилиши;
- корхонанинг имиджи(яъни - харидорларнинг корхона ҳақидаги фикри, корхонанинг бошқа худди шундай шаклдаги фирмалардан афзаллик томонлари, кимлар унинг товаридан ,ки хизматидан фойдаланади, корхонанинг савдо белгиси қаерларда маълум ва асосий харидорлари кимлардан иборатлиги кўрсатилади).
- корхона ҳаракат қила,тган ички ва ташқи бозор таҳлил қилинади.

3. Товар маҳсулот (хизмат турлари) тавсифи:

- ❖ ишлаб чиқаришга таклиф этила,тган маҳсулот ,ки хизмат қандай эҳти,жларни қондиради;
- ❖ бозордаги ҳозирги кунда мавжуд бўлган худди шу турдаги маҳсулот ,ки хизматдан сизнинг маҳсулотингиз ,ки хизматингиз қайси афзал томонлари бўйича ажралиб туради;
- ❖ таклиф этила,тган маҳсулот ,ки хизмат қандай муаллифлик ҳужжатлари билан ҳимоя қилинган;
- ❖ таклиф этила,тган маҳсулот ва хизматнинг нархлари қандай бўлиши мумкин, ҳамда қанчалик рақобатга бардош беради;
- ❖ маҳсулот ,ки хизматни сотиш натижасида қанчалик фойда нормасига эришиш мумкин;

4. Сотув бозори:

- маҳсулот ,ки хизматнинг асосий харидорлари кимлар бўлади;
- ҳозирги вақтда ҳамда келажакда сотув хажми қандай бўлиши мумкин;
- асосий - рақобатчилар кимлар, уларнинг сотув хажми қанча, маркетинг стратегияси ва даромадлари қандай;
- рақобатчиларнинг маҳсулоти қандай: асосий тавсифномаси ҳамда сифат даражаси қандай;
- рақобатчилар маҳсулотлари ,ки хизматларини қайси нархларда сотмоқдалар, уларнинг нарх си,сатлари қандай;

5. Маркетинг стратегияси:

- ички ва ташқи бозорларда маҳсулот ,ки хизматни таклиф эта,тган тақсимот ҳамда сотув тизими;

- сотув нархи ва нархни ташкил этиш тизими;
  - реклама бўйича керакли чора-тадбирлар, таклиф этилатган реклама воситалари ҳамда уларга кетадиган харажатлар таркиби;
  - сотишга кўмаклашадиган чора-тадбирлар (публик релейшнз), харидорлар учун кўшимча имтизлар, сотувдан сўнгги хизмат кўрсатиш ва хоказолар;
6. Ишлаб чиқариш дастури:
- ❖ махсулот ишлаб чиқариш қаерда ташкил этилади;
  - ❖ янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш лозим-ми? ,ки харажатдаги корхона қувватларидан (қайта қуроллантириб) фойдаланиш мумкин-ми?;
  - ❖ режалаштирила,тган корхонада ишлаб чиқаришни мақсадга мувофик хажми қандай бўлиши керак;
  - ❖ меъ,рдаги қувватларга эришиш учун қандай инвестициялар зарур;
  - ❖ корхона хом-аш, махсулотлари ҳамда бошқа ишлаб чиқариш омиллари билан қандай таъминланади;
  - ❖ қандай технология ва воситалардан фойдаланилади;
  - ❖ корхона бошқа корхона билан иш жара,нини такомиллаштириш устида ишлайдими?;

#### 7. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

- режалаштирила,тган корхонанинг ташкилий тузилмаси қандай бўлади;
- корхона кадрлар билан қанчалик таъминланган, мавжуд мута-хассисларнинг рўйхати, уларнинг малакаси ҳамда иш тажрибаси;
- турли хил категориядаги ишловчиларни, социал имти,зларни қўшган холда, иш хақи шакллари ҳамда даражаси қандай бўлади;
- корхонанинг технологик тузилмаси қандай бўлади;

#### 8. Корхонанинг ташкилий шакли.

- режалаштирила,тган корхонанинг мулк шакли ҳамда ҳуқуқий статуси қандай (хусусий корхона, хиссадорлик жамияти, фермер хўжалиги, ижара корхонаси, кўшма корхона ва хоказолар);
- корхонага ,рдамлашувчи инвестор қандай ҳуқуқларга эга бўлади (бошқаришда қатнашиши, акциялар пакетидаги хиссаси ва хоказолар);
- режалаштирила,тган корхонанинг хомийлари ,ки инвесторлари кимлар (давлат ташкилотлари, банк, фермер хўжалиги, хусусий корхона ва бошқалар);
- мавжуд хомийлар ,ки инвесторлар учун қандай ҳуқуқлар берилган (бошқариш, молиявий назорат);
- ушбу мулк шаклидаги корхона қандай юридик ҳуқуқларга эга (корхонанинг ҳуқуқий статусини тартибга соладиган қонун нормаларини қисқача ,ритинг), потенциал инвестор, унга бериладиган ҳуқуқларга эга бўлиши учун, қандай юридик ҳолатларни амалга ошириш керак (биргаликда эгалик қилиш, хомий, хиссадор) ва бу эса маҳаллий ҳамда жойдаги қонунлар бўйича қандай ҳуқуқий жавобгарликка олиб келади.

#### 9. Молиявий режа.

- корхонани ташкил этиш учун қанча миқдордаги умумий инвестиция хажми керак;
- молиялаштириш манбалари қандай (акциялар сотиш, қимматбаҳо қоғозлар чиқариш, банк кредитини олиш, корхонани ташкил эта, тганларнинг ўз маблагини);
- молиялаштириш манбалари ва валюта турлари бўйича таркиби қандай бўлиши керак (агарда хорижий валюталарда инвестициялар режалаштирилади, тган бўлса, у ҳолда қайси айрибошлаш курсларида уларни жалб этишмоқчи);
- узоқ муддатли инвестицияларга ва айланма воситаларга бўлган эҳти, жларни қондириш учун қандай шартлар асосида молия маблағлари жалб этилади;

#### 10. Лойиханинг рентабеллиги (фойдалилиги).

- ❖ корхонани ташкил этиш бўйича инвестиция харажатларининг умумий хажми ҳамда маҳсулот бирлигига тўғри келиши қандай (асосий ва айланма воситаларга, инфраструктурага ва хоказолар учун инвестициялар);
- ❖ режалаштирилади, тган корхонани ишлатиш, маҳсулотини сотиш, ки хизматни ташкил этиш қанчага тушади;
- ❖ маҳсулотни сотишдан, ки хизматдан келадиган умумий даромадлар хажми қанча бўлиши мумкин;
- ❖ режалаштирилади, тган корхона қандай турдаги солиқларни тўлаши керак;
- ❖ ижарага олинган маблағларни қайси муддатларда ва қандай хажмларда қайтариш режалаштирилаяпти;
- ❖ режалаштирилади, тган корхонанинг умумий фойда хажми ва нормаси қанча бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган бизнес-режанинг бўлимларидан ташқари, яна қўшимча равишда қуйидаги ахборотларни келтириш мумкин, яъни молиявий маблағлар ҳамда мажбуриятлар, фойда ва зарарлар ҳисоботи, моддалари бўйича харажатлар ва хоказолар.

Хулоса қилиб айтганда, муваффақиятли тузилган бизнес-режа корхонанинг ҳолатини чуқур таҳлил қилади ҳамда унинг келажакдаги ривожланишига ҳолисона ва объектив баҳо беради.

Бизнес-режа муҳим ҳужжат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уни бегона одамларга ҳамда корхона бошқарувиغا алоқадор бўлмаган шахсларга бериш таъқиқланади.

### **5.4. Бизнес режани тай,рлаш.**

Тадбиркорлик билан шугулланувчи хўжалик, юридик шахс мақомига эга бўлганидан сўнг самарали фаолият юритиш мақсадида ўз бизнес режасини тузиши зарур. Бизнес режа аввалдан фаолият курсата, тган ҳамда янгидан

ташкил этилатган хўжаликларнинг ҳаммасида тузилади. У хўжаликнинг бир йиллик фаолияти бўйича, ки айрим йўналишлари бўйича алоҳида тузилиши мумкин.

Бизнес режани, хўжаликнинг раҳбар ва мутахассислари, махсус фирмалар, ки маблағ билан таъминловчи ташкилотлар тузиб беришлари мумкин. Амали, тда бизнес режани, "Бизнес-фонд", "Мадад" ва бошқа ташкилотларнинг ходимлари тузиб бермоқдалар. Лекин, бизнес режалар хўжаликларнинг мутахассислари томонидан тузилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, улар ҳар бир хўжаликдаги имкониятни ва муоммоларни мукамал биладилар.

Бизнес режанинг асосий мақсади хўжаликдаги барча воситалардан оқилона фойдаланиш натижасида унинг ривожланишини ҳамда самарадорлигини таъминлашдир.

Мақсадни ҳал этиш учун режада ички ва ташки талабларни эътиборга олган ҳолда қандай маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизматларни бажариш кераклигини аниқлаб олиш тадбирлари тузилади:

қанча меҳнат, маблағ ва бошқа воситалар талаб этилишини режалаштириш, уларни олиш манбалари ва йўллари; мавжуд бўлган барча воситалардан тўла ва самарали фойдаланиш тадбирлари; ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни қаерда, кимларга, қачон ва қандай тартибда сотиш ва тақсимлаш тадбирлари; амалга ошириладиган барча харажатлар (йўналишлари бўйича), маҳсулот сотишдан, хизмат кўрсатишдан олинadиган пул даромадларини, фойдаларни, уларнинг тақсимланишини аниқ, ифодаловчи ҳисоб - китоблар бўлиши керак.

Бизнес режа олдида қўйилган талабдан келиб чиққан ҳолда, унинг таркиби юқорида қайд этилган 9 қисмдан ташкил топган бўлиши мақсадга мувофиқдир:

Бизнес режанинг мазмуни, тузилиш тартиби.

Бизнес режанинг титул варағида хўжаликнинг номи, маскани, таъсисчиларнинг исми-шарифи, маскани, телефони, факси бир бетда жойлаштирилиши зарур.

**Кириш қисмида** режалаштирила, тган хўжалик фаолиятининг ҳолати, ҳудуддаги ўрни, аҳамияти ва самарадорлиги аниқ маълумотлар, рдамида кўрсатилиши лозим. Шунингдек унда маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси, маҳсулотлар ассортименти, уларнинг миқдори, сотилиши, умумий мулки ва маблағи, ишчи-хизматчиларнинг умумий сони ҳамда рақобатчилар тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топиши керак. Бу қисмнинг мазмуни ишончли бўлиши керак. Чунки у сармоячилар эътиборини ўзига жалб эта билиши лозим.

**Тармоқ маҳсулотлари бозорини таҳлил** этувчи қисмида, ҳудудда, хўжаликда сотилган, келажакда сотилиши мумкин бўлган маҳсулот турлари, миқдори, сифати, баҳоси тўғрисидаги маълумотлар батафсил кўрсатилиши лозим. Шу ўринда хўжаликнинг бозордаги ўрни кўрсатилса, янада яхши

бўлади. У хўжаликда сотилган махсулот миқдорини шу ҳудудда, ки туманда сотилган шундай махсулот миқдorigа тақсимлаб, 100 га кўпайтириш йўли билан аниқланади. Агарда бу кўрсаткич ортиб борса унда, хўжаликнинг бозордаги ўрни ривожлана, тганлигидан далолат беради. Ундан хўжаликнинг бозордаги мавқеи қандай ўзгара, тганлигини кўриш мумкин. Бу эркин бозор шароитидаги энг муҳим шартлардан биридир. Чунки бозорда ўрни юксала, тган хўжалик рақобатбардош ҳисобланади ва у келажакда самарали ривожланади. Шу қисмда рақобатчилар тўғрисида батафсил маълумотлар, хўжаликнинг ташки бозорга чиқиш имкониятлари, масалан, пахта толасини, коракўл терисини, сабзаёт ҳамда боғдорчилик махсулотларини сотиш бўйича имкониятлар ҳам асосланган ҳолда кўрсатилса фойдадан холи бўлмайди. Лекин юқоридаги масалаларга оид маълумотлар қишлоқ хўжалик корхоналарида эълон қилинмайди. Маълумотлар тақчиллиги мавжуд. Уни ҳал этиш учун эса Республика радиоси, рўзномалари ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим. Тадбиркорлар маълумотларни биржалардан, рўзнома ва ойномалардан, радио, телевидение хабарларидан олишлари мумкин.

**Режанинг мазмуни қисмида** хўжалик ишлаб чиқариши мумкин бўлган махсулотларнинг ички ва ташки рақобатчилар махсулотларидан фарқлари, афзалликлари (сифати, баҳоси, харажати ва бошқа) товарларининг белгилари, уларни сотиш бўйича мавжуд бўлган лицензиялари ҳамда махсулотларни экспорт қилиш имкониятлари бўйича маълумотлар тўлиқ келтирилиши лозим. Масалан, хўжалик пахтанинг маълум бир навини етиштириш билан шугулланса, уни юқоридаги кўрсаткичлар бўйича бошқа навлар билан бир жадвалда таққослаб бериш керак. Шунда уларнинг фарқлари, афзалликлари яққол кўринади. Шу қисмда ишлаб чиқаришнинг қандай жойлашганлиги, махсулотларни сотишга чиқариш имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилиши керак. Масалан, пахта каерда етиштирилади ва у каерда қайта ишланади, яъни толага айлантдирилади. У жойнинг темир йўл, тош йўл, ҳаво ҳамда сув йўлига яқин-узқлиги, қўлайлиги кўрсатилиши зарур. Шунингдек, ишлаб чиқарила, тган махсулотларнинг чакана ва улгуржи савдо масканларига яқинлиги ҳам кўрсатилиши керак. Режанинг шу қисмида хўжаликни келажакда ривожлантириш учун талаб этиладиган капитал қўйилмалар ва шулар эвазига барпо этиладиган барча турдаги объектлар, уларнинг афзаллиги ва самарадорлигини ифодаловчи маълумотлар ҳам келтирилиши лозим. Нихоят, бу қисмда режанинг бажарилишини таъминловчи асосий омиллар, йўллар кўрсатдилади.

**Ишлаб чиқариш режаси қисмида** махсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган, турли хилдаги тадбирлар режалаштирилган бўлиши керак. Махсулот ишлаб чиқаришнинг технологик жара, нлари бўйича сарфланиши мумкин бўлган меҳнат, материал ҳамда маблағ харажатлари (миқдори, суммаси) кўрсатилиши лозим. Ҳисоб-китоблар натижасида хўжалик қанча махсулот ишлаб чиқариши ва унга қанча меҳнат, материал ва маблағ

сарфланиши аниқланади. Бу қисмда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам режалаштирилади. Масалан янги техника, технология ,ки кичик корхоналарни ишлатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар ҳисоб-китоблар асосида кўрсатилиши лозим. Тадбиркорлар шу қисмни тузишда технологик жараёнларини бажариш учун белгиланган нормативларни, чунончи, экинларни экишда уруг, ,қилгиларни, ўғитларни сарфлаш, меҳнат сарфи меъ,рларини, шунингдек барча материалларнинг баҳоларини ва бошқаларни билишлари лозим.

**Маркетинг режаси қисмида** бизнес режани тармоқ маҳсулотлари бозори қисмидаги маълумотларга асосланган ҳолда маҳсулотларни истеъмолчиларга сотишнинг асосланганлиги, бу жараён ҳеч қандай кийинчиликларни вужудга келтирмаслигини кўрсатувчи тадбирлар белгиланади. Шу қисмда корхона маҳсулотларини истеъмол этувчилар тўғрисида, улар томонидан қўйиладиган талабларнинг барқарорлигини аниқ рақамлар билан исботлаш лозим. Хўжалик маҳсулотига бўлган талаб даражасига таъсир этувчи омиллар кўрсатилади. Масалан, хўжалик маҳсулоти сифатининг яхшилиги, экологик жихатидан тозаллиги, баҳосининг нисбатан арзонлиги, транспорт йўлларига яқинлиги ва бошқалар. Хўжаликнинг бошқа рақобатчилар билан рақобатлашишида ютиб чиқиш стратегияси имкони борича рақамлар ,рдамида асосланиши зарур. Ниҳоят, сотиладиган маҳсулотларнинг баҳолари белгиланади, маҳсулотларни қандай тартибда сотиш тафсилотлари батафсил ,ритилади ҳамда реклама харажатлари келтирилади. Хўжаликнинг бозор соҳасидаги айрим талаб этиладиган ҳолатлари ҳам режалаштирилади.

**Ташкилий режа қисмида** хўжалик юритиш фаолиятининг ҳуқуқий асослари, қайси қонунлар, фармонлар ҳамда қарорлар асосида фаолият кўрсатиши, мулк шакли, уларнинг мулкани эгалари, хусусиятлари қайд этилади. Ҳиссадорлик, пайчилик хўжаликларида эса уларнинг мулкий пайининг умумий миқдори, тақсимланиши каби маълумотлар кўрсатилиши лозим. Бу қисмда молиявий ҳужжатларга кимлар қўл қўяолиши, уларнинг ҳуқуқлари кўрсатилади. Улар хўжаликнинг устави (низоми) га мос келиши шарт.

**Таваккалчилик режаси қисмида** турли ҳолатларнинг таъсир кўрсатиши аниқланиши лозим. Улар техникавий, экологик, бошқариш, молиявий-си,сий ҳамда халқаро миқ,сдаги ҳолатлардан иборат бўлиши мумкин. Уларни айрим сабабларга (хўжаликка боғлиқ бўлмаган) кура амалга оширилмаслиги хўжалик фаолиятига қандай салбий таъсир этиши мумкинлигини кўрсатиш керак. Масалан, хўжалик синалмаган истеъмолчига маҳсулот сотишда, экологиянинг ўзгаришида, маҳсулотларни транспорт воситаларида ташилиши, иқтисодий ва си,сий барқарорлик шаклланмаган ҳудудларга маҳсулот сотиш натижасида хўжалик таваккалчиликка йўл қўйиши оқибатида юз берадиган ҳоллар ,ритилиши лозим. Юқоридаги омиллар таъсирини маҳсус ишлаб чиқарилган баллар ,рдамида аниқлаш мумкин. Уларни олишда тадбиркорлар бироз

қийналадилар. Бу мушкулликни енгиллаштириш учун "Республика товар ишлаб чиқарувчилар палатаси", биржалар, вазирликлар тегишли балларни газеталарда эълон қилиб, тадбиркорларга кўмаклашишлари лозим.

**Молиявий режа қисмида** аввалги қисмларда махсулот турлари буйича аниқланган ишлаб чиқариш харажатлари, уларнинг таннархлари ҳамда баҳоларига асосланган ҳолда ҳар бир махсулот тури буйича олиниши лозим бўлган пул тушуми режалаштирилади. Ишлаб чиқариш харажатларини доимий ҳамда ўзгарувчан харажатларга бўлган ҳолда аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Доимий харажатларга ишлаб чиқариш мумкин бўлган махсулот миқдорининг узғариши билан боғлиқ бўлмаган харажатлар яъни асосий воситаларнинг ижара хақи, амортизация суммалари, ер ва сув солиғи суммалари ва бошқалар киритилади.

Ўзгарувчан харажатларга эса махсулот миқдорининг кўпайиши билан боғлиқ бўлган харажатлар, яъни махсулот етиштиришда сарфланган иш хақи суммаси, қилғи, ўғитлар қиймати ва бошқалар қиради. Шунингдек, хўжалик буйича сарфланган ишлаб чиқариш харажатларининг умумий миқдори, даврий харажатлар, молиявий сарфлар ҳамда қузда тугилмаган харажатлар суммаси аниқланади. Шу харажатларни режалаштириладиган даврда қамайтириш йўллари, имкониятлари аниқланиб ҳисоб китоб қилинади. Ҳисоб - китобларга асосланган ҳолда уларни қамайтириш режалари ишлаб чиқилади. Барча харажатлар, даромадлар ҳамда фойда суммаси аниқланганидан сунг, хўжаликнинг рентабеллик даражаси аниқланади. Шунингдек айрим ишлаб чиқариладиган махсулотлар ҳамда хўжалик буйича харажатларни қоплаш даражаси ҳам аниқланади. Шу кўрсаткич рамида махсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш зарурми, қи тухтатиш керакми, деган масала ҳал этилади. Агарда олинadиган даромад унга қилинадиган харажатдан кам бўлса, махсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш керак эмас. Шу қисмда олиниши мумкин бўлган соф фойданинг тақсимланиши ҳам режалаштирилади.

Бизнес режа тузишда хўжалик раҳбари ва мутахассислари қуйида кўрсатилган масалаларга асосий эътиборни қаратишлари керак:

- ❖ аниқ бозордаги махсулот турларига бўлган талаб ва тақлифни ҳисобга олган ҳолда фойда келтирувчи экин турини экишни режалаштириш, сотиш шаклларини аниқ билиш;
- ❖ режалаштирилган йилда экиладиган экин турларини, ердан тўғри фойдаланган ҳолда жойлаштириш;
- ❖ экиладиган ҳар бир экин тури буйича хўжаликда технологик хариталарни тузишда мавжуд меъролардан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ҳудуднинг ва хўжаликнинг иқтисодий географик хусусиятларини ҳисобга олиш;
- ❖ меҳнат ва моддий харажатлар меъроларига қатъий риоя қилиш;
- ❖ экиладиган экинни ҳосилдорлигини тўғри белгилаш;
- ❖ чорвачиликда пода ҳаракатини тузиш;

- ❖ моллар махсулдорлигини тўғри белгилаш;
- ❖ моллар ва паррандаларнинг озуқага бўлган талабини ҳисоб- китобини қилиш;
- ❖ 100 бош ургочи моллардан бузоқ, қўзи ва чўчка боласи олиш ҳисоб- китоби, хўжаликнинг йуналишини ҳисобга олган ҳолда белгиланади;
- ❖ экин экиш ,ки чорва молларини парвариш қилиш билан боғлиқ барча сарф - харажатларни аниқ ҳисоб - китоб қилиш;
- ❖ йил бошида мавжуд қолдиқни, махсулотларни сақлаш харажатлари ҳисоб-китобини тўғри йўлга қўйиш;
- ❖ эркин ва шартнома асосида сотиладиган махсулотларга бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда нарх белгилаш ва йил давомида бозор баҳоларининг ўзгаришига қараб махсулот сотишнинг шартнома баҳосини тўғрилаб борилишини шартномада кўзда тутиш;
- ❖ тай,рлов ташкилотлари томонидан шартнома асосида оладиган махсулотларни ташиш харажатларини қоплаш манбаларини, миқдорини аниқлашни шартномада аниқ кўрсатиш;
- ❖ ишлаб чиқаришда ишлатилмай фойдасиз ,тган инвентар, машина ва техникаларни сотишни йўлга қўйиш;
- ❖ хўжаликдаги хар бир. тармоқнинг фойда билан ишлашини таъмин этиш;
- ❖ қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган махсулотларга қилинадиган меҳнат ва моддий ресурслар меъ,ри (киши-соат, уруг, ,қилги-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар ва бошқалар) ваколатли органлар томонидан тасдиқланган, қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштиришда талаб этиладиган меъ,рдан, маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш;
- ❖ экиладиган экинларнинг технологик хариталарда кўрсатилган даврлар буйича иш миқдорини бажарилиш ва харажатлари давр тугаши билан таҳлил қилиб борилиши шарт.

**Тест – рейтинг саволлари:**

- Режалаштириш деб нимага айтилади.
- Режалаштиришнинг мақсадини тушунтиринг.
- Режалаштиришнинг вазифалари нималардан иборат.
- Режалаштиришнинг тамойилларини айтинг.
- Режа тузиш учун керакли хужжатлар.
- Режалаштиришда қайси иқтисодий кўрсаткичлар тахлил этилади.
- Режалаштиришнинг таркибий қисмларини айтинг.
- Лойиханинг мазмуни, мақсади ва имконият даражасидаги самарадорлик қандай режалаштирилади.
- Бизнес режада корхона ҳақида қандай маълумотлар келтирилади.
- Бизнес режада товар маҳсулотини, қандай кўрсатиладиган хизмат турларининг таърифи.
- Бизнес режалаштиришда бозорни ўрганиш.
- Бизнес режада маркетинг стратегияси.
- Бизнес режада корхона ишлаб чиқариш имкониятларини, ритиш.
- Бизнес режада ишлаб чиқаришни ташкил этиш.
- Бизнес режада корхонани ташкил қилиш.
- Бизнес режани молиялаштириш манбалари.
- Бизнес режада рентабеллик қандай аниқланади.
- Бизнес режани бажарилиши қандай назорат этилади.
- Бизнес режада раҳбарнинг ўрни.
- Бизнес режани тўлдириш нимадан бошланади.
- Бизнес режа тузишда технологик хаританинг ўрни ва ахамияти.
- Бизнес режа тузишда чорвачилик тармоқларининг пода харакати нима учун ишлатилади.
- Бизнес режа тузишда меъ,рий хужжатлардан фойдаланиш.
- Бизнес режа тузишда қўлланиладиган усуллар.
- Бизнес режа тузиш тартиби.

6-БОБ. Қишлоқ хўжалигида ихтисослаштириш ва тармоқларни мувофиқлаштириш

### **6.1. Ихтисослаштириш ва жойлаштириш тўғрисида тушунча, тамойиллари ва туркумланиши**

Иқтисодий ислохатлар жара,нида, мулк муносабатлари тубдан ўзгартирилиб, ҳамма қайта тузилмалар хусусий характерга эга бўлган бир шароитга, мос равишда ижтимоий меҳнат тақсимооти амалга оширилмаса, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги кўтарилмайди ва қишлоқ хўжалиги олдида қўйилган улкан вазифалар тўлиқ бажарила олмайди.

Кенг маънода ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш - бу ижтимоий меҳнат тақсимотидир.

Ихтисослаштириш деб, бозор талабини ҳисобга олган ҳолда, мамлакат ҳудудларидаги корхоналарнинг табиий - иқтисодий шароитларидан келиб чиқиб илмий асосларда, маълум турдаги товар маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган қилиб жойлаштирилган ижтимоий меҳнат тақсимотига айтилади.

Ихтисослаштириш ижтимоий меҳнат тақсимотини сифат томонини кўрсатади, у, ки бу хўжаликда, туманда, вилоятда қайси турдаги маҳсулот, хизмат, ки тармоқ етакчи эканлигини кўрсатади.

Ихтисослаштириш мамлакат ҳудудида қайси маҳсулотни етиштириш табиий - иқтисодий ва экологик жиҳатдан қулай эканлигини кўрсатиб беради. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришни жойлаштириш билан уни ихтисослаштириш бир бирлари билан узвий боғлангандир.

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш - бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мақсадида мамлакат туманларининг табиий - иқтисодий ва экологик омилларини ҳисобга олган ҳолда, уларда у, ки бу турдаги қишлоқ хўжалик экинни, ки чорва моллари турини ҳамда уларга кўрсатиладиган хизматни мос ҳолда жойлаштиришдир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жойлаштириш ижтимоий меҳнат тақсимотини миқдор томондан кўрсатиб, мамлакат ҳудудларида жойлашган ҳар бир хўжалик, туман, вилоят, қайси турдаги қишлоқ хўжалик экинларини экинини, чорва моллар турини сақлашни ва уларга мос бўлган хизматни кўрсатишини аниқлаб беради.

Ихтисослаштиришни тўғри йўлга қўйиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир. У бозор иқтисоди, тининг меҳнат тақсимоти қонуни, меҳнат унумдорлигини ўсиб бориши, меҳнат турларининг ўрин алмашинуви каби умум иқтисодий қонунларидан келиб чиқади. Ихтисослаштириш меҳнат унумдорлигини, хўжаликнинг рентабеллиги ва даромадини кескин оширишга хизмат килади.

Ихтисослаштириш бозор учун энг зарур иқтисодий аҳамиятга эга бўлган товар маҳсулотларини етиштириш ва хизмат турларини кўрсатиш учун меҳнат ва моддий ресурсларнинг бир жойга тўплашни, янги техникадан кенг ва самарали фойдаланишга: янги, илгор технология ва меҳнатни ташкил этишни ижара муносабатлари ва оила пудрати усулларини жорий этишга қулай шароит яратиш, етиштириладиган маҳсулот миқдорини ва хизмат турини анчагина кўпайтириш имконини беради, меҳнат унумдорлигини оширади, хўжаликларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтаради.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш корхоналар олдида турган асосий вазифаларни тўлиқ бажарилиши яъни, ишлаб чиқаришга илгор, экологик тоза агротехника, зооветеринария, техникавий хизмат, органик ва минерал ўғитлар ҳамда ўсимликларни ва чорвани химоя қилиш воситаларини, фан ютуқлари, илгорлар иш тажрибасини жорий этиб, улардан унумли фойдаланиб, меҳнат ва маблағларни кам сарфлаган ҳолда қишлоқ хўжалигига

яроқли хар бир гектар ер ва шартли бош мол хисобига дехқончилик ва чорвачилик махсулотларини мумкин қадар тез ва барқарор кўпайтиришни таъминлайди.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва жойлаштириш бўйича иш олиб борганда қўйидаги тамойилларга қатъий амал қилиш лозим:

- ихтисослаштириш ва жойлаштиришда мунтазамлик ва барқарорлик;
- хўжалик иқтисодини ва ишлаб чиқариш тузилмаларини хисобга олган ҳолда, ташкилий мулк шаклини ва ишлаб чиқариш йўналишини танлашга илмий ёндашиш;
- корхоналарнинг бир-бири билан ихтирий ҳамкорлик ва иқтисодий мустақиллигини сақлаш;
- корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини бошқаришни ташкил қилишда, ижтимоий меҳнат тақсимотини амалга оширишда ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишда демократик тамойилларга амал қилиш;
- иш бажарувчиларнинг меҳнат унумдорлигини ўстирганлиги учун моддий манфаатдорлигини таъминлаш.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва жойлаштиришга қўйидаги омиллар ўз таъсирини ўтказди:

- ❖ бозор талабини хисобга олиш;
- ❖ ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли ва тўла фойдаланиш;
- ❖ ишлаб чиқаришни истеъмолчиларга яқинлаштириш;
- ❖ хар бир иқтисодий туманни ўзида ишлаб чиқарилган махсулотлари хисобига, ўз талабини кондириш;
- ❖ жумхурият, вилоят ва туманларда меҳнат тақсимотини хисобга олиш ва меҳнат бозорини ташкил этиш.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жойлаштиришда қўйидаги омилларга эътибор бериш лозим:

- ❖ йирик саноат марказлари ва шаҳарлар талабини хисобга олиш;
- ❖ қишлоқ хўжалик махсулотлари характериға, тез бузилиш, ташиш қийинчилиги, транспорт харакати ва хоказоларға;
- ❖ махсулот етиштириш учун сарфланадиган хом аш, характериға - сут катик, ,г ва бошқа махсулотлар етиштириш учун озукани чорва молларига яқинлаштиришға;
- ❖ транспорт воситалари ҳамда йўллар ҳолатига;
- ❖ махсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва сотувчи корхоналарни жойлашишиға ва ривожланиш даражасига;
- ❖ минтақа аҳолиси, унинг меҳнатға яроқли қисми, меҳнат малакаси, касби ва бўш иш ўринларининг мавжудлигиға.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини ихтисослаштириш маҳаллий шароит талабларини хисобга олган ҳолда амалга оширилади. Ихтисослаштириш қўйидаги шаклда туркумланади: минтақавий; хўжаликлар бўйича; хўжалик ичида.

Минтақалар бўйича ихтисослаштириш дейилганда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини йирик худудий минтақалар, вилоятлар бўйича меҳнат тақсимоти тушунилади. Масалан, пахтачилик, тамакичилик, дончилик, қорақўлчилик ва ҳақозо. Бундай ихтисослаштириш ушбу минтақа, қайси турдаги маҳсулот етиштиришга мослашганлигини кўрсатади ва минтақаларни бир-бири билан таққослашда катта роль ўйнайди.

Хўжаликлар бўйича ихтисослаштириш дейилганда, минтақага қирувчи алоҳида корхоналарни ишлаб чиқариш йўналиши бўйича ихтисослаштириш тушунилади. Бундай ихтисослаштириш натижасида хўжаликларда бир қанча бир-бирлари билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш юзага келади. Масалан, пахта ишлаб чиқариш, сўзсиз алмашлаб экишни қўллашни талаб этади. Алмашлаб экиш ўз навбатида чорвачилик тармоқларини ривожлантириш заруриятини келтириб чиқаради. Натижада моддий ва меҳнат ресурсларини товар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун, бир корхонада тўплаш юзага келади.

Хўжаликлар ичида ихтисослаштириш бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун бир хўжаликнинг бир неча бўлим, ферма ва фермерлари иш жараҳларида бирлашади, улар ўртасида меҳнат тақсимоти юзага келади. Масалан, бўрдоқчилик фермалари, виночилик, консерва тайёрлаш ва ҳоказо.

Хўжалик ичида ихтисослаштириш корхона ишлаб чиқаришининг ихтисосланишини ақс эттириб унинг бир жойга тўпланишига олиб келади. Бундай ихтисослаштириш ишлаб чиқариш қандай даражада марказлашганлигини кўрсатади, хўжаликларнинг жадал ривожланишига бевосита таъсир этади.

Ихтисослаштиришни аниқловчи кўрсаткичлар қўйидагилардан иборат:

- ❖ товар маҳсулотларининг таркиби;
- ❖ товар маҳсулоти таркибида айрим экин турлари ушбу тармоқларнинг тутган ўрни;
- ❖ маҳсулотларнинг товарлилик даражаси.

Қўшимча кўрсаткичлар қўйидагилардир: 100 гектар қишлоқ хўжалик экин майдони ҳисобига етиштириладиган товар маҳсулоти (қиймат ва натура кўрсаткичлари), маҳсулот таркиби, 100 сўмлик асосий ишлаб чиқариш фонди ҳисобига ва ўртача бир ходим ҳисобига тўғри келадиган товар маҳсулоти ва ҳоказолар.

## **6.2. Тармоқ тўғрисида тушунча, уларни самарали мувофиқлаштириш таъминлари**

Қишлоқ хўжалиги хилма-хил товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчи, бир-бири билан ўзвий боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи тармоқлар мажмуасидан ташкил топган.

Тармоқ деб, бир-биридан ишлаб чиқариш техникаси, технологияси, фойдаланиладиган асосий ва айланма воситаларнинг таркиби, ишчи кучларининг характери, малакаси, касби ва пировард махсулоти билан фарқланадиган сохаларга айтилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида дехқончилик ва чорвачилик тармоқлари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Бу тармоқлар ўз навбатида қатор яна ҳам чуқур ихтисослашган тармоқларга ажралади. Дехқончиликда, ишлаб чиқариладиган махсулот турига қараб: дончилик, пахтачилик, картошкачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва бошқалар; чорвачиликда моллар турига асосан: қорамолчилик, чўчқачилик, қорақўлчилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва хоказолар.

Тармоқлар ўз навбатида асосий ,ки етакчи, қўшимча ва ,рдамчи тармоқларга бўлинади. Бундай туркумлаш асосида тармоқларда ишлаб чиқариладиган товар махсулотларининг салмоғи ва тутган ўрни ҳисобга олинади.

Асосий тармоқ корхонада ишлаб чиқариладиган товар махсулотининг 2/3 (учдан икки) қисмини ,ки 66 фоизидан ортигини бериши лозим. У хўжаликнинг ихтисослашганлигини белгилайди, ишлаб чиқариш таркиби шу асосий тармоққа боғлиқ.

Қўшимча тармоқ деб, ялпи ва товар махсулотининг энг камида 1/3(учдан бир) қисмини ташкил этадиган тармоққа айтилади. Қўшимча тармоқлар асосий тармоқнинг ривожланишига бевосита ижобий таъсир этиб, корхонада мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланиш учун шароит яратиб беради. Қўшимча тармоқларга -пахтачилик хўжаликларида -пиллачилик, сут ва гўшт ишлаб чиқарувчи фермалар, сабзавотчилик, картошкачилик ва хоказолар киради.

,рдамчи тармоқ ( ,ки ,рдамчи саноат корхонлари) - бу қишлоқ хўжалик хом ашесини қайта ишлайдиган - тегирмонлар, обжувозлар, сутни қайта ишловчи цехлар, сабзавот, мева, узумни қайта ишлайдиган корхоналар, шунингдек қурилиш материаллари тай,рлайдиган: гишт, черепица заводлари, тахта тиладиган - пилорамалар, инвентарлар ясайдиган, қурилиш материллари тай,рлайдиган устахоналар; маиший хизмат кўрсатадиган- ошхона, нонвойхона, тикувчилик, пойафзал ва бошқа устахоналар киради. Қўшимча тармоқлар йил давомида қишлоқ жойларидаги ортиқча меҳнат ресурсларидан тўла ва бир текис фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигини бозор иқтисоди,тига аста-секин ўтказиш, корхоналарнинг янги шаклларини пайдо бўлишига олиб келди, уларда янгича меҳнат тақсимооти шаклланмоқда, ҳамда асосий, қўшимча ва ,рдамчи тармоқларни мувофиқлаштиришнинг янгича шакллари вужудга келмоқда. Тармоқларни мувофиқлаштиришдан кўзда тутилган мақсад, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий восита бўлган ердан янада унумли фойдаланишдир.

Тармоқларни тўғри, илмий асосда мувофиқлаштириш барча ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланиш, транспорт харажатларини қисқартириш, маблағлар айланишини тезлатиш ва соф даромадни ошириш имконини беради.

Тармоқларни бир-бирига мақсадга мувофиқ равишда мувофиқлаштиришнинг иқтисодий тамойиллари қўйидагилардан ташкил топади:

- ❖ бозорни юқори сифатли, арзон, рақобатга чидайдиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш;
- ❖ тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини молиялаш тамойиллари асосида юқори самарадорликка ва хўжалик юртишни мустақиллигига эришиш;
- ❖ корхонанинг табиий-иклим ва иқтисодий хусусиятларини кенг кўламда ҳисобга олиш;
- ❖ қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва улардан тўла ва тўғри фойдаланиш;
- ❖ меҳнат тақсимотини тўғри режалаштириш асосида меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш ва ишлаб чиқаришда мавсумийликни пасайтириш;
- ❖ ишлаб чиқариш воситаларидан ва хусусан энергия билан қуролланган, юқори қийматли техника воситаларидан унумли фойдаланиш;
- ❖ товар маҳсулотларини сотиш маконларини кенгайтириш ва транспорт харажатларини камайтириш;
- ❖ корхонанинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички талабларини қондириш, аҳолини техника хизмати, рўзғарида бўлган эҳтиёжларини бажариш.

Асосий ва қўшимча тармоқларни мувофиқлаштириб бориш уларнинг бир меъёрида ривожланишини таъминлайди. Тармоқларни мувофиқлаштириб бориш шакллари жуда кўп. Улар ишлаб чиқаришнинг маҳаллий, табиий ва иқтисодий шароитларига боғлиқ бўлиб, ҳар гектар ердан, ҳар бир бош чорва молидан кўпроқ миқдорда, арзон маҳсулот олиш имконини беради.

### **6.3. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг типлари ва ҳажм кўрсаткичлари**

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш типлари, ўзларининг барча товар маҳсулотлари таркибида ҳамда бош йўналишларида, асосий товар маҳсулоти етиштиришда, тармоқнинг тутган салмоғи билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш типи деб - бир хил ишлаб чиқариш йўналишига ва таркибига эга бўлган, бир хил табиий-иқтисодий шароитда ишлаб чиқаришни олиб борадиган, бир турдаги илгор техника ва технологияни қўллайдиган, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда бир хил жадаллик даражасига эришган ишлаб чиқариш соҳаларига айтилади.

Республикамиздаги қишлоқ хўжалик корхоналари минтақалар бўйича тупроқ, иклим шароитлари, ер-сув ресурслари, саноат ва қишлоқ хўжалигини

ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда 3 та минтақа, майдонга-қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш мажмуалари (туманлари)га ажратилган:

1. республиканинг текис саҳро минтақаси - яйлов қорақўлчилик мажмуаси типигаги хўжаликлар жойлашган;
2. республиканинг лалмикор минтақаси - дончилик-чорвачилик, гўшт ҳамда гўшт-жун қўйчилиги типигаги хўжаликлар ривожлантирилган;
3. сугориладиган минтақа - асосан пахта ва дон ишлаб чиқаришга ихтисослашган хўжалик типлари жойлашган.

Бозор иқтисоди, ти, республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ихтисослаштириш, жойлаштириш ва корхоналарнинг истиқболдаги ишлаб чиқариш типлари бўйича ўз тузатишларини киритиши кутилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳажми натура ва пулда ифодаланган ялпи маҳсулот миқдори билан белгиланади. Бу асосий кўрсаткич. Уни бир неча йиллар давомида аниқлаш мумкин. Хўжалик ҳажмининг билвосита кўрсаткичлари: товар маҳсулотлари ҳажми, қишлоқ хўжалиги ерларининг миқдори, шу жумладан хайдаладиган ерлар: асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати: мавжуд ишчи кучининг сони: мол ва парранда сони.

- ❖ йирик товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш пахтачилик ва галачиликда ширкат хўжаликлари томонидан амалга оширилади;
- ❖ ўрта товар ишлаб чиқариш айникса чорвачилик маҳсулотлари етиштириш фермер хўжаликлари томонидан амалга оширилади;
- ❖ майда товар ишлаб чиқаришни деҳқон хўжаликлари амалга оширади.

### **Тест – рейтинг саволлари:**

- Қишлоқ хўжалигида ижтимоий меҳнат тақсимои нимадан иборат.
- Ихтисослаштириш деб нимага айтилади.
- Ихтисослаштиришнинг тамоилларини айтинг.
- Ихтисослаштиришни туркумланг
- Ихтисослаштиришнинг асосий ва қўшимча кўрсаткичларини айтинг
- Ихтисослаштиришга таъсир этувчи омилларни айтинг
- Ишлаб чиқаришни жойлаштириш деб нимага айтилади.
- Ишлаб чиқаришни жойлаштиришга таъсир этувчи омиллар.
- Тармоқ деб нимага айтилади.
- Қишлоқ хўжалик тармоқларини таърифланг
- Бош тармоқ деб нимага айтилади.
- Ҷрдамчи тармоқ деб нимага айтилади.
- Қўшимча тармоқларга мисол келтиринг.
- Тармоқларни мувофиқлаштириш тамойилларини айтинг.
- Қишлоқ хўжалик корхоналарининг типлари деб нимага айтилади.
- Корхоналар типларини туркумланг.

- Қишлоқ хўжалик корхоналарини хажм кўрсаткичларини айтинг.
- Йирик корхоналарнинг афзалликлари ва самарадорлигини тушунтиринг

7-БОБ. Ишлаб чиқариш воситалари ва улардан фойдаланиш ташкил этиш

### 7.1. Ишлаб чиқариш воситалари тўғрисида тушунча ва уларни туркумлаш

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий ишлаб чиқариш қувватлари учун унсур йигиндисидан ташкил топади: ернинг иқтисодий қиймати плюс моддий - техника воситалари қиймати плюс меҳнат ресурсларининг қиймати. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати қанчалик кучли бўлса, улар шунчалик иқтисодий жихатдан мустаҳкам, барқарор ривожланган ва бозор иқтисоди, ти талабларига чидайдиган рақобатбардош бўладилар. Корхоналар ишлаб чиқариш қувватининг (потенциалининг) асосини моддий-техника ресурслари, ки ишлаб чиқариш воситалари ташкил этади.

Ишлаб чиқариш воситалари ўз навбатида меҳнат предметлари ва меҳнат қуроллари йигиндисидан ташкил топади ва улар бир-биридан ишлаб чиқариш жара,нида неча марта қатнашиши билан фарқланадилар. Ишлаб чиқариш қуроллари (предметлари) маҳсулот яратиш жара,нида, бир неча марта қатнашиб ўз қийматини товар маҳсулотларига аста-секин ўтказиб, натурал ҳолатларини ўзгартирмай сақлаб қолганликлари учун ҳам асосий ишлаб чиқариш воситалари деб айтиладилар. Таъкидлаш жоизки, корхонада-ширкат ва деҳқон - фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш жара,нида қатнаша, тган меҳнат қуроллари, натурал буюм кўринишида, корхона мувозанатида(активи-да) бўлганлари ишлаб чиқариш воситалари, ҳаракатда бўлиб, фаолият кўрсата, тганлари эса ишлаб чиқариш фондлари деб юритилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари қувватига баҳо берганда, ишлаб чиқариш фондлари қийматидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Уларга корхоналардаги, бино, иншоот ва узаткичлар, куч берадиган ва ишчи машина ҳамда асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, ишчи хайвон ва маҳсулдор моллар, ишлаб чиқариш ва хўжалик анжом-жихозлари, кўп йиллик дарахтлар ва бошқа асосий фондлар киради.

Турли-туман асосий фондларнинг буюм (натурал) белгиларига қараб гуруҳларга ажратилиши уларнинг таснифи дейилади. Ҳозирги вақтда амалдаги таснифга мувофиқ асосий фондлар моддий ва номоддий характерга ва ишлаб чиқариш жара,нида бажарадиган хизматига қараб қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

- бинолар, бунга ўсимликчилик билан бевосита боғлиқ бўлган маҳсулотларни сақлайдиган омборлар, қишлоқ хўжалик техникаси сақланадиган бинолар, минерал ўғит ва бошқа ким,вий дориворлар сақланадиган омборлар, чорвачилик билан бевосита боғлиқ бўлган молхона - қурилишлар, чорва озуқалари ҳамда маҳсулотларини сақлаш ва

қайта ишлаш билан боглиқ бўлган бинолар, зооветеринария ва биолобораториялар, техника учун қилги ва эхти,т қисмларини сакловчи бинолар киради.

- иншоотлар, ўсимликчиликда силос сақлайдиган миноралар, хандаклар, иссиқхоналар, сугориш ва куритиш иншоотлари, чорва молларини гунглари сақланадиган қурилмалар ва сув тарқатгичлар, ички ва хўжаликлараро йўллар, кўприклар ва бошқалар киради.
- узатувчи воситалар, сув тақсимловчи тармоқлар, электр ўзатгичлар, телефон, телеграф тармоқлари киради.
- куч берувчи машиналар ва ускуналар, бу гурухга тракторлар, ичидан ,нар двигателлар, иш машиналари, ер хайдаш машиналари ва қуроллари, экувчи ва ўтказувчи машиналар, комбайнлар, йигим-терим машиналари ва қуроллари, асбоблар, ўгитни сепувчи машиналар, озуқа тай,рлаш, сут соғиш аппаратлари, қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш билан боглиқ бўлган машиналар ва ускуналар киради.
- транспорт воситалари, автомашиналар, тракторлар, тиркагичлар ва бошқа турдаги транспорт воситалари киради.
- ишлаб чиқариш жихозлари ва хўжалик анжомлари гурухига ишлаб чиқариш жара,нида бажарила,тган ишларни енгиллаштиришга бевосита таъсир этадиган воситалар, меҳнатни муҳофаза қиладиган буюмлар,иш столлари, жавонлар,шкаф, сейф, ,зув ва нусха олувчи машиналар, компьютерлар ва хоказолар киради.
- ишчи хайвонлар - от, хўкиз, туя, эшак, буги, қутос ва бошқалар.
- махсулдор хайвонлар - махсулот берадиган сигир ,қўй , чўчка ва бошқа хайвонлар киради.
- кўп йиллик дарахтлар – мевали дарахтлар, чой плантациялари, тутзорлар, ўрикзорлар, далани химоя зоналари ва бошқа ишлаб чиқариш билан бевосита ва билвосита боглиқ бўлган дарахтлар.
- ўлчов асбоблари-тарози, микроскоп,спиртомер ва хоказо.
- бошқа асосий фондлар - ерни текислаш, тозалаш, капитал режалаш ва хоказолар харажати киради.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан бевосита боглиқ бўлган асосий воситалар сохада тутган ўрни бўйича ўсимликчилик, чорвачилик ва умумфойдаланишдаги асосий воситаларга бўлинади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жара,нини ташкил этишда асосий воситаларнинг таркиби ҳам катта аҳамиятга эга. Асосий фондлар таркиби, айрим воситалар - баланс қийматининг жами асосий фондлар баланс қийматига нисбати билан, асосий воситаларнинг тармоқ структураси эса бевосита тармоқда банд бўлган воситалар баланс қийматини хўжаликдаги жами асосий воситалар баланс қийматига нисбати билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалигида асосий воситалар режалаштирилганда, улар натурал ва қиймат шаклида ҳисобга олинади. Асосий воситаларнинг натурал

кўрсаткичи ўзида, уларнинг миқдор ва сифат таркибини, ишлаб чиқаришдаги имкониятини, фойдаланиш муддатини кўрсатади. Асосий воситаларнинг қиймат кўрсаткичи эса уларни барпо этиш учун сарфланган маблағ миқдорини, махсулот етиштиришда уларнинг ейилиши ,ки махсулот бирлигига ўтказган қийматини аниқлаш имкониятини яратади.

Қишлоқ хўжалигининг асосий воситалари дастлабки, қолдиқ ва тиклаш қийматларига қараб баҳоланади.

Дастлабки (баланс) қиймат - бу воситаларни сотиб олиш, уларни хўжаликка олиб келиш ва фойдаланишга тай,рлаш билан боғлиқ бўлган харажатлардан ташкил топади.

Қолдиқ қиймат - асосий воситанинг дастлабки қийматидан унинг ейилган қийматини чиқариб ташлашдан қолган қисмидир.


Тиклаш қиймати - қайта баҳолаш натижасида ҳосил бўлган қийматни тиклаш қиймати деб юритилади. Асосий воситалардан ҳар хил муддатларда фойдаланилади. Масалан, хайдов тракторлари 8-10 йил, сув иншоотлари 30-40 йил. Бу давр ичида ушбу турдаги воситалар ўзгаради, янгиси пайдо бўлади, уларнинг баҳоси ортиши ,ки камайиши мумкин. Шунинг учун асосий воситалар қийматини вақт талаби ҳолатига келтирмоқ учун уларнинг қиймати қайта баҳоланади. Ҳозирги вақтда асосий воситалар ҳар 10 йилда бир марта қайтадан баҳоланади.Шунингдек асосий воситалар маънавий ва жисмонан эскиради.


Маънавий эскириш - асосий воситаларнинг конструкцияси ва техника тараққи,ти натижасида эскиришидир.

Жисмоний эскириш - бу, воситаларнинг хизмат килиши натижасида эскиришидир. Жисмонан эскириш икки йўл билан: биринчидан, улардан бевосита фойдаланиш, иккинчидан, улардан фойдаланмаслик натижасида юз беради. Асосий воситаларни маънавий ва жисмоний эскиришига қараб улар тўла ,ки қисман тикланади.

Хўжаликларда мавжуд бўлган асосий воситаларни жорий ва капитал таъмирлаш учун сарфланган харажатлар махсулотларни сотишдан тушган даромад ҳисобига тикланади.

Асосий фондлар ишлаб чиқаришдаги мавқеига қараб икки гуруҳга бўлинади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига тааллуқли ва қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган, шунингдек асосий фондларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига алоқаси бўлмаган қисми ҳам мавжуддир.





## 7.2. Асосий ишлаб чиқариш воситаларининг амортизацияси

Ишлаб чиқариш жараёнларида қатнашиш натижасида меҳнат қуроллари аста-секин эскириб, моддий емирилиш натижасида ўзининг истёмоли қийматини йўқота боради. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш кенг территорияларда ҳамда очик ҳавода, бевосита табиий-иклим шароити таъсирида олиб борилганлиги учун меҳнат қуролларининг аксарияти саноат

корхоналаридагига нисбатан тезроқ емиради. Асосий воситаларнинг тез емирилиши ва эскириб ишдан чиқилишининг олдини олиш учун уларни сақлаш ишларини яхшилаш, айниқса тез занглайдиган ва чирийдиган қисмларни эҳтиёт қилиш чораларини кўриш тақозо этилади.

Асосий фондларнинг моддий ва маънавий емирилиши уларни қайта тиклаш учун амортизация харажатларини талаб қилади. Бу амортизация ажратмалари етиштирилган маҳсулотлар таннархига ўтказилиб, уларни реализация қилишдан келган пул киримлари ҳисобидан копланди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан амортизация ажратмаларини ҳисоблашда янги қоидалар жорий қилинди. Бу қоидаларга мувофиқ асосий фондлардан қандай даражада фойдаланилганидан қатъий назар ҳар йили белгиланган меърида амортизация чиқимлари ажратилади. Натижада хўжаликлар асосий фондлардан жадал ва янада унумлироқ фойдаланишга мажбур бўладилар. Асосий фондларнинг ҳар бир унсури учун ўрнатилган бу меърий кўрсаткичлар, уларнинг аниқ хизмат қилиш муддатларига ва фойдаланиш шароитларига қараб табақалаштирилган. Шунинг учун асосий фондларнинг амортизация чиқими меъри, уларнинг дастлабки қийматига, хизмат қилиш муддатига ва тугатилиш қийматига боғлиқ бўлганлиги сабабли қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб топилади:

$$A_m = ((D_k - T_k) / (D_k * M)) * 100;$$

Бу ерда:  $A_m$  - амортизация меъри, (%);

$D_k$  - асосий фондларнинг дастлабки қиймати, (сўм);

$T_k$  - асосий фондларнинг тугатилиш қиймати, (сўм);

$M$  - асосий фондларнинг хизмат қилиш муддати (йил).

Амортизация ажратмаларини ҳисоблашдан мақсад, уларнинг корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи таркибига киритилиши керак бўладиган сўммасини аниқлашдир. Бу сумма қуйидагича, яъни асосий фондларнинг дастлабки қиймати ва амортизация меъри ёрдамида топилади:

$$A_c = (D_k * A_m) / 100;$$

Бу ерда:  $A_c$  - ажратилган амортизация суммаси, (сўм).

Асосий фондлардан ажратилган амортизация суммаси, уларни қайта тўла тиклашга (реновация) ва капитал таъмирлашга ишлатилади.

Автомашиналар бўйича уларни тўла тиклаш қийматини аниқлаш учун амортизация ажратмалари бошлангич қийматидан тўппа-тўғри фоиз ҳисобида аниқланса, капитал таъмирлаш учун шу бошлангич қийматдан ҳар 100 км босиб ўтилган йўлга белгиланган фоиз ҳисобида аниқланади:

$$A_{\text{кап. Таъм.}} = \frac{B_k * A_m * \text{Йб}}{1000 * 100}$$

Бу ерда:  $A_{\text{кап там.}}$  - капитал таъмирлаш учун амортизация суммаси;

$B_k$  - бошлангич қиймат, (сўм)

$A_m$  - амортизация меъри, %

Йб - автомобилнинг 1 йилда босиб ўтган йўли, т./км  
1000-1 км.ни узунлиги, (м)

### 7.3. Корхоналарнинг машина ва ускуналарга бўлган талабини ҳисоблаш

Корхоналарнинг йиллик ишлаб чиқариш дастурларида ва истиқбол режаларида белгиланган тадбирларни муваффақиятли бажариш ҳамда машина-ускуналардан самарали фойдаланиш, хўжаликнинг шу воситаларга бўлган эҳтиёжларини тўғри аниқлашга боғлиқдир.

Машиналар тизими таркибига кирган куч берувчи ва иш бажарувчи машиналар ўз қуввати, иш унумдорлиги ҳамда иш схемаларига кўра ўзаро муносибликда бўлиши керак. Технологик харитада экинларнинг биологик ва технологик талабига кўра бажариладиган иш турлари, уларнинг ҳажми, бажариш усуллари, календарь муддатлари, иш кунлари, трактор агрегатлар таркиби ва уларнинг иш унуми, смена коэффициенти, хизмат кўрсатувчи ходимлар миқдори кўрсатилади.

Бу маълумотларга кўра айрим иш турларини бажариш учун талаб қилинадиган трактор, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг миқдори аниқланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$T_T = \frac{I_x}{C * V_c * D_i * K_{cm}}$$

$T_T$ - тракторларга бўлган талаб, дона

$I_x$ -бажариладиган йиллик иш ҳажми, га., Т., т/км ва хоказо;

$C$ - агрегатнинг соатлик иш унуми, Т, т / км,га ва хоказо;

$V_c$ - смена вақти-узунлиги, соат;

$D_i$ - иш бажариш даври,кун;

$K_{cm}$  - смена коэффициенти (агрегатнинг 1 кунда неча сменада ишлаши).

Қишлоқ хўжалик ишларини биологик талабига кўра, уларни мақсадга мувофиқ муддатларда ўтказишни таъминлаш учун корхонанинг тракторларга талаби энг долзарб даврдаги иш ҳажмига асосан белгиланади. Жорий йил режалари учун тузилган технологик хариталарда трактор агрегатлари таркиби уларнинг жисмоний ўлчовида, яъни аниқ трактор маркаларида-ДТ-75, Т-28х. 4, МТЗ-80х ва хоказо бўйича белгиланиб уларга бўлган талаб ҳам худди шу аниқ маркалар бўйича аниқланади. Истиқбол режаларини тузиш учун ишлаб чиқилган технологик хариталарида тракторлар шартли ўлчовда, шартли эталон трактор ,ки тонна класс ўлчовида берилади.

Тракторларнинг иш режа-графиги ҳар бир трактор маркаси бўйича алоҳида тузилади. Маълумотлар ҳар бир экин тури бўйича тузилган технологик хариталарда, технологик хариталар тузилмайдиган соҳаларда эса тракторларга талабни аниқлаш, меъ,рий хужжатларидан олинади.

### 7.4. Айланма воситаларини туркумлаш ва меъ,рлаш

Хар бир корхона ишлаб чиқариш фаолиятини мақсадга мувофиқ олиб бориш учун асосий фондлар билан бирга, уларнинг қийматига мутаносиб келадиган айланма воситаларга эга бўлмоғи лозим. Айланима воситаларнинг, асосий воситалардан фарқи шундаки, улар ишлаб чиқаришнинг фақатгина бир циклида, яъни бир ишлаб чиқариш жараидида қатнашиб, ўз қийматини ишлаб чиқариладиган махсулотларга тўла тўкис ўтказида ва дастлабки шаклини бутунлай йўқотилади. Бунда хар бир янги ишлаб чиқариш жараидининг бошланиши, янгидан меҳнат буюмларини жалб этиш заруриятини келтириб чиқаради.

Қишлоқ хўжалигидаги айланма воситалар халқ хўжалигининг бошқа сохаларида фойдаланиладиган айланма воситаларидан фарқ килади.

Биринчидан, қишлоқ хўжалигида махсулот етиштириш вақти (экинларнинг вегетация даври, чорванинг бугозлик даври) бошқа сохаларга нисбатан узокроқ;

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида махсулот ишлаб чиқариш вақти билан иш даври бир бирига мос келмаслиги натижасида, айланма воситаларнинг айланиши кўпга чўзилиши мумкинлиги учун, уларни қатъий меъраб саклашга тўғри келади.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган маълум миқдордаги махсулот, уруглик, ем-хашак ўстиришдаги, ш моллар сотилмасдан хўжалик хисобида қолиб, айланма фонд сифатида ишлаб чиқариш жараидида қатнашади. Бу эса айланма воситалар миқдорини сунъий равишда камайитириш, ки кўпайитиришга сабабчи бўлади.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалик корхоналарида айланма воситаларнинг пайдо бўлиши, меърашлатириш ва улардан фойдаланиш жихатидан бир-биридан фарқ килади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари амалиида айланма воситаларни шакллантириш икки манба хисобидан ташкил топади:

1. Хўжаликларнинг ўз маблаги хисобидан:

Барча хўжалик юритувчи субъектларда айланма воситаларни тўлдириш манбаълари, уларнинг оладиган фойдаси хисобидан тикланади.

Айланима воситаларни бахолаганда, хўжаликнинг ўзида яратилган, ўтган ва жорий йилдаги меҳнат предметлари хақиқий таннархи бўйича бахоланади.

2. Қарзга олинган маблағлар хисобидан шаклланиган айланма воситалар, мавсумий харажатлар учун олинган қисқа муддатли кредитлар хисобидан шаклланадилар.

Қишлоқ хўжалик корхоналари амалиида айланма воситалар икки қисмдан ташкил топади:

1. айланма фондлари;


2. муомала фондлари.


Айланима фондлар ўз навбатида қуйидагича гуруҳга бўлинади:

- ❖ Ишлаб чиқариш захиралари;
- ❖ Тугалланмаган ишлаб чиқариш;
- ❖ Келгуси давр харажатлари.

Қуйидаги жадвалда айланма воситаларининг тўлиқ тавсифи келтирилган:

<sup>1</sup> 1 жадвал





Қишлоқ хўжалик корхоналари амали,тида айланма воситалардан фойдаланиш, уларни режалаштириш асосида амалга оширилади. Айланма воситаларни режалаштиришда асос қилиб, ҳар бир турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқиш учун сарфланадиган харажат унсурлари меъ,рлаштирилади. Масалан, чорвачилик тармоқлари учун ем-хашак сарфи қуйидагича режалаштирилади:

$$Me.x.=(Йэ*Тн)*Зе.х.$$

Бу ерда : Me.x.- ем-хашак меъ,ри,ц.т.,

Йэ- ем-хашакка бўлган йиллик эҳти,ж, ц.т.,

Тн- 1 ц ем-хашак ,ки озуқа бирлигининг таннархи, сўм

Зе.х- йиллик эҳти,ж учун ем-хашакнинг захира миқдори,ц,%. ,ки дехқончилик тармоқлари учун уруглик ва кўчат материалларини

меъ,рлаш:

$$Му=(Ум*Тн)*Зу$$

Бу ерда: Му- уруглик ,ки кўчат материаллари меъ,ри,кг;ц,дона;

Ум- бир гектар ерга сарфланадиган уруг ,ки кўчат меъ,ри,кг,дона;

Тн- бир центнер уругнинг режали таннархи, сўм

Зу- йиллик эҳти,ж учун уругликнинг захира миқдори, кг,%

Техника воситаларидан фойдаланишда нефть махсулотлари ,ки ,қилги мойлаш материалларини меъ,рлаш:

$$\text{Мнефт} = \frac{\text{ММҚ}}{\text{КХ}} * (\text{Кр}:365)$$

Бу ерда: Мнефт - нефть махсулотларининг меъ,ри , ц ,т,  
 ,ММҚ ,ки НМҚ- нефть ,ки ,қилги мойлаш материаллари  
 нинг минимал қолдиги,ц.т.,  
 КХ - нефть ,ки ,ММ. нинг ўтган йил учун, бир кунлик  
 харажати, ц.,  
 Кр - режалаштирилган йилда келтириладиган нефть ,ки ,.М.М. нинг  
 қиймати, сўм.

Айланма воситалардан фойдаланиш ,ки уларнинг ишлатилиши асосан қуйидаги кўрсаткичлар орқали аниқланади:

- асосий воситаларни, айланма воситалар билан таъминланганлик даражаси;
- айланма воситаларнинг айланиш тезлиги ,ки коэффициентини;
- айланма воситаларнинг 1 марта айланиши учун сарф бўладиган вақт ,ки кун сони;

Бу кўрсаткичлар қуйидаги формулалар ,рдамида аниқланади:  
 асосий фондларни айланма маблағлар билан таъминланганлигини аниқлаш  
 учун айланма маблағларнинг уртача йиллик қолдигини, асосий ишлаб чиқариш  
 фондларининг ўртача йиллик қолдигига бўлинади:

$$\text{АсТд} = \frac{\text{Айм.Ў.қ.қ.}}{\text{АсФй.ў.қ.}} * 100$$

Бу ерда: АсТд- асосий фондларнинг, айланма маблағ билан таъминланганлик даражаси, %

Айм.Ў.қ.қ.- айланма маблағларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати

АсФй.ў.қ.- асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати;

Асосий фондларни, айланма маблағлар билан таъминланганлик даражаси қанча юқори бўлса, шу даражада улардан фойдаланиш самарадорлиги кутарилади.

Айланма фондларнинг айланиш тезлигини аниқлаш учун, маълум давр ичида (ой, квартал, йил) етиштирилган товар махсулотининг қийматини, шу даврдаги айланма фондларнинг қолдиқ қийматига бўлиш лозим:

$$\text{Ай.тез.} = \frac{\text{Пт}}{\text{_____}}$$

Аай.ф.қ.қ

Бу ерда: Ай.тез.- айланма фондларнинг айланиш тезлиги, марта  
Пт- маълум даврдаги пул тушуми, сўм  
Аай.ф.қ.қ.- айланма фондларнинг маълум даврдаги  
(ой,квартал, йил) қолдиқ қиймати, сўм  
Айланма фондларнинг бир марта айланиш даври ,ки куни миқдорини топиш  
учун, календар йил узунлигини айланиш тезлигига бўлинади:

365

Д= \_\_\_\_\_

Ай.тез

Бу ерда:

Д- айланма фондларнинг бир марта айланиш даври ,ки куни, кун;

365- календар йил ўзунлиги, кун;

Ай.тез.- айланма фондларнинг маълум даврдаги айланиш тезлиги, кун.

Айланма фондларнинг айланиш тезлиги, айланма воситалар сифатини яхшилашга, экинлар ҳосилдорлигига, моллар маҳсулдорлигига, меҳнат унумдорлигига ишлаб чиқаришга илгор ва тежамкор технологияларни жорий этишга, меҳнатни ташкил этишнинг илгор усулларига, айланма маблағлардан тежамкорлик билан фойдаланишга, уларни тўғри меъ,рлашга, нобудгарчиликни олдини олишга ва бошқа омиллар таъсири остида тезлашади ва юқори самара беради.

### Тест – рейтинг саволлари:

- Ишлаб чиқариш воситаларининг таърифи
- Асосий ишлаб чиқариш воситаларига таъриф беринг
- Асосий ишлаб чиқариш воситаларини туркумланг
- Қишлоқ хўжалигига бевосита алоқаси бўлган асосий воситалар
- Қишлоқ хўжалигига бевосита алоқаси бўлмаган асосий воситалар
- Асосий воситаларни емирилиш турлари
- Амортизация меъ,рини аниқлаш формуласи
- Қишлоқ хўжалик корхоналарида техника воситаларига бўлган талаб
- Айланма воситалар деб нимага айтилади.
- Айланма воситаларни туркумланг.
- Муомила воситаларига нималар киради.
- Айланма ишлаб чиқариш жамгармаларига нималар киради.
- Айланма ишлаб чиқариш воситалари тезлигини аниқлаш формуласи
- Айланма воситалар неча кунда бир марта айланиши қандай аниқланади.
- Айланма воситалар айланиш тезлиги деб нимани тушунасиз ва унга қайси омиллар таъсир килади.

- Асосий ишлаб чиқариш воситаларининг самарадорлиги қайси кўрсаткичлар шартларида аниқланади.

## **8-БОБ. Қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этиш**

### **8.1. Меҳнатни ташкил этиш шакллари, тамойиллари ва вазифалари**

Бозор иқтисодий шартларида қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этиш шакли корхонадаги ишлаб чиқариш муносабатларининг ифодаси сифтида намоён бўлади ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига қараб ўзгаради ва такомиллашади.

Масалан, Ўзбекистонда жамоа хўжаликларини тузилишининг дастлабки босқичларида меҳнатни ташкил қилишнинг энг оддий шакли оила-бригада кўринишида бўлган. Бунда бригадага айрим ишловчи эмас, балки оилалар бирлаштирилган. Кейинчалик даврий бригадалар ташкил қилина бошланган. Бундай бригадалар ишлаб чиқариш талабларини ҳисобга олган ҳолда шаклланган ва улар мавсумий ишларни бажариш вақтидагина ташкил қилинган.

Маълумки, корхоналарда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши янги ишлаб чиқариш муносабатларини юзага келишига сабабчи бўлади. Худди шундай ҳолат Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ҳам содир бўлиб, ўз иқтисодий шартлари тиклаб олган ва маълум даражада моддий техника базасини ярата билган ширкат ва фермер хўжаликларида доимий ишлаб чиқаришнинг бирламчи бўлини сифатида ижарачилар ва оила(жамоа) пудратчилари ташкил этилиб, уларга иш бажарувчилар таркиби, ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари, асбоб-ускуналар узоқ муддатга бириктириб қўйилган ва шу воситалардан фойдаланишда меҳнат жамоалари ҳамда айрим шахсларнинг жавобгарлиги ва манфаатдорлиги таъминланган.

Ижара ва оила(жамоа) пудрати шаклида меҳнатни ташкил этиш ҳозирги даврда деҳқончиликнинг барча соҳаларида мавжуд бўлиб, бозор иқтисодий шартларида ўтиш жараҳида мазмунан ўзгармоқда, фан ва техника тараққийоти ҳамда тадбиркорлик талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш вазифаларига жавоб берадиган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг бошланғич бўлини ва меҳнатни жамоа тарзида ташкил қилишнинг асосий шакли ҳисобланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодий шартларида ўтиш, фақатгина мулк шаклини ўзгартириш ва мулкдорлар синфини яратишни эмас, балки ишлаб чиқариш муносабатларини янгича ташкил этишни ҳам талаб қилади. Шунинг учун ҳам янги ўрнатилган мулк шакли ва ишлаб чиқариш муносабатларига мос равишда, меҳнатни ташкил этишнинг оила, жамоа ва ижара пудрати каби янги шакллари кенг жорий этилмоқда.

Мехнатни янгича ижара ва пудрат шаклларида уюштириш мехнат унумдорлигини янада ўстириш, махсулот сифатини яхшилаш ва рақобатбардош бўлишига имконият яратади. Мехнатни ташкил этишнинг оила, жамоа ва ижара пудрати шакллари ўз олдига қўйилган ишлаб чиқариш топшириқларининг хусусияти, корхона ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражаси, табиий-тупроқ шароитларига кўра, турли кўринишида бўлиши мумкин. Махсулот этиштириш ва хизмат кўрсатиш хусусиятига кўра пудратчилар ихтисослашган, тармоқ ичида ва аралаш, махсулот ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатувчиларга бўлинадилар.

**Ихтисослашган пудратчилар** (ижарачилар) бир турдаги ,ки бир хил технологияга асосланган бир неча турдаги махсулот этиштирувчи ,ки хизмат кўрсатувчи ҳамда бир хил ,шдаги, гуруҳдаги чорва молларини парвариш қиладиган ходимлар жамоасидан иборат бўлади. Бундай пудратчилар (ижарачилар) одатда бир ,ки бир неча турдаги махсулот этиштириш учун ташкил қилинади. Масалан, галлачилик, пахтачилик, сутчилик, бўрдоқчилик ва х.з.

Мехнатни уюштириш тамойиллари нуктаи назаридан, ихтисослашган пудратчиларни (ижарачиларни) ишлаб чиқариш жара,нлари йил давомида бир меъ,рда бўлган, яъни жуда катта даврийликка эга бўлмаган соҳа ва тармоқларда ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

**Тармоқ ичида** ташкил қилинган пудратчилар гуруҳи бир тармоқдаги ўзаро боғлиқ турли махсулотларни этиштириш учун уюштирилган ходимлар жамоасидир. Масалан, пахта алмашлаб экиш тизимида кирган пахта, бошқоқли дон, беда этиштирувчи далачилик пудратчилари, шунингдек сабзавотчилик, боғдорчилик, қорамолчилик пудратчилари ва х.к.лар.

**Аралаш** ҳолда тузилган пудратчилар гуруҳи бир неча тармоққа хизмат кўрсатувчи, турли махсулотларни этиштириш билан шугулланувчилар жамоасидир. Масалан чорвачилик учун ем-хашак этиштириб берувчи пудратчилар ҳам дехқончилик тармоғига ҳам чорвачиликка – аралаш хизмат қиладилар.

Ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасидаги мехнатни ташкил этишнинг у ,ки бу шаклини кўллашда шу корхонадаги аниқ ишлаб чиқариш шароитлари, ихтисослашиш, кўлланила,тган техника ва технологиянинг ҳамда ишлаб чиқаришнинг жадаллашганлик даражаси ҳисобга олиниши шарт.

Пудрат асосида мехнатни ташкил этишнинг самарадорлигини таъминлашда қўйидаги тамойилларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

- ❖ пудратчилар жамоасига бириктирилган ер майдонлари ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини ҳамда мехнат ресурсларининг доимийлиги. Чунончи, пудратчиларга алмашлаб экиш майдончаларини бутунлай бириктириб қўйиш шарт. Бу талаб ердан фойдаланишда хўжасизликка барҳам беради ва пудратчилар жамоасига ўзининг ички

ресурсларидан ҳамда лизингга олинган техника воситалари билан иш жара,нларини ўз вақтида бажаришга имконият яратилади.

- ❖ меҳнат жамоаларини ташкил этиш вақтида ихтирийлик тамойилларига риоя қилиш, малакали мутахассислар ва бошқа ходимлар гуруҳларининг биргаликда ишлаш истагини ҳисобга олиш зарур. Бу ҳол жамоада ишонч ва ишда ўзаро ,рдам вазиятини, унинг юксак даражада уюшганлигини ва пировард натижа учун жамоа жавобгарлигини, меҳнаткашларнинг ўз ерининг хужайини - эгаси бўлишдек туйғу ва кўникмаларини ривожлантиришда қишлоқда мулкдорлар синфини яратишда муҳим аҳамиятга эгадир.
- ❖ пудратчилар жамоаларининг муваффақиятли ишлашидаги асосий шарти меҳнаткашларнинг ҳар томонлама иқтисодий мустақиллигини таъминлашдир. Пудратчиларнинг ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишда эркинлиги: нима ишлаб чиқариш, кимга ва каерга сотиш, талаб ва таклиф муносабатларидан келиб чиқиб нарх-наво белгилаш, даромадни тақсимлаш ва х.к.
- ❖ пудратчилар учун иш жара,нларининг узлуксиз ва бир маромда бўлишини таъминлаш. Бу меҳнат жара,нларининг миқдор ва сифат жиҳатдан мувофиқлиги бўлиб, битта технологик ишнинг турли хил ишлаб чиқариш жара,нларида банд бўлган ходимларнинг ҳар хил гуруҳлари, машина ва механизмлар ўртасида қатъий мутаносиблик ўрнатишда ўз ифодасини топади. Бу ҳолат ишлаб чиқариш жара,нларининг узлуксиз давом этишини таъминлаш учун зарурдир. Масалан, йигим – терим даврида донни омборга бир маромда ташиш учун етарли миқдорда автоулов керак бўлади. Агар авто улов етишмаса, «Кейс» комбайни тўхтаб қолади, ишнинг узлуксизлиги бузилади. Комбайн қувватидан етарли даражада фойдаланилмайди. Меҳнат унумдорлиги пасайиб, доннинг таннархи сунъий равишда ошиб кетиши натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам пасаяди.

Меҳнат ташкил этишнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- меҳнат ва иш жара,нларини шартнома асосида ташкил этиш;
- дехқончилик ва чорвачиликда иш жойларини ташкил этиш ва ишлаб чиқариш воситалари билан ўз вақтида таъминлаш;
- ишлаб чиқаришга янги ва илгор меҳнат усулларини жорий этиш;
- кадрлар тай,рлаш, танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларнинг малакасини ошириш;
- иш шароитларини яхшилаш, иш жойини сервис хизмати билан таъминлаш, иш ва дам олиш режимларини мақсадга мувофиқ ташкил этиш;
- меҳнатни, ишлаб чиқаришнинг технологик ва техникавий шароитига қараб меъ,рлаш ва уни такомиллаштириш;

- ишлаб чиқаришнинг пировард натижасига қараб иш хақи тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг янги шакллари ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- меҳнатга онгли муносабатда бўлишга ўргатиш,
- корхонада, технологик ва меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш;

## **8.2. Меҳнатни ташкил этишда ижара муносабатлари**

Бозор иқтисодиёти муаммоларини ечишда ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонаси ўзининг ички имкониятларидан тўлароқ фойдаланиши, уларни ҳаракатга келтириши ва ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга хизмат қилдира билиши керак. Бунинг учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг энг фаол унсури - инсон омилини фаоллаштирувчи ташкилий-иқтисодий усулларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш талаб қилинади. Шундай қилигандагина иш бажарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга кенг имконият яратилиб, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини кескин ошириш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик корхоналарида ички имкониятлардан тўғри ва мақсадга мувофиқ фойдаланишга шароит яратиб берадиган ижара пудратини кенг ривожлантиришга аҳамият берилмоқда.

Ижара - бу мулк бўлими билан бўлиб, шартнома асосида, қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини иш бажарувчиларга узоқ муддатга, маълум тўлов асосида беришдир. Ҳозирги вақтда ижара икки хилда мавжуд: шартнома асосида тузиладиган ижара ва эркин ижара.

Шартномавий ижара деб ижарачи билан маъмурият ўртасида ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини махсулот ишлаб чиқариш ва унга эгаллик қилиш, материал ва пул ресурслари билан таъминлашни шартнома асосида амалга оширишга айтилади. Эркин ижара деб ижарачи корхонага қарашли бўлган ерда, ўз меҳнати ва ишлаб чиқариш воситалари билан махсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишни мустақил амалга оширишига айтилади. Бу фикрлар тавсифи қўйидаги 2-жадвалда акс эттирилган.

## Ижара пудрат муносабатлари шароитларининг таърифи

1.	Таъриф кўрсаткичлари	Муносабатлар шакли		
		Пудрат чи	ижарачи	
			шартнома асосида	э р к и н
1.	Ишлаб чиқаришнинг мақсади: талаб қилинадиган миқдорда, сифатли ва иқтисодий афзал бўлган махсулот ишлаб чиқариш.	+	+	+
2.	Ишлаб чиқариш дастурини белгилаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>• буюртма асосида</li> <li>• мустақил</li> </ul>	+ -	+ -	- +
3.	Ишлаб чиқариладиган махсулотга эгалик қилиш ҳуқуқи <ul style="list-style-type: none"> <li>• махсулот корхона мулки</li> <li>• махсулот ишлаб чиқарувчига тегишли</li> </ul>	+ -	+ -	- +
4.	Ресурслар билан таъминлаш: узоқ муддатга фойдаланиш учун бириктирилади <ul style="list-style-type: none"> <li>• ресурсларни, маълум муддатда қайтариш шарти билан уларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш</li> </ul>	+ -	- +	- +
5.	Фойдаланиладиган ресурсларнинг ҳолати учун жавобгарлик: <ul style="list-style-type: none"> <li>• маънавий ва қисман моддий жавобгарлик</li> <li>• тўла моддий ва маънавий жавобгарлик</li> </ul>	+ -	- +	- +
6.	Иш ҳақи тўлашнинг кафолатганлик даражаси: <ul style="list-style-type: none"> <li>• йил давомида тўланадиган бўнак иш ҳақини корхона тўлайди</li> <li>• ишлаб чиқаришнинг пировард натижасига қараб, корхона жавоб бермаган ҳолда тўланади.</li> </ul>	+ -	+ -	- +

Ижарачи, хўжаликлардан, ки бошқа такшилотлардан маълум ҳақ тўлаш эвазига узоқ муддатга фойдаланиш учун ер, махсулдор моллар ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини ижарага олади. Маълумки, ижара пудратида ҳар бир ижарачи ўз хохиши билан ижарага олган ердан унумли фойдаланиш мақсадида унга доимий ишлов бериб, ҳосилдорлигини кўтаришга ва ишлов беришда ҳамма назарий ва амалий тадбирлардан фойдаланишга интилади.

Энг мухими, ижара пудрати аъзолари ўзларининг бажаратган меҳнатлари эвазига пироварадида қандай моддий манфаатдор бўлиш мумкинлигини олдиндан биладилар. Бундан ташқари, шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқча етиштирилган маҳсулотга ўзлари эга бўлганликлари учун ҳам маҳсулот сифатини янада яхшилашга ҳаракат қиладилар. Натижада ҳар бир ижарачи ўз ихтиёри ва ташаббуси билан ҳеч қандай буйруксиз ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришни амалга оширади. Шундай қилиб, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифати яхшиланиши, миқдори кўпайиши ва арзонлашиши ҳар бир ижарачининг иш ҳақи ва ишлаб чиқариш рентабеллик даражасининг ўсишга катта таъсир кўрсатади. Ижара муносабатлари меҳнат жамоаларини янада серунум ишлашга ундайди. Меҳнат жамоаси деб ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонаси ва унинг бўлинмалари ичидаги бўгинларда ва бошқа гуруҳдаги ходимлар билан уларга хизмат кўрсатувчилар ўртасида шартнома асосида биргаликда иш юритувчи гуруҳга айтилади. Меҳнат жамоалари ушбу пудратчиларнинг ишини ташкил этишда маълум қоидаларни ўз ичига оловчи шартларга қатъий амал қилиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам ижара пудратини ташкил этишда қўйидаги тамоийилларга амал қилиш лозим:

- қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан корхонанинг бошланғич меҳнат жамоасига - ижарачига ушбу оила аъзосига, узоқ муддатга ер, техника воситалари, бинолар, иншоотлар, чорва моллари ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини ижарага бериш;
- маҳсулот етиштириш ва реализация қилиш шароитида товар-пул муносабатлари ҳамда олди-сотди ишларида, хўжаликнинг ички бўлинмаларидан ўзига хос бўлган тарзда фойдаланиш;
- хўжалик ҳисоби даромадини вужудга келтириш ва уни ҳар бир аъзонинг меҳнати билан қўшган ҳиссасига қараб тақсимлашда меҳнат жамоасининг мустақил равишда иш кўриши;
- бўлинмаларда етиштирилган маҳсулотларнинг хўжаликка ички хўжалик ҳисоби баҳолари бўйича сотилиши; саноат маҳсулотлари, ем-хашаклар, хизмат кўрсатиш учун сарфлар режа-ҳисоб баҳолари бўйича амалга оширилишини таъминлаш;

Бўлинма маҳсулотини ҳисоб баҳолари бўйича сотишдан кўрадиган даромади билан унинг шу маҳсулотни етиштириш учун режа-ҳисоб баҳолари бўйича сарфлайдиган моддий харажатлари ўртасидаги фарқ меҳнат жамоасининг хўжалик ҳисоби даромадини ташкил этади.

Ижара пудрати маълум шартларга амал қилган ҳолда жорий қилиниши лозим. Бу шартлар ҳар бир хўжаликнинг ички шароитидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам ижара пудратини ташкил этаётганда қўйидаги шартларга алоҳида эътибор бериш зарур:

- ❖ махсулотнинг кўпайиши, уни етиштириш учун кетадиган сарф-харажатларни кўпайишига нисбатан тезроқ ўсишини таъминлаш;
- ❖ меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг ўсишига нисбатан ортиқ бўлишини таъминлаш;
- ❖ ишлаб чиқариш бўлинмаларига ер, техника воситалари, асбоб-ускуналар, инвентарлар, бино ва иншоотлар, махсулдор чорва моллари, ишчи хайвонлар ва бошқа ишлаб чиқариш учун зарур воситаларни бириктириб беришни шартнома тузиш йўли билан қонуний жихатдан расмийлаштири.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг раҳбар ходимлари, мутахассислари, хўжалик ерини ,ки бошқа асосий ишлаб чиқариш воситаларини ижарага бериш вақтида ижарага берилган мулкнинг қандай ҳолатдалигини махсус ҳужжатларда, далолатномаларда, шартнома ва бошқа ҳужжатларда қайд этадилар. Ижарачи ерни ола,тган бўлса, тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва табиат муҳофазасини таъминлаш; техника воситаларини ижарага ола,тган бўлса, шу техниканинг ишга яроқли ҳолда бўлишини таъминлашга моддий томондан тўла жавобгар эканлигини хис этиши керак. Агар ижарачининг айби билан ижарага олинган мулкнинг сифати бузилса ва унга зарар етса, у ҳолда шу мулкнинг фаол ҳолатини тиклашга кетадиган харажатни ижарачи тўлаши лозим;

- ❖ бордию ижарага олинган мулк, яъни ер ,ки техниканинг ҳолати яхшиланиб борилса ва натижада самарадорлик ошса, у ҳолда ижара тўловининг миқдори камайтириб борилади;
- ❖ ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларидан фақат хўжалик маъмурияти билан ижарачи ўртасида тузилган шартномада кўзда тутилган мақсадлар учунгина ва кўрсатилган меъ,рларда фойдаланилади. Ижарачи қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилишда илгор усулларни қўллаш, тупроқни ифлосланишдан, емирилишдан, зарарли ўт босишдан ва бошқа салбий ҳоллардан муҳофаза қилиш йўли билан ўзига биркитилган ерларнинг унумдорлигини сақлаб қолиш ҳамда ошириш тўғрисида доимий гамхўрлик қилади. Агар ишлаб чиқариш бўлинмалари биркитилган воситалардан, айниқса, ердан самарасиз, пала-партишлик билан фойдаланадиган бўлса, талон-тарож қилса, у ҳолда маъмурият тузилган шартномани муддатидан илгари бекор қилишга ,худ етказилган зинни қонуний меъ,рларда ундириб олишга ҳақлидир;
- ❖ тракторлар, комбайнлар, автомобиллар, асбоб-ускуналар, инвентарлар ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига эҳти,ткорона муносабатда бўлиш мақсадида махсулот таннархи таркибига киритиладиган амортизация чегирмалари, белгиланган эскириш муддати учунгина ҳисоблаб ,зилади. Агар ишлаб чиқариш воситалари белгиланган муддатидан ортиқроқ хизмат қиладиган бўлса, уларнинг эскирган, бузилган қисмини тиклаш учун амортизация чегирмалари ундириб олинмайди. Воситалардан

бундай фойдаланиш натижасида тежаб колинган маблаглар хўжалик хисобидаги бўлинманинг даромадига қўшилади;

- ❖ фермер хўжаликларида чорва молларининг юкумли касалликлари таркалиб кетишига сабабчи бўладиган санитария-гигиена тартиб қоидаларини бузганлиги учун фермерлар жамоаси моддий жавобгар бўлади. Уларга ветеринария хизмати жарима солади, ки шартномада ва амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган бошқача жазо чоралари кўрилади;
- ❖ ижара пудрати хўжаликнинг ички режалаштириш, ҳисоб-китоб ва назорат қилиб бориш ишларини осонлаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш тартибини соддалаштириш ва уни хўжаликдаги ҳар бир меҳнат жамоаси бажарадиган ишларнинг пировард натижаларига чамбарчас боғлиқ қилиб қўйиш учун имконият тугдирмоғи лозим;
- ❖ тўлиқ хўжалик ҳисоби қоидаси бўйича ижара пудрати хўжаликнинг барча бўлинмаларига бир вақтнинг ўзида жорий этилиши шарт;
- ❖ хўжалик маъмурияти билан ижарачи бўлинмалар ўртасидаги ва бўлинмаларнинг бир-бирлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлари, корхона раҳбарияти тасдиқлайдиган ва касаба уюшмаси билан келишиладиган шартномалар ҳамда ижара пудратининг ташкил этиш шартлари асосида тартибига солиниб, бошқарилиб турилади.

**Шартномада қўйидагилар** кўрсатилади:

- ижарага бериладиган ер майдони ва ишлаб чиқариш воситаларининг турлари;
- сотиладиган маҳсулотлар ҳажми, муддати, нархлари ва сотиш тартиби;
- шартномада кўрсатилганидан ортиқча етиштирилган масулотларни сотиш тартиби;
- ем-хашак, ш моллар, уругликлар, таъмирлаш ва транспорт хизматларини бажариш учун бериладиган қарзлар миқдори ва шартлари;
- моддий-техника ресурслари билан таъминлашни ташкил этиш;
- ижарага берувчига тўланадиган ижара ҳақи ва бошқа тўловлар ҳамда уларни тўлаш муддатилари;
- икки томонлама қабул қилинадиган шартнома талабларини бузганлиги учун кўриладиган моддий жавобгарлик шартлари.

### **8.3. Оила(жамоа) пудрат усулида меҳнатни ташкил этиш**

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг X сессиясида сўзлаган нутқида «Меҳнатни ташкил этишни эса бир неча йил мобайнида ўзини оқлаган оилавий пудрат шаклида амалга оширилиши лозим» деган эди. Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги пайтда оилавий пудрат

муносабатлари жорий этилган кўпгина хўжаликларда меҳнатни ташкил этишнинг бу шакли кўшимча харажатларсиз меҳнат унумдорлигини ошириш, махсулот ишлаб чиқаришга кетган сарф-харажатларни тежашни, даромаднинг ошиши ва меҳнаткашлар манфаатдорлигининг юксалишини таъминланмоқда.

Бозор ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланаётган бир даврда оила(жамоа) пудратини кенг жорий этиш, ички хўжалик юритиш механизмини ишга солувчи энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бу шакли ишлаб чиқариш муносабатларини тўғри ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини анча ошириш имконини беради ва иш бажарувчиларнинг моддий манфаатларига кучли таъсир кўрсатиб, турли хил хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали шаклланини юзага чиқаради.,

Оила(жамоа) пудрати қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзига ҳос бўлган томонларини ҳаммадан кўра тўлароқ ҳисобга олиш имконини беради. Пудрат муносабатларини жорий этиш қишлоқ меҳнаткашларининг ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларидан моддий манфаатдорлиги, тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари махсулдорлигини тақдири учун, барча турдаги қишлоқ хўжалик махсулотларини ишлаб чиқариш учун масъулиятни кучайишига олиб келади. Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг оила пудрати шаклланини бир мунча кенгроқ жорий этиш қишлоқ хўжалик меҳнатининг манфаатдорлигини сезиларли даражада оширишга имкон берадики, бу ҳол қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган вазифаларни самарали ҳал қилиш учун ниҳоятда муҳимдир. Шунга эришмоқ керакки, хўжалик юритувчи субъектларнинг иш ҳақини асосий қисми, бажарилган ишлар ҳажми, ки чорва молларига қарагани учун тўланмасдан, балки махсулот етиштиригандан кейин, мавсум охирида шаклланадиган бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Оила(жамоа) пудрати корхона ичида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш жараҳида шартномага асосланган ташкилий-иқтисодий ўзаро муносабатларнинг энг муқаммал шакли бўлиб, махсулот ишлаб чиқарувчилар ва раҳбарларнинг кўп миқдорда арзон, сифатли ва рақобатга чидайдиган махсулот етиштиришдан ўзаро манфаатдорликларига асосланади.

Пудратчилар жамоаси шартномада белгиланган махсулотни энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаб етиштириш мажбуриятини оладилар, корхона маъмурияти эса самарали ишлаш учун пудратчиларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш учун кўпроқ жавобгар бўлиши, жамоа иш ҳақини ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларига бутунлай боғлиқ бўлиши, бирламчи меҳнат жамоаси барча аъзоларининг ўз меҳнатларининг муҳимлиги ва кераклигини онгли равишда анча чуқур тушунишидир. Мана шу қоидадан пудратчиларда бирмунча юксак ижтимоий-рухий кайфият уйғотиш зарурлиги келиб чиқади. Эҳтимол, аниқ иш бажарувчи пудрат аъзоси қарор топган ташкилий-бошқариш механизми билан иқтисодий механизмни қайтадан

тузиш ,ки аниқлаб олиши керак бўлади. Барча кўриладиган чора-тадбирлар мажмуаси хар бир пудратчидан ва уларнинг жамоасидан ўз мажбуриятларини аниқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини талаб қилади.

Пудрат асосида ишловчи барча ишлаб чиқариш жамоаларининг анча самарали ишлашининг асосий омили, сифат жихатдан ўзгарган ,ки ўзгариб келатган иқтисодий ҳамда ижтимоий-рухий муносабатлар асосида ходимларининг анча юқори меҳнат ва ижодий фаоллик кўрсатишидир. Моддий манфаатдорликни ошириш йўли фақат хосилни, махсулдорликни, унумдорликни ўстириш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга боғлиқ эканлигини пудратчиларнинг онгига етқазиб тўғри талкин қилинишидадир. Бунга эришиш учун хўжалик аъзоларининг барча қисмларини аниқ шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, ҳалол, ижодий суратда самарали меҳнат қилмоқлари зарур. Пудратчилар жамоаси таркибини билимли ходимлар ҳисобига кўпайтириш, меҳнат тажрибасининг ижобий томонларини чуқур ўрганиш ва ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, ношуд ходимларга нисбатан жамоа тарбияси таъсирини ўтказиш, уларни маънавий жихатдан етук қилиб тарбиялаш асосидагина юқори даражали меҳнат унумдорлигига эришишни таъминлаш мумкин.

Пудратчилар иш вақтидан унумли фойдаланиш мақсадида, уларни турдош, иккинчи касбни эгаллаш ва кўшиб олиб боришга интилишларини кучайтириш лозим. Шунга кўра илгор технологиянинг жорий этилиши туфайли меҳнат, жуда тўғри тақсимланадиган замонавий хўжалик юритувчи субъектларда ходимлар сонини қисқартиришга эришилади.

Оила(жамоа) пудратида ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этишда қўйидаги тамойилларга амал қилиш талаб этилади:

- ❖ пудратчиларни ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларига қараб моддий рағбатлантириш, иш ҳақини ҳақиқатда етиштирилган махсулотни миқдор ва сифати ҳамда қилинган моддий пул сарфларини тежалишини ҳисобга олган ҳолда тўлаш;
- ❖ жамоа бўлиб меҳнат қилиш, белгиланган ишлаб чиқариш дастурини бажаришда пудратчилар мақсадининг бирлиги ва умумийлигига хар бир пудратчининг хайрихоҳлиги ва юксак меҳнат интизомига асосланиши;
- ❖ белгиланган ишлаб чиқариш дастурини бажаришда мустақиллик, бирламчи ишлаб чиқариш бўлинмалари-пудратчилар гуруҳини уларнинг бирга ишлаш истакларига қараб тузиш;
- ❖ пудратчилар томонидан бир-бирини мониторинги, раҳбарларнинг сайланиши ва уларнинг жамоа олдида ҳисобот бериб туришига асосланган жамоа ва шахсий масъулиятининг бирлигини таъминлаш.

**Пудратчиларнинг ҳуқуқлари:** ер майдонини ўз вақтида олиш; сугориш учун сув олиш; белгиланган муддатларда ва ҳажмларда уруглик, экин материаллари ва бошқа моддий ресурсларни олиш; шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ етиштирилган махсулотни ўз ихти,рига кўра келишилган

нархда сотиш ,ки шу нархда буюртмачи-хўжаликка топшириш; буюртмачи-хўжалик айби билан етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойданинг қопланишини- ундирилишини талаб қилиш.

**Пудратчининг мажбуриятлари:**

- ❖ ўзига биркитилган ер майдонидан белгиланган мақсад ва шартнома асосида фойдаланиш, тупроқ унумдорлигининг пасайишига йўл қўймаслик, экинларни буюртмачи-хўжалик ихтисосига (йўналишига) мувофиқ равишда етиштириш;
- ❖ бажариладиган ишга оид талабномани олдиндан - ўн кундан кечиктирмасдан ,зма равишда буюртмачи-хўжаликка топшириш;
- ❖ бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар юзасидан хар ойда буюртмачи-хўжаликнинг молия-хисоб марказига хисоботлар топшириш;
- ❖ мақбул муддатларда ва юқори сифатли махсулот етиштиришни таъминловчи агротехника тадбирлари мажмуасини амалга ошириш;
- ❖ сувдан агротехника талабларига мувофиқ тежамкорлик билан фойдаланиш;
- ❖ агар пудратчининг розилиги билан хўжалик иш хақини тўлаш, уруглик ва бошқа ресурсларни бериш мажбуриятини олмаса, пудратчи буюртмачи-хўжалик томонидан кўрсатилган хизмат хақи ва бошқа харажатларни ўз хисобидан тўлаши;
- ❖ ажратилган моддий-техника ресурсларидан фойдаланишда тежамкорликни таъминлаш, техника хавфсизлигини ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш ва экологик тоза технологияни жорий қилиш.

Оилавий пудрат бошқа шаклларда меҳнатни ташкил этишдан шуниси билан фарқ қиладики, ерни ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини вақтинча ижарага олган пудратчи оила, етиштирилган махсулоти ва ўз меҳнати натижасининг тўлақонли эгаси бўлади. Пудрат муносабатларини ташкил этиш тадбири чоралари унча мураккаб эмас. Унинг афзаллиги ва оила аъзолари учун самараси ҳам уни оддийлигидадир.

Оилавий пудрат муносабатлари ер ва ишлаб чиқариш воситаларини ижарага берувчи меҳнаткашлар жамоалари маъмурияти билан хар бири алоҳида оила бошлиги ўртасида тузилган икки томонлама жавобгарлик ва манфаатдорликка асосланган шартнома шаклида юритилиши мумкин. Шартнома икки мустақил ҳуқуқий субъект сифатида томонлар-хўжалик (ширкат) бошқаруви ва оила бошлигининг орасида юзага келадиган барча иқтисодий, ташкилий, ижтимоий ва ҳуқуқий ишлаб чиқариш муносабатларини акс эттириши шарт. Шунинг учун ҳам шартномада махсулот ишлаб чиқариш, унинг сифати, нархи, олинадиган даромад ва моддий жавобгарлик шартлари ўз аксини топиши керак.

Оилавий пудрат мазмун жихатдан меҳнаткашларнинг ер ҳосилдорлигини ва моллар махсулдорлигини кўпайтириш, махсулотнинг харидоргир ва рақобатбардош бўлиши, сарф-харажатларни камайитиришдан

манфаатдорлигини оширадиган кучли иқтисодий рағбатлантирувчи механизмдир.

Оилавий пудрат шароитидагина ишлаб чиқаришнинг пировард натижасини ва хусусан иш ҳақини сунъий тенглаштиришга барҳам бериш имконияти тугилади. Энг асосийси ҳар бир ходимнинг ўзига топширилган ишга муносабати ўзгариб, масъулияти ошади. Бошқача айтганда, пудрат шартларида оилавий ҳаётни ташкил этиш билан ишлаб чиқаришни ташкил этиш бирлаштирилади ва натижада ҳаётда ижобий натижаларга эришилади, айрим ижтимоий муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетади.

Оила пудратининг жамият учун устуворлик томони қишлоқда энг катта муаммо бўлган мулкчилар синфини вужудга келтиришда жамоа мулки билан хусусий мулк ўртасида боғловчи звено бўлиб хизмат килади. Шунини айтиш керакки, сўнгги йилларда республикада оилавий(жамоа) пудратни ҳамда ички хўжалик ҳисобини қўллашда катта тажриба тўпланмоқда. Чунки қишлоқ хўжалик корхоналарида юзага келган янги ишлаб чиқариш муносабатлари, такомиллашган бошқариш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги шакллари жорий этиш хўжаликлар учун катта иқтисодий самара беради. Оила пудрати қўлланилган ҳолатларда меҳнат унумдорлиги ўсиб, етиштирилган маҳсулотнинг таннархи арзонлашмоқда. Пудратчилар ўзларига бериб қолган ер, техника ва моллардан мақсадга мувофиқ фойдаланмоқдалар. Энг муҳими, одамларда иқтисодий ва ҳуқуқий тафаккур шаклланимоқда, ҳақиқий ташаббускорлик, мустақиллик туйғулари уйғонмоқда.

#### **Тест – рейтинг саволлари:**

- Меҳнатни ташкил этиш деб нимага айтилади.
- Меҳнатни ташкил этиш тамойиллари.
- Меҳнатни ташкил этиш шакллари.
- Меҳнатни ташкил этишнинг асосий вазифалари.
- Меҳнатни ташкил этишда ижара муносабатлари.
- Ижара муносабатларини ташкил этишда қайси тамойилларга амал қилиш лозим.
- Ижара муносабатининг асосий шартлари.
- Ижара тўловлари қандай ўрнатилади.
- Меҳнатни ташкил этишда оила(жамоа) пудрати деб нимага айтилади.
- Оила(жамоа) пудратининг асосий тамойиллари.
- Пудратчиларнинг ҳуқуқларини тушунтириш.
- Пудратчиларнинг мажбурияти нимадан иборат.

### **9-БОБ. Қишлоқ хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш**

#### **9.1. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг иқтисодий асослари ва тамойиллари**

Янгича хўжалик юритиш тизимини жорий этиш ва бозор иқтисоди,ти муносабатларига ўтиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янгича тизимини жорий этишни тақазо этади. Бозор тизимида моддий неъматларнинг тақсимланишини, аввалги тизимидагидек марказдан эмас, балки муайян вазиятда айирбошлаш тамойиллари асосида, даланма ходимнинг меҳнат ихтисослиги ва сарфлаган вақти ҳисобига тушган даромадларининг миқдори билан аниқланади. Бошқача қилиб айтганда бозор иқтисоди,ти давридаги иш ҳақи, ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси, мулкдорнинг, ки иш берувчи вазифасини ўтовчи тадбиркорнинг даромадларидан, меҳнат шартномаси асосида ишлатган, даланма ходимнинг меҳнатига тўланадиган ҳақдир. Шундай экан, меҳнат ҳақи, даланма ходимнинг бажарган иши, ишлаб чиқарган маҳсулоти, ки кўрсатган хизмати эвазига ишлаб топган даромади ҳисобланади.

Иқтисодий жихатдан олганда меҳнатга ҳақ тўлаш ишчи кучининг бутун меҳнат фаолияти давомида такрор ишлаб чиқарилиши учун зарур бўлган сарф-харажатларни пулдаги ифодасидир. Одатда ишчи кучи сарф-харажатларига ходимнинг куч-қувватини бевосита такрор ишлаб чиқариш харажатлари, шу жумладан унинг оила аъзолари учун зарур бўлган харажатлар ҳам киради.

Янги шароитда меҳнатга ҳақ тўлаш тизими қуйидаги ҳолатларга эътибор беришни тақазо килади:

- ❖ меҳнат бозорида ишчи кучи кийматини ўзида акс эттирувчи кўп даражали жамоа келишуви - шартнома тизимига;
- ❖ барча фуқароларнинг хусусий даромадларини бошқарувчи солиқ тизимига;
- ❖ меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасидаги ҳар хил давлат кафолатлари тизимига;
- ❖ мутахассисликлар бўйича, ишчилар ва иш берувчилар билиши учун атрофлича ва тўлиқ ахборот тизимига ва х.к. ларга

Бозор иқтисоди,ти шароитида иш ҳақи асосан уч вазифани бажарилишига ўз таъсирини ўтказди:

1. қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш даражасини ўстиришга;
2. иш бажарувчиларнинг даромадини ўстириш ҳисобига, ҳа,т даражасини кўтариш ва рағбатлантиришга;
3. ишлаб чиқаришни тартибга солиш, бошқариш ва назорат этишга.

Бозор иқтисоди,ти шароитида асосий субъектлар ишчилар, иш берувчилар ва давлат бўлганлиги учун улар ҳар хил вазифаларни бажарадилар.

Ишлаб чиқариш вазифасини ишчилар, рағбатлантириш вазифасини иш берувчи, тартибга солиш, бошқариш ва назорат вазифаларини эса давлат бажаради.

Янги ишлаб чиқариш муносабатлари шароитида иш ҳақи икки кўринишда бўлади: номинал ва реал иш ҳақлари:

**Номинал иш ҳақи** - бу ходимнинг ишлаган ҳар бир соат учун сўмда оладиган маошидир.

**Реал иш хақи** - эса номинал иш хақининг кийматда ифодаланган кўриниши бўлиб, ана шу номинал иш хақини белгиловчи пул-сўм билан қанча нарса сотиб олиш, ки хизмат кўрсатиш мумкинлигини изоҳлайди.

Иқтисодчилар учун «иш хақи», «маош», ва «даромад» тушунчалари қуйидагиларни англатиш лозим:

«Иш хақи» ибораси - ишланган вақт бирлиги учун тўлов;

«Маош» тушунчаси - ишланган вақт бирлиги миқдорига (7-8 соат) ишлаган иш хақи ставкасини кўпайтириш билан топиладиган кўрсаткич.

«Даромад» - ой, квартал ва йил давомида бир иш бажарувчига, ки тадбиркорга тўғри келадиган умумий маблағлар йигиндиси. У сармоянинг инвестиция қилиниши ва трансферит тўловлари-ишсизлик учун нафақа шаклидаги давлат тўловлари, ишлаб топилган ва ишламай олинган даромадлардан келадиган дивидентлардан ташкил топади.


Қишлоқ хўжалигида иш хақини тўғри амалга ошириш учун қуйидаги энг муҳим тамойилларга риоя қилиниши зарур:


- ишлаб чиқариш ва меҳнат самарадорлиги ортиб борган сари, реал иш хақини ортиб бориши. Бу тамойил эҳтижларни ортиши ва янада тўлароқ кондирилиши, фақат ўз меҳнати учун кўпроқ миқдорда моддий неъматлар ва хизматларга эга бўлиш имкониятлари кенгайган шароитдагина реал бўлади.
- меҳнат унумдорлиги ўсишини, ўртача иш хақи ўсиш суръатларидан тезроқ ўсиш. Бу тамойилнинг моҳияти – ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш асосида меҳнатдан келадиган даромадларни максимал даражага етқизишдан иборат.
- иш хақини табақалаштириш. Ходимнинг корхона фаолияти натижаларига қўшган меҳнатининг хиссасига, меҳнат мазмуни ва шароитларига, корхона шойлашган минтақага, унинг қайси тармоққа мансублигига қараб иш хақи табақалаштирилади. Мазкур тамойил ходимнинг ўз меҳнат малакасидан, махсулотнинг юқори сифатли бўлишини таъминлашдан, моддий мафаатдорлигини кўчайтириш зарурлигига асосланган.
- тенг меҳнатга тенг иш хақи. Бозор шароитида бу тамойилни ишловчини жинси, ши, миллий мансублиги ва хоказоларига қараб, унинг меҳнатига ҳақ тўлашда камситилишга йўл қўймасликдир, корхона, ки фирма ичидаги тақсимотда адолат тамойилига риоя этилиши деб тушуниш керак. У бир хилдаги меҳнатни, унга ҳақ тўлаш орқали бир хил баҳолашни назарда тутлади.
- меҳнатга ҳақ тўлашни давлат йўли билан бошқариш, тартибга солиш.
- меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларининг оддийлиги, мантиқийлиги, қулайлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг

мохияти хақида кенг хабардор бўлишни таъминлаш. Ходимда иш хақи тўғрисида тушунарли ва батафсил ахборот мавжуд бўлгандагина у куч-қувватини аямасдан меҳнат қилади.

<sup>1</sup> 3 жадвал

### Иш хақининг тамойиллари ва вазифалари





Тариф тизимининг вазифаси меҳнатнинг сифати (малакаси) ва шароитига, ишлаб чиқариш тармогининг халқ хўжалигидаги аҳамияти ҳамда корхоналарнинг ҳудудий жойлашувига қараб ходимларнинг иш ҳақини тартибга солишни таъминлашдан иборат. Бу вазифа тариф тизимининг айрим таркибий қисмларини тўғри тузиш, яъни тариф-малака маълумотномасини ишлаб чиқиш, тариф жадвалини ва тариф ставкасини тузиш йўли билан ҳал этилади.

Тариф - малака маълумотномаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тармогидаги барча асосий иш турларининг, шунингдек, муайян тариф гуруҳи ходимларига қўйиладиган асосий талаблар бўйича малака тарифи тўпламидан иборат.

Ходимларнинг ҳар бир тариф гуруҳи касб, ихтисос ва малака билан характерланади. Муайян тай, ргарлик, маълум назарий билим ва амалий кўникма талаб қиладиган меҳнат фаолияти ва машгулотлари тури-касб деб

аталади. Масалан, сувчи, соғувчи, молбокар, тракторчи ва х.к. Касб одатда бир қатор ихтисосликни - бажариладиган ишлар ,ки хизмат кўрсатадиган асбоб-ускуналарнинг характериға кўра фарқ қилинадиган меҳнат фаолияти турларини бирлаштиради.

Ишчининг малака кўрсаткичи унга берилган тариф разряди ҳисобланади. Энг оддий ишларни бажарувчи ишчилар биринчи разрядга киради. Разряд номерлари малака ошишиға қараб ортиб боради.

<sup>1</sup> 4 жадвал

#### Меҳнатни тарифлаш

Ишни тарифлаш кўрсаткичлари	Баллар баҳоси				
	1	2	3	4	5
мураккаблик	жуда оддий	оддий	ўртача мураккаб	мураккаб	жуда мураккаб
огирлик	жуда енгил	енгил	ўртача енгиллик	огир	жуда огир
жавобгарлик	жавобгарликка тортмайди	кам жавобгарлик	ўртача жавобгарлик	жавобгар	-
ишлаб чиқариш шароити	соғлиқ учун зарарсиз	сезиларли даражада зарарли	ўртача зарарли	юқори даражада зарарли	-

Тариф разрядлари - ишнинг мураккаблиги, огирлиги, жавобгарлиги ва уларни бажариш шароитига қараб белгиланади.

Ишнинг мураккаблиги- технологик жара,нларнинг мазмуни, асбоб ва ускуналарни созлашнинг техникавий воситалари ва усулларининг мураккаблиги, шунингдек, муайян меҳнатни ташкил этиш шароити ва ишда зарур мустақиллик даражаси билан аниқланади.

Огирлик - ишлаб чиқаришнинг аниқ шароитида, инсон танасига тушадиган физикавий куч билан белгиланади.

Жавобгарлик - дейилганда ишлаб чиқариш жара,нида у ,ки бу технологик тизимнинг бузилиши натижасида корхонаға етказиладиган иқтисодий зарар тушунилади.

Ишлаб чиқариш шароитига - иш бажариш жара,нида, иш бажарувчи ҳа,тиға таъсир этувчи омиллар - об-хаво, газлашганлик, ,руглик, шовқин-сурон шамол, қор, ,мгир, иссиқлик, совуқлик ва бошқалар тушунилади.

Ишларнинг юқорида кўрсатилган белгилари бўйича берилган тўла тавсиялар махсус тариф-малака маълумотномаларида берилади. Бу маълумотномалар ишлаб чиқаришда дастлабки хужжат бўлиб хизмат қилади.

Тариф – малака маълумотномаларини ишлаб чиқаришда ва ишлар мураккаблигини баҳолашда аналитик-тахлил усули кенг қўлланилади. Унинг моҳияти шундаки, меҳнат жара,ни хар қандай меҳнат туриға хос айрим ишчи фаолиятларига бўлинади:

- ❖ хисоб фаолияти, яъни ишчининг иш жара,ни бошланишидан олдинги хамда иш жара,ни вақтидаги барча юмушларни бажариши;
- ❖ иш жойини тай,рлаш ,ки асбоб-ускуналарни танлаш, ускуналарни созлаш, асбобларни ўрнатиш;
- ❖ иш жара,нини юритиш, яъни ишчининг меҳнат предметини ишлашга, унинг хоссаларини ,ки ҳолатини ўзгартиришга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолияти;
- ❖ иш жара,нида ускуналарни, тай,рлаш ва ишлаб чиқаришни бошқариш.

Бундан ташқари, ишлар мураккаблигини баҳолашда ижронинг ишончлилигини ва ишчининг масъулияти ҳисобга олинади.

Санаб ўтилган барча фаолиятлар, турлича мураккаблик, огирлик, жавобгарлик ва ишлаб чиқариш шароитлари даражаси билан характерланади. Турли ишларни бажаришда огирлик, жавобгарлик, мураккаблик, ишлаб чиқариш шароити даражаларини турлича мувофиқлаштириш зарурати вужудга келади. Оқибат натижада иш умуман озми, кўпми мураккаб, огир ва маълум жавобгарлик даражасида бўлиши мумкин. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда шу жумладан Ўзбекистонда ҳам буни аниқлаш учун ишончлилиكنинг ҳар бир фаолияти ва омили бўйича мураккаблик, огирлик, жавобгарлик ва бошқа кўрсаткичлар даражасини балл тизимида баҳолаш қўлланилади. Балларнинг умумий миқдори аниқлангандан кейин махсус шкала бўйича иш, бирон бир разрядга киритилади.

Балл билан баҳолаш тизими ишнинг мураккаблигини ва бошқа кўрсаткичларини аниқловчи таҳлил усулнинг техник воситаси ҳисобланади. Баллар ,рдамида турли фаолиятларнинг мураккаблиги ва бошқа кўрсаткичлари нисбатан шартли баҳоланади ва шу асосда ишлар разрядлар бўйича бўлинади.

Бу усулнинг афзаллиги шундаки, баллар шкаласини марказлашган тартибда белгилаш зарурияти қолмайди, мураккабликни баҳолаш тизими анча ихчамлашади ва ҳар бир ишлаб чиқариш хусусияти ҳисобга олинади.

Мамлакатимизда яратилган тариф - малака маълумотномалари ягона таркиб: умумий қисм, малака тавсифи ва касбларнинг алфавит кўрсаткичларига эгадир. Умумий қисмда ходимга қўйиладиган талаблар, айрим ишлаб чиқариш хусусиятлари, янги ишларга тариф белгилаш тартиби, маълумотномаларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш қоидалари ба,н этилади.

Маълумотномаларнинг асосий қисми малака тавсифи ҳисобланади.

Бу қисм уч бўлимдан иборат: биринчи бўлим «ишларнинг таъриф- тавсифи» деб юритилади. Бу бўлимга муайян разряддаги ишчи бажарадиган ишлар ба,н этилади. Бунда ишларнинг мураккаблик ва бошқа кўрсаткичлари даражаси кўрсатилади, уларни бажаришда ишчининг мустақиллиги, ишлаб чиқариш жара,нларини билиши, ички тартибга амал қилиши ва х.к. лар кўрсатилади, иккинчи бўлим «Билиши керак», бунда биринчи бўлимда кўрсатилган ишларни бажариш учун ишчи эгаллаши керак бўлган билимларга қўйиладиган асосий талаблар кўрсатилади. Учинчи бўлим «ишлар намуналари» - касблар ва

разрядлар бўйича ишлаб чиқаришнинг муайян тармоги учун намунавий хисобланган касблар ва разрядлар бўйича ишлар руйхати ба,н этилади.

Хозирги вақтда Ўзбекистонда корхоналарга тоифали (тўлов гуруҳлари) ягона тариф тури (ЯТТ) асосида иш кўриш тавсия қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 18- апрелдаги Фармонида биноан, хозирги вақтда Ўзбекистонда қўлланила,тган тариф тури (минимал иш хақи 5440 сўм), қуйидагича кўринишга эга.

<sup>1</sup> 5 жадвал

Мехнатга ҳақ тўлаш разряди	Тариф коэф-ти	Мехнатга ҳақ тўлаш разряди	Тариф коэф-ти
0	1,000	12	4,973
1	2,014	13	5,288
2	2,216	14	5,606
3	2,439	15	5,931
4	2,681	16	6,259
5	2,937	17	6,593
6	3,205	18	6,930
7	3,484	19	7,273
8	3,773	20	7,620
9	4,064	21	7,973
10	4,361	22	8,328
11	4,663		

Мавжуд тариф турида разрядлар сони, ишчилар ва хизматчилар меҳнатининг мураккаблигидаги фарқланишлар асосида қарор топтирилган бўлиб, улардан 1-8 разрядлар тоифалари ишчилар меҳнатини тарификациялаш учун ажратилган. Шунинг билан бирга мутахассис ва хизматчилар тариф разрядлари 9-16 меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларидан иборатдир.

Ягона тариф тури бўйича «нолинчи» разряддан бошлаб иш хақининг ўсиб бориши билан бирга тариф коэффициенти ҳам ортиб боради.

Бу меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш билан бирга уларни янада яхши ва сермахсул ишлашга, ўз малакаларини мунтазам ошириб боришга ундайди.

Янги тариф тизими бўйича бюджетдан маош оладиган илмий ходим, ўқитувчи, врач кабиларнинг иш хақи тўлиқ кафолатланган.

Хукумат Фармонга кўра хўжалик ҳисобидаги корхоналар ҳам ойлик иш хақининг энг кам миқдорини ўз корхоналари учун асос қилиб белгилайдилар. Улар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат харажатларини камайтириш ҳисобига ўз ходимларнинг иш хақини оширадилар. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат киладиган фуқароларнинг иш хақи чегараланмайди. Шундай қилиб, иш хақини доим такомиллаштириб боришдан асосий мақсад халқимизнинг моддий

манфаатдорлигини яхшилаш, турмуш фаровонлигини оширишдир. Хуллас, бозор шароитида ким кўп ишласа, шунча кўп даромад килади.

Умуман олганда, иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви шароитида иш хақининг рағбатлантирувчи роли катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун касб-малака гуруҳлари бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш даражасининг такомиллаштирилиши давримизнинг муҳим талабидир. Шунинг учун тариф тури ва тизими бундан кейин ҳам мукамаллашиб бораверади.

Тариф ставкалари (окладлар) тоифалар бўйича ЯТТ да фақат бажарила, тган ишнинг мураккаблиги ва ходимнинг малакасига қараб табақалаштирилади. Қуйидаги жадвалда қишлоқ хўжалигида қўлланиши тавсия этилган кунлик тариф ставкалари келтирилган.

***Кунлик тариф ставкалари.***

<sup>1</sup> 6 жадвал  
**18.12.2003 йил.**

	Тузатиш коэффициенти	Разрядлар					
		I	II	III	IV	V	VI
		Тариф коэффициентлар					
		2,04	2,216	2,439	2,681	2,937	3,205
Тракторчи- машинистларга							
а) махсулот олиш учун ҳисобланган раценка	1,15	496,04	545,80	600,72	660,34	723,37	789,40
I-гурух	1,402	604,74	665,40	732,35	805,05	881,88	962,36
II- гуруҳ	1,073	462,83	509,25	560,49	616,13	674,93	736,53
б) махсулот олгангача аванс ҳисобида	1,307	563,76	620,31	682,73	750,50	822,12	897,15
I-гурух							
II- гуруҳ							
Чорвачиликда ҳамда қул кучи билан бажариладиган ишларда	1,07	461,53	507,83	558,93	614,41	673,05	734,47
а) махсулот олиш учун ҳисобланган раценка	1,00	431,34	474,61	522,36	574,21	629,02	686,42
б) махсулот олгангача аванс ҳисобида.							

Бошқа омиллар - меҳнат шароитининг оғирлиги, мураккаблиги, уни қўллаш соҳаларининг аҳамияти индивидуал ва жамоа меҳнатининг миқдор ва сифат натижалари, устама иш ҳақи, қўшимча иш ҳақи, мукофот, соврин ва бошқа иш ҳақи тўловларини ташкил этиш унсурлари ,рдамида ҳисобга олинади. Буларга нисбатан тариф ставкаси (оклад) бутун иш ҳақи тўловини шакллантириш учун асос ҳисобланади. Ходимни у ,ки бу тоифага мансуб этишда Ўзбекистон Республикаси маълумотлари, стандарт миллий классификаторлар, ишлар ва ишчи касблар, ягона тариф малака маълумотномаси - ишчи касбларнинг ойлик окладлари белгиланган малака маълумотномалари, мансабдор хизматчиларнинг малака маълумотномасидан келиб чикилади.

### 9.3. Меҳнат ҳақининг тизими ва шакллари

Корхоналарда иш хақи шакллари, сарфланган меҳнатнинг миқдорини улчашнинг икки усулига қараб фарқланади: тайёрланган маҳсулот (бажарилган ишлар) га сарфланган вақт ва маҳсулот миқдори билан белгиланади. Шунга мувофиқ иш хақининг вақтбай ва ишбай шакллари, ки тизимлари мавжуддир.

**Иш хақининг вақтбай** тизимининг мазмуни шундан иборатки, унда ишчи кучининг баҳоси ишлаб чиқарилган маҳсулот, ки бажарилган иш вақтининг миқдorigа қараб белгиланади. Бунда иш хақи миқдори бажарилган ишнинг сифати, миқдори ва истеъмолчилар томонидан сотиб олинishi даражасига кўра белгиланади. Одатда иш хақининг бундай шакли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш соҳаларида кўпроқ қўлланилади.

**Иш хақининг ишбай** тизимида - кўринишида ҳақ тўлаш, ишлаб чиқаришнинг пировард натижасига, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори, сифат ва товар бозоридаги сотилишига қараб белгиланади. Аммо уни ҳисоблашнинг асосий услубий жиҳати барибир маҳсулот ишлаб чиқаришнинг миқдор кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлиб, ишбай расценкасига мувофиқ ишлатилади.

Ҳар қандай меҳнат бевосита иш вақтида ўлчаниши мумкин бўлганлиги туфайли, аслида ҳар қандай ходимнинг меҳнатига вақтбай ҳақ тўланиши мумкин.

**Ишбай иш хақи**, ишлаб чиқариш фаолиятининг меъ,ланадиган ва ҳисобга олинадиган натижалари аниқ бўлгандагина бевосита ишлатилади.

Иш хақининг бирон-бир шаклини ва кўринишини танлаш аниқ ишлаб чиқариш шароити ва корхоналардаги ишчиларнинг меҳнат мазмунини батафсил таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

Ишбай иш хақини ташкил этиш ва ундан самарали фойдаланиш бир қатор шартларга риоя қилишни назарда тутлади. Улардан биринчиси - ишчилар меҳнати сарфини меъ,рлаш ва ҳисобга олиш имконияти бўлиб, бу ана шу сарфларни бевосита ва тўла акс эттирадиган ва меҳнат унумдорлигининг миқдорий кўрсаткичлари билан боғлиқдир. Ишбай иш хақи шаклининг қўлланилиши бажариладиган ҳар бир жара,нга, ҳар бир маҳсулотга асосланган ишлаб чиқариш меъ,ри ва ишбай расценка белгиланишини талаб қилади.

Шу билан бирга, индивидуал ишлаб чиқариш шароитида иш унумини меъ,рлаш ва ҳисобга олиш меҳнат сарфлашнинг камайиш имкониятини назарда тутиши керак бўлади.

Ишбай меҳнат хақи ишчининг максимал иш унумдорлигига эришишга психологик жиҳатдан рағбатлантиради. Бу ишлаб чиқарила,тган маҳсулот сифатининг пасайишига, технологиянинг бузилишига, моддий бойликларни ортиқча сарфлашга олиб келиши мумкин. Шу муносабат билан айниқса масъулиятли ва хавфли ишларда уларни бажариш сифатига орттирилган талаблар қўйилади, шунинг учун ишбай меҳнат хақини қўллаш чекланади.

Юқорида қайд қилинган шартларнинг ҳар бири ишбай меҳнат хақи шаклини муваффақиятли қўллаш учун зарур имконият яратади.

Қишлоқ хужалигида вақтбай меҳнат ҳақи, биринчидан раҳбар ходим ва мутахассислар банд бўлган асосий ишлаб чиқаришда қўлланилади. Вақтбай меҳнат ҳақи шакли асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, унинг иш қобилиятини сақлаб туришга оид қўшимча ишчилар (слесарь-таъмирловчи, электр слесарлар, созловчилар ва бошқалар)га меҳнат ҳақи тўлаш учун қўлланилади. Иш унумдорлигининг миқдор кўрсаткичларини белгилаш мумкин бўлмаган ,рдамчи ишчилар, омборчилар, мойловчилар, асбобларни таркатувчиларга ҳам вақтбай иш ҳақи тўланади. Вақтбай меҳнат ҳақи шаклини қўллашнинг муваффақияти шундан иборатки, у ҳар бир ишчининг ҳақиқатда ишлаб берган вақтини, тариф-малака маълумотномалари талабларига мувофиқ, тариф разрядлари берилишини, хизмат кўрсатишнинг асосланган меъ,рларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишни, шунингдек, мукофотлашнинг асосланган тизимларини танлашни қатъий назорат қилиб боришни талаб қилади.

Ишбай меҳнат ҳақи шаклида маош тўлаш меҳнат натижаси билан иш ҳақи миқдор ўртасидаги боғлиқликни белгилаш усуллари ва ишбай ҳақни ҳисоб-китоб қилиш йўлларининг турли-туманлиги билан характерланади.

Тажрибада ишбай меҳнат ҳақи тизимининг бевосита оддий, ишбай-мукофот, кўтара, ишбай-ўсиб боровчи ва кўтара - мукофот турлари қўлланилади.

Оддий ишбай шакли шу билан характерланадики, унда ҳар бир ишчининг иш ҳақи унинг шахсий меҳнат натижалари билан, яъни у, маҳсулот миқдор ,ки муайян муддат ичида бажарган ишлари миқдори билан белгиланади. Бинобарин, бундай ҳолатда ишчининг меҳнат сарфлари ва натижалари билан унинг иш ҳақи ўртасида бевосита алоқа ўрнатилади.

Оддий ишбай ҳақи шаклида бажарилган ҳар бир иш бирлигига тўланадиган иш ҳақи учун ўзгармас ишбай расценка белгиланади.

Иш ҳақининг умумий миқдори қуйидаги формуласи билан ифодаланади:

$$Им = Р \times П$$

Бунда:

Им - ишбай иш ҳақи миқдори;

Р - ишбай усулида бажарилган иш бирлигига ишбай ҳақ;

П - бажарилган ,ки тай,рланган маҳсулот миқдори.

Ишбай ҳақ, ҳар қандай ишбай иш ҳақи шаклининг асосий унсуридир. Қараб чиқилган тизим шароитида расценка қуйидагича аниқланади:

$$Р = \frac{ТСр}{Им}$$

бунда: Р - ишбай расценка;

ТСр - бажарила,тган ишлар разрядига мувофиқ бўлган тариф ставкаси;

Им - иш меъ,ри.

Ишбай расценкани белгилашда тариф ставкалари асос қилиб олинадиган тегишли вақт бирликларини таъминлаш зарур. Вақт бирликларига эса меъ,р белгиланади. Агар кунлик смена учун ишлаб чиқариш меъ,ри белгиланган бўлса, расценкани ҳисоб-китоб қилишда бир кунлик (смена) тариф ставкасидан фойдаланилади, соатбай ишлаб чиқариш меъ,ри белгиланганда эса расценкани аниқлаш учун соатбай тариф ставкасидан фойдаланилади.

**Иш ҳақининг ишбай-ўсиб боровчи** (прогрессив) шаклида, бошлангич меъ,р база билан белгиланган ишчининг ишига ўзгармас ишбай расценка- баҳо бўйича иш ҳақи тўланади, қўшимча ишланган ишига эса бошлангич меъ,рдан ортиқ олинган маҳсулот учун юқори баҳо бўйича ҳақ тўланади.

Мехнат ҳақининг ишбай – ўсиб боровчи тизимининг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини асослаб бериш мақсадида, иш раценкасини кўтариш йўли билан боғлиқ бўлган қўшимча чикимлар, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ҳисобига юзага келадиган харажатлар, таннархнинг тежалган умумий суммаси билан солиштирилади. Ҳозирги вақтда бу шакл корхоналарда кенг қўламда қўлланилмоқда.

**Мехнат ҳақининг кўтара ишбай шаклида** иш ҳақининг миқдори (аккорд баҳоси) ишнинг умумий қўлами учун белгиланади.

Кўтара - иш ҳақининг миқдори ,вақт меъ,рининг (ишлаб чиқаришнинг) ҳар хил ишлар бўйича ҳаракат қилиши асосида белгиланади. **Мехнат ҳақининг кўтара - мукофот шакли** ходимга расценка баҳолаш бўйича чиқарилган ишбай маошига қўшимча тарзида кўзда тутилмайдиган, мукофот шахс ,ки гуруҳ томонидан сифат ва сон жиҳатидан эришилган ютуқлар учун берилади.

Мехнат ҳақи тизимлари ва шакллари орасида аниқ боғлиқлик мавжуд бўлиб, у вақтбай иш ҳақида ҳам, ишбай иш ҳақида ҳам ҳўжалик ҳисобида ишлайдиган корхоналар олган даромадидан ,ки сармоясидан сарфланган меҳнатига замонавий усуллар бўйича ишчиларга бунак (аванс) бериш амалга оширилади.

Бундай ҳолларда қўлланиладиган иш ҳақининг шаклларида қонунга риоя қилиниш билан бирга керак бўлган умумий кўрсатмаларни ҳисобга олишни, ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини, моддий харажатларни, сифат кўрсаткичларини ва меҳнат меъ,рини, маҳсулот етиштириш меъ,рини тўғри ташкил этиш зарур.

**Вақтбай иш ҳақининг шакллари ва унинг тизимлари.** Мехнат ҳақининг вақтбай шакли бажарилган иш учун ҳақ тўлашнинг асосий йўли ҳисобланади. Вақтбай меҳнат ҳақи шаклининг моҳияти шундаки, унда иш ҳақи тай,рланган маҳсулотнинг миқдори ва сифатидан қатъий назар ишловчиларнинг малакасига ва ишлаган вақтига қараб тўланади.

Мехнат ҳақининг вақтбай шакли иш жара,нларини меъ,рлаш ва ҳисобга олиш кийин бўлган ҳолларда ҳамда ишчиларни ишбай иш ҳақи шаклига ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлмаган жойларда қўлланилади.

Вақтбай меҳнат ҳақи шакли уч турга бўлинади:

- 1) оддий-вақтбай;
- 2) вақтбай-мукофот,
- 3) вақтбай-ишбай.

Меҳнат ҳақининг оддий вақтбай тури ишчига берилган касб даражаси ва ишлаган вақти миқдорига яраша тариф ставкаси билан белгиланади.

Иш берувчиларнинг кўпчилиги иш ҳақининг ишбай шаклида иш юритишдаги кийинчиликлар билан боғлиқ бўлган хавф-хатар ва бошқа улчовларни билгани холда вақтбай иш ҳақи шаклидан фойдаланишни хуш кўрадилар.

**Меҳнат ҳақининг бу тизими хизматга яраша ҳақ тўлаш каби, энг аввало эришган шахсий ютуқлари билан бирга ўзининг қатор нозик томонларига ҳам эга.**

**Вақтбай-мукофот меҳнат ҳақи тури вақтбай ишловчи ишчиларни меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашдан моддий манфаатдор қилади. Мукофотлаш кўрсаткичлари муайян ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари (масалан, асбоб-ускуналарнинг бекор туришини қисқартириш, хом-аш, ва моддий харажатларни тежаш ва х.к.лар) га қарб турлича бўлиши мумкин.**

Ишнинг сифати, айрим холларда миқдори учун вақтбай иш ҳақининг мукофот билан бирга қўшиб олиб борилишини, илмий асосланган хизмат кўрсатишнинг жорий этилиши, топшириқларни қатъий меъ,рлаш вақтбай иш ҳақи шакли ролини кучайтиради ва унинг кенг ,йишга шарт-шароит яратади.

Хар қандай ишбай иш ҳақи тизими ишлаб чиқарила,тган маҳсулот ,ки ишлаб чиқариш жара,ни бирлигига вақт меъ,рларини ишлаб чиқиш ва белгилашга асосланади. Меъ,рлар муайян ишлаб чиқариш техникаси, шарт-шароитлари учун белгиланганлиги туфайли бу шарт-шароитлар ўзгариши билан меъ,рлар ҳам қайта кўриб чиқилиши лозим. Айни бир вақтда расценкалар ҳам ўзгаради. Шу сабабли уларни ҳам қайта кўриб туриш керак.

#### **9.4. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби.**

Корхоналардаги фермер ва пудратчиларнинг ҳамда бошқа ички хўжалик бўлинмаларининг иш ҳақи фонди, хўжаликда ишлаб чиқиладиган технологик харита асосида аниқланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида иш ҳақи фондини шакллантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш учун йил бошида барча тармоқларда , хар бир фермер хўжалигида, оила пудрати жамоаларида илмий жихатдан асосланган технологик хариталар ишлаб чиқилиб, хўжаликда тасдиқлангач, шунга мувофиқ равишда меҳнатга тўланадиган иш ҳақи фонди белгиланади.

Пудрат асосида ишловчи жамоаларда маҳсулот ишлаб чиқарилгунча меҳнатга ҳақ тўлаш вақтбай тизим асосида амалга оширилиши ва меҳнатнинг

пировард натижасига қараб йил охирида кўтара-мукофот шаклида ҳақ тўланиши мақсадга мувофиқдир.

Бунда бўнак бериш шакли, унинг миқдори ва ҳар бир муайян шароитда уни табақалаштириш тўғрисидаги масалани ҳал қилишни меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажаратиладиган лимити доирасида белгилаб олиш лозим.

Пудратчиларга тўланадиган бўнак миқдори (агар меҳнаткашлар жамоаси малакаси, иш тажрибаси юзасидан тахминан бир хил бўлса ва топширилган ишга моддий жавобгарликни сезиш ва унга виждонан муносабатда бўлсалар) баробар миқдорда белгиланиши мумкин. Лекин бўнакни тақсимлашда моддий жавобгарлик тамойили ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Агарда пудратчилар жамоаларида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва ходимлар малакаси бир-биридан кескин фарқ қилса тўланадиган бўнак миқдори табақалашган ҳолда белгиланиши лозим. Бундай жамоаларда сарфланган киши/соат учун иш ҳақи белгилашда, кундалик тариф ставкаларини аниқлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бўнакни табақалаштириш эса иш бажарувчининг ой давомида турли ишлар билан банд бўлишидан, тоифаси ва унвони учун тўланадиган қўшимча ҳақдан, меҳнатда қатнашиш коэффициентини қўлланишдан иборат бўлади, бу коэффициент асосан муайян бир ходимнинг меҳнат унумдорлигини ва унинг бажарадиган ишининг сифатини ҳисобга олади.

Хўжаликларда ишлаб чиқариш яқунларини, экинлар ҳосилдорлигини ва бошқа сифат кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, тариф ставкаси 25-50 % га оширилиб, етиштириладиган маҳсулотлар қийматидан иш ҳақи фонди аниқланади. Бу иш ҳақи фонди ички хўжалик бўлинмаларининг (пудратчининг) даромад улуши ҳисобланади ва ҳар 100 сўмлик сотилган маҳсулот қийматидан аниқланади.

Узил-кесил ҳисоб-китоб қилгунга қадар маҳсулот учун ҳисобланган иш ҳақининг 70 фоизи миқдорида бўнак сифатида, хўжаликка, ки унинг номидан тай, рловчи ташкилотларга маҳсулот сотишдан олинган даромад ҳисобидан бериб борилади. Бу бўнак суммаси хўжаликларда ишлаб чиқилган технологик харитадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган иш ҳақи тариф фондининг умумий суммасидан оширилмаган ҳолда белгиланади.

Мисол: Бухоро вилояти, Гиждувон туманидаги Хамид Олимжон номи ширкат хўжалигида 2002 йилда оила бошлиги М. Назаровга 10,5 га ер майдони пахта етиштириш учун бириктириб берилган, ҳосилдорлик гектаридан 42 центнер, жами ер майдонидан 44,1 тонна ҳосил олиш оила пудрати шартномаси асосида белгиланган. Ялпи маҳсулот қиймати пахтанинг навларини ҳисобга олган ҳолда ( $1 \text{ ц} = 1165 \text{ сўм}$ ) 514161,9 сўмни ташкил этган. Тариф бўйича иш ҳақи фонди ( $514161,9 * 70$ ) / 100 77124,3 сўмни ташкил этган. Маҳсулот учун қўшимча 25 фоиз ( $77124,3 * 25$ ) / 100 (19281,0 сўм) ҳисобланган. Натижада жами иш ҳақи фонди (даромад) 96405,3 сўмни ( $77124,3 + 19281,0$ ) ташкил этади. Раценка ўрнатишда ҳар 100 сўмлик маҳсулот қийматидан иш ҳақи фонди

(даромад)  $18,75$  сўмни ташкил этади.  $(96405,3:514161,9)*100$ . Шундан йил давомида  $70$  фоизи ,ки  $67483,7$  сўмдан  $(96405,3*70)/100$  ошмаган миқдорда бўнак тариқасида пудратчига ва пудратчи ер майдонида ишлаган ,лланма ишловчиларга тўлаб борилади.

Агар пудратчи белгиланган миқдорга нисбатан қўшимча пахта махсулоти етиштириб, уни топширса қўшимча махсулотининг хар  $100$  сўмига  $13,13$   $(18,75*70\%)/100$  сўм иш хақи (даромад) қўшилиб берилади.

Пудратчиларга  $9-10$  ой давомида иш хақи учун бўнак, бириктирилган ер участкасида агротехник тадбирларни ўз вақтида бажарилишини ҳисобга олган ҳолда, хар ойнинг якунида агротехник харитада кўрсатилган иш миқдоридан келиб чиқиб тузилган ва хўжаликнинг бош пудратчиси томонидан тасдиқланган топшириқномага ( ҳисоб варақаси, табел) асосан берилади.

Мустақил ишлашнинг дастлабки даврларида моддий ресурслардан фойдаланиш, сугориш, зараркунандаларга қарши курашиш ва сервис хизматларини ташкил этиш, чек усулини жорий қилишда ва уни юритишда ўзаро кўмаклашиш мақсадида бир неча пудратчилар ( $15-20$ ) ўзлари учун иш юритувчи ,ки бош пудратчи сайлаб олишлари мумкин.

Бундай ҳолларда бош пудратчининг иш хақи пудратчилар иш хақи фондига киритилган умумий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобидан тўланади ва бош пудратчининг иш хақини тўлашга пудратчи томонидан ,зиб берилган чек асос ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида пудратчилар жамоасига аъзо бўлмаган ,лланма ишловчилар билан маълум ишларни бажариш учун меҳнат шартномаси тузилиши мумкин. Бундай ишловчиларнинг иш хақи пудратчиларнинг меҳнат хақи фонди (даромад) ҳисобидан тўланади.

Меҳнат хақи, томонларнинг келишуви бўйича белгиланади ва у қишлоқ хўжалик корхоналари ишловчиларига тариф ставкаси бўйича белгиланган маошдан кам бўлмаслиги керак.

Бажариладиган ишларнинг сифати кўп жихатдан ишчининг тажрибасига, қобилиятига, билими ва малакасига боғлиқ бўлади. Иш хақида ишловчиларнинг малакасини акс эттириш ва улардан энг яхшилари ажратиб кўрсатиш учун I ва II тоифали сувчи, сут соғувчи, «уста чорвадор», «уста сувчи», «ўсимликчилик устаси» унвони бўлган ишловчиларга ва тоифага эга бўлган ходимлар учун маошларига нисбатан қуйидагича қўшимча ҳақ белгиланади: II тоифа учун  $-10$  фоиз, I тоифа учун  $-20$  фоиз. Топширик сифатсиз бажарилганда ва махсулотнинг сифати пасайиб кетган ҳолларда мазкур қўшимчалар берилмайди.

Тоифалар ва унвон учун қўшимчаларни ойлик бўнакка қўшиб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилинган мавсумий ( ,лланма) ишловчиларга йил якунида қўшимча ҳақ ва мукофот ҳисобланмайди.

Пудратчилар ва бошқа ички хўжалик бўлинмалари билан узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш учун хўжаликни молия-ҳисоб маркази маҳсулот тўлиқ қабул қилинганидан кейин, қуйидаги тартибда соф даромад миқдори аниқланади.

Соф даромадни аниқлашда меъ,рдан ортиқча қилинган харажатлар мавжуд бўлса ва улар қўшимча харажат меъ,рдан кам бўлса, бундай ҳолатда умумий даромад суммасидан ҳақиқатда қилинган харажат чегирилади, яъни соф даромадда иқтисод қилинган харажат ҳам ўз аксини топади.

**Раҳбар ходимлар ва мутахасислар меҳнатига ҳақ тўлаш.** Раҳбар ходимлар ва мутахасисларга сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти қийматига нисбатан белгиланган меъ,р асосида ҳақ тўлаш тавсия этилади.

Меъ,р барча раҳбар ходимлар ва мутахасисларга олдинги 3 йилда хўжалик томонидан сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ўртача қийматига нисбатан белгиланади ва 1000 сўмлик товар маҳсулоти учун ҳақ тўлаш меъ,ри ҳисоблаб чиқилади ва шу асосда йил якуни бўйича товар маҳсулоти учун қўшимча ҳақ тўланади.

Бунинг учун олдинги 3 йилги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдори натура ҳолда олиниб, охириги йилда, йиллик ҳисобот бўйича аниқланган сотиш баҳосига (сотилмаган маҳсулот таннархи бўйича) ўртача бир йиллик сотилган маҳсулотлар қиймати аниқланади ва жорий йил «Бизнес режа»си бўйича раҳбар ходимлар ва мутахасисларнинг ойлик лавозим маоши бўйича иш ҳақи фонди ҳисобланади ҳамда 1000 сўм товар маҳсулот учун меъ,р ўрнатилади.

Раҳбар ходимлар ва мутахасисларни ишлаб чиқариш харажатларини тежашда ва таннархни пасайтиришда манфаатдорлигини ошириш учун рентабиллик даражаси кўрсатгичи учун мукофотлаш тавсия этилади. Хўжаликнинг жорий йил ишлаб чиқариш дастурида (бизнес-режада) ўсимликчилик бўйича режалаштирилган рентабеллик даражаси кейинги 3 йилдаги ўртача рентабеллик кўрсатгичидан кам бўлмаса ва уни бажарилиши таъминланса, йиллик лавозим маоши фондига рентабеллик 20 фоизгача бўлса 15 фоиз, 20-25 фоизга 20 фоиз, 25,1-30 фоизга 25 фоиз, 30 фоиздан юқори бўлса 30 фоиз ва режадаги кўрсатгичдан ошган ҳар бир фоиз учун эса 10 фоиз қўшимча мукофот ҳисобланади. Агарда режалаштирилган рентабеллик кўрсатгичи ўтган 3 йилдаги ўртача кўрсатгичдан кам бўлса, мукофот фондиди ҳисоблаш учун 3 йиллик ўртача кўрсатгич асос қилиб олинади.

Рентабеллик даражасини ошириш учун ҳисобланган мукофот фонди ушбу кўрсатгич бўйича олинган ва хўжалик ҳисобида қоладиган соф фойданинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

<sup>1</sup> 7 жадвал

#### Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари

Ходимларни лавозимлари	Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари
1. Давлат хўжаликлари ва бошқа давлат қишлоқ	

хўжалик корхоналари Директор: 1 гурух 2 гурух 3 гурух	12 11 10
Бош агроном, зоотехник, ветврач, мухандис, энергетик, иктисодчи, ишлаб чиқариш, режалаштириш-иктисод бўлимлари бошлиқлари 1 гурух 2 гурух 3 гурух	10 9 8
Етакчи : агроном,зоотехник, ветврач, барча ихтисосдаги мухандислар, иктисодчи-мухосиб, дехқончилик-ўрмон мелиоратори, диспечерлар 1-3 гурух	7
Агроном, зоотехник, ветврач, барча ихтисосдаги мухандис, энергетик, иктисодчи, мухосиб, юрист маслахатчиси, деҳқончилик ўрмон мелиораторлари, диспечерлар 1-тоифа 2-тоифа тоифасиз Барча ихтисосдаги техникалар, ветеринария фельдшери: 1-тоифа 2-тоифа тоифасиз	7 6 5 5 4 3
Барча турдаги ишларда ишловчи ишчилар иш ҳақларини белгилашда қуйидаги коэффициентга кўпайтириш йўли билан аниқланади. Чорвачилик ҳамда қўл кучи билан бажариладиган ишларда махсулот учун ҳақларни ҳисоблаганда Тракторчи - машинистлар: А) махсулот учун ҳақларни ҳисоблаганда 1-гурух 3-гурух (Қорақалпоғистон Республика) б) махсулот олгунча аванс ҳисобида 1-гурух 3-гурух (Қорақалпоғистон Республика) эслатма: Ушбу разрядлар жамоа, ширкат хўжаликлари учун ҳам тавсия этилади.	1,07     1,15 1,402  1,073 1,307

***Оила пудрати шароитида меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби «Шарқ» ширкат хўжалиги мисолида.***

Оила пудратида меҳнатга ҳақ тўлаш оила пударти аъзоларининг даромади ҳисобидан берилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш «Шарқ» ширкат хўжалигида қуйидагича белгиланади:

Оила пудрати шартномасида ҳар бир гектар галла майдонидан дон ҳосилдорлиги 40 центнер белгиланиб, 10 га. дон майдонидан ялпи ҳосил 40,0 тоннани ташкил қилади, шундан пудратчи 35,0 тоннасини хўжаликка топширади. Хўжаликка топшириладиган дон маҳсулотининг қиймати (1 кг.ми 63,5 сўмдан) 2222500 сўмни ташкил қилади. Ушбу маҳсулот қийматидан 10 %-и меҳнат ҳақи фонди сифатида ажратилган, яъни 1 гектар дон маҳсулотига меҳнат ҳақи 222250 сўмни ташкил қилади. Шундан 70 %-и, яъни 155575 сўм 1 гектарга бўнак иш ҳақи сифатида белгиланган.

Меҳнатга ҳақ тўлашда 1 оилада 4 киши ишлаганда 1 ойлик маошни нормал тартибда бўлиш учун камида 40 гектар галла майдонини ташкил қилиш керак.

Лекин далолатнома асосида берилган ерлар бу майдондагидан кам бўлишини ҳисобга олсак, меҳнат ҳақини ошириш ҳосилдорликни ошириш ҳисобига амалга ошириш керак. Ҳосилдорлик қанча юқори бўлса, меҳнат ҳақи фонди ва бўнак маблағлари ҳам шунча кўпаяди.

Иш ҳақининг асосий қисми йил давомида бўлиб берилса ҳам, қолган 30 %-и йил якунида берилиши, пудратчини харажатларни камайтиришга интиптиради. Агарда пудратчи лимит харажатларини иқтисод қилса, қилинган иқтисод иш ҳақи фонди сифатида берилади.

Мисол: Паркент тумани «Шарқ» ширкат хўжалигида пудратчи Й.Убайдуллаевга меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби. Пудратчи Й.Убайдуллаев 10 гектар ерга галла эккан.

<sup>1</sup> 8 жадвал

1	2	3	4	5	6
Экин майдони, га	Ҳосилдорлик ц/га	Ялпи ҳосил, т	Ялпи ҳосил қиймати, м. сўм	Хўжаликка топширади, тонна	Пудрат чига қолади, тонна
10	40	40	2510	35	5,0

7	8	9	10	11
Хўжаликка топширадиган 35 тонна маҳсулотнинг	Ялпи маҳсулот қийматини 10 % иш	Бўнак иш ҳақи 70 %, сўм	Ҳар ойга бўнак суммаси, сўм	Йил якунида 30 % ни сўммаси

қиймати, минг сўм	хақиға, сўм			
2222,5	222250	155575,0	19446,9	66675

Пудратчи Й.Убайдуллаев хосилни кўтариб шартномада кўрсатилган 35 тоннани ўрнига 40 тонна бугдойни етиштирди. 5 тонна бугдойни режадан ортиги билан бажаргани учун, 40 % натура шаклида иш хақиға берилади. Пудратчи Й.Убайдуллаев 2 тонна бугдойни бозорда 100 сўмдан сотиб 200000 сўм фойда кўради ва 3 тонна бугдойни эса хўжалик пул шаклида 63,5 сўмдан эмас, 20 % қўшилган холда 76,2 сўмдан 228600 сўмға сотиб олади.

### Тест-рейтинг саволлари:

- Иш хақи тўлашнинг асосий тамойиллари
- Иш хақи тўлашнинг вазифалари
- Иш хақининг тизими деб нимаға айтилади.
- Иш хақининг турлари ва уларнинг мазмунини тушунтиринг.
- Оддий ишбай иш хақи деб нимаға айтилади.
- Ишбай мукофот иш хақи деб нимаға айтилади ва у қайси тармоқларда қўлланилади.
- Ишбай ўсиб борувчи(прогрессив) иш хақи деб нимаға айтилади ва у қаерда қўлланилади.
- Кўтара (аккорд) иш хақи деб нимаға айтилади ва у қаерда қўлланилади.
- Кўтара -мукофот иш хақи деб нимаға айтилади ва у қаерда қўлланилади.
- «Раценка» деб нимаға айтилади ва уни тузиш учун керакли маълумотларни айтинг.
- «Раценка» турлари ва ўрнатиш усули.
- Номинал иш хақи деб нимаға айтилади.
- Реал иш хақи деб нимаға айтилади.
- «Маргинализация» деб нимаға айтилади.
- Иш хақини сегментациялаш деб нимаға айтилади.
- Қишлоқ хўжалигидаги асосий иш хақиға нималар киради.
- Қишлоқ хўжалигидаги қўшимча иш хақиға нималар киради.
- Қишлоқ хўжалигида қайси кўрсаткичлар бўйича мукофотлар берилади.
- «Трансферт» тўловлари деб нимаға айтилади.

## II Бўлим. Дехқончилик тармоқларини ташкил этишнинг илмий асослари.

10-боб. Дехқончилик тармоқларини ташкил этишнинг умумий масалалари

### 10.1. Дехқончиликда хўжалик юритиш тизимининг эволюцияси

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири дехқончиликдир. Дехқончилик тармогини тўғри ташкил қилиш ва мақсадга мувофиқ юритиш корхонада қабул қилинган дехқончилик тизимига асосланади.

Дехқончилик тизими дейилганда талаб даражасидаги сифатда, арзон, рақобатга чидамли дехқончилик маҳсулотлари етиштириш мақсадида, ердан тўла фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган, ўзаро боғлиқ ҳамда бир-бирини тўлдирувчи иқтисодий, ташкилий, техникавий ва агротехник тадбирий - чоралар йиғиндиси тушунилади.

Дехқончилик тизимининг асосини дехқончилик технологияси, яъни агротехникаси ташкил қилади. Бу дехқончилик технологияси, яъни тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш соҳасидаги агротехник тадбирларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, парвариш қилина, тган экинлар хусусиятига мувофиқ келиши, уларнинг ўсиши ва ривожланишига кўмаклашиши ҳамда пировард натижада арзон ва юқори сифатли хосил етиштиришни таъминлаши керак. Хар хил табиий – иқтисодий ва хўжалик юритиш шароитларига мувофиқ келадиган дехқончилик тизимлари, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишига мос келиши, яъни техник ва химиявий воситалар, экинларга ишлов бериш технологияси ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг такомиллашувига қараб доим ўзгариб, янгиланиб келмоқда ва шундай тараққий этиб бораверади.

Дехқончилик тизими тўғрисидаги таълимот 200 йилдан ортиқ тарихга эга бўлиб, унинг алмашилиб туриши куйидаги тартибда амалга оширилган:

- ўрмон ва чакалакзорларни куйдириб дехқончилик қилиш;
- ерларни узоқ муддатга ташлаб қўйиб, (кўриқ ва партов тизими) дехқончилик қилиш;
- шудгорлаш орқали дехқончилик қилиш ;
- ўт-далали алмашлаб экиш , рдамида дехқончилик қилиш;
- қатор ораларига ишлов бериб, дехқончилик қилиш, хусусан сугориладиган худудлардаги дехқончилик тизими.

Ўрмон ва чакалакзорларни қирқиб, дехқончилик қилиш. Бу усул дехқончилик юзага келабошлаган дастлабки даврларга тўғри келади. Хусусан, мулкчилик пайдо бўлмасдан аввал ва кулдорлик тузумининг дастлабки пайтларида экин экиладиган ерларни танлашда ҳеч қандай чегарага амал қилинмаган. Кишилар ўрмон ва чакалакзорларни қирқиб ташлаб ,ки куйдириш йўли билан ер очиб, дехқончилик қилганлар. Ер унумдорлиги пасайгандан кейин худди, шундай усул билан бошқа ерларда маҳсулот етиштирганлар. Бу тизимда тупроқ унумдорлиги кишиларнинг фаол иштирокисиз, фақат табиий омиллар ҳисобига тикланган. Кейинчалик партов-кўриқ тизимига ўтилган.

Партов деб илгари экин экилган, кейинчалик ташлаб қўйилган бегона ўтлар босиб кетган ва ундан яйлов ҳамда пичанзор сифатида фойдаланиладиган ерларга айтилади.

Партов ва кўриқ ерларни очиб ўзлаштириб дон экинлари экилганда улардан 7-10 йил хосил олинган. Шундан кейин ерларнинг тупроқ

унумдорлигини тиклаш учун узоқ муддатга 25-30 йилга ташлаб қўйилган. Аҳоли сонининг тез ўсиши ва айникса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабнинг ортиши, ерга хусусий мулкчиликнинг вужудга келиши натижасида ердан бирмунча унумли фойдаланиш зарурияти тугилган. Шундан кейин ташлаб қўйилган ерлардан қисман фойдаланиш тизимига ўтилган. Шу тартибда ташлаб қўйилган ер, бир неча қисмга бўлиниб, унинг бир қисмига экин экилган, қолган қисми эса 10-15 йилга ташлаб қўйилган.

Ердан бундай фойдаланиш қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабни қондира олмагандан кейин, ерларга узоқ муддат дам бериш ўрнига шудгор қилиб қўйиш орқали тупроқ унумдорлигини тиклаш тизими жорий қилинган.

Шудгорлаб қўйиш тизимининг мохияти шундаки, сурункасига бир неча йил пахта, ки донли экинлар экилиб борилиб, кучсизланиб қолган ва бегона ўтлар босиб кетган ерлар кузда, ки бахорда хайдалади. Кейин ерлар бегона ўтларга қарши шудгорланади, ки, гингарчилик туфайли хосил бўлган дон экинлари экилади. Шудгор қилинганда далалардаги бегона ўтлар йўқолади, ерда нам тўпланади, тупроқда кислород ва озик моддалар тўпланади, экин экиб банд қилинмаган шудгорга тоза, ки қора шудгор дейилади. Шудгорланишнинг бу тизимидан собик иттифокнинг кўпроқ галлакор туманларида фойдаланилган. Ўз - ўзидан равшанки сугориладиган туманларда бу тизимдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

Фан ва техниканинг тарраккий этиши, ҳамда шаҳар аҳолисининг тез суръатлар билан кўпайиши туфайли, аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, айникса, чорвачилик маҳсулотларига, саноатнинг эса қишлоқ хўжалик хом аш, сига талаби анча ошади.

Бу даврларга келиб фаннинг ривожланиши ва хусусан биология фани, ўсимликларнинг озикланиш хусусиятларини кашф этилиши, дехқончилик тизимининг тубдан ўзгаришига олиб келди. Француз табиатшунос олими Либих, ҳамма экинларни озикланиш хусусиятига кўра 2 гуруҳга бўлиб, биринчи гуруҳдаги экинлар тупроқдан озик олишини ва иккинчи гуруҳдагилар эса хаводан озик олиб, озуқа моддалари илдизда тўпланишини исботлади ва самарали дехқончилик шу экинларни ўзаро алмашлаб экишга асосланиши кераклигини илмий жихатдан асослаб берди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тобора ортиб бора, тган талаб ва фан - техника тараққи, ти натижасида шудгорлаб экиш тизими дехқончиликда анча илгор тизим бўлган алмашлаб экиш тизими билан алмаштирилади. Алмашлаб экиш тизимида донли экинлар 1-2 йидан ортиқ экилмасдан, балки чопиқ талаб, ки ем-хашак экинлар, маккажўхори, картошка, йўнгичка, беда ва бошқалар билан алмаштирилади. Дехқончиликнинг бу тизимида шудгорландиган майдоннинг бир қисмига йўнгичка, ки беда, қолган қисмига хашаки экинлар экилади.

Ўт-далали алмашлаб экиш тизимининг туб маъноси, серунум тупроқ таркибини яратишдир. Тупроқнинг унумли таркиби эса кўп йиллик дуккакли ва

галласимон ўт аралашмаси экиш билан хосил қилинади. Бу тизим ҳақидаги таълимотни академик В.Г.Вильямс яратган.

Ўт-далали алмашлаб экиш, дехқончилик юритиш тизимининг бир тури бўлиб, аниқ бир шароитда тўла ижобий аҳамият касб этади. Намгарчилик етарли бўлган ва айникса, сугорилиб дехқончилик қилинадиган ҳудуд ва туманлар учун бу тизим ўта қоқоқ-экстенсив тизимдир. Жамиятда қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳаларни ҳам гуркираб ривожланиши натижасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган хайдаладиган ерларнинг камайиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабнинг тез суръатлар билан ўсиши, минерал ўғит ва ким,вий воситаларнинг кўплаб саноат асосида ишлаб чиқариш, қоқоқ экстенсив ўт-далали алмашлаб экиш тизимидан, чопиқ қилинадиган экинларни экиб дехқончилик қилиш тизимига ўтишни тақозо қилади. Чопиқ қилинадиган экинларни экиб, дехқончилик қилиш ўсимликчиликнинг жадал тизими бўлиб, маълум ер бирлигидан кўпроқ маҳсулот олишни таъминлайди. Бу тизим минерал ва маҳаллий органиқ ўғитлар ва ким,вий воситалардан, ҳамда техника воситаларидан фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга асосланади.

Академик Д.Н.Прянишников ва унинг издошлари ерга минерал ва органиқ ўғит солиш тупроқ унумдорлигини оширишни, шудгорладиган ва ўт майдонининг бир қисмига чопиқ қилинадиган, серхосил экинлар экиш, ҳар гектар хайдаладиган ердан кўплаб дехқончилик, чорвачилик маҳсулотлари олиш имконини беришини, натижада меҳнат унумдорлигининг ошиши ва маҳсулот таннархининг пасайишини асослаб берган эдилар. Шундай қилиб жадал дехқончилик қишлоқ хўжалик тараққи,тининг бош йўналиши ва объектив зарурияти бўлиб қолди.

Дехқончилик тизимини самарали олиб боришга қуйидаги талаблар қўйилади:

- ❖ шартнома кўрсаткичлари ва давлат бюртмаларини бажариш;
- ❖ ишлаб чиқаришни самарали ихтисослаштириш, концентрациялаш, тармоқларни мутаносиб олиб бориш;
- ❖ саноат ишлаб чиқаришини кенг жорий этиш, маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш, сотишни ташкил этиш ва экспортни кучайтириш;
- ❖ ишлаб чиқаришни олиб бориш механизмларининг барқарорлигини таъминлаш;
- ❖ ишлаб чиқариш бўлимлари ва тармоқлар ўртасида мақсадга мувофиқ боғлиқлик ва нисбатни таъминлаш;
- ❖ барча ресурслардан тўлиқ ва унумли фойдаланиш;
- ❖ меҳнатни ташкил этишда мавсумийликни бартараф этиш;
- ❖ меҳнат ресурсларини йил давомида бир текис ва тўла иш билан таъминлаш;
- ❖ кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун керак бўладиган жамгармани ташкил этиш;

❖ **ишлаб чиқаришга қўйилган маблағларнинг айланиш тезлигини ошириш;**

❖ йил давомида бир текис пул тушумини таъминлаш.

Дехқончилик тизими бир-бирини тўлдирадиган, бир-бири билан ўзаро боғлиқ ташкилий, иқтисодий, технологик (агротехник) ва техник тадбирлар тизимидан иборатдир. Дехқончилик тизимига кирган тадбирийд чоралар шу тизимининг унсурулари деб ҳам юритилади. Дехқончилик тизими қуйидаги чизмада тасвирланган:

#### ДЕХҚОНЧИЛИК ТИЗИМИ

Ташкилий иқтисодий тадбирлар тизими	Технологик тизим	Техникавий тизим
Ихтисослаштириш ва ер худудини ташкил қилиш	Экин майдонлари таркиби ва алмашлаб экиш	Машиналар ва асбоб ускуналар
Иш жараёнларини ташкил қилиш	Тупроққа ишлов бериш	Био-иншоот ва бошқа воситалар тизими
Режалаштириш тизими	Уругчилик	Ишлаб чиқаришни механизациялаш, электрлаштириш ва автоматлаштириш, компьютер тизими
Мехнатни ташкил қилиш, меъролаш ва ҳақ тўлаш	Ўғитлаш	
Бошқариш тизими	Зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларга қарши курашиш	
Шартномалар тузиш	Тупроқ унумдорлиги, сув тежамини тартибга солиш бўйича мелиорация ва сугориш тадбирлари	
	Махсулотни ўриб-йигиб олиш ва сақлаш	

Дехқончилик тизимининг методик тузилиши, қуйидагича талқин қилинади:

❖ ишлаб чиқаришни тахлили ва корхонанинг истиқболдаги тараққитини илмий жихатдан асосланган дастурини яратиш;

❖ корхоналарни ишлаб чиқариш йўналишини белгилаш, ички хўжалик ихтисослигини аниқлаш ва тармоқларни мақсадга мувофиқ равишда қўшиб олиб боришни таъминлаш;

- ❖ дехқончилик, ем-хашак ишлаб чиқариш ва чорвачилик тизимларини аниқлаш;
- ❖ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаштириш, электрлаштириш ва автоматлаштириш тизимларини ишлаб чиқиш;
- ❖ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат асосида қайта ишлаш, сақлаш, реализация қилиш ва хизмат қилиш ҳамда ,рдамчи саноат корхоналари ишлаб чиқаришни уюштириш;
- ❖ меҳнат баланси, меҳнатни ташкил этиш, ҳақ тўлаш ва уни химояси;
- ❖ корхонани бошқаришнинг ташкилий ва ишлаб чиқариш таркиби;
- ❖ социал ривожланиш;
- ❖ аҳолининг шахсий томорқа хўжалиги;
- ❖ атроф муҳитни химояси;
- ❖ капитал қўйилмаларга бўлган талаб;
- ❖ дехқончиликда хўжалик юритиш тизимининг иқтисодий самарадорлиги.

## **10.2. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ер ҳудудларини ташкил этиш**

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ер ҳудудларини ташкил қилиш дейилганда ер майдонларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлашга қаратилган тадбирлар тизими тушунилади. Бу тизим қишлоқ хўжалик корхоналарининг ташки чегараларини, ички бўлимларининг чегараларини, қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар таркибини белгилаш ва ишлаб чиқариш марказлари, аҳоли яшайдиган қишлоқлар, мелиорация ва йўл шахобчаларини ҳамда бошқа коммуникацияларни жойлаштириш, хўжаликни сув билан таъминлаш манбаларини аниқлаш тадбирларини ўз ичига олади. Қишлоқ хўжалигида ер ҳудудини ташкил қилиш, ер тузиш ишларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Давлат, ер тузиш ишларини ўтказиш орқали ер муносабатларини ҳал қилиш билан бирга ердан оқилона, унумли фойдаланиш тадбирларини ҳам белгилайди.

Ердан фойдаланишни ташкил қилишда қуйидаги шартларга қатъий риоя қилиш талаб этилади:

- ❖ ернинг давлат мулки эканлигини тўла эътироф этиш ва ундан фақат белгиланган мақсадлар учун фойдаланиш;
- ❖ ерни фойдаланувчиларга узок муддатга ,ки бемуддат фойдаланишга бериб қўйиш орқали, ердан фойдаланишни доимийлигини таъминлаш, ер ҳудудини тез-тез ўзгартириб турилишига йўл қўймаслик;
- ❖ корхона ер ҳудудини яхлит бир бутун ҳолатида ташкил қилиш, бир неча қисм ҳудудлардан иборат бўлишига иложи борича йўл қўймаслик;
- ❖ корхона ери ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
- ❖ корхонани аҳолига маданий-маиший хизматни яхшилаш нуқтаи назардан энг қулай геометрик шаклда уюштириш.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида юқорида келтирилган шартларга риоя қилган холда ердан унумли фойдаланишни таъминлаш учун ички хўжалик ер тузиш ишлари ўтказилади ва натижада қуйидаги асосий масалалар ҳал қилинади:

- ички бўлимларнинг ва фермерларнинг ер худуди ва уларнинг миқдори аниқланади;
- қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар аниқланиб, алмашлаб экиш тизими ташкил қилинади ва жойлаштирилади;
- хўжалик ва бўлимларнинг марказий қўргонларини ташкил қилиш ва жойлаштириш мўлжалланади;
- йўл шахобчалари, алоқа, электр узатиш линиялари ва бошқа коммуникацияларни жойлаштириш, сув таъминоти режалари аниқлаб олинади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ер худудларининг таркиби доимий бўлмай вақт ўтиши билан ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши таъсири ва талаби остида ўзгариб боради. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар бир турдан бошқа турга айланиб боради. ерларнинг бундай ўзгаришига ер трансформацияси дейилади. Кам унумли ерларнинг капитал сарфлар қилиш туфайли, юқори унумли ер турига айланиб боришига ернинг ижобий трансформацияси, аксинча бўлса, ернинг салбий трансформацияси дейилади. Хозирги Ўзбекистон шароитида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирилиб уларга сув келтирилиши, сугориладиган экинзорга айлантирилиши ерларнинг ижобий трансформациясига яққол мисолдир. Ерларнинг ижобий трансформацияси деҳқончиликни ривожлантиришнинг объектив ва қонуний жараидир.

### **10.3. Экин майдонлар таркиби ва алмашлаб экиш**

Экин майдонлар таркиби деб, жами экин майдонида, айрим турдаги экинлар майдонининг тутган салмоғига айтилади. Экин майдонлар таркиби фақат агротехник тадбир бўлиб қолмай, балки энг муҳим ташкилий - иқтисодий тадбир ҳамдир. Экин майдонларининг таркиби қуйидаги талабларга жавоб бериш лозим: а) тупроқ унумдорлигини барқарор ошириш; б) корхонанинг ўзаро мақсадга мувофиқ уйғунлаштириш. Шунинг учун экин майдонлари самарали таркибининг асосий вазифаси:

- а) экинзорларнинг юқори унумдорлигига эришиш;
- б) қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш бўйича шартнома ва буюртма топшириқларини бажариш;
- в) хўжалик ички эҳтиёжларини қондириш учун зарур миқдорда маҳсулот етиштириш ва унинг юксак даромадлилигини таъминлашдан иборатдир. Қишлоқ хўжалик корхоналарида экин майдонлари талабига кўра алмашлаб экиш тизими белгиланади.

Алмашлаб экиш дейилганда, экинларнинг йиллар давомида маълум-далаларда режали тартибда навбати билан алмашлаб турилишини ташкилий-иқтисодий жихатдан асослаш тушунилади. Алмашлаб экиш кенг маънода дехқончилик маданиятини асосини ташкил қилади. У ҳам агротехник ҳам ташкилий-иқтисодий тадбирларни ўз ичига олади. Ташкилий-иқтисодий жихатдан алмашлаб экиш ердан, ишлаб чиқариш воситаларидан ва иш кучларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишнинг энг асосий шарти, корхона фаолиятини даромадли бўлишининг негизидир.

Агрономия нуктаи назардан экинларни режали тартибда навбат билан алмаштириб туришнинг зарурлиги қуйидаги сабаблардан келиб чиқди. Турли хил ўсимликларда илдиз тизими турлича чуқурликда жойлашади. Шунинг учун илдизларнинг тупроқни хар хил чуқурлигида бўлган, очик майдонлардан фойдаланиши ҳам турлича бўлади. Маълум ер майдонига сурункасига бир неча йил, бир хил экин экилаверса ер кучсизланиб қолади, далани бегона ўтлар босади, хар хил касалликлар ва зараркунандалар кўпаяди, пировард натижага тупроқ таркибида микробиологик жараён монлашади. Турли хил ўсимликлар, тупроқ унумдорлигининг ошишига турлича таъсир кўрсатади. Чунки, хосил йиғиштириб олингандан сўнг тупроқда турли миқдорда илдиз массаси қолади. Булар тупроқда озик моддалари тўплаб, чириганидан сўнг қимматли органик ўғитга айланади. Демак, улар тупроқни озик моддалари билан бойитишдан ташқари унинг механик ва физик хоссасини ҳам яхшилади. Қишлоқ хўжалик корхоналарида алмашлаб экиш маълум тизимда лойихалаштирилади.

Алмашлаб экиш асосан уч типга бўлинади:

- ❖ далачилик;
- ❖ ем-хашак (ферма олди);
- ❖ махсус.

1. Далачилик алмашлаб экиши, энг кўп тарқалган бўлиб, дон экинлари, картошка, лавлаги, мойли, техник ва бошқа дала экинлари етиштиришда қўлланилади. Бу тип асосан экинга қараб дон, лавлаги, пахта, беда ва х. к. алмашлаб экишларига бўлинади.

2. Ем-хашак типигаги алмашлаб экиш, чорвачиликнинг зарур озуқа талабини қондиришга йўналтирилган бўлиб, хар хил озуқа экинларини етиштириш учун мўлжалланади. Ем-хашак экинлари алмашлаб экишда озуқабоп экинлар жами экинзорнинг ярмидан кўпрогини ташкил қилади. Ферма- олди ем-хашак алмашлаб экишда кўк ўтлар, ширали озуқалар етиштириш асосий ўринни эгаллайди ва чорвачиликда йил давомида "Яшил конвейр"ни ташкил қилишнинг асоси ҳисобланади.

3. Махсус алмашлаб экишда, сабзавот экинлари, тамаки-махорка ва бошқа техника экинлар етиштирилади. Махсус алмашлаб экиш махсус шароит ва агротехникани талаб қилади. Масалан, шўрланган ерларни мелиорациялашда қўлланиладиган алмашлаб экиш, шолчилик алмашлаб экиши ва х. к.

Ўрта Оси,нинг сугориладиган ерларида гўза, асосий экин хисобланади. Шунинг учун сугориладиган умумий майдонинг камида 65-70% ни гўза, қолган 30-35% ем-хашак, озиқ-овқат экинлари ташкил этиши керак. Ем-хашак экинларни ичида беда йўнгучқа етакчи ўринни эгаллайди.

Қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштириш турли зоналарда ва хатто бир корхонада турли тупроқ шароитларида олиб борилганлиги учун сурункасига мўл ва арзон махсулот етиштиришни таъминлаш учун хатто бир корхонада алмашлаб экишнинг турли шакллари - схемалари қўлланилиши мумкин. Пахтакор хўжаликлари учун (5:4)=9 далали (3:6), 10 далали (3:7) ва 12 далали (3:9) алмашлаб экиш схемалари тавсия этилган. Бу алмашлаб экиш схемаларида уч далани беда ва олти далани пахта эгаллайди. Беда биринчи йили маккажўхори, оқ жўхори, судан ўтига, кўк озуқа, ки дон учун эса арпага қўшиб экилади.

Ердан янада самарадорлик билан фойдаланиш учун беда экиладиган биринчи далага дон учун кузги бошоқли дон, унинг ўрнига силос учун маккажўхори экиш, хосилни йигштириб олиш биланоқ сентябр-октябр ойларида учинчи-асосий экин сифатига беда экиш ҳам мумкин. Бунда схема (1:2:6), (1:2:7) кўринишда бўлади ва иккинчи, учинчи йиллари беда ўстирилади. Алмашлаб экишда далаларни тўғри режалаштиришга, уларнинг хажмини, техникадан ва иш кучларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган бўлишига эътибор берилади.

Хар бир қишлоқ хўжалик корхонасида алмашлаб экишнинг маълум тизими қўлланилади. Экинлар далаларда схемада белгиланган тартибда тўла жойлашиб бўлгандагина алмашлаб экиш ўзлаштирилган хисобланади. Экинларни алмашлаб экиладиган далаларда белгиланган тартибда бир марта алмашиб чиқиш даври ротация даври дейилади. 9 далали алмашлаб экиш схемасида бир ротация даври 9 йилга тенг бўлади.

Алмашлаб экишга иқтисодий жихатдан баҳо беришда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- алмашлаб экиш жорий этилган майдонинг хар бир гектаридан олинадиган махсулот миқдори (натура ва пул ифодасида);
- меҳнат унумдорлиги даражаси;
- махсулот таннархи ва рентабеллиги;
- ишлаб чиқаришнинг даврийлик даражаси ва даврлар бўйича меҳнат харажатларининг тақсимланиши;
- алмашлаб экишнинг у, ки бу схемасини ўзлаштириш ва қўллаш билан боғлиқ бўлган капитал сарфлари ва уларни қоплаш муддатлари.

Корхонанинг истиқбол ва йиллик режаларини ҳамда фермер ва оила пудрати жамоалари учун ички хўжалик ҳисоби топшириқларини тузишда, асосий кўрсаткич қишлоқ хўжалик экинлари хосилдорлигини режалаштиришдир.

Экинлар хосилдорлигини режалаштириш энг мураккаб ва шу билан бирга энг асосий ва зарур кўрсаткич хисобланади. Чунки хосилдорлик, ишлаб чиқаришнинг барча ўзига хос бўлган хусусиятларини, уларни экинга таъсирини ўзида мужассамлаштиради. Ишлаб чиқаришнинг айрим омиллари, экинлар хосилдорлигига бевосита таъсир этса ва бу таъсирни маълум даражада миқдор жихатдан хисоблаш имконияти бўлса-да (минерал ва органик ўғитлар, сув таъминоти, ернинг захини қочириш, янги нав уруглик, чуқур шудгор қилиш ва х. к.), лекин бошқалари, экинлар хосилдорлигига билвосита таъсир этганлиги учун уларнинг таъсирини бевосита миқдор жихатдан хисобга олиша анча кийин (мехнатни ташкил қилиш, мехнатга ҳақ тўлаш, ишларни ўз вақтида ўтказиш ва х. к.).

Бундан ташқари хосилдорликка таъсир этувчи омилларнинг хар бири, ўзи алохида таъсир этмасдан, балки ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирган ҳолда таъсир этгандагина юқори натижа беради.

Бунда энг асосий ҳал қилувчи омил мехнатдир. Бошқа ҳамма омиллар шу мехнатнинг унумдорлигини оширишга хизмат килади.

Шуни назарда тутиш керакки, экин ери учун сарфланган мехнатнинг унумдорлигига, яъни экинларнинг хосилдорлик даражасига, табиий шароитлар ва омиллар ҳам катта таъсир кўрсатади. Бу ҳол экинлар хосилдорлигини режалаштиришда бир йиллик натижа билан чекланиб қолмай, балки камида беш - олти йиллик ўртача даражага асосланиши талаб қилинади. Режалаштириладиган хосилдорлик қанча узок муддатга хисобланадиган бўлса, эришиладиган ўртача хосилдорлик даражаси учун шунча узок муддатни асос қилиб олиш мақсадга мувофиқдир. Таҳлил қилиш орқали ўртача хосилдорлик ҳамда, ўртача йиллик ўсиш суръатлари аниқланади. Қабул қилинган ,ки эришилган ўртача йиллик ўсиш суръатига кўра, маълум истиқбол йил учун хосилдорлик режалаштирилади.

Экинлар хосилдорлигини унга таъсир этувчи энг асосий омилларни хисоблаб чиқиш орқали режалаштириш мумкин. Бунда таъсири аниқланадиган омилдан бошқалари, бир хил ўзгармайдиган бўлиши керак. Шундан таъсири хисобланадиган омилларга: минерал ва органик ўғитларни қўллаш, янги уруглик навлари, сув таъминоти мехнатни ташкил этиш ва хоказолар киради. Илмий тадқиқот институтлари маълумотларига кўра дехқончиликда экинлар хосилдорлигининг ўсишининг 50 фоизи минерал ўғитлар хиссасига тўғри келар экан. Пахтачиликда, ернинг табиий унумдорлиги гектар бошига, ўртача 12-14 центнер хосил олишни таъминлайди. Қолган хосил, яъни қўшилган хосил ерга қўшимча мехнат ва маблаг сарфлаш натижасида мехнат унумдорлиги ошиши хисобига етиштирилади. Ҳақиқатда сарф қилинган соф миқдордаги ўғитнинг бир бирлигига етиштирилган хосилнинг миқдори аниқлаб олингандан кейин уни режалаштирилган қўшимча ўғит сарфига кўпайтириш орқали қўшимча олинадиган хосил миқдори аниқланади.

$$X_{\text{реж}} = X + \check{Y}_k + K_x = 30,0 + 0,2 \times 18 = 30,0 + 1,6 = 31,6 \text{ ц/ га}$$

Бунда:  $X_{\text{реж}}$  - режалаштирилган хосилдорлик, ц /га

$X$  - эришилган ўртача хосилдорлик, ц /га

$\check{Y}_k$  - қўшимча ўғит сарфлаш меъ,ри, ц

$K_x$ - ўғит сарфлаш натижасида меҳнат унумдорлиги ошувчи хисобига олинадиган хосил коэффициентлари.

### Тест-рейтинг саволлари:

- Дехқончилик тизимининг ахамияти ва вазифалари нимадан иборат.
- Дехқончилик тизими деб нимага айтилади.
- Дехқончилик тизими тўғрисида таълимотларнинг юзага келиши ва уларни тарихий алмашилиб туриши.
- Дехқончилик тизимининг алмашилиб туриш шакллари.
- Ўрмон ва чакалакзорларни қирқиб, тозалаб, деҳқончилик қилишнинг ўзига хос томонлари.
- Партов, қўриқ тизимининг иқтисодий моҳияти.
- Шудгорлаб қўйиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари.
- Ўт-далали алмашлаб экишнинг таърифи ва иқтисодий ахамияти.
- Дехқончилик тизимининг ташкилий-иқтисодий тадбирларини таърифланг.
- Дехқончилик тизимида технологик тадбирларни тушунтиринг.
- Дехқончилик тизимидаги техникавий тадбирлар.
- Алмашлаб экиш деб нимага айтилади ва унинг ахамияти нимадан иборат.
- Алмашлаб экиш турларини тушунтиринг.
- Ротация деб нимага айтилади.
- Иқтисодий жихатдан самарали бўлган алмашлаб экиш схемасини айтинг.
- Алмашлаб экишга иқтисодий баҳо бериш кўрсаткичлари нималардан иборат.
- Қишлоқ хўжалик экинлар хосилдорлиги қандай аниқланади, унинг формуласини ,зинг ва тушунтиринг.
- Ерларнинг трансформацияси деб нимага айтилади.
- Ерларга кадастр баҳоси қандай ўрнатилади.
- Қишлоқ хўжалик ер ҳудудлари қандай ташкил этилади.

## 11-боб. Пахта ишлаб чиқаришни ташкил этиш

### 11.1. Пахтачиликнинг иқтисодий ахамияти ва вазифалари

Пахтачилик республикамиз деҳқончилик саноати мажмуининг асосий тармоғи бўлиб, мамлакат халқ хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишда ва тармоқлар ўртасидаги муносабатларни мустахкамлашда алоҳида ўринни эгаллайди. Пахта хом-аш,си хамда ундан олинадиган бирламчи ва тай,р маҳсулотлар нафақат мамлакатимиз ички бозорини тўлдиришда, балки уларни экспорт қилиш асосида республика

бюджетини чет эл валюталари билан тўлдиришда асосий манба бўлиб ҳисобланади.

Президент И.Каримов ўзининг «Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида» номли асарида пахтачиликни Республика иқтисоди, тидаги ўрнига баҳо бериб шундай , зади «Бугунги кунда Ўзбекистон ташқи бозорда талаб катта бўлган маҳсулот – пахта толасининг асосий ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчиси дир. Республика пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича дун, да бешинчи ва уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда туради». Пахтачиликнинг корхоналар иқтисоди, тидаги ўрни, унинг чиқиндисиз, кўп турли сердаромад товар маҳсулотлари етиштиришида дир.

Жумладан, бир тонна пахтадан 340-350 кг тола, 50-60 кг момик ва 580 кг чигит олинади. 340 кг толадан эса ўз навбатида 3500м<sup>2</sup> газмол, бир тонна чигитдан эса 170 кг мой, 400 кг кунжара, 60 кг ўсимлик оксили, 300 кг шелуха олинади. Бундан ташқари ундан маргарин, кир ва атир совунлари, алиф мойи тай, рлашда фойдаланилади.

Умуман олганда пахтадан 1200 хилгача товар маҳсулоти олинади. Ҳисоб-китобларга кўра, пахта маҳсулоти (газламалар, , г, кунжара ва бошқалар) ни сотишдан хар бир гектар ҳисобига (ҳосилдорлик 25 центнер бўлганда) 200-250 минг сўм даромад олиш мумкин.

Пахта толаси ва гўзапоядан тай, рланган маҳсулотлар Ўзбекистоннинг халқаро савдосида ҳам катта роль ўйнайди. Ўзбекистон 20дан ортиқ хорижий мамлакатларга пахта экспорт қилади.

### **Пахта ишлаб чиқаришдаги асосий вазифалар ва уни жойлаштириш.**

Мамлакатимизда қабул қилинган Дастурда кўрсатиб ўтилганидек қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш мақсадида тупроқ унумдорлигини тиклаш ва яхшилаш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- ❖ яқин йиллар ичида барча хайдаладиган ерларнинг тупроқ сифатини баҳолаш (бонитетлаш, рўйхатдан ўтказиш);
  - ❖ сугориладиган ерларда навбатлаб экишни жорий этиш;
  - ❖ пахтачилик мажмуасида пахта-бошоқли дон экинлари-беда алмашлаб экилишини кенг жорий этиш;
  - ❖ истикболда пахта майдонларини 1,5 млн, гектарга етказиш;
  - ❖ тупроқ - иқлим шароитларини ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришнинг минтақавий ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда туманлар ва хўжаликлар бўйича экинлар таркибини ўзгартиришга йўл қўйилиб Республика минтақалари бўйича пахта хом - аш, си ишлаб чиқаришни бошқа экинлар билан қуйидагича жойлаштириш керак бўлади:
- Қорақалпоғистон Республикасида пахта, бошоқли дон, шоли, канд лавлаги, ноанъанавий экинлар, дуккакли ва , гли экинлар, масхар, нухат, кунгабоқар, супурги, кизилмия экинлари;

- Хоразм вилоятида толаси IV типдаги пахта, дон, кандлавлаги ва шоли етиштиришни кўшиб олиб бориш;
- Қашқадар, ва Сурхондар, вилоятларида пахтанинг II типдаги ўрта ва ингичка толали навлари нисбатини уйғунлаштириш, йилига 2 марта хосил олган холда дон етиштиришни ривожлантириш (кузги бошоқли дон етиштиришни ривожлантириш ва такрорий маккажўхори, оқ жўхори, тарик ва х.к.), эртаги ва кечки сабзавотлар етиштириш хажмини кўпайтириш;
- Бухоро ва Навоий вилоятларида IV ва V тип толали пахта етиштиришга ўтиш, галлачиликни ривожлантириш;
- Самарқанд вилоятида V тип толали пахта, уруглик ва товар дон, сабзавот, мева, узум ва тамаки етиштиришни ривожлантириш;
- Жиззах ва Сирдар, вилоятларида пахтачилик билан биргаликда галлачилик ва полизчиликни ривожлантириш;
- Тошкент вилоятида пахта, каноп, дон, мева-сабзавот экинлари ва узум етиштириш;
- Фаргона водийси вилоятларида пахта, товар дон, уруглик дон (Андижон вилояти - 78%) сабзавот, мева ва узум етиштириш амалга оширилади;
- Дехқончилик махсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган пахта ер майдонларини хажми камида 10 гектарни ташкил этиши шарт.
- Хар 100 гектар пахта майдонига 9 балл баҳо бериш тавсия этилади.
- Пахтачиликни жадвал ривожлантириш, мамлакатимиз бўйича хосилдорликни гектарига 30-35 центнерга, ялпи хосилни 4-4,5 млн. тоннага етказиш имконини яратиш;

Пахтачиликни ривожлантиришда навларни тўғри баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Пахта толаси шартли равишда 9 типга бўлинган: (Ўз РСТ 615-94) I а, I б, I, II, III типдаги толалар, узун (ингичка) толали пахта навларидан олинади. Уларнинг толалари ўта мустаҳкам бўлиб, хар хил қимматбаҳо буюмлар, нафис ва мустаҳкам газламалар юқори навли сатин, харир газлама ва тўқималар тай, рланади. IV-V-VI ва VII тип толалар ўрта толали гўза навларидан олинади. Улар тезпишар, хосилдорлиги юқори бўлганлиги учун кенг майдонларга экилади.

IV тип толаларидан тўқимачилик иплари, харакатга келтирувчи қайиш тўқималари, оқ кийими, тўқима махсулотлари ва иплари тай, рланади.

V тип толалардан тўқима, кийим-кечак, чойшаб ва бошқа матолар ишлаб чиқарилади:

VI тип толалардан турли буққа бўяладиган газламалар олинади, жун билан аралаштирилиб матолар тай, рлашда фойдаланилади.

Республика пахтачилик хўжаликлари учун қуйидаги истиқболли навларни экиш тавсия этилади: Бухоро-6, Бухоро-8, Оқдар,-5, Оқдар,-6, Омад, С6524, Ан Баяут-2, С 26-09.

**Пахтачиликни ривожлантириш тадбирий чоралари.** Ўзбекистонда янги ишлаб чиқариш муносабатлари шароитида пахтачиликни тараққий эттириш соҳасида кўплаб тадбирий чораларни амалга ошириш мўлжалланади. Пахта хосилдорлиги ўсишига қараб пахта экиладиган майдонларни камайтириш учун қуйидагилар кўзда тутилади:

- ❖ ерларни фосфорли ва калийли ўғитлар солиб, ҳамда кўп йиллик бегона ўтларга қарши гербицидлар қўллаб, икки ярусли плуглар билан ўз вақтида ва сифатли шудгорлаш;
- ❖ бошоқли дон экинлари йигиб-териб олингандан сўнг, ерларни такрорий экинлар билан банд қилмасдан, хар йили гектарига 10 тонна маҳаллий ўғит солиб, майдонларни текислаш, бу майдонларда чигитни пл,нка остига экиш учун кузда тай,рлаб қўйиш;
- ❖ 900 минг гектар майдоннинг шўрини хар йили ювиш;
- ❖ гўзанинг эртапишар навлари (С-4727, Қирғизистон -3, С-9070, Юлдўз, Тошкент -6) экиладиган майдонларни ва толаси IY типга мансуб бўлган (С-6524, С-6530) навлар экин майдонларини кўпайтириш, бунинг учун республикада кўпи билан 18 та, шу жумладан 2 та

ингичка толали ривожлантирилган нав экиш; Ў

- ❖ 500 минг гектар майдонга чигитни туксизлантириб, саралаб экиш, экиладиган майдонларни кенгайтириш;
- ❖ чигитни пл,нка остига экишни 10 апрелгача тугаллаш ва хосилдорликни яқин йиллар ичида гектаридан 32 центнерга кўтаришни таъминловчи агротехника чора-тадбирларини ўтказиш билан бу майдонларни кенгайтириш;

- ❖ гербицидлар, гўзанинг ўсишини муътадиллаштирувчи препаратлар қўлланиладиган майдонларни ҳамда зараркунандалар ва касалликларга қарши биргаликда кураш кўламини кенгайтириш:
- ❖ барча агротехник ва агроким, чора-тадбирларини илм-фан тавсияномаларига ва илгор тажрибаларга мувофиқ ўтказиш, хосилни механизация, рдамида йигиб-териб олишни кенг жорий қилиш ва йигим-терим ишларини октябр охиригача тугаллаш.

## **11.2. Пахтачиликда асосий технологик тадбирларни ташкил этиш ва режалаштириш**

*Алмашлаб экишни ташкил этиш.* Пахта ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтаришда дехқончилик маданиятининг асоси бўлган алмашлаб экиш энг асосий омиллардан биридир.

Маълумки, жумхуриятимизда дехқончилик тизимининг асосини тупроқ унумдорлиги ва экинлар хосилдорлигини кўтаришда энг катта эътибор илмий жихатдан асосланган алмашлаб экишни таъминлашга қаратилади. Алмашлаб экишни жорий этмасдан туриб, ўғитлаш, сугориш, бегона ўтларга, хашорат ва касалликларга қарши курашнинг тўғри, илмий жихатдан асосланган тизимини қўллаб бўлмайди. Фақат экинлар навбатлашуви илмий асосда ташкил этилгандагина тупроқ унумдорлигини сақлаш ва барқарорликни ошириш мумкин.

Республикаимиз пахтачилигида алмашлаб экиш узок йиллар давомида беда - гўза асосида олиб борилган, 10,9,8 далали алмашлаб экиш тизимларида бедадан кейин 6-7 йилгача фақат гўза экиш кўзда тутилади. Бундай алмашлаб экиш тизими пахта якка хокимлигини таъминлаб, дон ва бошқа экинлар етиштириш имкониятларини бир қадар чеклаб қўйишга олиб келди.

Тупроги шўрланган, ки шўрланишга мойил ерларда, айникса, вильт билан зарарланган ерларда гўза-беда навбатлаб экишнинг майдаланган, бўлакланган схемаларига ўтиш тавсия этилади, бунда ҳам бир майдон галла билан банд бўлиши лозим. (Масалан, 2:4:1:3; 2:4:1:2; 2:3:1:3, яъни биринчи рақам беда майдонини, 2 чи ва 4 чи рақам гўза майдонини, 3 чи рақам эса дон экинлари майдонини англатади).

Бозор ишлаб чиқариш муносабатлари шароитида дон мустақиллигига эришиш мақсадида аксарият майдонларда гўза-дон, гўза-ем-хашак экинлари, гўза-озиқ-овкат экинлари тизимига ўтиш мақсадга мувофиқ деб хисобланади.

Хозирги вақтда алмашлаб экишнинг бедасиз 1:2; 1:3; 1:4; 1:4:1:4 схемаси яъни дон ва гўза навбатлашуви кенг қўлланилмоқда. Бу схемада биринчи ўринни бошқоқли дон экинлари, ки маккажўхори эгаллайди. Улар йигиштириб олингач, тақрорий экинлар: тарик, чўмиза, мош, соя, картошка, полиз ва сабзавот экинлари, улардан кейин кузги-қишки оралик экинлардан - рапс, перко, вика, нўхат, жавдар, хантал, тритикалье кабилар экилиши мумкин ва

уларнинг кўк массаси ем-хашак сифатида ,ки сидерат (яшил ўғит) қилиб фойдаланилганда яхши самара беради.

**Пахта уруғчилигини ташкил этиш ва режалаштириш.** Дехқончилик уруғчиликдан бошланади деган халқ нақли бежиз айтилмаган. Чунки сараланган кондицияга етказилган уруғдангина соғлом, бақувват пахта ниҳоллари ўсиб чиқади.

Маълумки тупроқ - иқлим шароитига мос келадиган туманлаштирилган пахта навларининг ижобий хусусиятларини сақлаб қолиш мақсадида мамлакатимизда 5 йиллик схема (Ўз РСТ 663-96) асосида уруғчилик ташкил этилган бўлиб, элита ва биринчи репродукцияли чигитни элита хўжаликлари етиштирса, иккинчи, учинчи ва туртинчи репродукцияли уруғлик чигитларни юқори ҳосилдорликка эга бўлган, махсус уруғчилик хўжаликларида етиштирилади.

Экиладиган пахта чигитлари ЎР стандарти бўйича қуйидаги талабларга жавоб бергандагина экишга рухсат этилиши керак:

- униб чиқиш даражасига қараб: I-классли уруғлик чигитнинг униб чиқиши 95-100%, II- классли чигитники -90-94%, III-классли чигитнинг унувчанлиги 85-89% га тенг бўлиши керак;
- нав тозалиги элитада -100%, I-репродукцияда -99%, II-репродукцияда 98%, III- репродукцияда -96% қилиб белгиланган;
- чигитнинг шикастланиши - қўл терими чигитида - 5% дан, машина терим чигитида -7% дан кўп бўлмаслиги,
- чигит туки қолдиги-тукли чигитларда - 0,8% дан, табиий туксиз чигитларда- 0,4% дан ошмаслиги керак.
- чигит намлиги: қўл теримида -9%, машина теримида - 10% дан зи,д бўлмаслиги муҳимдир.

**Пахтани ўғитлашни ташкил этиш.** Тупроқ унумдорлигини кўта-риш ва гўза ҳосилдорлигини оширишда ўғитлардан илмий асосланган меъ,р ва муддатларда фойдаланишни режалаштириш ва амалга ошириш гўза ўсиши-ни ҳамда ривожланишини жадаллаштирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ўғитлаш тизими органик ва минерал ўғитлардан фойдаланишни ўз ичига олади.

Ўғитларни қўллаш меъ,ри: тупроқнинг типига, ўғитнинг шаклига, навбатлаб экиш майдонига қараб режалаштирилади.

Илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра, бир тонна пахта ҳосилини етиштириш учун ўрта ҳисобда 50-60 кг азот, 75-90 кг фосфор ва 25-30 кг калий ўғитлари сарфланади. Минерал ўғитларнинг самарадорлиги органик ўғитлар билан қўшиб қўлланилганда анча ўсади.

Гўзанинг озикланишини мўътадил шароитини таъминлаш, унинг ўсиши ва ривожланишини тезлаштириш учун бўз тупроқ шароитида белгиланган ҳосилни эътиборга олган ҳолда азотнинг қуйидаги меъ,рлари (гектарига кг ҳисобида) тавсия этилади:

Хосилдорлик гектарига 15-20 ц бўлганида - 100 кг, 20-25 ц.да 150 кг, 25-30 ц .да- 200 кг, 30-35 ц.да - 250 кг, 35-40 ц да - 300 кг, 40-45 ц да - 350 кг режалаштирилади.

Азотли ўғитлар тупроққа бўлиб-бўлиб солинади. Бунда 25-30 % ўғит тупроқни экишга тай,рлаш пайтида чизел-культиватор (ЧКУ-4) ,рдамида ерга солинади. Азотли ўғитларнинг қолган меъ,рлари гўзанинг ўсиш даврида 2-3 марта озиклантиришга тақсимланади, (150 кг бўлса - 2 марта, 250 кг гача бўлса 3 марта). Охирги марта озиклантиришни хамма вилоятларда 10 июлдан кечиктирмасдан тамомлаш зарур.

Худди шунингдек, пахтачилик хўжаликларида тупроқ таркибида фосфор ва калий ўғитларининг меъ,рий мутаносиблигини сақлаш, тупроқ унумдорлиги ва пахта хосилдорлигини оширилишига хизмат килади. Фосфорли ўғитлар 3 муддатда: йиллик меъ,рининг 60-70%-и шудгорлашдан олдин, қолгани чигитни экиш билан бир вақтда ва гуллаш фазасининг бошланишида ерга солинади.

Меъ,р бўйича фосфорли ўғитни қўллаш, азотли ўғитга нисбатан кўпроқ бўлади. Улар ўртасидаги ўзаро нисбат (N:P) 1:1,5 бўлиши фойдалидир.

Азот билан калийнинг нисбати 1:0,5 бўлганлиги мақсадга мувофиқдир. Калий ўғити меъ,рининг 50% шудгорлаш олдидан берилса, қолган қисмини шоналаш фазасида бериш тавсия этилади. Фосфор ва калий ўғитларининг меъ,рини белгилашда агрохимия картограммасининг маълумотларидан фойдаланиш шарт. Ўғитлар КРХ-4, КРХ-3,6, КХУ-4 маркали культиваторлар ,рдамида берилади.

### **11.3. Пахтачиликда асосий ишлаб чиқариш жара,нларини ташкил этиш**

*Пахта ерларини шудгорлашни ташкил этиш.* Пахтачиликни самарали ташкил этишда, шудгорлаш жара,нини тўғри режалаштириб технологик харита орқали амалга ошириш катта ахамиятга эгадир. Шудгорлаш куз ва бахор пайтларида ўтказилиб, кузги шудгорлаш бахоргига нисбатан кўпгина афзалликларга эгадир. Кузги шудгорлаш бахорда хайдалганга нисбатан, гектарига 3-5 центнер ортиқча хосил беради, хосилнинг 85-90% совук тушгунча териб олинади.

Кузги шудгорлашнинг энг қулай муддатини технологик харитада, октябрь ойининг ўрталаридан ноябрь ойининг охирларигача режалаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шудгорлаш олдидан ўғитлардан фойдаланиш режалаштирилиши шарт, фосфорли ўғитлар йиллик меъ,рининг - 60-70%, калийли ўғитларни - 50% режалаштирилиши самаралидир. Органиқ ўғитлар РТО-4, минерал ўғитлар эса РТТ-4,2 сеялкаларида сепилади.

Агар хўжаликлар чигитни пуштага экиб, ўстирмоқчи бўлсалар, сифатли шудгор ўтказилгач, ер текисланиб, 90 ,ки 60 см. кенгликда пушталар олинади,

90 см. лик кенгликда олинган пуштанинг баландлиги - 25-30 см., 60 см.лик кенгликда эса - 16-18 см. баландликда пушта олиш режалаштирилади.

Шудгорланган далаларда пайдо бўладиган нотекисликларини бартараф этиш учун П-2,8 А, ППА-3,1 маркали кенг камровли текислагичлар, ГН-4, ГН-2,8 осма грейдерли текислагичлар, БДТ-2,2 ,ки БДТ -2,5 маркали огир дискали тиркама борона ва бошқа асбоб-ускуналардан фойдаланиш тавсия этилади. Текислашни иккинчи муддатида - бахордан кўра, кўзда ўтказилгани самарали хисобланади.

,гингарчилик миқдори 200-250 мм гача бўладиган худудлар билан бир қаторда, ,гингарчилик меъ,рида бўладиган худудларда, кутилмаганда айрим йиллари кам миқдорда намлик тўпланадики, бунда захира суви бериш зарур. Захира суви, феврал, март ойларида, экишга 10-15 кун қолганда ўтказилиши режалаштирилади. Экин олди захира суви беришнинг самараси юқорирак хисобланади. Сугориш меъ,ри, энгил тупроқларда гектарига 800-1000м<sup>3</sup>, огир тупроқларда 1200-1500м<sup>3</sup> бўлиши режалаштирилади. Сугориш давомийлиги 24-36 соатни ташкил этса мақсадга мувофиқ бўлади.

**Тупроқни экишга тай,рлашни ташкил этиш.** Тупроқни экишга тай,рлаш пахта хосилдорлигини оширишдаги асосий омиллардан бири бўлганлиги учун бу тадбир бахордан бошланади. Тупроқни экишга тай,рлаш қуйидагиларни режалаштиришни ўз ичига олади:

- ❖ шўрланмаган, бегона ўтлардан тоза, шудгорнинг яхши хусусиятлари сақланиб қолган майдонларда борона ва мола биргаликда ишлатилиб, чигит экилади;
- ❖ дала бегона ўтлар билан ифлосланган бўлса, 6-8 см чуқурликда культивация ,ки 10-12 см чуқурликда чизел юритилиб, кейин борона-мола қилиб экилади;
- ❖ захира суви берилган ,ки сифатсиз шудгорланган майдонларда 16-18 см. чуқурликда борона-мола юритилиб экилади;
- ❖ шўри ювилган майдонларда, тупроқнинг етилиш чуқурлигигача чизел қилиниб, кейин борона-мола қилиб экилади. Механиқ таркиби огир бўлган тупроқларда чизеллашни 1-2 марта такрорлаш мумкин;
- ❖ агар дала бегона ўтлар билан кучли ифлосланган бўлса, ағдаргичи олиб ташланган плуг билан 16-18 см чуқурликда хайдалиб, кейин борона-мола юритилиб экилади.

**Чигитни экишга тай,рлаш ва экишни ташкил этиш.** Чигитни экишга тай,рлаш тадбири пахтачилик тизимида алохида ахамиятга эга. Чунки соғлом, бир текис кўчат олиш, чигитни экишга тай,рлаш жара,ни билан богликдир. Аввало юқорида қайд этилганидек экиладиган чигитлар I-II-III класс талабларига жавоб бериши шарт. Уруглик чигитлар даставвал касалликларга карши пахта заводларида марказлаштирилган холда ким,вий моддалар **бронотак** (1 т чигитга, 6 кг) ПАВ- 61, ПОНАКТИН (1 т чигитга, 4 кг) билан дориланса, хўжаликларда 40% ли формалин билан хам (90 литр сувга, 1 кг

формалин) дорилаб экиш режалаштирилади. Хўжаликларда тукли ва туксиз чигитлар экилади. Тажрибада тупроқнинг 10 см чуқурликдаги ўртача суткалик харорати 13-15°C бўлганда экиш бошланади.

Хар гектар майдонга сарфланадиган чигит туксизлангандида 25-30 кг, тукли чигитда - 60 кг. дан режалаштирилади.

Экиш СТХ-4, СХУ-4, сеялкаларида ўтказилади. Чигитни экишдан олдин далага бир йиллик бегона ўтларга қарши гектарига 4-6 л нитрон (трефлан), экиш билан бирга 1,0-1,2 кг которан, 2,0-2,5 кг прометрин, 1,0-1,3 кг, котофар препаратларини ПГС-2,4: ПХГ-4 мосламалари ,рдамида қайта ишлаш режалаштирилади.

**Чигитни ўндириб олиш ва ягоналашни ташкил этиш.** Чигити тўлиқ ўндириб олинган майдонларда тезлик билан ягоналаш ташкил этилади. Ягоналашдан мақсад бўлгуси хосилга (ортиқча ниҳолларни йўқотиш натижасида) хосил қўшишдир. Тажрибалар шуни кўрсатадики, 100 минг туп хисобига ортиқча қолдирилган ниҳоллар ердан 6-10 кг азот, 1-2 кг фосфор ва 4-6 кг калий моддасини ортиқча олиб кетар экан.

Ягоналашда хар бир гектар майдонда, унинг хусусиятлари эътиборга олинган холда қуйидагича миқдорда туп - ниҳол қолдирилиши мақсадга мувофиқдир:

- ❖ бўз тупроқли минтақаларнинг ўтлоқ тупроқларида гектарига - 110-120 минг тупгача ниҳол;
- ❖ сизот сувлари чуқур жойлашган серунум бўз тупроқли, шунингдек шўрланган ерларда - 120-130 минг тупгача;
- ❖ ўрта унумдорликдаги тупроқларда - 130-140 минг тупгача;
- ❖ хосилдорлиги паст, шагал, қайроқли қатлами юза жойлашган, қумоқ тупроқли ерларда - 140-150 минг тупгача.

Технологик харитада, 1 метрга 6-8 туп ниҳол қолдириш, ягоналаш қўлда ва 5-15 май ойларида ўтказилиши режалаштирилади.

**Ўзани сугоришни ташкил этиш ва режалаштириш.** Пахтачиликда юқори ва сифатли хосил олиш учун сугориш тадбирларини ўз вақтида, меъ,рида ўтказиш катта ахамиятга эгадир.

Ўзани сугориш гуллашгача, гуллаш ва пишиш фазаларида олиб борилади ва 2 мартдан 12 мартагача режалаштирилади.

Умумий мавсумий сугориш меъ,ри гектарига 2000-8000 куб. метр бўлиши мумкин.

Сугориш меъ,ри: енгил (қумли ва қумоқ) тупроқларда ўза гуллагунча гектарига- 500-600 куб. метр, гуллаш даврида -700-800 куб. метр.

Ўрта қумоқ тупроқларда гуллашгача- 600-700 куб. метр, гуллаш даврида- 800-900 куб. метр.

Огир таркибли тупроқларда гуллашгача - 700 куб. метр гача, гуллаш даврида 1000-1100 куб. метр бўлиши шарт. Ўзанинг пишиш фазасида

сугориш меъ,ри хам гектарига 500-600 куб. метр дан 600-700 куб. метр гача режалаштирилади.

Қумли шагал қатламли тупроқларда гўза - 9-12 мартагача; ўрта қумоқ, сизот сувлари чуқур жойлашган ерларда - 7-9 мартагача; ер ости сувлари юза жойлашган ерларда - 2-4 мартагача сугориш режалаштирилади.

Технологик хариталар тузганда сугориш учун эгат олиш 15-18 см чуқурликда, 1,4 ТК, Т-28Х, МТЗ-80, МТЗ-50 тракторларида ва КХУ-4 мосламаси ,рдамида 10 VI - 20 VI да ўтказиш режалаштирилади.

Дастлабки сугориш, эгатлаб қўлда 13.V – 25.V ларда ўтказилиши режалаштирилади.

Иккинчи сугориш - 1000 куб. метр/ га, эгатлаб, қўлда 8.VI - 25.VI. ларда ўтказилади.

Учинчи марта сугориш -800-1000 куб. метр /га эгатлаб, қўлда 8.VII 22.VII ларда ўтказилади ва хоказо. Сугоришда ,мгирлатиб сугориш усулидан, яъни ДДА-100 м, ДШК-64, ДОС каби машиналардан фойдаланилса, сугориш меъ,ри 2-3 мартагача камаяди.

Кейинги пайтларда томчилатиб сугориш ва ер остидан сугориш усуллари хам жорий этилмоқда.

**Гўза қатор ораларига ишлов беришни ташкил этиш.** Гўза қатор ораларига ишлов беришдан мақсад, бегона ўтларни йўқотиш ва тупроқ юзасини юмшатишдир. Культивация ўтказиш қатор ораларига ишлов беришнинг энг асосий тадбирларидан хисобланади. Бу тадбир гўза нихоллари пайдо бўлиши билан амалга оширилади.

Биринчи культивация нихоллар текис униб чиққан пайтида ташкил этилиб, бегона ўтларга қарши кураш, нихоллар қаторидан 7-10 см масофада ва 6-8 см чуқурликда ўтказилади. Технологик харита тузганда трактор синфлари 1,4 Т.К. ва КХУ-4 мосламалари ,рдамида юқорида қайд этилган меъ,рий чуқурлик ва кенгликда тахминан 25.IV-30.IV ларда ўтказилиши режалаштирилади. Жами 4-5, баъзан 6-7 марта культивация ўтказиш режалаштирилади.

**Гўза чилпишни ташкил этиш** .Гўзани чилпишнинг ахамияти шундаки, у озиклантиришда ассимиляция махсулотлари ўсимликка бир хил тақсимланишини таъминланиб, ҳосил тугунчаларининг тўқилишини камайтиради, кўсак сони 1-2 тагача, кўсакдаги пахта вазни 0,2-0,5. г га ортади, тола сифати яхшиланади, ўсув даври 5-10 кунга қисқариб, ҳосилдорлик гектарига 1,5-2,5 ц. га ошади.

Чилпиш муддатлари: гўзанинг туп сони 110-120 минг дона бўлган майдонларда ҳосил шохи 15-16, 130-140 дона минг бўлганда ҳосил шохи 13-14 та гача етганда ва технологик хариталар тўзганда -1,4 ТК трактори, ЧВХ-4 агрегати ,рдамида 25.VII-5.VIII ларда ўтказилиши режалаштирилади. Ингичка толали гўзаларда кўчат қалинлиги гектарига 130-140 минг, ҳосил шохлар сони 20-22 тага, 140-150 минг тупли гўзаларда - 18-20 тага етганда чилпиш ўтказилиши режалаштирилади.

**Гўза дефолиацияси ва хосилни йиғиштиришни ташкил этиш.** Гўза дефолиациясини ўтказишдан мақсад хосилни етилишини тезлаштириш ва уни қисқа муддатларда машинада териб олишни ташкил этишдир.

Дефолиациянинг самарали бўлиш омилларида энг муҳими, уни ўтказишнинг энг мақбул муддатини белгилашдир. Кўп йиллик маълумотларга қараганда узун толали гўза навларининг тупларида мавжуд кўсақларнинг 35-40%, ўрта толали навларда эса камида 50% очилганида дефолиация қилиш режалаштирилади.

Технологик харита тузганда дефолиацияни 1,4-Т.К трактори ва ОВХ-28 мосламаси ,рдамида 5.IX-25.IX гача ўтказиш режалаштирилади. Ўрта толали гўзалардан пахта машиналар билан 2 марта: дастлаб, гўза тупларидаги хосилнинг 50-60 % очилганида, иккинчи марта эса 20-30%, очилганда териб олинади. Ингичка толали гўзаларда кўсақларнинг камида 50-60% очилганда териш бошланиб, 10-12 кун ўтгандан кейин яна бир марта териб олинади. Технологик харита тузганда биринчи пахта терими машинада, хосилнинг 55-60 %- и очилганида 1,4- Т.К. трактори ва 14ХВ-2,4 мослама ,рдамида 15.IX-29.IX гача режалаштирилади.

Иккинчи машина терими, қолган кўсақнинг 30-35% очилганида, юқорида қайд этилган машина ва механизмлар ,рдамида 1.Х-2-.Х гача ўтказиш режалаштирилади ва х.к.

Биринчи қўл терими, 25-30% кўсақ очилганида, қўлда 5.IX-20.IX гача ўтказиш режалаштирилади. Иккинчи қўлда терим, 30-35% кўсақ очилганда, 20.IX-5.Х да ўтказиш режалаштирилади ва х.к.

Пахтанинг биринчи ва иккинчи теримидан кейин далаларда маълум даражада тўкилган пахталарни териш учун ПХН-1,2 ва ПХС-3,6 маркали пахта йиғиштиргичларидан фойдаланилади. Терилган кўсақни чувиш учун УПХ-1,5 машинаси кенг қўлланилади.

Гўза хосили тўлиқ йиғиштириб олингач, гўзапоянинг КВ-4 А ва КВ-3,6 А, КН-1,2, КН-1,8 мосламалар ,рдамида йиғиштириб олинади.

#### **11.4. Пахтачиликга илгор тажрибани жорий этиш**

Мамлакатимизда хозиргача қўллаб келина,тган технология бўйича чигит апрель ойида экилади. Бунга сабаб тупроқдаги хароратнинг етарли (11-12даража) бўлишини кутишдир. Янги усулнинг қулай томони шундаки, апрел хароратини пойлаб ўтирмай, 15-16 мартда, яъни тупроқнинг 10 сантиметр чуқурликдаги қатламида харорат 8-10 даража бўлганда ҳам экавериш мумкин. Бунда пл,нка қу,шнинг таъсирида тупроқ хароратини 3-4 даража оширади, чигит дархол амал қилиб, тўла ва туқис униб чиқади ва тез илдиз ота бошлайди.

Пл,нка остига экилган майдонларда хар қандай об-хаво шароитида ҳам қатқалоқ бўлмайди. Тупроқ доим майин ва юмшок ҳолатда бўлади. Пл,нка туфайли олина,тган қўшимча харорат тупроқнинг пастки қисмидаги намини буглатиб, тепа қисмига кўтаради, буг пл,нкага тиркалгач, яна қуйига тушади,

тупроқдаги фойдали микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти кучаяди. Натижада чигитни униб чиқиши учун доимо нам етарли бўлади. Тупроқ қатламидаги мавжуд органик ва минерал ўғитлар, шунингдек нитрогенларда пайдо бўлган илдизчалар орқали, тўла экинга сингади ва гўза дуркун, соғлом ўсиб, тез ривожланади.

Чигит 90 сантиметр кенликда, 90 x 30 схемада қўшқатор қилиб экилади. Эгитнинг кенлиги 60 сантиметр, қўшқаторнинг оралиги 30 сантиметр ва қўчатлар оралиги 12 сантиметр бўлади. Шунда, ҳар гектар ерда 180 минг туп қўчат жойлаштиришга эришилади. Аввалги усулда эса қўчатлар сони 70-90 минг тупдан ошмас эди.

Пл,нка остида ҳароратни кўпроқ олган гўза ривож тезлашади ва ҳосилга кириши ҳам шунга яраша барвақт бўлади. Хуллас, ҳар бир тадбир ўз вақтида, оби-тобида ўтказилса, ҳосилнинг пишиб етилиши оддий усулга нисбатан, ҳатто бир ойга тезлашиши мумкинлиги амалда исботланди. Чунончи, Андижон вилоят бўйича пл,нка остига экилган майдонлардан ўртача 42,6 центнердан ҳосил олинди. Бу вилоятдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 11,8 центнер кўпдир.

Кўргонтепа туманидаги "Савай" ширкат хўжалигида эса 50 гектар майдонда, хитойликлар кузатувида пл,нка остида парвариш қилинган гўза 46,2 центнердан ҳосил берди. Оддий усулда парвариш қилинган ердан эса 29,2 центнердан пахта йиғиштириб олинди. Катта майдондаги бу тажриба янги технологиянинг афзалликларини яққол кўрсатиб турибди. Демак, янги усул рисоладагидек қўлланилганда Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек республика бўйича ҳосилдорликни 14-15 центнерга ошириш имкони бор.

Олиб борилган тажрибалар шунини кўрсатадики, янги технологияни жорий этишга пухта тайёргарлик қўриш талаб этилади. Аввало, ер сифатли шудгорланиши, тупроқ майин ва бир текис бўлиши лозим. Агар 2 сантиметр, ки, нгоқдан каттарок кесак бўлишига йўл қўйилса, пл,нка йиртилиб кетади. Пл,нка гоёт юпқа ва жуда тиник бўлганлиги сабабли ўсимликка зарур бўлган иссиқлик ҳамда, ругликни яхши ўтказади. Далада гўзапоя, ажирик, ҳамда гўмай илдизлари қолдиги бўлса ҳам пл,нкага ҳалақит беради.

Бундан кўриниб турибдики, пл,нка остида чигит экишга мўлжалланган майдон, ҳар томонлама сифатли ва тоза бўлиши шарт.

Янги технологияга ўтишнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари ҳам бўлиб, ундан сезиларли даражада наф келади. Оддий усулда ривожланган гўзалар 5-6 марта сугорилади. Ҳар бир сугоришга гектар ҳисобига 800-1000 куб метр сув сарфланади. Пл,нка остида эса гўзалар 3 мартагача енгил сугорилади (600-800 куб метр).

Оддий усулда парвариш қилинганда ишчи кучи сарфининг асосий қисми ягонага, ўтоқ ва кетмон чопигига тўғри келади.

Янги усулда ягона ва кетмон чопигига ҳожат бўлмайди. Ахволга қараб икки марта енгил ўтоқ ўтказилиши мумкин.

Далага кириб чика,тган техниканинг тупроқ унумдорлиги пасайишига таъсири нихоятда катта.Эски технология буйича гўза қатор оралари 6-7 марта культивация қилинади. Янги технологияда эса кўп культивацияга хожат қолмайди. Хар сувдан кейин са,з культивация ўтказилса кифоя. Чигитнинг меъ,рий сарфи янги усулда янада кўзга ташланади. Оддий усулда кўп мушохадаларга бориб, чигит сарфига эътибор қилмаймиз. Пл,нка остига чигит экиш сеялкасида туксизлантирилган чигит бир тешикка аниқ ташланиш туфайли унинг харажати кескин камаяди.

Ўсиш даврида берилиши лозим бўлган минерал ўғитнинг тенг ярми, экиш билан бир вақтда солинади. Натижада ,ш нихолларда пайдо бўлган илдизлар қисқа муддатда,к озукани "хазм" қилишга киришади. Қолган ўғит май ойининг охирида 60 сантиметрли эгатнинг ўртасидаги ариқча орқали берилади. Янги усулда парвариш қилинган гўза қатор оралари доимо юмшок холатда бўлади ўғитларни яхши "хазм" қилади. Агар пл,нка остига чигит экилган майдоннинг узунлиги 200-500 метрдан кўпроқ бўлса, ўқ ариқлар олинади. Пахта майдонининг узун-қисқалигига қараб 100-120 метр масофага биттадан кўндаланг ўқ ариқ олиниши керак. Чигит экиб бўлингандан кейин шошилмасдан (май ойида) пл,нка кесилиб ўқ ариқ олинади.

Чигитни пл,нка остига экиб, эрта ва мўл хосил етиштириш усулини қўллашда шошма-шошарлик, пала-партишлик билан иш тутиш ярамайди. Аввал бу янги технологиянинг ўзига хос хусусиятлари ва нозик жихатларини обдон ўрганиб олиш лозим. Бунинг учун, илгор технологияни ўз далаларида синовдан ўтказиб, ижобий натижаларга эришаётган андижонлик уста пахтакорлар хузурига бориб, янгилик билан батафсил ва чуқур танишиш лозим.

### **Тест-рейтинг саволлари:**

- Пахтачиликнинг иқтисодий ахамияти нимадан иборат.
- Пахтачиликни барқарор ривожлантириш вазифалари.
- Пахтачиликда алмашлаб экиш схемаларининг таърифи.
- Пахтачиликда минтақавий ихтисосланиш.
- Пахтачиликда фермер хўжаликларини ташкил этишнинг ахамияти.
- Пахтачиликни жадал ривожлантириш омиллари.
- Пахта толаси турларини таърифланг.
- Гўзанинг эрта пишар навларига таъриф беринг.
- Пахтачиликда уругчиликнинг ахамияти ва уни ташкил этиш.
- Стандарт бўйича пахта навларига қўйиладиган талаблар.
- Пахтачиликда ўғитлаш тизими ва ўғит турлари бўйича меъ,рлар.
- Пахтачиликда шудгорлаш ва унинг ахамияти.
- Пахтачиликда ерни экишга тай,рлаш.
- Чигитни экишга тай,рлаш ва экиш меъ,рлари, муддатлари.

- Яганалаш ва хар бир гектар ерда сақланиши мумкин бўлган туп меъ,рлари.
- Пахтачиликда сугориш меъ,рлари ва сугоришни ташкил этиш.
- Гўза қатор ораларига ишлов беришни ташкил этиш.
- Гўзани чилпиш муддатларини режалаштириш ва дефоляция.
- Пахтани қўлда ва машинада теришни ташкил этиш.
- Пахта етиштиришда «Андижон усули»ни таърифланг.

## **12-боб. Дон ишлаб чиқаришни ташкил этиш**

### **12.1. Дон ишлаб чиқаришнинг иқтисодий аҳамияти ва вазифалари**

Дон етиштириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосий ўзагини ташкил этади. Аҳолининг нон ва нон махсулотларига, чорвочилик тармоқларини омухта озуқаларга бўлган талабларини тўла қондириш, дон ишлаб чиқаришни ва бу тадбирни давлат томонидан қўллаб қўвватланишини биринчи даражали долзарб вазифага айлантиради.

**Мамлакатнинг дон махсулотларига бўлган талабини қондириш учун унда яшашган хар бир жон бошига камида бир тоннадан дон етиштириш Республиканинг дон мустақиллигига эришиш дастурида ўз ўрнини топган.**

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган доннинг 158 кг истеъмолга, 127 кг уругликка, 600 кг чорва моллари учун озуқага, 115 кг бошқа эҳти,жларга сарфланиши режалаштирилган. Республикимизда дон муаммосини хал қилиш учун юқори агротехника қоидаларига, замонавий уругчилик тизимига, ерни ўғитлаш усулларига, хосилни ўз муддатларида, нес-нобуд қилмасдан ўриб-йигиб олишга риоя қилиш лозим. Бунда дон етиштирувчи пудратчи, дехқон, фермерларга тўла иқтисодий мустақиллик берилиши, донни давлат томонидан сотиб олиш баҳоларини тартибга солиш, донни харид қилишда жахон тажрибаларидан фойдаланиш энг асосийси, дон етиштирувчининг замон талаби даражасида яшаш имкониятларига эга бўлишини таъминлаш шарт.

Аммо хозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида етиштирила,тган дон, эҳти,жларни тўла қондира олмаган бир вақтда уни ишлаб чиқаришда хам кўплаб долзарб муаммолар тўпланиб қолган. Уларни оқилона хал этиш оила пудрати аъзолари ва дехқон – фермерларни дон ишлаб чиқаришдан моддий манфаатдорлигини ошириш билан бир қаторда истиқболда Республиканинг дон мустақиллигига эришиш режасини амалда бажаришга имконият яратиши мумкин.

Давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида орттирилган тажрибалар шуни кўрсатадики, мамлакатнинг аввало дон мустақиллигига

эришиши долзарб вазифа эканлиги ва давлат ўз дон захираларини ташкил этиши ва уни йилдан-йилга янгилаб бориш талаб этилади.

Шунинг учун ҳам жадал суръатлар билан дон етиштириш қишлоқ хўжалигини мақсадга мувофиқ ривожлантиришнинг асосий омили ва чорвачиликни тез суръатлар билан ўстириш учун энг долзарб шартлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг истиқболга мўлжалланган қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш дастурида, белгиланган асосий вазифаларда сугориладиган майдонларда яқин келажақда бошоқли дон экинларининг ялпи ҳосилини 3,9 млн тоннага етказиш кўзда тутилган. Бунга асосан ҳосилдорликни гектар бошига 39 ц га етказиш ҳисобига эришилади. Лалмикор ерларда галла майдони 310 минг га ҳажмида сақлаб қолиб, ялпи ҳосилни 278 минг тоннага ҳосилдорликни эса 8-11,5 ц га етказиш режалаштирилган.

**Сугориладиган майдонларда бошоқли дон экинларининг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига гўза орасига экиладиган галла майдонлари қисқартирилиб борилади. Бошоқли дон экинларининг бир қисми эса сабзавот ва озуқа экинларидан кейин экилиши мўлжалланмоқда. Бундай чора-тадбирлар дон майдонларида ҳосилдорликни камида 9-10 ц га оширишга имконият яратади. Лалмикор майдонларда тоза шудгор қилиб қолдирилган ерларга галла экиш бир мунча кенгайтирилади ва бугдой майдонлари жами шудгор қилинган лалмикор ерларнинг 25-30% ини ташкил қилади.**

Дон майдонларига экиш олдидан ва экиш билан биргаликда гектарига камида 15-20 тонна органик ўғитлар, 30 кг азотли, 150 кг фосфорли ва 60 кг калийли ўғитлар, вегетация даврида эса, гектарига камида 180 кг азот ўғити билан икки марта озиклантирилади.

Шоличилик келгусида асосан Қорақалпоғистон Республикасида - 75 минг га, Хоразм вилоятида (38 минг га), Тошкент (11,4 минг га), Сирдар, (7 минг га) ва Сурхандар, (5,6 минг га) вилоятларида етиштирилади. Экин майдонлари ўзгармаган ҳолда шолининг ялпи ҳосилини 627,5 минг тоннага етказиш мўлжалланган. Шолини кўчат усулида экишни келгусида 50 минг га етказиш кўзда тутилган. Бунда шолининг ялпи ҳосили 3,4 бараварга оширилиб, 250 минг тоннага етказилиш мўлжалланган.

Дон учун маккажўхори экин майдони асосан такрорий экиш ҳисобига 90,0 минг га.га, ҳосилдорликни гектарига 40,5 ц га, янги дурагайларни ва маккажўхори етиштиришнинг жадал технологияларини жорий этиш ҳисобига ялпи ҳосилни 364,5 минг тоннага етказиш кўзда тутилган.

Республикада дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабни тўла қондиришдек ўта долзарб вазифаларни илмий жиҳатдан асосланган ечимини топиш мақсадида қуйидаги тадбирлар ишлаб чиқилган:

- ❖ бошоқли дон экинларини Республикамиз табиий иқлим шароитига мос келадиган махаллий навларини яратиш;
- ❖ бошоқли дон экинлари экиладиган сугориладиган ер майдонларини кенгайтириш;
- ❖ етиштирилган хосилни ўз вақтида, нес-нобуд қилмай йигиштириб олиш учун қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий-техника базасини қайта қуриш ва мустахкамлаш;
- ❖ етиштириладиган уруглик-донни сақлаш ва асраш, уларни турли хил касалликларга қарши дорилаш, қадоқлаш ва х.к;
- ❖ бошоқли дон экинларининг касалликларига ва зараркунандаларига қарши ким,вий дори-дармонларни ва биологик воситаларни ўзимизнинг Ватанимизда ишлаб чиқариш;
- ❖ бошоқли дон етиштиришда моддий манфаатдорликни кучайтириш, иқтисодий имти,злар белгилаш ва хусусан оила пудрати асосида дон етиштирувчиларга ерни беш йил ва ундан ортиқ муддатга бириктириб, шартномадан ортиқча етиштирилган хосилни тўлиқ ўз тасарруфида қолдириш ва хоказолар.

Дон ва дон махсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича республикамизда шу кунгача ўтказилган тадбир ўзининг ижобий натижаларини берди.

Республика Мустақил бўлгунча 80-90 минг тонна дон асосан лалмикор ерларда етиштирилган бўлса, Мустақилликдан кейин Жумхуриятда дон мустақиллигига эришиш учун Давлат Дастури эълон қилинганидан кейин 1994 йилда ўртача хосилдорлик 14,2 ц/га, ялпи дон хосили 3,0 млн. тонна атрофида бўлган бўлса, 2002 йилда хосилдорлик- 42,3 ц/га, ялпи хосил- 5,4 млн. тоннани ташкил этди. Шунингдек республикамиз далаларида юқори хосил берадиган махаллий дон навлари «Санзар-8» , «,нбош», «Маржон», «Интенсив», «Улугбек-600» каби навлар яратилди. Республикада мавжуд бўлган экин майдонларининг 50 %и галлачиликка тўгри келади.

## **12.2. Дон етиштиришда агротехник тадбирларини режалаштириш ва**

### **ташкил этиш.**

Дон ишлаб чиқаришда талаб этиладиган асосий агротехник тадбирлар куйидагилардан иборат:

**Алмашлаб экиш:** Далаларни бегона ўтлардан тозалаш, нам тўплаш, ўгит солиш, ер майдонларини экишга тай,рлаш ҳамда кузги бугдойни мақсадга мувофиқ муддатларда экиш учун ўтмишдош экинлар хосили эртароқ йигиб олинади.

Сугориладиган ерларда кузги бугдойни алмашлаб экиш учун уч йиллик бедадан, гўзадан, дон ва силосга экилган маккажўхоридан, дуккаклик дон, картошка, сабзавот ва полиз экинларидан бўшаган ер майдонлари танланади.

Кузги бугдойдан бўшаган ерларга экилган гўза вилт касаллиги билан кам зарарланади. Яхши ривожланган кузги бугдой, ерларни бегона ўт майсаларидан тозалайди.

Хозирги пайтда гўза ва дон алмашлаб экишда бошоқли дон экинларининг салмоги - 50%, айрим хўжаликларда - 80% ва ундан кўпни ташкил этмоқда. Кузги бугдой учун гўза, беда, картошка, сабзавот ва дуккаклик дон экинлари яхши ўтмишдош ҳисобланади. Кузги бугдойни икки йилдан ортиқ бир майдонга жойлаштириш мумкин эмаслигини, унинг ҳосилдорлиги пасайишини амали, тчилар ва олимлар таъкидламоқдалар.

**Тупроққа ишлов бериш:** Бегона ўтлар билан ифлосланган далалар чим қирқадиган икки ярусли ПЯ-3-35 ,ки ПЛН-6-35 плуги билан 27-28 см чуқурликда хайдалади.

Экиш олдида (ЧКУ-4 маракали) чизель, култиватор ва мола билан ишлов берилади. Ерни хайдаш олдидан нам тўплайдиган сугориш ўтказилади, далада бегона ўтлар пайдо бўлса, 6-8 см чуқурликда култивация ўтказилади ва кейин ер хайдалади.

Ўзбекистоннинг ўзига хос табиий - иқлим шароитида тупроққа ишлов бериш, ўтмишдош экинлар ҳосили йиғиштирилганидан кейин, тезлик билан хайдаладиган, тупроқ қатлами қуриб кетмасдан, хайдалганда йирик кесаклар ҳосил бўлишини олдини олиш мақсадида ва экишга 10-15 кун қолганда жўяклар ,рдамида сугорилса яхши натижа беради. Унда дала текис, тупроқ зичлиги кутилганидай, тупроқда диаметри 1-5 см бўлган кесакчалар 80% - дан кам бўлмаслиги ва 10 см дан йирик кесакчалар бўлишига йўл қўймаслик муҳимдир. Тупроқни бундай ҳолатда бўлиши тупроқ билан уруғларни зич бир-бирига тегиб туришига ва майсаларни тез ҳосил бўлишига шароит яратади.

**Ўғитлаш:** Ўзбекистон шароитида сугориладиган ерларда 1 тонна дон ва шунга мувофиқ самон ҳосил қилиш учун 34-37 кг азот, 11-12 кг фосфор, 23-25 кг калий талаб қилинади. Кузда экилган бугдойга бериладиган азот ўғитларининг миқдори гектарига 180 кг бўлганда «ГАЛЛА» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси тавсиясига кўра 30 кг/га азот экиш олдида, 75 кг/га эрта баҳорда ва 75 кг/га найчалаш фазасида берилади. Фосфор ўғитларининг (90-120 кг/га) 80% ерни хайдашдан олдин, қолган қисми экиш билан биргаликда берилади. Калий ўғити 60 кг/га, фосфор ўғитлари билан биргаликда берилади. Хўжаликларда режалаштирилган ҳосилни олиш учун, нав хусусиятлари ва тупроқнинг агрохим,вий картограммаси асосида илмий жихатдан асосланган ўғитлаш меъ,рлари ишлаб чиқилади. Ўзбекистоннинг типик бўз тупроқли ҳудудларида минерал ўғитларни йиллик меъ,ри: азот – 150 кг/га, фосфор – 90 кг/га ва калий ўғити – 60 кг/га; республиканинг жанубий- гарбий ҳудудларида,

янги сугориладиган тупроқли ерлар учун: азот – 180-200 кг/га, фосфор-90-120 кг/га, калий 60-100 кг/га; Зарафшон водийсидаги ўтлоқ ва бўз тупроқли ерларга: азот –180 кг/га, фосфор – 90 кг/га ва калий ўгити 60 кг/га микдорида тавсия этилади.

**Нав танлаш ва экиш муддатлари:** Хозирги пайтда республикамиз вилоятларида юмшоқ кузги бугдойнинг Улугбек-600, Санзор-8, Санзор-4, Крошка, Купова, Уманка, Днош, Маржон, қаттиқ бугдойнинг Маку-3, Ойқор, Зафар навлари экилмоқда. Бугдойнинг Безостая-1, Санзор-8, навлари эрта ва мақсадга мувофиқ муддатларда экилганда 3,0 млн дона унувчан уруг (120 кг/га); интенсив типдаги унумли бугдойнинг Интенсив, Крошка, Купова навларининг 4,5 млн. унувчан уруглик (180 кг/га) ҳисобида экилади. Экиш мақбул муддатлардан кечикса (ХI) экиш меъ,ри гектарига 6,0 млн. дона унувчан (240 кг/га) уругга оширилади. Экиш муддатлари - 20 сентябр – 20 ноябр режалаштирилади. Энг муҳими юқорида келтирилган экиш меъ,рларида кузги бугдой, қиш тушгунча 1 кв.м да камида 500-600 та поя ҳосил қилишини таъминлаш лозим ва 1 бошоқдаги дон вазни баҳорда 1,5 грамм бўлса ( 1 кв . метрда 500-750 грамм) 1 га. дан 75 ц дон ҳосили олиш мумкин. Бунда экиш меъ,ри 4,5 млн уруг/га, экиш чуқурлиги 4,5 см, сеялка СЗ-3,6, қатор ораси 15 см, бўлиши лозим.

Уруглар 1-синф талабларига жавоб бериши лозим, экишдан 20 кун олдин уруглар Роксил, Деразол, Байтан-Универсал препаратлари билан 1,5-2 г/тонна ҳисобида ишлов берилади.

**Экиш меъ,рлари:** Кузги бугдойни сув билан таъминланиши ва минерал озикланиши, ўсиш жара,нларини кучайтиради, барг юзасини кенгайтиради, экинзор зичлигини оширади, ҳамда фотосинтетик фаол радиациядан, карбонат ангидрид газидан фойдаланишни яхшилайдди, ҳосилни оширади. Оптимал меъ,рлардан ортиқ уруг экилганда ўсимликлар қалин жойлашади.

Экиш меъ,рлари тупроқ-иқлим шароитига қараб ўзгаради. Қалин экиш сернам, шимолий минтақаларда қўлланилади. Жанубий минтақаларда экиш меъ,рлари нисбатан кам бўлади. Сернам шимолда экиш меъ,рини белгилайдиган асосий омиллар – ,руглик ва тупроқ унумдорлиги бўлса, қургоқчил минтақаларда – ўсимликни нам билан таъминланишидир. Шунинг учун сугориладиган ерларда экиш меъ,ри лалмикорлик дагидан анча кўп бўлади.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ўтказилган тажрибаларда унумли бугдой нави 20 сентябр: 10 октябр: 1 ноябр ойларида, экиш меъ,ри 3,0 млн/га уруг бўлганида 66.2: 70.6: 63.6 ц/га; 4,5 млн/га уруг экилганида 63.6: 77.6: 67.5 ц/га ҳосил олинган.

Тор қаторлаб, қаторларни кесиштириб экиш усулларида экиш меъ,ри 10%-га оширилади. Қандайдир сабабларга кўра майда уруглар экишга тўғри келса, уларни дона ҳисобидаги меъ,ри 10-12% га оширилади. Бунинг сабаби майда уруглар унувчанлиги ўрта ва йирик уругларникига нисбатан паст бўлади.

Бегона ўтлар билан ифлосланган далаларда ҳам экиш меъ,рлари оширилади. Қалин экилган ўсимликлар бегона ўтларни қисиб қўяди.

Экиш меъ,ри гектарига килограмм ,ки униб чиқадиган уруғлар сони(милион донна хисобида, 1 га экилган уруғлар) билан ифодаланади. Уруғларни вазни бўйича экиш меъ,ри белгиланганда, уларни йириклиги эътиборга олинмайди. Шунинг учун 1000 донна уруғ вазни хар хил бўлганда вазни бир хил экиш меъ,рида турли сондаги уруғлар экилиб озиқланиш майдони хар хил бўлади. Экиш меъ,рини бир гектарга экиладиган уруғлар сонига қараб аниқлаш тўғри бўлади. Бунда йириклиги хар хил уруғлар экилганда ҳам ўсимликларни озиқланиш майдони бир хил бўлади.

Хозирги пайтда Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларига экиш меъ,рлари гектарига 3.0-4.5; 6,0 млн уруғ хисобига тавсия қилинмоқда.

Кузги бугдойни экиш меъ,рлари хар бир минтақа, хўжалик, дала, нав учун ўтмишдошлар, ўғитлаш, сугориш ва бошқа омиллар хисобга олинган холда аниқланади.

**Сугориш:** Ерни хайдаш ва ўғитлашдан олдин ,ки кейин гектарига 1200 куб.метр меъ,рида нам тўплайдиган сугориш ўтказилади. Тупроқда намлик камайса, кузда гектарига 600 куб.метр меъ,рида сугориш ўтказилади. Бахорда тўпланиш, найчалаш, бошоқлаш, донни тўлишиш фазаларида гектарига 550-600 куб.метр меъ,рида сугорилади.

Сугориш сони сизот сувларининг узоқ ,ки яқин жойлашганлигига, ,гингарчилик миқдорига қараб ўзгариши мумкин. Кузги бугдой 1 тонна дон хосил қилиши учун ўртача 700-1000 куб.метр сув сарфлайди. Гектаридан 60-70 ц. дон хосили етиштириш учун эса 6,0-6,5 минг куб метр сув сарфлайди. Скифянка, Юна, Спартанка, Крошка, Купова ва Уманка, сингари жадал типдаги навларни тез-тез, гектарига 550-600 куб.метр меъ,рида, 5-6 марта сугориш талаб этилади.

**Экинларни парвариш қилиш:** Бегона ўтларни йўқ қилиш мақсадида Бюктрил. Д гербициди билан бахорги нихол хосил бўлиш даврида гектарига, 1,5-1,75 л. ,ки 48% -ли Базагран 2-3 литр; Праднер - 1,5 литр 75 %-ли меъ,рларда экинзорлар ишланади. Гербицидлар 300-400 л сувга аралаштирилиб 1 гектарга пуркалади. Занг, ун шудринги каби касалликларга қарши 25%-ли Байлетон ,ки Тилт препарати, гектарига 0,5 кг. хажмида 250 л сувга аралаштирилиб сепилади.

**Хосилдорликни аниқлаш:** Бунинг учун диагоналар бўйича, хар 1 кв.метр дон майдонидан, ўн боғ намуна олинади. Боғлар янчилиб ўртача хосилдорлик топилади. Агарда 1 кв.метр майдонда 500 донна бошоқли поя бўлса, ва хар бир бошоқдаги дон вазни 1,5 граммга тенг бўлса у вақтда хосилдорлик 1 кв. метрда  $500 \times 1,5 = 750$  грамм ,ки гектаридан 75 ц хосил кўтарилиши мумкин.

**Хосилни йиғиштириш:** Хосилни қисқа вақт давомида нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш, дон етиштиришни кўпайтиришнинг энг мухим

имкониятларини биридик. Кўпинча хосилни йигиштириш пайтида, нобуд бўлиши – 10-20 %, ноқулай шароитларда – 30% ва ундан ортиқча бўлиши ҳам мумкин. Нобудгарчилик хажми, янги навларни экиш, ўғитларни бўлиб бериш ва бошқа агротехник усулларни қўллашдан олинандиган кўшимча хосилдан кўп бўлиши мумкин.

Хосилни қисқа 9-12 кундан кўп бўлмаган муддатда йигиштириб олиш афзаллиги биологик ва иқтисодий жихатдан асосланган.

Кузги бугдой хосили бир фазали (бевосита комбайнлар билан) ва икки фазали(олдин ўриб, кейин йигиб янчиб олиш) усулларида йигиштирилади.

Хосилни бир фазали усулда ўриб-йигиб олишда, дон тўла пишганда «Сибиряк» СК-5, «Нива» СК-6, «Колос», Дон 1500, Енисей-1700, Джон-Дир «Кейс» комбайнлари билан тўғридан – тўғри ўриб, янчиб олинади. Бу усулда паст бўйли, тиб қолишга чидамли тўла пишиб етилган бугдойзорлар хосили йигиштирилади. Ўриш тиб қолган экинзорда-10 см. дан ортиқ бўлмаган, узун бўйли тиб қолган экинзорда, 15-20 см баландликда ўтказилади. Ўсимликлар зич, хосилдорлиги юқори майдонларда ўриш баландлиги 25 см ва ундан ортиқ бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда асосан хосилни тўғридан-тўғри комбайнлар билан ўриб, янчиб олиш кенг қўлланилади. Бугдой хосили икки фазали усулда йигиштириб олинганда ўсимлик дони мум пишиқлик даврида, ўриш машинасини ердан 12-25 см баландликда ўриб, қуришиш учун ангизли йул-йўл қилиб ташлаб қўйилади. Бунда ЖВР-10, ЖНС-6-12, ЖНУ-4,0 ва бошқа ўриш машиналаридан фойдаланилади. Мум пишиш даврида дон намлиги 36-40 % бўлади. Бу даврда ўрилган дон экинлари хосили ерга тўкилмайди. Қуриш даврида дони пишиб етилади ва сифати юқори бўлади.

### **12.3. Дон етиштиришда айрим асосий иш жараёнларни ташкил этиш**

Дон ишлаб чиқаришда, иш жараёнларини самарали ташкил этиш тамойиллари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ❖ режалилик;
- ❖ мутаносиблик;
- ❖ мослик, ки мувофиқлик;
- ❖ бир текислик;
- ❖ узлуксизлик.

Ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилишга: агрегат таркибини тузиш, иш жойларини ва иш кучларини тайёрлаш, ишловчиларга йўл йўриқ бериш, иш усули ва иш кун тартибини белгилаш, иш жараёнларини рационализация (такомиллаштириш) қилиш, иш сифати устидан жиддий назорат ўрнатиш, тракторчи, комбайнчи ва бошқа ишчилар томонидан бажариладиган ишларини ҳисобга олиш ва баҳолаш тадбирлари қиради.


Хайдаладиган далалар 2-3 кунлик иш даврига мўлжалланиб, пайкал (загон) ларга ажратилади. Пайкалнинг мақсадга мувофиқ шакли 1:4 дан 1:10 гача нисбатда бўлади. Пайкалнинг кенглиги унинг узунлиги ва хайдовда қўлланиладиган агрегатга боғлиқдир.

Ер хайдашда пайкал кенглигини қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:


$$P_k = 2 * (U * A * r)$$

- Бунда:  $P_k$ -пайкал кенглиги (м);  
 $U$ -пайкал ўзинлиги (м);  
 $A$ -агрегатнинг иш кенглиги (м);  
 $r$ -агрегатнинг айланиш радиуси (м).


Далаларни хайдаш ишлари пайкал, айланма ва моки усулларида бажарилиши мумкин.



**ПАЙКАЛ УСУЛИ**




**АЙЛАНМА УСУЛ**




**МОКИ УСУЛИ**

### ШАКЛ БЕРИБ ХАЙДАШ

Ташқарига ағдариш



ичкарига ағдариш



**Ерларни хайдаш ишларини ташкил қилиш.** Ерларни хайдаш қулай агротехник муддатларда, белгиланган чуқурликда олиб борилади, бунда қатламлар яхши майдаланган ва далада қолган поя ва гўнларнинг усти яхшилаб беркитилган холда, дала четлари ва бурилиш жойлари чала

қолдирилмасдан, эхти, ткорлик билан текисланган, бузилган эгат ва қирралар камроқ бўлиши керак.

**Экишни ташиқил қилиш.** Экиш агрегатларини бир неча сеялкалардан иборат комплектлашда учун 3 ва 4 сеялка учун С-11,5 ва 6 сеялка учун С-18 тиркамалари қўлланилади. Дон экинлари асосан пайкал ва моки усулларида экилади. Сеялкаларнинг биринчи уруглик тўлдириш жойидан иккинчи жойга ва уругликлар солинган қоплар(ј-жой) турган жойигача бўлган масофани аниқлаш жуда муҳимдир. Бунинг учун қўйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$j = \frac{C * K}{Nэ * Kс} \cdot 10000;$$

Бунда: j- биринчи уруглик солиш билан, иккинчиси ўртасидаги масофа, м;

С – сеялка яшигининг сизими (кг);

К - сепиладиган уруг донидан фойдаланиш коэффициентини (0,8)

Нэ – бир гектар ерга дон экиш меъ,ри (кг);

Кс – сеялканинг иш кенглиги (м);

10000 – бир гектар ердаги кв.метр миқдори.

Буни шундай мисолда кўриш мумкин. Сеялка қутиси СЗБ–24 га 240кг бугдой сигади, экиш меъ,ри – 200 кг/га, сеялканинг иш кенглиги - 3,6 м, сеялкадан сепилган уругликдан фойдаланиш коэффициентини - 80%. 1300 м узунликдаги масофада сеялкалар бир марта айланиб чиққанидан сўнг, автоуруг тўлдиргич АС – 2 ,рдамида уруг билан тўлдирилади.

Биринчи уруг солиш жойидан, иккинчи уруг солиш жойигача босиб ўтиладиган масофаси:

$$J = \frac{240 * 0.8}{200 * 3.6} * 10000 = 2666 \text{ м. га тенг бўлади.}$$

Дон экишда ишлаб чиқаришнинг тахминан қўйидаги меъ,рлари белгиланган С – 80 трактори учун 42-70 га, ДТ-54 учун 18-45 га; МТЗ учун 15-25 га.

### **Тест-рейтинг саволлари:**

- Дон ишлаб чиқариш давлат дастурининг мақсади ва вазифалари;
- Меъ,р бўйича талаб қилинадиган дон ва дон махсулотлар миқдори;
- Дон ишлаб чиқаришнинг (хосилдорлик, ялпи хосил) хозирги ахволи;
- Давлат дастурида кўзда тутилган шолчилик ва маккажўхори етиштириш марралари;
- Дон ишлаб чиқаришда алмашлаб экишнинг ахамияти ва схемаси;
- Дон етиштиришда ўгитлаш меъ,рлари ва режалаштириш;

- Юмшоқ кузги бугдай навлари ва уларни экиш муддати;
- Жадал типдаги унумли бугдай навлари ва уларни экиш муддати;
- Донларни сугориш муддатлари ва меъ,рлари;
- Хосилдорликни аниқлаш услуби ва режалаштириш;
- Хосилни йигиштириш шартлари, муддати, комбайнлар афзаллиги;
- Дон ишлаб чиқаришда меҳнатни ташкил қилиш тамойиллари;
- Пайкал усулида ер хайдашни режалаштириш, пайкал кенглигини аниқлаш формуласи;
- Моки усулида ер хайдашни афзаллик томонлари;
- Сеялкага уруглик тўлдиришни аниқлаш формуласи;
- Дон ишлаб чиқаришдаги долзарб муаммолар.

### **13-боб. Сабзавотчиликни ташкил этиш**

#### **13.1. Сабзавотчиликнинг ахамияти ва вазифалари**

Сабзавотчилик – ташкилий – иқтисодий жихатдан ширкат, фермер ва дехқон хўжаликлари учун, хусусан йирик шаҳарлар, туманлар ва саноат марказлари атрофида жойлашган хўжаликлар учун, қисқа вегетация даврида, арзон меҳнат ресурслари ,рдамида, йил давомида бир текис пул тушумини таъминлай оладиган, бозор иқтисоди талабларига мос келадиган, аҳолининг фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган сердаромад тармоқлардан биридир.

Сабзавотчилик маҳсулотлари таркибида кўп миқдорда биологик актив моддалар бўлганлиги учун, инсон танасига шифобахш озиқ – овқатгина бўлиб қолмасдан у, одамлар организмни зарарли инфекциялардан тозалаб, иштахасини очиб, овқат хазм бўлишига катта ,рдам беради.

Медицина фанлар академиясининг овқатланиш илмий- тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган истеъмол меъ,рлари бўйича Ўзбекистонда аҳоли жон бошига, йилига, ўрта ҳисобда 118 кг сабзавот маҳсулотлари талаб қилинар экан, шундан: 20 кг-карам, 26 кг-помидор, 19-кг бодринг, 25 кг- пи,з, 13 кг-сабзи, 5 кг-саримсоқ, 6 кг-лавлаги ва бошқа сабзавот маҳсулотлари.

Ўзбекистоннинг табиий - иқлим шароити ва унинг унумдор ер майдонлари йил давомида сабзавотчиликдан бир неча марта хосил олишни таъминлай оладиган имкониятларига эга.

Хозирги вақтда сабзавотчиликка ихтисослашган 90 дан ортиқ ширкат хўжаликлари, минглаб фермер ва миллиондан ортиқ дехқон хўжаликлари мавжуд бўлиб, сабзавотчиликда етиштирила,тган ялпи хосилнинг – 7,5-8,0 фоизи ширкат хўжаликлари ҳисобига, 2,0-2,5 фоизи фермерлар ва 90 фоизи якка – дехқон хўжаликлари ҳисобига тўғри келади.

Бозор иқтисоди,тига ўтиш даврида сабзавотчилик учун кичик ва ҳаракатчан техниканинг етишмаслиги натижасида тармоқни етарли даражада қайта

ишлайдиган ва сақлайдиган корхоналар билан таъминланганлиги сабабали, махсулот ишлаб чиқариш таркиби кичик ер майдонларида, арзон меҳнат ресурслари, рдамида якка деҳқон хўжаликлари фойдасига хал қилинмоқда. Бу ахволда сабзавотчиликдан кутилган натижаларга эришиб бўлмайди. Сабзавотчилик махсулотлари ишлаб чиқариш таннархи йилдан-йилга ўсиб кетмоқда, меҳнат унумдорлиги жуда паст, бозорда эса нарх-наво қимматлашиб, тармоқ махсулотларини сотиб олиш ва истеъмол қилиш имкониятлари пасайиб кетмоқда, сабзавотчилик махсулотлари бўйича аҳолининг истеъмол саватини тўлдириши йилдан – йилга оғирлашмоқда. Таъкидлаш жоизки сўнги йилларда сабзавотчилик махсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишда қайта ишлаш, қадоқлаш ва уруғчиликда, бирмунча ташкилий ўзгартиришлар амалга оширилмоқда.

Чунончи «Ўзмева сабзавотузумсаноат-холдинг» ширкати тузилиб, унинг таркибига: 90 та қишлоқ хўжалик корхонаси, 42 та қайта ишловчи ва 15 та қўшма корхоналар киритилган. Тармоққа хорижий давлатлар сармояларини жалб этиб, замонавий технологияларни жорий этиш ва уруғчиликни ривожлантиришда сезиларли ишлар қилинмоқда. Жумладан Голландиянинг «Нюнемо-заден» уруғчилик ширкати, Олмониянинг «Авсатис» ва Туркиянинг «Евродрип» ширкатлари, рдамида помидорнинг «Суперситрейн», «Кастлрок» навлари яратилиб, хар гектаридан 900-950 ц, Тристар Р1 дурагайидан эса 1000-1200 ц. дан хосил олинмоқда. Бундан ташқари Голландиянинг «Синжента-Сидс» уруғчилик ширкати билан ҳамкорликда, помидорнинг 5 хил, бодрингнинг 4 хил, карамнинг 3 хил, сабзининг 2 хил ва пи,знинг 3 хил дурагайлари синовдан ўтказилди ва яхши натижалар олинди.

Бозор ишлаб чиқариш муносабатлари даврида сабзавотчилик махсулотлари етиштириш ва тай,рлашнинг долзарб вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ❖ Ўзбекистоннинг табиий-иқтисодий шароитига мос келадиган ва илмий жихатдан асосланган хўжалик юритиш тизимини, бозор иқтисоди,ти талаблари асосида такомиллаштириш;
- ❖ тармоқда йил давомида бир меъ,рда махсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ихтисослашган худудларни ташкил этиш;
- ❖ сабзавотчилик махсулотларини замонавий қайта ишлаш(консервалаш, қуритиш, совутиш ва музлатиш), қадоқлаш ва сақлаш корхоналарини давр талабига биноан шакллантириш;
- ❖ хорижий давлатлар инвестицияси, рдамида, замонавий технологияларни, янги мини техника воситаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ва уруғчиликни ривожлантириш;
- ❖ сабзавотчиликка ўғитлар етказиб беришни ва бегона ўт, зараркунандалар ва касалликларга қарши курашда замонавий гербицидлар етиштиришни кўпайтириш;
- ❖ сабзавот махсулотларини, айниқса, помидор, бодринг, карамнинг ортиш ва жўнатишга чидамлилигини ошириш, автоулов воситалари,

карам йигувчи ва бошқа транспартерларни, контейнерларни, ортувчи-тушурувчи машиналарни жорий этиш;

- ❖ очик ерларга илмий жихатдан асосланган навбатлаб экишни ва иссиқхона хўжаликларида экинлар алмашувини ташкил этиш;
- ❖ полиэтилен пл,нкалар остида эртапишар сабзаот махсулотлари етиштиришни кенгайтириш;
- ❖ сабзаотчилик тизимида янгича уч,тни йўлга қўйиш, ички хўжалик хисобини ва харажатларни чек тизими ,рдамида назорат этиш масалаларини такомиллаштириш;
- ❖ тармоққа меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шакллари ва меҳнатни ташкил этишнинг ижара муносабатлари ва оила(жамоа) пудрати усуллари кенг жорий этиш.

Қайд этилган вазифалар бўйича илмий жихатдан асосланган тадбирлар ишлаб чиқиш асосида вазифалар ечимини топиш, сабзаотчиликни барқарор ривожлантириш ва рентабеллигини оширишни таъминлайди.

### **13.2. Сабзаотчиликда технологик жара,нларни ташкил этиш**

Фермер хўжаликларида, оила пудрати жамоаларида бизнес режа тузиш жара,нида биринчи навбатда технологик хариталар тузилади, уларнинг асосини тармоқнинг агротехник жара,нларини ташкил этишсиз тасаввур этиб бўлмайди.

**Помидор ўстириш технологияси.** *Ер танлаш.* Озиқ моддаларга бой, механик таркиби енгил қумоқ, шўрланмаган хар хил тупроқ типлари яроқли хисобланади.

*Алмашлаб экишдаги ўрни.* Беда, кўкат ва дуккакли сабзаотлар, пи,з, саримсоқ, полиз экинлари, бодринг ва карам яхши ўтмишдош. Бир далада помидор икки йил ўстирилиб, яна уч йилдан сўнг қайта экиш мумкин.

*Ўғитлаш.* Бўз тупроқларда гектарига азот – 120-200 кг, фосфор-140-150кг, калий-90-100 кг; ўтлоқ ва ўтлоқ – ботқоқ тупроқларда- азот -140- 150 кг, фосфор-140-150 кг, калий – 100 кг хисобида берилади.

*Ерни экишга тай,рлаш.* Кузда ПН-4-35, ПЯ-3-35, ПД-4-35 маркали плуглар, Т-4А тракторига тақилиб, тупроқ 28-30 см чуқурликда шудгорланади.Бахорда ЧКУ-4-1 чизел- культиваторда, 10-12 см чуқурликда ва БЗТС-1,0 маркали бороналар ,рдамида (5-6 см) ишланади, зарур бўлса КЗУ-0,3 маркали текислагич билан ер текисланади. Сўнгра кўчат ўтказиш учун жўяклар олинади.

*Навлари.* Эртапишар: Талалихин-186, Перемога-165,Ўзмаш-1, Темиол-красный - 2077, ўртапишар Восток - 36, Новинка Приднестровья, Подарок, Волгоградский –595, ТМК-22, кечпишар Октябр, Юсуповский.

*Кўчат етиштириш.* Туманлаштирилган навларнинг тозалиги 98 %, унувчанлиги 85 % дан кам бўлмаган 1- классли уруглар экилади. Бундай уругларнинг 350-400 grammi бир гектарга кўчат олиш учун етарли.

Уруглар экишолди сувда ,ки 0,01-0,05 % ли ўстирувчи стимуляторлар, микроэлементлар эритмасида 10-12 соат давомида ивителиди, сўнгра ТМТД ,ки бошқа шунга ўхшаш фунгицидлар билан ишланади (1 грамм урукқа 4-8 грамм препарат). Шундай тай,рланган уруглар илиқ ,ки ярим илиқ кўчатхоналарга феврал ойи бошида 0,5-1,0 см чуқурликка экилади. Майсалар кўринишигача харорат 20-25<sup>0</sup>, кўкаргач 10-15<sup>0</sup> да сақлангани маъқул. Кўчатлар зарур бўлса сийраклаштирилади. Ўсув даврида, озиклантирилиб, сугориб, бегона ўтлардан тозаланади. 60-70 кундан сўнг, 6-8 чинбарг чиқаргач апрел ойида далага ўтказиш учун тай,р бўлади.

***Экиш муддати, қалинлиги ва чизмаси.*** Эртапишар помидор кўчатлари 10-20 апрелда, кечкилари эса 20 апрелдан 10 майгача экилади. Қатор оралари 70-90 см, туп оралари навига қараб –25, 30, 40 см қилиб хар гектарига 50-74 мингтагача кўчат экилади.

***Парваришлаш.*** Биринчи ишлов бериш кўчатлар униб чиққандан сўнг –10 кун ўтгач ўтказилади. Кўчатларни чопиқ қилиш яна 12-15 кун ўтгач такрорланади. Ўсув даврида қатор ораларига 6-7 мартагача, КОР-4,2, КРН-4, маркали култиваторлар ,рдамида ишлов берилади. Помидор палаклари бир неча марта пуштага тўгрилаб чиқилади. Ўсув даврида тупроқ намлиги, даланинг намлик сигимига нисбатан 75-80% дан кам бўлмаслиги лозим. Сизот сувлари чуқур бўлган бўз тупроқларда гектарига 500-700 м<sup>3</sup> хисобида 14-16 мартгача сугорилади.

***Касаллик ва зараркундаларга қарши кураш.*** Хозирги пайтда помидорлар очиқ ва ,пиқ майдонларда вирусли мозаика билан касалланмоқда. Уларга қарши помидор уруглари, экиш олдидан термик қайта ишлаш, яъни бир сутка давомида 50-52<sup>0</sup> да, сўнгра икки сутка мобайнида 80<sup>0</sup>ли иссиқликда термостатда қиздирилади. Қиздирилган уруглар 0,3 % ли метил кукуни эритмасида ивителиди ва экилади.

***Хосилни йигиштириш.*** Кўлда амалга оширилади ва пишиш даражасига қараб хар 3-5 кунда, жами 10-15 мартагача терилади. Мевалари бир вақтда пишадиган техникага мос помидор навлари хосили СКТ-2 маркали комбайн ,рдамида бир марта йигиштириб олинади. Хосилдорлик ўртача – 200 ц/га, илгор хўжаликларда –300-400 ц/га.ни ташкил этиш.

***Карам ўстириш технологияси. Ер танлаш.*** Яхши ўғитланган, озик моддаларга бой, намиқтирилган салқин тупроқлар яроқли.

***Алмашлаб экишдаги ўрни.*** Битта далага карам 3 йилда бир марта экилади. Унга, картошка, бодринг, полиз ва дуккакли дон экинлари яхши ўтмишдош хисобланади.

***Ўғитлаш.*** Бўз тупроқларда эртаги ва кечки карам етиштириш учун гектарига 20-30 тонна гўнг, 150-200 кг азот, 100-130 кг фосфор ва 75-100 кг калий, ўтлок тупроқларда эса 120-150 кг азот , 120-150 кг фосфор ва 60-100 кг калий, унинг 50 фоизи ерни хайдашда солинади. Фосфорнинг 25-30 фоизи кўчат ўтказиш вақтида, азотли ўғитларнинг 40 фоизи кўчат тутгач биринчи озиклантиришда,

қолган 60 фоиз азот ва 50 фоиз калий ўғитлари карамбош ўрай бошлаганда берилади.

**Ерни экишга тайрлаш.** Кузда ПН-4-35, ПЯ-3-35, ПД-4-35 маркали плуглар, Т-4А тракторига тақилиб, тупроқ 28-30 см. чуқурликда шудгорланади. Эртаги карам экиладиган далалар эрта баҳорда бороналаниб жўяклар олинади, кечки карам такрорий экин сифатида экиладиган бўлса, асосий экин йиғиштириб олингач, ер сугорилади, етилгач 22-25 см чуқурликда хайдалади, бороналанади, молаланади ва жўяк олинади.

Карам икки йиллик ўсимлик бўлиб, биринчи йили карамбош, иккинчи йили эса гулпоя чиқариб, гуллайти ва уруг беради. У совуққа (4-8 даражагача) чидамли сабзавот экинидир. Ўсимликнинг яхши ўсиб ривожланиши учун харорат 15-20 даражада бўлганлиги маъқул. Суткалик ўртача харорат 25<sup>0</sup> дан ортиб, кундузи 30-35<sup>0</sup> гача борганда, карамнинг бош ўраши секинлашади, тезпишар навларда тўхташи ҳам мумкин.

Республикамизда карам кўчатлари униб чиққанидан 100-120 кун ўтгач, ки кўчатлар далага ўтказилгач, 60-85 кунда пишиб етилади.

**Навлари.** Эртанги экин сифатидан эртапишар Июнская, Номер первый Грибовская 147; кечки муддатда ўртапишар Ташкентская 10; кечпишар Ўзбекистанская 133, Саратон, Судья узбекский; қишолди экиш учун Дербент махаллийси, Наврўз, Апшеронская озимая навлари яроқли.

**Кўчат етиштириш.** Юқоридаги қайд этилган навларни тозалиги 98 %, унувчанлиги 85% дан кам бўлмаган 1 класс уруглардан бир гектарига кўчат олиш учун 350-400 грами етарли хисобланади.

Уруглар экиш олдидан сувда, ки 0,01-0,05 % ли ўстирувчи стимуляторлар, микроэлементлар эритмасида 10-12 соат мобайнида ивителиди, сўнгра ТМТД, ки бошқа шунга ўхшаш фунгицидлар (1 грамм уругга 4-8 грамм препарат) билан ишланади. Шундай нишлатилган ва ишланган уруглар илиқ, ки ярим илиқ кўчатхоналарга экин учун декабр – январ ойларида, ўртаги карам сифатида, март-апрел ойларининг бошларида 0,5-1,0 см чуқурликга экилади. Ўсимлик кўқаришигача харорат- 15-20<sup>0</sup>, сўнгра 8-10<sup>0</sup> да сақлангани маъқул.

Зда кечки карам кўчатларини ўстириш дала яқинида жойлашган кўчатхонада ташкил қилиниб, кичик дала, ки эгатларда етиштирилади. Кўчатлар зарур бўлса сийраклаштирилади, ўсув даврида озиклантирилади, сугорилади, бегона ўтлардан тозаланади, 4-5 чинбарг хосил қилгач, далага ўтқазилади.

**Кўчат ўтқазииш муддати, қалинлиги ва чизмаси.** Ўзбекистонда карам тўрт муддатда экилади: эртанги – феврал ойининг охири, март ойининг бошларида: ўртанги – март ойининг охири 10 кунлигида, кечки -15 июндан – 15 июлгача; қиш олдидан ноябр ойи бошларида экилади. Қатор оралари 70 см, туп оралари навига қараб – 25, 30,40 ва 50 см қилиниб, хар гектарига 28-30, 36-37 ва 47-57 мингтагача кўчат экилади.

**Парваришлаш.** Кўчатлар тутгандан сўнг, қатор ораларига биринчи комплекс ишлов берилади: қатор оралари юмшатилади, озиклантирилади ва ўсимлик

бўгзигача қўлда чопиқ қилинади. Жами қатор ораларига 2-3 марта ишлов берилади. Тупроқ намлиги даланинг намлик сизимига нисбатан 80-90 % бўлиши керак. Эртанги карам, сизот сувлари чуқур жойлашган бўз тупроқларда 8-9 марта, юза жойлашган ерларда 5-6 марта, кечки карам эса 11-12 ва 7-9 марта хисобида сугорилади. Ўртача сугориш меъ,ри гектарига 450-550 м<sup>3</sup>.

**Касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш.** ,ш нихолларга, карам бактериози, сохта ун шудринг касаллиги, битлар, карам пашшаси, куяси, карам капалаклари катта зарар келтиради. Карам бактериози, сохта ун шудрингига қарши уруг экиш олдида 20 минут давомида 45-50<sup>0</sup> да қиздирилади. Сўнгра хар бир кг урукга 6-8 грамм ТМТД ,ки 3-4 грамм Тигам аралашмаси қўшилади.

Карам битига қарши 40 % лилон (1,0-1,5 кг/га), 10 % ли данитол(1,5-2,0 литр/га), колган барча зараркунандаларга қарши дендрабациллин, энтобактерин (1,5-2,0 кг/га), децис, каратэ (0,2-0,4л/га) икки марта пуркалганда яхши натижа беради.

**Йиғиштириш** .Хосил карам бошлари зичлашиб, қаттиқлашганда биринчи марта- май ойида, 2- марта 3-4-ноябр ойида қўлда йиғиб олинади. Карамнинг боши пичоқ билан бандидан кесиб олинади. Сўнгра 1-2 барги қолдирилиб тозаланади ва сотишга ,ки сақлашга жўнатилади.

Ўзбекистонда эртапишар карамнинг хосилдорлиги ўртача-150-200 ц/га, кечки карамнинг хосилдорлиги-250-280 ц/га, илгор хўжаликларда-350-400 ц/га ташкил этади.

**Бодринг ўстириш технологияси. Ер танлаш.** Унумдор, органик моддаларга бой, ер ости суви юза жойлашган, енгил кумоқ, шўрланмаган тупроқлар мос келади.

**Алмашлаб экишдаги ўрни.** Бодринг учун картошка, карам, сабзи, лавлаги энг яхши ўтмишдош хисобланади.

Бегона ўтларга қарши экишга 3-4 кун қолганда гектарига трефлан (0,75 кг) ,ки натрафор (2 кг таъсир этувчи модда хисобида) сешиб, юзаси (3-5 см) кўмилади. Бодринг экилгач, дархол дефенамид препарати, гектарига 4 кг хисобида сепилиши хам мумкин.

**Ўғитлаш.** Гектарига 20 тонна чириган гўнг, азот 150-200 кг, фосфор 100-150 кг, калий 50-75 кг таъсир этувчи модда сифатида солинади. Гўнг ва калий тўлик меъ,рида, фосфорнинг 75 фоизи шудгордан олдин, қолган 25 % экишда берилади, азотли ўғитлар асосан уч марта озиклантиришда: биринчи марта бодринг 2-3 та чинбарг чиқарганда, иккинчи марта гуллашда, учинчиси 2-3 марта хосил терилгач сепилади.

**Навлари.** Салат ва консервабоп Ранний-645, Первенец Ўзбекистан-265, Парад-176, Конкурент, Гулноз, Ўзбекиский-740, Талаба, Маргеланский-822 навлари экилгани маъқул.

**Экиш ва парваришлаш.** Ахолини тўхтовсиз барра бодринг билан таъминлаш учун экиш 15 апрелдан 15 июлгача гектарига 4-6 кг биринчи класс уруглари

хисобида пушталаб  $(110+70)/2 * 40$  см чуқурликда экилади. Кечки бодрингни 15 июндан 15 июлгача экиш тавсия этилади.

Умуман, уругни экиш олдида кампозан ,ки геметрелнинг 0,08 фоизли эритмасида ивитиш, ,ки уларнинг 0,05 фоизли эритмасини ўсимликнинг 2-3 чинбарглик даврида сепиш ургочи гуллар сонига ва ҳосилдорликка ижобий таъсир этади.

Бодринг уруги экилгач, ундириб олиш учун сугорилади. Ўсимлик 2-3 чинбарг ҳосил қилганда қатор ораларига ишлов берилиб, ҳар уяда иккитадан ўсимлик қолдириб яғоналанади. Иккинчи марта қатор ораларига ишлов бериш, ўсимлик 4-5 чинбарг пайдо қилиб гуллаш олдида ўтказилади. Бодринг палак ,зиб, гуллай бошлаши билан, қатор ораларига ишлов бериш тўхтатилиб, фақат сугорилиб турилади. Тупроқ намлиги даланинг намлик сизимига нисбатан 70-80 % дан кам бўлмаслиги учун, бодринг ер ости сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига қараб ҳар 6-8 кунда, жами 8-11 мартагача сугорилади. Сугориш меъ,ри гектарига 400-500 м<sup>3</sup>.

**Касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш.** Бодринг ун шудринги, ўргимчак кана, оқ пашша ва битлардан кучли зарарланади. Буларга қарши олтингугуртли препаратларнинг ИСО 0,75-1,0 % ли эритмаси, олтингугурт кукуни гектарига 10-12 кг, 25% ли данитолнинг (2 л/га) 5 % ли, суми-алфа (0,5л/га), тилт ва топаз препаратларининг 0,1 % ли эритмасини ва 40 % ли кронетон (0,6—1,0 кг/га) қўллаш самаралидир.

**Йиғиштириш.** Бодринг униб чиққанининг эллик – олтмишинчи куни биринчи марта; сўнгра ҳар 3-5 кунда, хатто 1-2 кунда ҳам, жами 15-20 мартагача териб олинади. Ҳосилдорлиги ўртача 100-120 ц/га, илгор хўжаликларда 250-300 ц/га. ни ташкил этади.

**Бош пи,з етиштириш технологияси. Ер танлаш.** Механик таркиби энгил, қумоқ бўлган оч тусли бўз тупроқлар яхши ҳисобланади. Шўрланган ва ботқоқ тупроқлар пи,з экиш учун яроқсиз ҳисобланади.

**Алмашлаб экишдаги ўрни.** Бош пи,з учун қатор оралари ишланадиган, далани бегона ўтлардан тозалайдиган – карам, картошка, помидор ва бодринг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Пи,зни, пи,здан ва илдизмевали сабзавотлардан сўнг экиш ман этилади.

**Ўғитлаш.** Пи,з илдизи ер юзасида жойлашганлиги учун нам тупроққа ва озиқага талабчан. Бир тонна пи,з етиштириш учун тупроққа 10,6 кг азот, 7,3 кг фосфор, 3,6 кг калий ўғитларини солиш зарур. Бўз тупроқларнинг ҳар бир гектарига 20-30 тонна гўнг, азот - 200 кг, фосфор - 150 кг, калий - 75 кг солиш тавсия этилади. Ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқларга азот 160 кг, фосфор 160 кг ва калий 80 кг ҳисобида берилади.

**Ерни экишга тай,рлаш.** Кузда тупроқ 22-28 см чуқурликда шудгорланади, текисланади. Эрта баҳорда бороланади, пи,з қўлда экиладиган бўлса жўяк олинади. Такрорий экин сифатида экиладиган бўлса, асосий экин

йигиштирилгач ерлар шудгорланади, жўяклар олиниб енгил сугорилади ва 8-10 кун ўтгач чизелланиб бороналанади ва молаланади.

Пи,з экилган майдонлар бир йиллик бегона ўтларга қарши у, экилгунга қадар гектарига тупроқнинг 6-8 чуқурлигида 1,0-1,5 кг/га, пи,з экилгач 7-8 кг/га трефлан ,ки 12 кг/га дактал таъсир этувчи модда сифатида сепилиши лозим.

**Навлари.** Эртапишар, Пешпазак, ўртапишар Караталский, кечпишар Каба-132, Самарқанд қизил пи,зи-172, Андижон оқ пи,зи, Маргилон узунчоқ пи,зи ва Испанский –313.

**Экиш муддати ва усуллари.** Ўзбекистонда пи,з 3 муддатда экилади: эрта бахорда – феврал ойининг охирида, мартнинг бошларида; ,зда – августда ва қиш олдидан- ноябр ойининг охирида ва декабрь ойининг бошларида экилади. Пи,з СКОН-4,2 маркали сеялкалар билан ленталаб экилади- (60+15+15 см ,ки 40+15+15 см, 50+20, 45+15 см чизмаларда). Экиш меъ,ри лента усулида гектарига эртаги муддатда 10-12 кг, ,з ва қиш олдидан экилганда эса 14-16 кг, сочма усулда 20-25 кг. Гектардаги туп сони 350-400 минг дона бўлиши мақсадга мувофиқ.

**Парваришлаш.** Тўла униб чиққандан сўнг, барра пи,знинг бўйи 5-6 см бўлганида ўсимликлар ораси 3-5 см қолдирилиб, биринчи ўтоқ, ягона ўтказилади, иккинчи ягона ва ўтоқ ўсимлик бўйи 15-20 см бўлганда ўтказилиб ўсимликлар ораси – 7 –8 см қолдирилади. Агарда бегона ўтлар кўпайса учинчи ўтоқ ҳам ўтказилади. Жами ўсув даврида қатор оралари КРН-2,8 А, КРН-4,2, КОР-4,2 культиваторлари билан 4-5 мартагача юмшатилади. Пи,з учун тупроқ намлиги даланинг намлик сизимида нисбатан 75-80 % бўлиши керак. Пи,з ўртача 12-14 мартагача сугорилади, хосилни йигиштиришга 3-5 хафта қолганда сугориш тўхтатилади.

**Хосилни йигиштириш.** Пи,з барглари сўлиб, сохта навдасининг қуриб буралаш, хосилнинг тай,р бўлиш белгисидир. Пи,з КТН-2Б, КСТ-1,4 маркали ковлагичлар билан ,ки кўлда бир марта йигиштирилади. Пи,зни тўла механизация ,рдамида йигиштиришда ЛКГ-1,4 ва ПМЛ-6 маркали комплекс машиналарда, пи,збошлар барг ва сохта поядан 2-3 см қолдирилиб, кесиб ташланади, қуритилади ва сақлашга ,ки истеъмолга жўнатилади. Хосилдорлиги ўртача 180-200 ц/га. ни ташкил этади.

**Саримсоқ ўстириш технологияси.** Саримсоқ бир йиллик экин сифатида ўстирилади. У вегетатив усулда палла ва хаво пи,зчаларидан экилади. Хаво пи,зчалари экилганда бир паллани пи,збош хосил қилади. Паллалари билан экилганда эса кўп паллани пи,збош хосил қилади. Саримсоқ қишга ва совуққа чидамли ўсимликдир. Унинг Ўзбекистонда гулпоя чиқарадиган Южный, Фиолетовый, Местный ва Майский ВИР навлари экилади.

Саримсоқ учун ерни тай,рлаш, ўгитлаш, бегона ўтларга қарши курашиш ва парваришлаш тадбирлари пи,з ўстиришдагидек олиб борилади.

Саримсоқ 1-15 сентябрда палаларидан 1-2 қаторли лента ўсулда  $(80+(20+20))/2*(5-6)$  см ва  $(40+(15+15))/2 *(7-8)$  см чизмада 6 – 8 см

чукурликка экилади. Экиш ме,ри палаларидан 100-150 кг/га, хаво пизчаларидан эса 3-4 қаторли қилиб, гектарига 50-100 кг пизча экилади. Саримсоқ экилгач кузда 2 – 3 марта, бахорда 4 – 6 марта сугорилади. Хар бир сугоришдан сўнг, ленталар оралиги культивация қилинади ва ўсиш карнайи синдириб олиб ташланади.

Саримсоқ пизбоши юпка пўст билан қопланиб, у қурий бошлаган хамда пояси сўлиганда хосили йигилади, 10 –12 кун хирмонда қуритилиб сараланади. Сўнгга сақлаш ,ки сотишга жўнатилади.

**Илдизмевали сабзавот экинларини ўстириш технологияси.** Сабзи, хўраки лавлаги, турп, шолгом экинларини экиш, дон ва эртаги сабзавот экинлари хосили ййгиштириб олингач, кечки илдизмевали экинлар сифатида экилиши мумкин. Уларнинг тупроқ ва хаво хароратига муносабати оддий карамникига ўхшаш бўлиб, турп ва шолгом совуққа чидамли, хураки лавлаги эса иссиққа талабчан. Турп ва шолгом тупроқ ва хаво намлиги (80 –90 %) га талабчан, сабзи хамда лавлаги эса кам талабчан хисобланади. Илдизмевали сабзавот экинлари тупроқ озукасига талабчан эмас. Уларга органик ўгитлар солиш тавсия этилмайди.

***Ер танлаш.*** Органик моддаларга бой ўтлоқ, яхши ўгитланган, механик таркиби энгил қумоқ тупроқлар яроқли хисобланади.

***Алмашлаб экишдаги ўрни.*** Қатор оралари ишланадиган ва чопиқ талаб экинлар(картошка, карам, помидор ва бодринг) яхши ўтмишдош хисобланади.

***Ўгитлаш.*** Илдизмевали сабзавотлар озик моддаларига унчалик талабчан эмас. Шунинг учун ўртача ўгитлаш ме,ри бўз тупроқларда азот – 120-150 кг/га, фосфор –80-100 кг/га, калий –40-50 кг/га, ўтлоқ тупроқларда азот -80-100 кг/га, фосфор -80-100 кг/га, калий – 40-50 кг/га таъсир этувчи модда сифатида берилади.

Калий ўгитининг 100 фоизи, фосфорнинг 70-75 фоизи хайдашда, қолган 25-30 % экишда, азот эса 2-озиклантиришда, биринчи марта 2-3 чинбарг чиқарганда, иккинчи марта илдизмева хосил бўла,тганида берилади.

Илдизмевалилар экилгунча бир йиллик бегона ўтларга қарши 8 –10 см тупроқ тагига трэфлан моддаси гектарига 0,5-0,75 кг таъсир этувчи модда хисобида, экилган ўсимлик кўкаргунча линурон, прометрин ва пропазин 2,5-3,5 кг ме,рида қўлланилади. Ўсимлик кўкариб, 1-2 чинбарг хосил қилганида, гектарига 3 кг хисобида прометрин препарати сепилади.Хўраки лавлаги экилган майдонга ўсимлик униб чиққунча 9-12 кг ацетлур, 1-2 чинбарг даврида эса, 6-7 кг бентанол сепилади.Гербицидлар қулланилган далалар хосили 4 ойдан сўнг истеъмол қилиниши мумкин.

***Ерни экишга тай,рлаш.*** Кузда ПН-4-35, ПЯ-3-35 плуглари билан тупроқ 30-35 см чукурликда шудгорланади. Экиш олдидан ер текис, юмшоқ ва кесаклари майдаланган бўлиши учун бороналанади ва молаланади.

Экиш меъ,ри, сабзи гектарига 6-8 кг, лавлаги 16-18 кг. Экиш чуқурлиги экин тури ва тупроқнинг механик таркиби, огир – енгиллигига қараб 1-2 см дан 3-4 см гача бўлади. Илдиз мевали сабзавотлар 3 муддатда экилади: эрта бахорда феврал ойининг охири, март ойининг бошларида (сабзи, лавлаги), эрта 15 июндан 15 июлгача (сабзи, шолгом, турп ва лавлаги); қиш олдида 15 ноябрдан 10 декабр гача (сабзининг Европадан келтирилган навлари, лавлаги) экилади.

Илдиз мевалилар қаторлаб, қатор ораси 60 см қилиниб, ки қўш қаторлар ленталаб  $(20+20)/2$  см, қўп қаторли ленталаб, лента ораси 20-30 см, қатор ораси –40-80 см қилиниб экилади. Кўрсатилган экиш чизмаларида хар бир гектарда сабзи-420-550 минг, шолгом-300-400 минг, турп ва лавлаги-150-200 минг туп бўлиши лозим.

**Навлари.** Сабзининг эртапишар Мшак 195, Мирзои сарик 304, ўртапишар Мирзои қизил 228, Нурли, Нантская 4, Шантане 2461, лавлагининг Бордо 237; турпнинг Маргилон; шолгомнинг Наманган махаллийси, Самарқанд махаллийси.

**Парваришлаш.** Эрта бахорда ернинг қотиб қолишига қарши 1,5-2,0 см чуқурликда чиринди билан ротацион мотиға ва бороналар, рдамида қатқалоги ишлатилиши мўлжалланади, қатор оралари КОР-4,2; КРН-2,8 А культиваторлари билан юмшатилади.

Илдиз мевалиларни парваришлашда бегона ўтларни йўқотиш ниҳоятда мураккаб ва меҳнатталаб ишдир. Қатор ораларидаги бегона ўтлар униб чиққач, култивация қилиш, ленталар ораларини эса ўтоқ қилиш йўли билан йўқотилади. Ўтоқ қилиш ягоналаш билан қўшиб олиб борилади.

Ўсимликларда 1-2 чинбарг пайдо бўлганда биринчи ўтоқ ва ягона, ундан икки хафта ўтгач, иккинчи ягона ва ўтоқ ўтказилади. Биринчи ягоналашда сабзи 2-3 см, иккинчисида эса 5-7 см, лавлаги ва шолгом оралиги 10-12 см, турпники 10-15 см бўлгани мақсадга мувофиқ бўлиб, бир текис ва товарбон хосил олинади.

Майсалар, пасига кўкартириб олингача тез-тез хар 3-4 кунда сугорилиб турилади. Улар бир текис кўкаргандан сўнг сугоришлар ораси 8-10 кун, хосил етилиш даврида эса 12-15 кунда ўтказилади. Бу эса тупроқ намлигини даланинг намлик сизимига нисбатан 60-75 % даражада бўлишини таъминлайди.

Кечки илдиз мевалиларни, хосилини йигиштиришга 2-3 хафта қолганда сугориш тўхтатилади. Жами ўсув даврида 5-11 марта гача сугорилади. Сугориш меъ,ри гектарига 500-600 м<sup>3</sup>.

**Йигиштириш.** Эртаги илдиз мевалилар хосили кўлда, аввал саралаб йигиштирилиб, бойлам холида сотилади, сўнгра СНУ-3С, СНШ-4, СНС-2М маркали ковлагичлар билан ковланади.

Хосил октябр-ноябр ойларида қаттиқ совуқлар бошлангунча йигиб олинади, қуритилади, сараланади ва сақлашга, ки сотишга жўнатилади. Хосилдорлик эртаги сабзи ўртача – 120-130 ц/га, кечкиси – 130-150 ц/га, илгор хўжаликларда 250-300 ц/га.ни ташкил этади.

**Сақлаш.** Илдизмевалилар асосан махсус ўраларда, хаво хусусияти яхшиланган омборхоналарда, сунъий совитиладиган хоналарда сақланади.

### **13.3. Сабзавотчиликда меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлаш.**

Республикаимиз сабзавотчилигида оила пудрати қадимдан тарқалган, меҳнатни ташкил этишнинг анъанавий усули бўлиб, қишлоқда истиқомат қилувчиларнинг уруг-аймоқ кўринишидаги жойлашувига тўғри келади.

Бу тармоқда ишларни механизациялаш даражаси паст бўлиб, махсулот етиштириш кўпроқ қўл меҳнати асосида амалга оширилади.

Оилавий пудратнинг асосий тамойилларидан бири юқори моддий манфаатдорликни таъминлаш, фақатгина махсулот миқдорини кўпайишига олиб келиш билан қаноатланмай, балки унинг сифатини кескин оширади, харажатларни тежашга ва даромадни кўпайтиришга имконият яратади.

Оила пудрати асосида иш юрита,тган сабзавотчилик жамоалари, шартнома шартлари бўйича белгиланган махсулот миқдорини энг кам меҳнат ва харажатлар сарфлаш эвазига етиштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши, хўжалик раҳбарияти эса уларни унумли ва самарали ишлари учун керакли шарт-шароитларни яратиб, зарур бўлган ресурслар билан ўз вақтида, тўлиқ таъминлашлари лозим. Оила пудратининг асосий устунлиги, бу пировард махсулотни етиштириш учун кўпроқ жавобгар ва манфаатдор бўлиш, пудратчининг даромади етиштирилган махсулот миқдори ва сифатига боглиқлиги, оилавий пудрат асосида иш юрита,тган сабзавотчиларнинг ўз меҳнатлари натижасидан манфаатдорликларини онгли равишда чуқур англаб етишларидадир.

Оила пудрати асосида меҳнатни ташкил этиш, оила бошлиги томонидан мустақил равишда амалга оширилиб, пудратчиларга ер майдонларини бирик-тириб беришда ширкат хўжаликларида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган хар бир гектар экин майдонининг кадастр бахоси рдамида хосилдорлигини хисобга олган холда, унга тўғри келадиган ишловчиларни чекланган сони, яъни меҳнат меъ,рлари эътиборга олинishi шарт.

Ширкат хўжалиги ва оила пудрати ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларини тартибга солувчи шартнома, асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, у томонларнинг ҳуқуқий вазифаларини белгилаб беради.

Оилавий пудрат асосида иш юрита, тган хўжалик аъзолари ишни мустақил ташкил этиш, шартномадан ортиқча етиштирган маҳсулотларини ўзлари тасарруф этиши, харажат ва даромадларни ҳисоб-китоб қилиш бўйича амалий ва назарий билимларга эга бўлиши керак.

Оилавий пудрат асосида иш юрита, тган ширкат хўжалиги аъзолари етиштира, тган маҳсулотлари учун ҳақ тўлашни ташкил этишда қуйидагилардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир: етиштириладиган 100 сўмлик товар маҳсулотига тўланадиган иш ҳақи меъ,ри ва оилавий пудрат аъзоларига йил давомида тўлаб бориладиган иш ҳақи фондининг 70 фоизи, бўнак тариқасида тўлаб борилиши ва йил якунида унинг қолган қисми пировард натижаларга қараб тўланиши лозим.

Мисол: Самарқанд вилояти, Самарқанд туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигидаги Бахриев Умурзоқ бошчилигидаги оила пудратига 1,47 га ер майдони бириктирилиб, шундан: помидор учун - 0,27 га, узум учун – 0,25 га мева учун - 0,45 га ва бугдой экиш учун 0,50 га ажратиб берилган. Хосилдорлик гектаридан мутаносиб равишда 345 ц; 110; 75 ва 45 центнердан режалаштирилган. Ялпи маҳсулот қиймати барча экин турлари бўйича аввалги йилнинг харид нархлари бўйича ҳисобланиб- 706,0 минг сўмни ташкил этган. Тариф бўйича иш ҳақи фонди 107170 сўмни ташкил этган. Маҳсулот учун қўшимча 35 фоиз (37509,5сўм) ҳисобланганда, жами иш ҳақи фонди (даромад) 144679,5 сўмни (107170+37509,5 сўм) ташкил этади.

100 сўмлик товар маҳсулоти қийматидан иш ҳақи фонди(даромад) 20,5 сўмни ташкил этади(144679,5:706000)\*100. Шундан йил давомида 70% дан ,ки 101275,7 сўмдан (144679,5\*70)/100 ошмаган миқдорда бўнак тариқасида пудрат аъзоларига ва пудратчининг ер майдонида ишлаган ,лланма ишловчиларга тўлаб борилади.

Агар оила пудрати жамоаси белгиланган шартномага нисбатан қўшимча сабзавотчилик махсулотлари етиштириб, уни топширса, қўшимча махсулотнинг хар 100 сўмига 14,35(20,5\*70%) сўм иш хақи (даромад) сўммаси қўшилиб борилади.

Хўжаликда иш хақи фонди республикада жорий этилган иш хақи таъриф ставкалари, иш меъ,рларидан келиб чиққан холда, корхонада тузилган технологик хариталар асосида белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Мехнат хақи оилавий пудрат аъзолари ўртасида, улардан хар бирининг ўз шартномасидаги топширикни бажаришда умумий пировард натижаларга қўшган хиссаларига қараб тақсимланади.

Бўнак иш хақи миқдорини аниқлаш услуги

1 9 жадвал

Экин турлари	Би-рикт ирил-ган экин майдони, га	Хосилдорлик		Таклиф этилган тахминий харид нархлари, тоннаси/минг сўм	Ялпи даромад минг сўм	Ялпи даромадн и иш хақи учун ажратилган қисми, сўм	Иш хақининг 70 фоиз бўнак учун тўланадиган қисми, сўм	Бир гектар майдонга тўғ-ри келадиган бўнак миқдори, сўм
		Хар бир гектардан, цент-нер	Жами, тонна					
Поми-дор	0,27	345	9,315	31,0	288,8	39431	27538,7	X
Узум	0,25	110	2,750	55,0	151,3	30382	21267,4	X
Мева	0,45	75	3,375	40,0	135,0	21797	15257,9	X
Бугдой	0,50	45	22,5	58,0	130,5	15650	10955,0	X
Жами	1,47	X	X	X	705,6	107170,0	75019	51033

Ширкат хўжалигида оила пудратининг ижобий натижаси қуйидаги жадвалда ўз аксини топган. «Дўстлик» ширкат хўжалигида, сабзавотчиликда оила пудратининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

10 жадвал

Т / р	Пудратчининг исми шарифи	Экин тури сабзавот	Бир китилган ода мерсони (киши) айдо ни (га)	Бир китилган ода мерсони (киши)	Хосилдорлик ц/га		Ялпи хосил, ц		Жами ишлаб чиқариш харажатлари (минг сўм)		
					Режа	Ҳақиқатда	Режа	Ҳақиқатда	Режа	Ҳақиқатда	ш.ж иш хақи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	Хайдаров Н	тама т	2.5	4	295	350	73	90	1642	1846	395
2	Холмуродов а Т	тама т	5	9	320	366	160	183	3616	3687	779
3	Ялпи пул Худойкулов тунуми (минг сўм)	тама т	3.7	6	Рентабе 33	413	123	154	2767	3058	733
4	Суяров Қ	тама т	6	11	даражас 32	342	195	217	4407	4472	970
5	Курбонов Х Режа и	тама т	Ҳақиқат 5	10%	300	340	150	сарфи, 3390	харид нархи, 3498	нарихи, 751	
6	Рузимуродов а Р	тама т	2.5	4	340	408	77	102	1740	2157	413
13	Ва хоказо...	15	16	17	18	19	20	х	х	х	х
1899	2329	257	483	262	339	2051,1	300	308	6511	2587,8	1935
4606	4874	990	1187	32,2	3	2014,8	0	11,6	2	2669,4	3
3654	4575	878	1517	49,6		1985,7		10		2970,8	
5832	6490	1425	2018	45,1		2060,8		12		2990,8	
4318	4858	928	1360	38,9		2057,6		13		2857,6	
2217	2748	477	591	27,4		2114,7		10		3568,8	
х	х	х	х	х	х	х	х	х	х	х	х
82426	82048	17309	15006	22,4		2172,5		16		2658,7	



## 14-боб. Картошка ишлаб чиқаришни ташкил этиш

### 14.1. Картошка ишлаб чиқаришнинг ахамияти ва вазифалари.

Картошка аҳоли истеъмол қиладиган энг мухим озиқ-овқат махсулотларидан бири бўлиши билан бир қаторда, техник-спирт ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари учун қимматли хом-аш, ва чорва моллари учун энг керакли ем-хашак ахамиятига эга бўлган универсал экиндр.

Унинг таркибида витаминлар (С,В,-В<sub>6</sub>, РР, К ва бошқалар), минерал моддалар (кальций, йод, темир, олтингугурт, фосфор ва калийлар), оқсиллар ва хусусан алмашинмайдиган аминокислоталар (лизин, лейцин, валин, тирозин ва хоказолар) кўп бўлганлиги учун, ш болалар танасининг суяк ва мускулларини мустахам ва тез ўсишига олиб келади.

Картошкadan 500 дан зи,д турдаги мазали таомлар тай,рланади.

Картошка хосилдорлиги хар бир гектаридан 300 ц.ни ташкил этганда, ундан 11400 ц. гача озуқа бирлиги олиш мумкин, ,ки 10365 ц.га тенг сут ишлаб чиқариш учун озуқа мавжуд демакдир. Крахмаллиги 17,6 %- ни ташкил этганда, 1 тонна картошкadan 170 кг крахмал ,ки 112 литр спирт ва бундан ташқари 900-1100 кг чорва молларига хусусан чўчқаларга бериладиган чиқинди-мезги олинади. Картошкadan олинадиган спиртдан тибби,тда фойдаланилса, крахмали республикада янги ривожлана,тган қоз, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатлари учун энг но,б хомаш,дир.

Картошканинг иқтисодий ва агротехник ахамияти шундаки, ундан кейин экиладиган экинлар учун дала тупроги юмшоқ ва бегона ўтлардан тозаланган бўлади.

Республикада картошка ишлаб чиқариш «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» мажмуасига қарашли бўлган ширкат, фермер ва дехқон хўжаликлари томонидан амалга оширилмоқда. Хозирги вақтда картошка ишлаб чиқариш таркибий жихатдан 94 % га яқини, якка дехқон хўжаликларида, 4 %- ширкат ва 2%- фермер хўжаликлари томонидан етиштирилмоқда.

**Ўзбекистонда картошка 50-52 минг га. ер майдонида, 700-750 минг тонна хажмида ва хар 1 га. экин майдонидан 12,5-13,0 тонна хосил олиниб, хар бир аҳоли жон бошига меъ,рдаги 63,9 кг ўрнига, 29-30 кг етказилмоқда.**

Мамлакатимизда картошка ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари жуда кам. Умуман, республикада иклим ва табиий -иқтисодий шарт-шароитлари туфайли картошка ишлаб чиқармайдиган худудлар хам мавжуддир.

Картошка тупроқ таркиби ва минерал ўғитларга жуда талабчан бўлган қишлоқ хўжалиги экинидир. Шунинг учун уни ишлаб чиқариш илмий жихатдан асосланган агротехникани яъни алмашлаб экишни,нав танлаш ва ўғитлашни, экишни ўз вақтида ўтказишни, ўсиш даврида тупроқ намлигини бир текис сақланишини, хамда тупроқ таркибини сув ювиб кетишидан химоя қилишни талаб қиладди.

Мамлакатимизда картошка ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун қуйидаги муаммоларни ечиш лозим:

- ❖ картошканинг биологик хусусиятларини ва аҳолининг унга бўлган талабини ҳисобга олгани ҳолда экин майдонини кенгайтириш ва ҳосилдорликни ҳар гектарига камида 150 центнердан ошириш;
- ❖ картошка ишлаб чиқаришни арзонлаштириш, самарадорлигини ошириш ва ҳажмини меърий талаблар даражасига етказиш учун ширкат ва фермер хўжаликларида картошкачиликни кенг миқсда ривожлантириш;
- ❖ республикада картошка уругчилик тизимини такомиллаштириш, серхосил ва истиқболли навларни яратиш ва 2 ҳосил олиш технологиясини кенг жорий этиш.

Картошка ишлаб чиқаришни ҳажмини талаб даражасигача етказиш мақсадида қуйидаги тадбирий-чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- республикадаги мавжуд ҳудудлар табиий-иқтисодий шароитига мос келадиган ва илмий жиҳатдан асосланган картошка ишлаб чиқаришнинг ҳудудий тизимини яратиш;
- фермер ва ширкат хўжаликларида ишлаб чиқариладиган картошканинг ҳажмини кўпайтириш мақсадида, алмашлаб экиш тизимида картошка етказиш учун талаб даражасидаги ер майдонларини ажратиш, уларнинг табиий-иқтисодий шароитларига мос келадиган навларни яратиш учун уругчилик ишларини кенгайтириш ва рағбатлантириш;
- давлат томонидан картошка уругининг улгуржи бозорини шакллантириш ва кенгайтириш;
- картошка ишлаб чиқарувчи хўжаликларга сервис хизмати кўрсатиш шаҳобчаларини кўпайтириш ва такомиллаштириш;
- картошкачиликка илгор ва тежамкор технологияларни ҳамда мини техника воситаларини жорий этишни тезлаштириш;
- бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, соҳага меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг илгор услубларини кенг жорий этиш;
- вилоят ва туманлардаги тайрлов ташкилотлари корхоналари билан картошка ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ўртасидаги шартнома ва ҳисоб-китоб ишларини такомиллаштириш, тайрлов корхоналари томонидан картошкани нақд пулга олдиндан тузилган келишувга мувофиқ сотиб олиш ва ички бозорни тўлдириш ишларини амалга ошириш.

#### **14.2. Картошка ишлаб чиқаришда технологик жараёнларни ташкил этиш.**

Хўжаликларда режалаштирилган картошка ҳосилини олиш учун ердан самарали фойдаланиш, тупроқ - иқлим шароитларини ҳисобга олиш, техника ва ишчи кучи сарфининг энг кам миқдорига эришиш – қисқаси картошка ишлаб чиқаришнинг илмий жиҳатдан асосланган илгор технологиясини ўзлаштириш зарур.

Хозирги пайтда картошка етиштиришда илмий жихатдан асосланган қуйидаги технологияларини қўллаш тавсия этилади:

- ❖ текис ер майдони юзасида, қаторлар ораси 70 см бўлган анъанавий технология;
- ❖ қаторлар ораси 90 см бўлган, экишдан аввал ер чуқур хайдаладиган, экишда култиваторлардан фойдаланиладиган такомиллашган технология;
- ❖ голланд технологияси;
- ❖ немис «Гримме» фирмаси типидagi қаторлар технологияси. Бу технологияда экишдан аввал тупроққа ишлов беришда хосил шаклланадиган жуяклар ва улар орасидаги тошлар, турли қолдиқлар олиб ташланади.

**Санаб ўтилган технологияларнинг меҳнат сарфи ва турли воситалар харажатига талаб даражаси турличадир. Хўжаликлар ер шароитидан келиб чиқиб, энг кам сарфли ва юқори маҳсулдор технологияларни танлаб оладилар.**

Ўзбекистон шароитида картошка етиштириш буйича умумий меҳнат жараёнларини 4 босқичга бўлиб меъролаш мумкин:

- далани экишга тайролаш ва ўғит чиқариш;
- уруглик картошкани экишга тайролаш;
- кўчатларни парвариш қилиш;
- хосилни йиғиштириб олиш ва унга сўнгги қайта ишлов бериш.

**Ерни тайролаш.** Картошка тупроқнинг юмшоқ бўлишига талабчан. Тупроқни тайролаш одатда уни юмшатишдан ва кузги чуқур шудгорлашдан бошланади. Кузги шудгорлаш 2 ярусли плугда 35-40 см чуқурликда амалга оширилса сифатли ҳисобланади. Хайдов олдида ерларга минерал ва маҳаллий ўғитлар солинади. Хайдовдан сўнг ариқ ва эгатларни текислаш учун энгил режалаш ўтказилади. Тупроқни баҳорги экишга тайролаш мақсадида, кузда култиватор ёрдамида олдиндан пушта олиш мақсадга мувофиқдир.

**Далага ўғит чиқариш.** Гектаридан 200-250 ц картошка хосили етиштириш учун экин майдонига 100-125 кг азот, 40-45 кг фосфор ва 140-200 кг калий солинади. Далаларга минерал ўғитлар турли типдаги прицепли машиналарда ташилади. Органиқ ўғитларни ташишда юк тушириш ва ортиш тизими кулланилса, аввалдан улар уюладиган жойлар белгиланади. Бу уюмлар орасидаги масофа ( L ) ташилатган ўғит меъори, уюмлар сони, машиналар тавсифидан келиб чиқиб, қуйидаги формула буйича аниқланади:

$$L=10^4 \times G/H * K_k$$

Бу ерда: G-ўғит сочиш машинасининг юк кутариш қуввати, тонна ҳисобида;

H - ўғит сочиш нормаси, га/тн;

$K_k$  -ўғит сочиш машинасининг камров кенглиги, м.

Ўғит уюмлари ва уларнинг орасидаги масофа, одатда, 80-100 м дан иборат бўлади.

**Экиш.** Картошкadan юқори хосил олишнинг муҳим шартларидан бири уни ўз вақтида экишдир. Иссик кунларнинг узоқ вақт давом этиши Ўзбекистонда картошкadan 2 марта хосил олиш имконини беради. Эртаги картошка далага чиқиш имкони тугилиши биланок, яъни феврал ойининг охири

ва март ойининг бошларида экилиши керак. Чунки, знинг иссик кунлари бошлангунча туганаклар шаклланиб олиши лозим. Мўлжалланган далаларга картошка экиш ўша майдонда тупроқнинг 10 см чуқурликдаги харорати 7-8 градусгача илигандагина бошланади. Харорат бундан паст бўлса, қадалган картошка чириб кетади. Агар экиш муддати 5 кунга кечикса, урта ва кеч пишар картошка навларининг хосилдорлиги 14-18% га, 20 кун кечикса, 26-38 % га камайиб кетади.

Картошка экишда агрегатларнинг иш унумдорлиги технологик жараёнларни тўғри ташкил этишга боғлиқ. Далаларга экишга мўлжалланган картошка туганакларини келтириш, экиш агрегатлари бункерларини меъридагидай тўлдириш ҳам ана шу жараёнга киради.

Далаларда тупроқ намлиги етарли бўлганда картошкани аввалдан кесиб тайёрланган туганаклар тарзида ҳам ўтказиш мумкин.

Одатдаги туганакларни экиш учун СН-46-1 СКС-4 маркали картошка экадиган машиналар, МТЗ-50 ва МТЗ-80/83 тракторларига агрегатланадиган САЯ-4 мосламасидан фойдаланилади. 90 см ли қатор ораларига экишни махсус картошка экадиган КСН-91 маркали картошка экич машинаси тарзида амалга оширилади. Ўзги экишда йирик туганаклар 15-16 см, майда ва урталари 10-12 см чуқурликга экилади. Бахорги экиш, сугориш ариқчаларини тайёрлаш билан бир вақтда амалга оширилади. Уругликлар тупроқнинг табиий намлигида ундириб олинади. Ўзги экиш хавонинг юқори хароратли даврига тўғри келади, шунинг учун туганакларнинг тўла униб чиқишига эришиш учун тупроқ яхшилаб намланиши ва эрта сахарда экиш кечқурун салқин пайтларда ўтказилиши керак.

Агар ўзги экиш текис майдонларда амалга оширилса, экишдан сунг сугориш ўтказиш лозим. Бу сугоришни ўз вақтидан кечиктириш, униб чиқатган ниҳолларнинг сийраклашишига олиб келади.

Картошка экини учун қатор оралари кенглиги 70x20-25 см чизмани килиб қабул қилинган. Хозирги вақтда қатор ораларини 90x15-20 см чизмани килиб картошка етиштиришга ўтилмоқда. Бу картошка экилган майдонларга оширилган тезликда ишлов бериш имконини беради. Қаторларга картошка экиш қалинлиги, экиладиган материал ва уругликнинг хажмига, навига ва тупроқнинг унумдорлигига боғлиқ. Йирик туганаклиларни экишда қатордаги уялар ораллиги 20-35 см ни (1га ерга 41-47 минг туп ўсимлик жойлашиши керак), ўртача туганаклар ораллиги эса 20-25 см ни (1га ерга 57-70 минг туп) ташкил этади. Туплар бақувватлиги билан фарқ қилувчи тезпишар навлар, кечпишар навларга нисбатан бирмунча зич экилади.

*Хосилни йиштириб олиш.* Бу картошка етиштиришдаги энг сермехнат жараёндир, шунга қарамасдан, тармоқда хозирча анъанавий қўл меҳнати етакчилик қилади. Кейинги йилларда ширкат ва фермер хўжаликларида картошка хосилини йиштириб олишга илгор технологиялар кириб келмоқда. Амалда 1 га. ердан олиннадиган картошка хосили 180-250 ц бўлса, уни қўлда йиштириш учун 30-40 киши куни сарфланади. Агар бу иш КТН-2Б маркали

картошка ковлаш машинасида бажарилса, қўл меҳнати 2-2.5 марта камаяди. Картошка машинада ковланганда, ердан батамом қазиб чиқарилиши ва сақланмаслиги керак. Хосилни машинада ковлаш учун квадрат уялаб экилган далалар ажратилади. Бу далалар мумкин қадар катта, узун ва экин қатор оралари бир хил кенгликда бўлиши зарур. Экин орасидаги бегона ўтлар йўқотилади, хосил комбайнда ковланадиган бўлса, картошка палаклари чопилиб, даладан ташқарига чиқарилади. Дала четларида машиналарнинг бурилиши учун жой тайёрланади.

Хосили машинада йигиштирилладиган далалар зағонларга бўлинади. Агрегатни қаторлар оралатиб юргизиш яхши натижа беради. Бунда аввал зағоннинг ўнг томонидаги 1-2 жўякнинг хосили йигиштирилиб, сунгра агрегат чапга бурилади ва 17-18-жўякларга, ундан кейин 3-4 ва 20-жўякларга солинади ва хоказо.

КТН-2Б маркали комбайн бир йўла 2 жўякдаги хосилни қазиб чиқаради, унинг элеваторлари картошкани тупроқ ва палаклардан тозалаб, саватларга солади. Бу комбайнда майда ва йирик картошкаларни хиллайдиган галвир ҳам бор. Йирик картошкалар транспорт, орқали саватларга, уртача ва майда картошкалар эса комбайнга тиркалган тележкага тушади. Зарур бўлганда ҳамма картошкани саватларга, ки тележкаларга тушириш ҳам мумкин.

Комбайнларни бетўхтов ишлатиш ва қазилган картошкани ўз вақтида ташиб туриш учун хар бир агрегатга 50 кг дан картошка сигадиған конуссимон саватлардан 150-200 та тайёрлаш керак. КТН-2Б маркали картошка қазийдиган комбайн бункерига 1200 кг картошка сигади.

Элеваторли ҳамда элеваторсиз машиналар бир йўла 2 жўякдаги хосилни қазийди ва тупроқдан тозалаб, дала бетига ташлайди.

Картошка ковлаш машиналарини картошка терувчилардан 1-2 соат илгари ишга тушириш ва ковланган картошкани шу кундан қолдирмай йигиштириб олиш учун комбайнларни картошка терувчилардан олдинроқ тухтатиш керак. Айниқса кечкурунлари бу қоидаларга қатъий амал қилиш лозим.

Картошкани йигиштириб бўлгандан кейин дала бороналанади, ки хайдалади, ерда қолган картошкалар қўлда териб олинади.

**Хосилни сақлаш.** Етиштирилган картошка хосили шаҳарларда ихтисослашган сабзаёт сақлагичларда, қишлоқ жойларида аҳолининг шахсий уралари-сабзаётларни сақлаш учун махсус қазилган кичик-кичик ер ости хандақларида сақланади.

## 15-боб. Узумчиликни ташкил этиш.

### 15.1. Узумчиликнинг аҳамияти, ихтисослашиши ва истиқболи

Узумчилик мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида экспортбоп маҳсулот етиштирадиган энг сердаромад тармоқлардан биридир. Узумнинг хўл мевасида 15-30 %, қуритилган майизи таркибида эса – 40-50 % шакар моддаси бўлиб, у тез (2-3 йилда) хосилга кириб, узок (100 йилгача) яшаб, халқ хўжалигини органик кислоталар: пектин, ошловчи ва

бў,қ моддалар, ўсимлик елими, ферментлар, А, Б, С витаминлари ва минерал тузлар билан таъминлайдиган алохида ўсимликлар қаторига киради.

Бу соҳа, шампан винолари, коньяклар, мураббо ва майизлари билан республикамиз экспорт салоҳиятини кучайтира олади ва давлат хазинасини хорижий давлатлар валютаси билан таъминлай оладиган но,б тармоқдир. Узум, узоқ сақланиш ва узоққа ташишга чидамли хусусиятларга эга бўлган ўсимликдир.

Ўзбекистонда узумчилик маҳсулотлари «Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг»мажмуаси таркибидаги ихтисослашган корхоналарда, шу жумладан унинг 43-45 % - ширкат хўжаликларда, 53,0 % - дехқон хўжаликларида ва 2,0-2,5 фоизи фермер хўжаликларида етиштирилмоқда.

Хўжаликка фойдали белгилари бўйича узум ва узум маҳсулотлари етиштириш таркиби 27 та хўраки ва 25 та винобоп навлардан ташкил топган. Хозирги вақтда 20 фоиз майдонга хўраки узум, 65 % майдонга майизбоп ва 15 % майдонга винобоп навлар экилмоқда.

Ихтисослаштирилган узумчилик хўжаликларини ташкил этишда, уларни қуйидаги ишлаб чиқариш типларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир:

- йирик шаҳар, саноат марказлари ва туманлар атрофида эртапишар хўраки узумларни етиштирадиган ширкат ва ижарачилар хўжаликлари (80 % гача, хўраки узум етиштиради);
- тоғолди ва тоғли худудларда майизбоп узумчилик хўжаликларини ривожлантириш (85-90 % гача товар майиз етиштириш);
- сугориладиган худудларда узумни қайта ишлайдиган винобоп навларини етказувчи хўжаликларни ривожлантириш( 60% винобоп, 30 % хўраки, 10 % майиз етиштирадиган);
- маҳсулотлари аралаштирилган истеъмолга мўлжалланган хўжаликлар (20 % хўраки, 65 % майизбоп ва 15 % винобоп);
- узумчилик-боғдорчилик типидagi хўжаликлари;
- боғ-узумчилик типидagi корхоналар.

Токзорлар учун ер майдонларини агроном, ер тузувчи,тупроқшунос, эколог, иқтисодчи ва бошқа мутахассислардан иборат хайъат танлаши лозим. Токзорлар даҳалар узунлиги 600-1000 м, эни 200-300 м бўлган холда 15-25 га. қилиб ажратилади. Одатда ҳар бир даҳа бир хил узум нави билан банд бўлгани мақсадга мувофиқ. Улар биологик ва технологик жихатдан бир –бирига яқин бўлиши шарт.

Узум етиштириш истиқболини белгилашда қуйидагиларга эътибор берилиши керак:

- узумчилик тармогини хажми, маҳсулот етиштириш таркиби(хўраки, майизбоп ва винобоп) ва навлар тузилиши;
- етиштириладиган узум навига талаб ва уни қондириш манбаълари;
- узум кўчатлари ва янги навлар учун ер майдонларини танлаш;

- тоқзорларда ўтказиладиган агротехник тадбирлар тизими;
- тоқзорларнинг ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосили;
- ижара муносабатлари асосида меҳнатни ташкил этиш(ишчи кучига бўлган талаб ва меҳнат мувозанати);
- ички ва ташқи шартномалар тизимини шакллантириш(буюртмалар папкасини яратиш);
- меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини яратиш;
- техникага, асбоб-ускуналарга, айланма воситаларга ва хусусан ўғит, захарли химикатлар ҳамда бошқа хизматларга бўлган талаб;
- капитал қурилмаларга бўлган талабни режалаштириш;
- узумларни сақлайдиган омборлар, қайта ишлайдиган корхоналар ва маҳсулотлар экспортини режалаштириш;
- асосий иқтисодий кўрсаткичларни режалаштириш: маҳсулотлар таннарни, меҳнат унумдорлиги, ялпи даромад ва ишлаб чиқариш самарадорлиги.

Узумчиликда тоқзорлар қатъий режа асосида ташкил этилиши лозим ва унда асосий агротехник жараёнларни ўз вақтида ўтказишга катта эътибор бериш керак.

## 15.2. Узум ишлаб чиқаришда технологик жараёнларни ташкил этиш

*Тоқзор ерларга ишлов бериш.* Хаво режимини яхшилаш, сув ва ўғитларни тоқ туплари яхши ўзлаштириб ривожланиши учун тоқзор ерга ишлов берилади. Бундай ерда нам яхши тўпланеди ва сақланади. Ер 20-25 см чуқурликда агдариб чопилади.

Унда ҳар галги сугоришдан 2-3 кун ўтгач, ер 15-20 см чуқурликда юмшатилади. Кузда тоқ кўмилгандан кейин 25-30 см чуқурликда агдариб чопилади.

Вегетация даврида тупроқда намликни сақлаш, бегона ўтларни йўқотиш ва тупроқни юмшоқ ҳолда сақлаб туриш учун қатор оралари 10-12 см чуқурликда, 3-4 марта культивация қилинади.

Баҳор-,з ойларида юмшоқ қатлам ҳосил қилиш учун НЮ-18 плугига ўрнатилган мослама билан тоқ тупи атрофидаги тупроққа ишлов берилади.

МПВ, НЮ-18 машина ва мосламалар қўрдамида сугориш эгатлари очилади, қатор оралари культивация қилинади ва қўрпасига юмшатилади.

*Тоқни сугориш.* Ўзбекистоннинг кескин континентал иқлим шароитида тоқларни сугориш юқори ҳосил олишда энг муҳим агротехник тадбирлардан биридир.

Бўз тупроқли ерларда илдизи чуқур ўсган ҳосилдор тоқ 4-5 марта, енгил қумоқ тупроқли ерларда 5-7 марта, шагал тошли ерларда 8-10 марта, сизот сувлари юза жойлашган ерларда 1-2 марта сугорилади. Тоқ тупларидан 50 см наридан очилган эгатлардан сув оқизиб-жилдиратиб

сугорилади. Биринчи марта апрелда, иккинчи марта майда, учинчи марта июнда, тўртинчи – бешинчи марта июль – август ойларида сугорилади. Хосилни узишдан 15-20 кун олдин сугориш тўхтатилади. Токка қишда яхоб суви бериш фойдали. Бунда ер 2 метр чуқурликкача намланиши керак. Токни тупроқ ичидан ва томчилатиб сугориш истиқболлидир.

Токни ўғитлаш. Ток ўғитларга жуда талабчан бўлади. Токзорларга маҳаллий ўғитлардан гўнг, парранда ахлати; минерал ўғитлардан азотли (аммиакли селитра, мочевино), фосфорли (суперфосфат), калийли (калий хлорид) ўғитлар солинади. Азот - 120 кг/ га, фосфор – 90 кг/га, калий – 30 кг/га, органик ўғитлар 5 т/га дан 20 т/га гача солинади.

Томорқа ерларга аммиакли селитра, мочевино ва азотли ўғитларнинг бошқа хилларининг асосий қисми 1 м<sup>2</sup> ерга – 30-50 г.дан эрта баҳорда солинади, суперфосфат -50-60 г.дан, калий хлорид- 15-20 г.дан кузда солинади. Минерал ўғитлар маҳаллий ўғитларга қўшиб солинса самарадорлиги янада ошади.

Токни ўсиш даврида 2 марта: биринчи марта гуллашидан 15-20 кун олдин ва иккинчи марта гуллагач 15-20 кун кейин қўшимча озиклантириш тавсия этилади. Ўғитлар ток тупларидан 50-60 см наридан 60X60 см чуқурликда қовланган ўралар орқали берилади. Хар бир чуқур - ўрага бир сатил аралашма солинади.

Таъкидлаш керакки аралаш минерал ўғитлар (аммафос, нитрофос ва бошқалар) оддий ўғитларга нисбатан бир қатор агрохимик ва иқтисодий самарадорликка эга. Шунинг учун сугориладиган хосилдор токзорларга хар йили баҳорда (токлар очилгандан кейин) 225 кг/га аммофос билан бирга 225 кг/га аммиакли селитра ва 250 кг/га калий тузлари ,ки 455 кг/га нитрофос хисобида минерал ўғит солинса яхши натижалар беради.

Токни ўстирувчи моддалардан фойдаланиш. Узумнинг уругсиз навлари хосилини ошириш мақсадида гиббереллиндан фойдаланиш тавсия этилади. Тўпгул 10 л сувга 1 г гиббереллин аралаштирилиб ботирилса, хосили 40-50 % гача ошиб, сифати яхшиланади. 1 гектарга 30 г гиббереллин сарфланади.

Занг ва новдаларни боғлаш. Занг ва хосил олиш учун қолдирилган новдалар туплар очилиши билан сим багазларга боғланади. Бу иш куртаклар бўртгунча тугалланиши керак. Туплар қатор орасига ишлов беришда машинани бемалол ўтиши учун, занглар биринчи сим сатхигача кў- тариладикки, бунда хосил берувчи ва кўк новдалар ишга халақит бермасин.

Токни шакллантириш ва кесиш. Ток кесиш муҳим агратехник усул бўлиб, токнинг ўсиши ва мева қилишини тартибга солади. Бу усул ,рдамида токни парваришлаш учун қулай шакл берилиб, у токзордан фойдаланиш давомида сақлаб турилади. Токка тўгри шакл берилиши ва оқилона ўстириш тизимида узоқ вақт ва юқори хосил олинишини таъминлайди, қу,ш нуридан, иссиқлик, сув ва озуқа моддаларидан тўлиқроқ фойдаланишга, шунингдек механизацияни кенг қўлланишига имкон беради.

Тупни шакллантириш кўчатларни ўтказишга тай,рлашдан бошланади, бунда уларда икки учта кўзча қолдирилиб кесилади.

Кучли кўчатлар ўтказилганда биринчи йили қатор бўйлаб йўналтирилган 3-4 та новда ўстирилади.

Агар кўчатда атига 1 та новда ривожланса, 3 та бачки хосил бўлиши учун у 4-5 чи баргдан юқориқда чилпилади.

Бир йиллик кўчатлар қишда кесмасдан кўмилади, кейинги баҳорда симбагазга ўрнатилади.

Иккинчи йили баҳорда туплар новдаларнинг ривожланишига кўра кесилади: кучли занглар (пишган новдалар) шундай кесиладики, уларнинг пастки симга боғлаш мумкин бўлсин, кучсизлари 2-3 та кўзча қолдириб, калта кесилади.

Ўзбекистон шароитида навданинг ўсиш кучи ва муайян навдага кўра кучлироқ новдалар узунроқ кесилади новдаларда 6-8, 9-12, 12-15 та кўзча қолдириб хар хил узунликда кесилади.

Республиканинг кўпгина туманларида тупларни кўмишдан олдин ва уларни очгандан кейин бўладиган совуқлар кузчаларнинг зарарланишига, зангнинг кўп йиллик қисмларидаги тўқималарнинг қисман қуришига олиб келади.

**Токнинг яшил новдаларига ишлов бериш.** Мухим агротехник тадбирлардан бири токни хомток қилиш, новдаларни чилпиш, бачки новдаларини олиб ташлаш ва чеканка қилишдир. Новдаларни ўсиши ва етилиши, хосил сифати, ўсимликларни қишга тай,рлаш ва шу кабилар, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва тўғри ўтказилишига боғлиқ.

**Хомток қилиш.** Баргнинг хазм қилиш юзаси билан хосили ўртасида тўғри нисбатни ўрнатиш, тупни шакллантириш учун новдалар танлаш, қўлай хаво - ,руглик шароитларини яратиш учун новдаларнинг қалинлашиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида токдаги новда ва хосил миқдорини меъ,рга солиш керак. Бу айниқса узумнинг хўраки ва қишмиш навларида туп гул ва шингилларнинг ривожланиши ва хосил сифатининг яхшиланишига ,рдам беради.

**Новдалар чеканкаси-** новдаларни юқори қисмини бир нечта барг билан бирга олиб ташлашдан иборат. Чеканкани айрим холлардагина жуда кучли ўсувчи, токзорларни сийраклаштириш билан бир вақтда август ойининг биринчи ярмида ўтқозиш керак. Бунда новда, бачки новда ва баргларнинг ток тупини жуда қалинлаштириб юборадиган ва хаво хамда ,ругликнинг ўтишига халал берадиган қисмлари олиб ташланади. Бу токка кейинги ишлов беришни, зараркунанда ва касалликларга қарши курашишни осонлаштиради, меваларни ранги чиройли бўлишини таъминлайди. Хомток қилишда ва яшил навдаларни синдириб ташлашда тупдаги куртаклар сонини тегишлича қолдириб тупнинг ўртача хосилдорлигини сақлаб туриш, яшил навдалар билан ўтқозиладиган ишларни тўғри олиб бориш, чеканка қилишни истисно қилади.

**Бачкидан тозалаш.** Токда асосий навда барглари ва узум бошларини соялатиб қўядиган бачкилар, кучли ўсиб кетганда уларда икки-учта барг қолдириб, қолган қисми олиб ташланади, чунки улар хосилни етилишини

новданинг пишишини кечиктиради ва замбуругли касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Қандайдир сабабларга кўра асосий навдалар етарли бўлмаган тоқзорларда бачки новдаларнинг бир қисми уларни кейинги йил хосил навдасига айлантириш учун қолдирилади.

**Чилпиш** – новдаларнинг учки қисмидан яхши ривожланмаган бир, иккита барг ва ўсиш нуқтасини олиб ташлашдан иборат. Гули кўп тўкиладиган ва натижада узум бошлари сийрак бўлиб қоладиган новларда новдаларнинг ўсишини вақтинча тўхтатиш мақсадида новдалар чилпилади. Бунда озиқ моддалар новдаларнинг ўсишига эмас, тўпгулларга йўналтирилади, натижада гул ва тугунчаларнинг тўкилиши 15-20% ва ундан кўпроқ камаяди, узум хосили ошади.

**Новдалари ва хосили кам тоқ тупларида бачки новдаларини ўстириш мақсадида хосил қилмайдиган навдалар гуллашдан 10-15 кун олдин, яъни бачки куртаклар ўса бошлашдан олдин чилпилади. Бачки новдалар ривожлангандан кейин ортиқчалари олиб ташланади, бунда хосилсиз новдаларда кўпи билан икки-учта бачки новда қолдириб, улар қулай ва бошқа новдаларга соя солмайдиган қилиб жойлаштирилади.**

## **16-боб. Ем-хашак ишлаб чиқаришни ташкил этиш**

### **16.1. Ем-хашак базасини таснифи ва ташкил этиш тамойиллари**

Чорвачилик тармогининг ривожланиши, чорва моллари ва паранда бош сонининг кўпайиши, уларнинг махсулдорлигининг ўсиб боришида озуқа базаси муҳим аҳамиятга эгадир.

Чорвачиликда озуқа базаси дейилганда ем-хашак етиштириш таркиби, уни етиштириш техника ва технологияси, озуқа таъриш ва ундан фойдаланиш тизими тушунилади.

Яқин йиллар ичида ҳар бир фермер хўжалигида, хусусий ферма ва корхонада мустақкам озуқа базасини яратиш вазифалари иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурида таъкидлаб ўтилган. Озуқа таъришни ташкил этишга қўйидаги асосий талаблар қўйилади:

- ўз хўжалигида етиштирилган юқори сифатли мувозанатлашган озуқа билан хўжаликдаги барча чорва молларини йил давомида бир текис таъминлаш;
- энг кам меҳнат ва моддий-пул сарфлари билан мўл ем-хашак етиштириш;
- хўжалик яйлов ва ўтлоқларидан фойдаланиш ҳамда сугориладиган ерларда озуқа етиштиришни бир-бири билан боғлаб олиб боришда, табиий шароитлардан тўла фойдаланиш.

**Чорвачиликни хусусийлаштириш асосида ривожлантириш озуқа сифатининг яхши бўлишигагина юқори талаб қўймай, балки уларнинг физик хусусиятига ҳам талаб қўймоқда. Озуқаларни транспортда ташишга ва уни тайриш билан боғлиқ бўлган барча ишларни механизациялаш қулай бўлиши керак. Акс ҳолда чорвачилик**

тармоқларида қўлланиладиган янги технологиядан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги пасаяди, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва хусусийлаштириш кечикиб, бу тармоқда меҳнат унумдорлигини ошириш имконияти пасаяди. Озуқалар ўз хусусиятига кўра бир неча хил бўлади: ўсимликчиликдан олинадиган озуқалар, хайвонлардан олинадиган озуқалар, минерал озуқалар ва х. з.

Хайвонлар махсулотларидан тай, рланадиган озуқалар қишлоқ хўжалик хайвонлари махсулотларини қайта ишлаш натижасида ҳосил қилинади. Масалан, чорва махсулотларини қайта ишлаш натижасида олинадиган озуқаларга сут ва унинг зардоби, гўшт, балиқ ва суяк унлари киради.

Ўсимликлардан тай, рланадиган озуқалар барча хусусиятлари ва таркибий қисмини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги гуруҳларга бўлинади: омукта озуқалар, дагал хашаклар, ширали озуқалар, кўк ўтлар ва минерал озуқалар.

**Омукта озуқаларга** маккажўхори дони, арпа, сули, нўхат, соя, бугдой, жавдар ва уларни қайта ишлашдан олинадиган махсулотлар, кепак ва хоказолар киради. Булардан ташқари, пахта кунжараси, шелуха шрот, мойли экинлар кунжараси ва бошқа шу гуруҳдаги озуқа турлари киради.

**Дагал озуқаларга** сомон, похол, пичан ва сугориладиган ерлардан ўриб олинадиган бир йиллик ва кўп йиллик пичанлар киради.

**Ширали озуқаларга** илдиз мевалилар ва силослар киради.



**Кўк ўтларга** табиий яйловлардаги ўтлар, алмашлаб экиладиган ерларда чорва молларини боқиш мақсадида экиладиган экинлар киради. Тай, рлаш қоидаларига тўла амал қилиб бостирилган сенажлар кўк ўтдан қолишмайди.


**Минерал озуқаларга** ош тузи, суяк уни, бўр ва хар-хил микроэлементлар киради. Буларни чорва молларининг турлари ҳамда тузилган рацион таркибини ҳисобга олган ҳолда молларга озуқалар билан аралаштирилган ҳолда, ки алоҳида бериш мумкин.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ўзлари жойлашган ҳудуд шароитига кўра чорва моллари учун тузиладиган йиллик рацион бўйича озуқа танлашда аввало озуқа манбаларига қараб чорва молларини боқиш типларини белгилайдилар.

#### Озуқалар тавсифи

Ўсимлик дун, сидан келиб  
чиққан озуқалар





Маълумки, ҳар-хил озуқалар турли хил тўйимли элементларга эгаллиги, таннархи турличалиги, меҳнат сарфи ҳар-хиллиги ва бошқа кўрсаткичларига кўра ташкилий-иқтисодий жиҳатдан баҳоланади.

Озуқа экинларини иқтисодий жиҳатдан баҳолашда бир қанча кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар мазкур озуқабоп экинларни ҳар тамонлама баҳолашга эришад беради. Берилган баҳолар асосида озуқа экинлари майдонининг таркибини аниқлаб, ердан фойдаланишнинг энг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш мумкин.

Айрим озуқа экинларини иқтисодий баҳолаш кўрсаткичларига қўйидагилар киради: озуқа бирлиги ва хазм бўлувчи протеин, ҳосилдорлик, бир озуқа бирлигининг таннархи, меҳнат сарфи (киши/соат), бир гектар майдондан олинган озуқа қиймати (сўм ҳисобида), бир киши/соат ҳисобига етиштирилган хазмланивчи протеин, ишлаб чиқариш харажатларининг ҳар бир сўми ҳисобига

етиштирилган озуқа, озуқа-протеин таннархи, даромад, соф даромад ва бошқалар.

Асосий кўрсаткичлардан яна бири озуқа таркибидаги хазмланувчи протеиннинг миқдоридир. Бир гектар озуқа майдонидан олинадиган асосий ва қўшимча махсулот (дон ва сомон, илдизпоя ва х.к.) таркибидаги озуқа бирлиги ва хазмланувчи протеин миқдорини аниқлаш учун бир ц (центнер) озуқа таркибидаги озуқа бирлигини сингувчи протеин миқдорига кўпайтириш керак.

$$O_{\Pi} = \frac{O_{\text{б}} * (C_{\text{п}} * 10)}{2}$$

Бунда:  $O_{\Pi}$  - бир гектар ердан олинадиган озуқа протеин миқдори

$O_{\text{б}}$  - бир гектар ердан олинадиган озуқа бирлигининг хажми

$C_{\text{п}}$  - бир гектардан олинадиган хазмланувчи протеин, ц

2 ва 10 бир кг сулига нисбатан олинган озуқалар сифатини белгилашда эталон сифатида белгиланган озуқа бирлиги ва сингувчи протеин коэффициенти.

Бир центнер озуқа ва озуқа протеинининг таннархи озуқа таннархини озуқадаги озуқа бирликлар хажмига бўлиш йўли билан топилади.

Сули билан солиштириб баҳолаш йўли билан аниқлаш учун хар бир озуқа ўсимлигининг хосилдорлигини озуқа протеин хисобидаги сули хосилдорлигига бўлиш йўли билан топиш мумкин.

Хар бир хўжалик етиштира, тган чорвачилик махсулоти таннархида чорва махсулоти турига қараб 50-75% гача озуқа харажатлари тўғри келади.

Озуқа рационни чорва моллари турлари ва уларнинг гурухлари бўйича зоотехника қонунларига кўра иқтисодий, ташкилий-хўжалик шароити хисобга олинган холда бериладиган озуқалар йигиндисидир. Етиштирилган озуқалар хўжаликни зооветеренария, ташкилий-иқтисодий ва хоказо талабларига жавоб бериши керак.

## 16.2. Ем-хашак ишлаб чиқаришни режалаштириш

Қишлоқ хўжалик корхоналарида чорвачиликнинг ривожланиши ва унинг иқтисодий афзаллигини таъминлаш кўп жихатдан чорвани қишлоқдан яхши чиқишига, ем-хашак режасининг бажарилиши ва унинг мувозанати тўғри келишига боғлиқдир.

Озуқа режаси – бу чорва молларини турлари бўйича ем-хашакка бўлган талаблари хисоб-китобидир. Бу режалар хар йили, хар бир хўжаликда, ферма ва бўлимларда тузилади. Режалар бажарилиш муддатларига кўра икки хил қилиб тузилади.

Биринчи хил режалар ўтган йил хосилидан янги йил хосилигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Иккинчи хил режалар тузилганда эса йилнинг 1-январидан 31-декабригача бўлган даврни ,ки календарь йилни ўз ичига олади. Иккинчи хил

озуқа режалари йиллик ишлаб чиқариш бизнес режасининг ажралмас қисми бўлиб, моддий-пул харажатлари хажмини аниқлаш учун зарурдир.

**Хўжаликлар учун ем-хашак режаси ва мувозанатини тузишда чорва молларининг тирик вазни, махсулдорлиги, илмий жихатдан асосланган йиллик озуқа меъри, озуқа бирлиги, хазмланувчи протеинга айлантирилган бошқа озуқа моддалар хисобга олинган холда қиш ,ки ,з мавсумлари учун алоҳида хисобланади.**

**Режалаштиришда ем-хашакка бўлган талаб икки йўл билан аниқланади. Озуқага бўлган талабни аниқлашнинг биринчи йўли чорва моллари жинси ва ,ш гуруҳларига, бош сонига, чорва моллари ва паррандалар учун белгиланган йиллик озуқа бирлиги меърига қараб; иккинчи йўли махсулот етиштириш учун белгиланган ,ки сараланадиган озуқа бирлиги меърий кўрсаткичларига, озиқлантириш таркибига қараб аниқланади. Биринчи йўл билан озуқага бўлган талабни аниқлаш учун чорва молларининг ўртача йиллик бош сони, йиллик озиқлантириш меърларига кўпайтирилади. Бу йўл билан чорва молларининг муайян гуруҳи учун бир хил озуқадан қанча зарурлиги аниқланади.**

Ем-хашак мувозанати хўжаликларнинг ем-хашакка бўлган талабини хўжаликда мавжуд бўлган озуқага солиштириш, озуқа билан таъминланганлик даражасини аниқлаш имконини беради. Буни аниқлаш учун хар бир озуқа тури бўйича озуқага бўлган талаб белгиланиб, уни аниқлаш жадвали тузилади. Бу жадвалда тартиб номери, озуқа тури, ўлчов бирлиги, режалаштирилган йил учун талаб қилинадиган озуқалар, озуқа бирлиги хисобида хўжаликда мавжуд ,ки кутила,тган озуқа хажми, унинг таъминланиш даражаси (% да) кўрсатилади.

Озуқа мувозанати кўзда тутилган озуқаларнинг барча турлари бўйича натурал озуқа бирлиги, сингувчи протеин хисобларида тузилади. Шунингдек режа бўйича ва ҳақиқий мувозанат тузилади.

**Озуқа мувозанатини тузиш вақтида қишлоқ хўжалик корхоналари, фермерлар жойлашган худудлар, уларнинг ихтисослашганлиги ва экин майдонлари таркиби хисобга олинган холда иш кўрилади. Хар бир хўжаликнинг чорвачилиги, ишлаб чиқариш йўналиши, ихтисослашганлигига кўра шу озуқа мувозанати билан бирга йиллик рационлар таркиби, бир озуқани иккинчиси билан алмаштириш мумкинлиги ҳам хисобга олиниши керак. Бундай турли хил вариантларда тузилган озуқа рационлари озуқа экинлари, экин майдонлари таркиби, жойлаштириш вариантлари ҳамда тузилган ем-хашак режаси ва мувозанатининг хўжаликлар учун қулайлиги улар ичидан ташкилий-иқтисодий жихатдан энг афзал вариантни танлаб олиш имконини беради.**

Хўжаликда тузилган озуқа мувозанатида ем-хашак турлари бўйича ,ки умуман таъминланиш даражасида етишмовчилик бўлса, улар ўрнини тўлдириш манбалари изланади. Ем-хашак мувозанатида барча озуқа турлари бўйича таъминлаш даражаси яхши бўлса, чорва молларининг бош сонини келгусида кўпайтириш борасида фикр юритиш мумкин бўлади. Бу холда ем-хашак таъминоти ойлар ва даҳалар бўйича хисобга олиниши керак бўлади.

### 16.3. Ем-хашак тай,рлашни ташкил этиш

Қишлоқ хўжалик корхоналарида алмашлаб экиш схемаси ва даҳалар буйича ем-хашак тай,рлаш режаларини тузишда шу режалар асосида ҳар бир озуқабоп экиннинг асосий хосили ва қўшимча маҳсулот сифатида олинадиган озуқалар агротехника тадбирларини ўтказиш ва йигим-терим даврини аниқ белгилаб, уни ўтказишга графиклар тузиш мақсадга мувофиқдир.

Бу борада режа бўйича қўшиладиган хосилни, ҳар бир озуқа экинлари бўйича таъсир этувчи омилларни алоҳида-алоҳида ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун махсус илмий-тадқиқот институтлари ишлаб чиққан меъ,рлардан фойдаланилади. Юқори дозадаги минерал ўғитлардан фойдаланиш натижасида ўсишни қўйидаги формула ,рдамида аниқлаш мумкин:

$$Pr = \frac{D * K}{P}$$

Бунда: Пр - бир гектардан олинган қўшимча хосил

Д - бир гектар майдонга қўшимча солинган ўғит (соф ҳолда)

К - мазкур экинда ўғитдан фойдаланиш коэффиценти

П - бир ц (центнер) маҳсулот етиштиришга кетадиган озуқа: - мазкур экин экилган майдон, га.

Пичан ўриш ва уни маълум даражада қўритилгандан кейин йигиб олиш, гарамлаш, ташиш, юклаш, тушириш ишлари ҳозир тўла механизациялаштирилган ва бу мақсад учун машиналар системаси мавжуд.

Пичан жамғаришда 4-2,1 маркали трактор, гарамлашда ГБУ-6 маркали, пресслашда ПСБ-1,6 маркали прессподборшик каби механизация воситаларидан фойдаланилганда ем-хашак от ва қўл кучи билан жамғарилгандагига қараганда нобудгарчилиги 2-3 баробар камаяди. Ўрим-йигим технологияси хўжаликдаги техника воситаларига қараб белгиланади. Хўжаликда прессподборшик бўлмаса, ПКС-2М, ПСБ-1,6, ВНХ-3Б ҳамда ВНБ-3,0 ва хоказо маркали техника воситаларидан фойдаланиш мумкин. ППВ –1,6 типдаги прессподборшик билан пресслаш қўйидагича ташкил этилади: ўт трактор ўроғида ўрилади, қуритиб пичан қилинади, трактор хаскашида йигилади, пресслаб тай,рланади ва тойлаб тўплаш техникаси ,рдамида юкланади. Сўнгра озуқа сақланадиган жойга ташилади.

Тай,рланган ўтлар ҳажми аниқланиб, махсус далолатнома актлар билан қабул қилиб олинади. Бу актда ўт йигиштирилган жойнинг номи, йигиб олинган ўт хосилдорлиги, гарамлар сони, огирлиги, улар ҳажмининг кубатураси, улардаги ўтлар сифати кўрсатилган бўлади. Далолатномани озуқа тай,рловчи бригада бошлиги ва хўжалик томонидан қабул қилиб олувчи шахс имзолайди. 1 м<sup>2</sup> ўтнинг ҳажми, гарамдан бир куб метр ўтни олиб, торозида тортиш йўли билан аниқланади. Гарамнинг ҳажми қўйидаги формула ,рдамида топилади:

$$X = \frac{(\text{Э} + \text{Б} + 2) * \text{У}}{4^3}$$

Бунда: X- гарамнинг хажми, м

Э- гарамнинг эни, м

Б- гарамнинг айланаси, м

У- гарамнинг узунлиги, м

**Яйлов участкаларининг хажми бокиладиган чорва молларининг подадаги бош сони ва битта майдонда (майдон бирлигида) боқиш учун белгиланган чорва молларининг бош сони меъ,рсига бўлинади, 1 гектар майдонда боқилиши зарур бўлган чорва молларининг бош сонини аниқловчи меъ,р-юкламани аниқлашда қўйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:**

$$H = \frac{Y}{T * D}$$

Бунда:

H-бош сонини беркитиш меъ,ри, 1 га, бош

У-бир гектар майдондан чорва моллари ейдиган ўт миқдори, кг

T-бир бош чорва молининг бир суткадаги кўк ўтга бўлган талаби, кг

D-боқиш даври, кун

Хар бир хўжалик ўз ишлаб чиқариш йўналиши, чорва моллари сони, гуруҳи, яйлов хажмига кўра талаб қилинадиган яйлов майдонлари сонини ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун қўйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$M = \frac{D - K}{Mm}$$

Бунда: M-яйлов майдонлари сони

D-ўтнинг ўсиш даври, кун

Mm-битта яйлов майдончада мол боқиш муддати, кун

K-ут ўриб олиш учун қолдирилган яйловчалар

Ўтлоқ ва яйловлардан фойдаланишда ўтларни яхши ўстириш учун барча тадбирларни ўз муддатида, сифатига алоҳида эътибор бериб ўтказиш катта ташкилий-иқтисодий аҳамиятга эгадир. Яйлов ўтлари хосилдорлигини ошириш ишлари асосан икки йўл билан олиб борилади: биринчиси-яйлов ўтлари илдиз тизимини парвариш қилиш, иккинчиси-илдизнинг юқори қисмини парвариш қилиш.

Яйлов ва ўтлоқларда бир неча хил кўп йиллик ўтлар бўлиб, улар кўпинча вегетатив тарзда ривожланади. Яхши илдизлар қияли тараққий қилиб, ер юзасига яқин жойдан ва механик шикастланиш жойидан янги кўртак чиқариб ўсади. Бу хол кўп йиллик ўтлар хосилдорлигини кўпайтириш учун хар йили баҳорда ўтларнинг устки қисмини чиқиндилардан тозалаш, ўтларнинг илдиз

тизимига механик таъсир кўрсатиш, янги ўсимталар чиқариш, яйлов ва ўтлоқлар хосилдорлигини оширишга эришадиган бўлади.

Илдиз тизими орқали хосилдорликни кўпайтиришда яйлов ва ўтлоқларни сугориш, ўнгитлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун ем-хашак етиштирувчи ижарачилари, ки пудратчиларининг барча ишлари олдиндан режалаштирилади, ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи, уруклик ва бошқа воситалар ажратиб берилган бўлади.

Озуқа етиштирувчилар кўп йиллик ўтларнинг илдиздан устки қисмида бажариладиган ишларни ҳам ўз агротехник муддатида сифатли бажаришга жавобгардирлар. Бунга кўп йиллик ўтлар уругини сепишга тайёргарлик кўришдан йил охиригача қилинадиган агротехник ишлар ва йигиб-териб олиш ишлари киради. Бу ишларни бажаришда техникадан фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш, ташкилий-технологик ишларни тўғри ва режа асосида олиб бориш ишлаб чиқариш самрадорлигини оширувчи асосий омиллардир.

Тест рейтинг саволлари:

- Ем-хашак базаси деб нимага айтилади?
- Озуқлантириш меъри ва рационини таърифланг?
- Озуқа турларининг таркибини айтинг?
- Озуқа бирлиги деб нимага айтилади?
- Озуқлантириш типи деб нимага айтилади?
- Ем-хашакка бўлган талаб режаси қанақа усулларда тузилади?
- Ем-хашак базасига қўйиладиган ташкилий-иқтисодий талаблар?
- Ем-хашак мувозанати нима ва у қандай тузилади?
- Ем-хашакка иқтисодий баҳо қандай кўрсаткичлар орқали берилади?
- Ем-хашакка зоотехникавий баҳо беринг?

**Ш-БЎЛИМ. Чорвачилик тармоқларини ташкил этишнинг илмий асослари.**

17-боб. Чорвачиликни ташкил этишнинг умумий масалалари.

### **17.1. Чорвачиликни жадал ривожлантириш**

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида чорвачилик асосий тармоқлардан бири бўлиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоги 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Бозор иқтисодиёти даврида чорвачиликни жадал ривожлантиришни имкониятлари, авваломбор чорвачиликни хусусийлаштириш ва ихтисослашган ўрта ва кичик фермаларни кучайтириш ширкат, фермер ва аҳолининг шахсий хўжаликларида илгори тажриба, янги технологиялар ва фан ютуқларидан оқилона фойдаланишга қаратилиши лозим. Бунда хўжалик юритишнинг янги усуллари ва самарали ишлаб чиқариш тизимларини ишга солиш бозор иқтисодиёти учун айтилиши мумкин.

Чорвачиликни ривожлантиришда ширкат ва хусусий дехқон хўжаликларининг фермаларини қайта шакллантириш ва барқарор тараққий эттириш билан нодавлат чорвачиликни жадаллаштириш ва ихтисослаштириш асосий омиллардан ҳисобланади.

Чорвачиликнинг истиқболдаги ривожланиши ҳукуматнинг қишлоқ хужалигини ривожлантиришга қаратилган стратегияси "1998 - 2000 йилларда қишлоқ хужалигида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш" Дастурини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги қарорида ўз аксини топган. Бу дастур фермер хўжаликларини ташкил этиш, чорвачиликни хусусийлаштириш, мулкчилик шакллари ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараҳида рақобатчилик муҳитини яратишга ва рақобатни кучайтиришга қаратилган.

Ҳозирги кунда чорвачиликни жадал ривожлантириш асосида, унинг самарадорлигини оширишнинг барча ташкилий, иқтисодий ва қонуний ҳужжатлари, меърий асослари яратилган. Бу соҳа, асосан 5,6 минг чорвачилик фермер хўжаликларида ва 3,3 млн. шахсий томорка хўжаликларида ривожлантирилиб мавжуд қора молларнинг 66,1 фоизи, шу жумладан сигирларнинг 90,0 фоизи бундан ташқари, қуй ва эчкиларнинг 76,4 фоизи ва паррандаларнинг 58,7 фоизи дехқон хўжаликлари ихтирида бўлиб, чорвачиликни хусусий мулкка айлантирилишига иқтисодий асос яратилмоқда. Таъкидлаш керакки мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган гўштнинг 91,1 фоизи, сутнинг 93,6 фоизи ва тухумнинг 63 фоизи умуман олганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 60-63 фоизи хусусий томорка хўжаликларида етиштирилмоқда.

Фан ва амалиёт ходимларининг фикрича чорвачиликнинг ривожланиш даражаси ва хусусан моллар маҳсулдорлиги 60-65% ем-хашак таъминоти ва 20-25 % наслчилик ишларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам чорва молларининг озуқа базаси ва зотини яхшиламасдан, чорвачиликдаги технологияни такомиллаштириб янгиламасдан, юқори унумли машина ва жихозларни, меҳнатини ташкил этиш ва моддий манфаатдорликни илғор усулларини ишлаб чиқаришга жорий этмасдан тармоқни жадал ривожлантириш мумкин эмас. Хамма нарса моддий ва меҳнат ресурсларининг қандай даражада мавжудлигига, муайян ривожланиш йўналишларига, улар ўртасидаги мувозанатга мос келишига боғлиқ. Чорва молларининг зотини ва наслдорлик хусусиятларини яхшиламасдан фақат сонини ошириб бориш чорвачиликни экстенсив юритишнинг айнан ўзидир.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, унда ишлаб чиқариладиган маҳсулот бевосита хайвонлар организмидан олинади. Шунинг учун чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, чорва молларининг биологик хусусиятларидан қандай фойдаланишга боғлиқ. Бу биологик хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- ❖ турли чорва молларининг наслини ўсиш тезлиги ва етилувчанлик даражаси ҳар хил бўлади. Масалан, бузоқ вазнининг ўсиш тезлиги, у бир

д, шга етгунча 8,5- 9,0 марта, кўзиники 15-20 марта, чўчка болаларинини 125 - 150 мартани ташкил этади;

- ❖ чорва молларининг истеъмол килган озуқаларининг хазмланиш ва махсулотга айланиш даражаси турлича бўлади. Масалан, чўчкаларда истеъмол килинган хар 100 кг озуқа бирлигининг 35 фоизи, уларнинг танасида гўшт ва , гга айланса, қорамолларда эса фақатгина 14 фоизи хазм бўлиб махсулотга айланади, пировард натижада, қорамолчиликда 1 кг гўшт ишлаб чиқариш учун чўчкачиликка нисбатан 2 марта куп озуқа бирлиги сарфланади;
- ❖ чорва моллари биринчи қочириниш , ши ва бўғозлик даврининг узун, қисқалиги билан хам фарқланадилар. Масалан, чўчкалар биринчи марта 8-9 ойлигида, қорамол ва кўйлар 18 ойлигида қочирилади, демак чўчкалар бошқа чорва молларига нисбатан 2 марта тез етилувчан.

Чўчкачиликда бугозлик даври 114 - 116 кун бўлганлиги учун, улардан бир йилда 2,0- 2,5 марта насл олиш , ки улардан 20 - 25 бош чўчка боласи олиб, уларни жадал устириш натижасида 18 -20 ц чўчка гўшти ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд бўлган бир вақтда, сигирлардан 9 ой бугозлик даврида 1та бузоқ олиш ва 2 ц гўшт етиштириш (чўчкачиликка нисбатан 9-10 марта кам), кўйлардан 5 ой бугозлик даврида 1 та кўзи олиб, 0,5 ц гача (чўчкачиликка нисбатан 40 марта кам), тирик огирликни ўстириш мумкин.

- чорва моллари, гўшт сўйим чиқимининг юқори ва пастлик даражаси билан хам бир-бирларидан тафовутланадилар. Масалан, чўчкачиликда уларнинг зоти ва семизлик даражасига қараб гўштнинг тоза чиқими 62 фоиздан 81 фоизгачани ташкил этса, қорамолчиликда 50- 60 фоиз ва кўйчиликда 44-54 фоизни ташкил этади холос;
- чорва молларидан самарали фойдаланиш даври хам турлича бўлади. Масалан, қорамоллардан фойдаланиш муддати 8-10 йил, кўйлар 7-8 йил, чўчкалардан 4 йил, шу муддатларга қараб уларни яроқсизликка чиқариб гўштга топшириш режалаштирилади: қорамоллар 10-12 % яроқсизликка чиқарилади, кўйлар 14-15 % , чўчкалар 25 % яроқсизликка чиқарилиши мўлжалланиб бизнес режага киритилади.

Чорвачилик тармоқларининг юқорида қайд этилган хусусиятларидан чорва молларини жадал ривожлантириш муаммоларини хал этишда фойдаланиш лозим.

Чорвачиликни янада ривожлантириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ўстиришда давлат томонидан ишлаб чиқилган “Қишлоқ хужалигида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш” дастури гоят катта аҳамиятга эгадир.

Давлат дастурида чорвачиликни жадал ва барқарор ривожлантириш учун қуйидаги тадбирий чораларни амалга ошириш аниқ вазифа килиб қўйилган:

- чорвачилик фермаларини хусусийлаштириш;
- ихтисослашмаган хўжаликлардаги чорвачилик фермалари, улардаги моллар бош сонидан қатъий назар 250 бошдан кам қорамоли бўлган фермалар шахсий мулк сифатида сотилиши;

- мол бош сони 250 бошдан кўп бўлган қорамолчилик фермалари фермер хўжаликларига айлантирилиши;
- давлат наслчилик заводлари, наслчилик хўжаликлари ва фермалари, балиқ етиштириш учун мўлжалланган ховузлар ва табиий сув хавзалари хусусийлаштирилмаслиги;
- ихтисослаштирилган наслчилик хўжаликларини ташкил этиш;
- зооветеринария пунктлари очилиши, уларни барча керакли лаборатория ускуналари ва асбоб анжомлар билан тўлиқ таъминлаш;
- хусусийлаштирилган чорвачилик фермалари ва фермер хўжаликларига сугориладиган ер майдонларини беркитиш;
- хар йили озуқабоп экинлар 140 минг гектарга, такрорий экин майдонларини 200 минг гектар ҳисобида белгилаш;
- “Ўзгўштсаноат” давлат ҳиссадорлик уюшмасида қорамоллар ва чўчқаларни бўрдоқилаш ;
- қоракўлчиликда сохани мустақил фермер хўжаликлари шаклига ўтказиш;
- пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш, грён заводлари, пилла етиштирувчилар ва ипак йигирувчи корхоналар бирлаштирилиб, маҳсулотни калава сифатида тўқимачилик фабрикаларига сотиш ва экспорт қилиш ;
- балиқ етиштирувчи фермер хўжаликларини ташкил этиш;
- чорвачилик маҳсулотларини жойларда харид қилиб олиш.

Чорвачиликни юритишнинг янги тизимини истиқболга мўлжалланган тадбирий чораларини амалга ошириш, тармоқда мулк шаклини бозор иқтисоди, ти талабларига мослаштиришга ва чорвачиликнинг олдига қўйилган вазифаларни тўлиқ хал этишга ,рдам беради.

## **17.2. Чорвачилик тизимининг эволюцияси**

Чорвачилик тизими дейилганда мамлакатдаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига мос келадиган чорва моллари сонини ўстириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, маҳсулдорлигини мунтазам ошириб бориш, ҳамда маҳсулот бирлигига сарфланадиган меҳнат ва маблағ харажатларини тежаш имкониятларини яратиб берадиган чорвачилик воситаларидан максимал фойдаланиш орқали уни энг самарали тармоққа айлантиришни таъминлайдиган, иқтисодий, ташкилий,технологик ва техникавий тадбирий чоралар йигиндиси тушунилади.

Чорвачиликнинг у ,ки бу тармогини мамлакатнинг айрим туманлари ва худудларида жойлаштириш тасодифий бўлмай, балки аниқ табиий иқтисодий шарт-шароитлар, аҳоли ва бозор эти,жлари ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги билан белгиланади.

Мамлакатнинг турли туманлари ва худудларидаги табиий-иқтисодий хусусиятлар, ем-хашак етиштириш ва ундан фойдаланиш шароитлари ҳисобга

олинган холда чорвачиликни юритишнинг турли худудий ва аниқ маҳаллий тизимлари юзага келади. Чорвачиликни юритиш тизимлари подани такрор ишлаб чиқариш, чорва молларини қиш ва ,3 пайтларида асраш ва боқиш усуллари, ем-хашак етиштириш манбалари, тармоқни жадаллашганлиги, 1 бош чорва моли ва 1 гектар ем-хашак майдонига килинадиган меҳнат ва маблағ харажатлари даражаси, ҳамда 1 гектар ер майдони хисобига етиштирилган маҳсулот миқдори билан фарқланади.

Чорва молларини асраш ва боқиш, ем-хашак етиштириш ва ундан самарали фойдаланиш хусусиятларига кўра чорвачиликни юритиш тизими яйлов, яйлов-ўтлоқ, яйлов-огил, огил-яйлов, огил-лагер турларига бўлинади.

Соф асраш хусусиятларига кўра чорвачиликни юритиш тизими боглаб боқиш ва богламай боқиш тизимларига чорва моллари бош сонига килинадиган харажатлар ва улардан олинадиган маҳсулот миқдorigа кўра экстенсив ва интенсив тизимларига бўлинади. Бинобарин, объектив сабабларга кўра табиий - иқтисодий шароити турлича бўлган хўжаликлар учун шунингдек, айрим чорвачилик тармоқлари учун ягона тизим бўлиши мумкин эмас.

Яйлов тизими энг қадимий чорвачилик тизимидир. Бу тизимнинг асосини табиий яйловлар ташкил қилиб, улардан йилнинг турли фаслларида фойдаланилади. Бу тизимда инсон чорвачиликдаги ишлаб чиқариш жара,нлари (молларни боқиш, ем-хашак тай,рлаш, чорва бош сонини такрор ишлаб чиқариш)га кам аралашади.

Яйлов-ўтлоқ тизимида чорва моллари йил фаслларига кўра мавсумий яйловларда сақланади. Ноқулай об-хаво ва бошқа табиий шароитлар хисобга олиниб, кишилар учун уй-жой бинолари, чорва моллари учун эхти,т озуқа захиралари, усти ,пик қўтонлар қуриш, яйловларга сув чиқариш, қудуқлар қазилиб, улардан сув чиқариш механизациялаштирилади, ветеринария назорати йўлга қўйилади ва бошқалар.

Чорвачилик тизимининг анча такомиллашган шакли маданий яйлов тизими бўлиб, у ишлаб чиқариш жара,нига одамнинг фаол аралашувини тақозо этади. Бундай яйловларга изень, саксавул ва бошқа кўп йиллик чўл буталарининг уруги экилади, ,мгир сувларини тўплаш, қудуқлардан сув олиш йўли билан сугориладиган экинзорлар ташкил қилинади ва у ерларда ем-хашак етиштирилади, чўл ва ўтлоқларда кичик сув хоналар-сохалар ташкил қилинади. Чорва моллари қўшимча озиклантирилиб, уларнинг яхши ўсиш ва ривожланиши таъминланади.

Ўзбекистонда яйлов-ўтлоқ тизими қорақўлчиликда, гўшт ва дагал жунли қўйчиликда, йилқичиликда ва қисман гўшт қорамолчилигида қўлланади.

Огил-яйлов ,ки яйлов-огил тизими яйлов-ўтлоқ тизимининг анча такомиллашган ва жадаллашган кўринишидир. Огил тизими чорва молларини яйловда ўтлатиш даври, яйловларда ўтлар ўсиш муддати билан белгиланади. Бу тизим яйлов майдони унчалик катта бўлмаган, далачиликдан ем-хашак олиш имкони бўлган хўжаликларда кенг қўлланилади, чорва моллари яйловларда ўтлар униб чиқишидан кузгача ўтлатилади, қишда эса уларни асраш кишилар зиммасига тушади. Чорва моллари қишда яхши жихозланган огилхоналарда парвариш қилинади, ем-хашак та,рлаш, тележкаларга ортиш, сугориш, гўнг

тозалаш ишлари механизацияланади, озуқа омборлари, ишлаб чиқариш иншоатлари бунд этилади. Кўп хўжаликларда яйлов ва ўтлоқлар хосилдорлигини ошириш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилиб, маданий ўтлоқлар вужудга келтириладики, бу нарса ер бирлигига тўғри келадиган чорва моллари бош сонининг анча юқори бўлишини таъминлайди. Бунда ем-хашак майдони, чорва мол бош сони бирлигига меҳнат ва маблағ сарфлари кўп бўлсада, лекин харажатлар молларнинг анча юқори махсулдорлиги билан қопланиб кетади. Огил-яйлов ўтлоқ тизими ҳозирги даврда мамлакатимизнинг турли ҳудуд ва туманларида қорамолчиликнинг гўшт, сут-гўшт ва сут йўналишида майин жунли ва ярим майин жунли қўйчиликда, гўшт-мой қўйчилигида кенг қўлланилмоқда.

Огилхонада боқиш тизими чорвачиликнинг энг жадаллашган тизими бўлиб, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг жуда юқори даражада хайдалишига эришилган туманларда кенг қўлланилади, ем-хашак асосан далачиликдан олинади.

Агар яйлов, огил-яйлов тизимларида озуқа топиб ейиш қисман моллар зиммасига тушса, огилхона тизимида озуқа етиштириш ва уни чорва молларига бериш бутунлай кишилар зиммасига тушади. Шунга кўра моллар катий меъралар асосида боқилиб, урчитиш ва болалатиш муддатлари тартибга солинади, йил давомида бир меърада ва юқори даражада махсулот етиштириш таъминланади. Бу тизимда моллар йил давомида бино ичида сақланиб сайр учунгина ташқарига чиқарилади.

Кўп хўжаликларда огил-лагерь тизими ҳам қўлланилади. Бу тизимда моллар қишда огилхонада боқилиб, 3 ойларида лагерларга олиб чиқилади. Одатда лагерлар фермадан узоқ бўлмаган маданий ўтлоқларда ташкил килинади. Чорвачиликни бу тарзда ташкил килиш чорва моллари соғлигини сақлаш, уларнинг махсулдорлигини ошириш ва махсулот бирлигига сарфланадиган харажатларни қисқартириш имконини беради. Маданий яйловлар бўлмаган хўжаликларда ферма олди сайр майдончалари ташкил килинади, ҳамда моллар хосили йиғиштирилган майдонларда ўтлатилади ва сайр қилдирилади. Йил давомида огилхонада боқиш тизими асосан молларни семиртиришда, репродуктор чўчқачилигида, огил-лагерь тизими эса жадаллашган сут қорамолчилигида кенг қўлланилади.

Чорвачиликнинг ушбу тизимига иқтисодий баҳо беришда куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- хар 100 га ем-хашак майдонига тўғри келадиган чорва моллари сони ва чорва молларининг махсулдорлиги;
- 1 бош молга тўғри келадиган харажатлар;
- ем-хашак бирлигига етиштирилган махсулот миқдори;
- меҳнат унимдорлиги ва махсулот таннари, сарф-харажатлар самарадорлиги.

Ҳозирги вақтда хўжалик юритиш тизими дейилганда корхона фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил килиш, энг юқори ишлаб чиқариш натижаларига эришиш учун амалга ошириладиган ташкилий-иқтисодий, техникавий ва технологик ҳамда социал тадбирлар йиғиндиси

тушунилади.

Бу тизим хар бир худуд, туман ва корхонанинг табиий шароитларига мос келадиган ихтисослаштириш ва тармоқларни уйғунлаштириш тадбирларини ўз ичига олади.

Чорвачилик тармоқларини барқарор ривожлантириш ва самарали ташкил этиш учун, биринчи навбатда корхоналарнинг худудий жойлашишидаги табиий-иқтисодий шароитларини ўрганиш ва унга мос келадиган чорвачилик тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Чорвачилик тизимининг ташкилий иқтисодий тадбирларига: чорвачилик тармоқларини чуқур ихтисослаштириш ва жадаллашганлик даражасини ошириш: фермаларни самарали хажмини белгилаш: бизнес режалаштириш; меҳнатни меъ,рлаштириш, ташкил этиш ва унга ҳақ тулаш; ички хўжалик хисобини ташкил этиш ва бошқариш тадбирлари киради.

Технологик (зоомухандислик ва ветеринария) тадбирлари таркибига: подани такрорий ишлаб чиқариш, наслчилик ишлари, молларни асраш, озиқлантириш ва сақлаш, касалликларни олдини олиш ва даволаш тадбирлари киритилади.

Техникавий тадбирлар қаторига, тармоқларга керакли қурилмалар, узатгичлар ва воситалар, озуқа та,рлашни механизациялаш ва автоматлаштириш, компьютерлаштириш, машиналар тизими, озуқаларни ташиш ва таркатиш воситалари, сув билан таъминлаш, ҳаво тозалаш, сут соғиш ва уни қайта ишлаш, гўнг ташиш, жун қирқиш, тухум йигиштириш ва бошқа жара,нларни механизациялаштириш киради.

<sup>1</sup> 12 жадвал

### ***ЧОРВАЧИЛИКНИ ЮРИТИШ ТИЗИМИ.***

Ташкилий тадбирлар:	Технологик тадбирлар (зооветеринария)	Техникавий тадбирлар:
Иқтисослаштириш, жойлаштириш ва ишлаб чиқариш хажми.	Подани такрор ишлаб чиқариш.	Машиналар тизими.
Ишлаб чиқариш бўлинмалари (ферма, цех, бригада, отар) ни ташкил қилиш.	Наслчилик ишлари.	Бино ва техника воситалари тизими.
Меҳнатни ташкил қилиш, меъ,рлаш ва ҳақ тулаш.	Зооветеринария тадбирлари.	Ишлаб чиқариш жара,нларини, механизациялаштириш, электрлаштириш, автоматлаштириш ва компьютерлаштириш
Бошқариш ва ҳисоб китоб ишлари. Иш жара,нларини ташкил қилиш ва назорат.	Чорва молларини сақлаш ва боқиш усуллари.	
Ички ва ташқи шартномалар тузиш	Озуқа етиштириш ва тай,рлаш.	

Рақобат мухитини шакл-лангириш	Махсулотларни қайта ишлаш, тай,рлаш, ва сотиш.	
--------------------------------	--	--

### 17.3. Чорвачиликда подани такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Чорвачилик тизимининг асосини ва тармоқни жадал ривожлантиришнинг ўзагини подани такрор ишлаб чиқариш масалалари ташкил этади. Чунки чорвачилик махсулотлари етиштириш чорва молларининг биологик хусусиятларига асосланади ва улардан фойдаланиш молларининг табиий яшаш даври билан белгиланади. Шунинг учун чорвачилик тармогининг самарадорлиги подани такроран тўлдириб туриш даврининг узун, қисқалигига кўп жихатдан боғлиқ бўлади.

Подани такрор ишлаб чиқариш чорва моллар таркибини хусусан махсулдор молларни доимо янгиланиб туришини, подадан чиқариладиган молларни ,ш, юқори махсулдор моллар билан алмаштириб турилишини тақозо қилади. Подани такрор ишлаб чиқариш насл олиш, ,ш молларни ўстириш, уларни подадаги қариган, кам махсулдор моллар ўрнига ўтказиш ишларини ўз ичига олади.

Подани такрор ишлаб чиқариш, тармоқ олдида қўйилган мақсад ва вазифаларни амалда бажарилишига қараб оддий ва кенгайтирилган ҳолда амалга оширилади.

Чорвачиликни жадал ривожлантириш кўзда тутилмаган хўжаликларда оддий, яъни такрор ишлаб чиқаришда, махсулот етиштириш ва чорва моллар сони эски ҳажмда янгиланади. Агарда чорвачилик тармогини жадал ривожлантириш режалаштирилган бўлса, у вақтда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш амалга оширилади, яъни пода янгиланиб, чорва молларининг сони доимо кўпайтирилиб борилади, моллар сифати яхшиланади, зотсиз ва паст зотдаги моллар ўрнига, зотдор юқори классдаги ,ш, махсулдор моллар мунтазам келтирилади. Подани кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш чорва моллари сонини кўпайтириш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш, моллар махсулдорлигини жадал ўстириш билан қўшиб олиб борилиши керак. Моллар зоти ва наслдорлик сифатини яхшилаш, махсулдорлиги ва етилишини тезлаштириш - подани такрор ишлаб чиқаришнинг жадал йўли ҳисобланади. Бу чорвачиликни ривожлантиришнинг бош йўли бўлиб, тармоқнинг ялпи махсулотини янада кўпайтиришга, махсулотлар таннархини пасайишига ва рентабеллигини ошишига олиб келади.

Подани кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш мунтазам амалга оширилиши лозим бўлган доиравий жара,н бўлиб қуйидагича ифодланади:

***Ишлаб чиқариш → Истеъмол қилиш → Ишлаб чиқариш.***

Подани такрор ишлаб чиқаришнинг тавсифи ва тезлиги қуйидаги биологик ва ташкилий-иқтисодий омилларга асосланади:

- ❖ ,ш молларни физиологик етилишига, таъмирлаш учун қолдирилган молларни биринчи қочириш ,шида яъни ўз вақтида қочиришга, бугозликнинг давом этиш муддатига;

- ❖ подадаги ургчи(сигир, совлик ва х. к) молларни унумли хизмат килиш муддатини узайтиришга, уларни қисир колдирмаслик, серпуштлигини оширишга;
- ❖ ,ш молларни нобуд килмасдан тўлиқ сақлаб қолишга, уларни парвариш қилишни яхшилашга; подани такрор ишлаб чиқаришдан ортиб қолган ,ш ва яроқсизликка чиқарилган кари молларни реализация килиш муддатларига;
- ❖ молларни урчитиш ва болалатиш календарь муддатларини тўғри белгилашга, болалагандан кейинги қўйқишнинг бошланиш муддатига, насл миқдорига, зотни бутун чоралар билан яхшилашга;
- ❖ жадал ўстириш ва семиртиришни ташкил этишга;
- ❖ молларнинг насл сифатини яхшилашга;
- ❖ зооветеринария тадбирларини бир-бири билан боғлаб, бир вақтда ўтказишга.

Қайд этилган омилларнинг барчасини бир-бирига боғлаб, талаб даражасида такомиллаштириб амалга ошириш, моллар махсулдорлигини кўпайтиришга ва иқтисодий кўрсаткичларни ижобий томонга ўзгаришига олиб келади. Масалан, сигирларни тўла кийматли меъ,рдаги озуқалар билан озиқлантириш ва яхши асраш, уларни ўз вақтида сунъий уруглантириш, жинсий юкумли касалликларнинг олдини олиш тадбирлари, қисир қолишнинг олдини олишга ва туғиш оралигидаги даврни 13-14 ойдан, 11-12 ойгача қисқартиришга, натижада бузоқ олишни кўпайтиришга ҳамда сигирлардан унимли фойдаланиш даврида кўпроқ сут олишга сабаб бўлса, букачаларни жадал ўстиришда 400 кг тирик вазнга 2,5 йил ўрнига, 1,5 йилда эришишни, хар бир кг тирик вазни ўстиришга 10-12 озуқа бирлиги ўрнига 7,5–8,0 озуқа бирлиги сарфлашга эришилади. Натижада подани такрор ишлаб чиқариш тезлиги ошиб, гўшт ишлаб чиқариш учун сарфланадиган озуқадан фойдаланиш 1,5 мартага кўпаяди. Хозирги вақтда ширкат, фермер ва хусусий хўжаликларда чорвачиликни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида олиб бориш молларни урчитиш ва бузоқ олиш, подани янгилаш, ,ш молларни қайси вазнда ва қандай ,шда гўштга топшириш режаларини, уларнинг биологик хусусиятларига кўра тузишни тақозо этади.

<sup>1</sup> 13 жадвал

#### Чорва молларининг биологик хусусиятлари.

Кўрсаткичлар	Кора-мол	Чўчка	Қўй	От	Туя	Қу,н
Бугозлик даври, кун.	240-320	110-130	142-155	310-410	390	28-35
Биринчи урчитиш ,ши, ой.	18-20	8-10	12-18	36-48	34	4-6
Сервис даври, кун.	18-21	21-45	240	-	-	-

Қўйиқиш муддати, кун.	21-28	18-21	13-21	16-27	-	-
Моллардан унумли фодаланиш даври, йил.	8-12	4-5	7-8	12-15	20-25	2-3
Пуштдорлик, бош.	1,0	8-12	1-1,1	1,0	1,0	6-9
Бир ,шли молнинг тирик вазнини, унинг тугилган вақтдагига нис-батан, Ўсиши, марта.	1:8,5	1:30	1: 8	1:7,5	1:7	-

Чорва моллари улардан унумли фойдаланилгандан кейин ,ки қариганлиги, зотининг пастлиги ва бошқа сабабларга кўра махсулдорлигини пасайтирганлиги учун подадан чиқарилади, яроқсизликка утказилади. Пода меъ,рида ташкил қилинганда сигирлар, совликлар ва она чўчқалар хар йили Ўртача мутаносиб равишда 10-12 %, 14-15 ва 25 % миқдорда яроқсизликка чиқарилиш керак.

Чорва молларидан энг самарали фойдаланишнинг тахминий муддати куйидагича:

Сигирлар 8-12 йил; наслдор буқалар 5-8 йил; ишчи отлар 12-15 йил; ургочи чўчқалар 4-5 йил; эркак чўчқалар 4-6 йил; она қўйлар 6-7 йил; кўчқорлар 5-6 йил, қу,нлар 3-5 йил; товук, ўрдак 2-3 йил; курка 2-3 йил; гозлар 4-6 йил. Подани таъмирлаш дейилганда, яроқсизликка чиқарилган қари моллар Ўрнини тулдириш ва подани кенгайтириш учун молларни асосий подага утказиш тадбирлари тушунилади. Бунинг учун ,ш молларнинг энг яхши усиб ривожланганлари танлаб олинади ва алохида парвариш қилинади, улар мақсадга мувофиқ ,шга ва огирликка етганда асосий подага утказилади. Қолган ,ш моллар, яъни таъмирлашдан ортиб қолган ,ш моллар асосий гўшт захирасини ташкил килади. Улар семиртирилгандан кейин гўштга сотилади ,ки суйилади.

Таъкидлаш жоизки чорва молларининг биринчи қочириш ,шини тўғри белгилаш ниҳоятда муҳимдир. Эрта қочириш ,ш молнинг Ўсишига салбий таъсир кўрсатади. Кеч қочириш эса подани мунтазам тўлдириб боришни, янгилашни секинлаштиради, ургочи моллар етиштиришни қимматлаштиради.

Қорамолчиликда болалаш давридан то самарали қочиришгача бўлган давр, сервис даври деб аталади ва унинг мақсадга мувофиқ даври серсут сигирлар учун 50-70 кунни ташкил этади.

а) **Пода таркиби:** Подани такрор ишлаб чиқариш кўп жихатдан пода таркибига ҳам бевосита боғлиқдир. Пода таркиби дейилганда айрим жинс ва ,шдаги моллар гурухларининг маълум муддатларда умумий подадаги салмоги тушунилади. Поданинг айрим ,ш гурухлари махсулот етиштиришда турлича ўринни эгаллайди, ем-хашак ва ишлаб чиқариш воситалари сарфига турлича

миқдорда махсулот қайтими билан жавоб беради. Пода таркибига кўра олинадиган махсулот тури, сифати ва таркиби чорвачиликни ташкил этиш харажатларини, унинг йўналишини белгилаб беради. Пода таркибини белгилаб берувчи энг мухим омилларга хўжаликда қабул килинган чорвачилик тизими, бозорнинг тормоқ махсулотларига бўлган талаби ва аҳолининг чорвачилик махсулотларига бўлган эҳти, жини қондирилиши ва шуларга асосан тузилган шартнома ва битимлар ҳамда, нарх-наволар тизими киради.

Чорвачилик махсулотларини етиштиришда она моллар хал килувчи ахамиятга эга бўлганлиги учун пода таркиби шу моллар салмогига кўра белгиланади. Масалан, йирик шаҳар ва саноат марказлари атрофида жойлашган сутчилик хўжаликлари, подаси таркибида сигирларнинг салмоги 60-70 % ни, сут-гўшт етиштирувчи хўжаликларида 45-50 % ни, гўштчилик хўжаликларида 30-35 % ни ташкил қилиши керак. Қоракўлчиликда совликлар салмоги 75-80 % ни, гўшт-жун йўналишида эса 55-60 % ни ташкил қилиши мақсадга мувофиқдир.

Пода таркибига бир қатор ташкилий-иқтисодий омиллар ўз таъсирини утказди: ишлаб чиқариладиган махсулотларнинг хажми, сифати, рақобатбардошлиги ва уларни сотиш муддати, молларнинг махсулдорлик даражаси, йил давомида ургочи молларнинг кўпайиши ва қари молларни яроқсизликка чиқариш фоизи, йил давомида олинадиган насл миқдори ва 100 бош онасидан ажратилган ишга яроқли, шдаги моллар салмоги, йил давомида молларнинг болалашини бир текис тақсимланиши, гўшт захирасидаги молларни семиртириш ва бурдокилаш, молларнинг сотиш, ши ва хоказолар.

Пода таркибининг хақиқий ва мақсадга мувофиқ вариантларига иқтисодий баҳо беришда подадаги хар 100 бош мол хисобига етиштирилган махсулот, махсулот бирлигига сарф килинган ем-хашак, ем-хашак бирлиги кийматига етиштирилган махсулот кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Чорвачиликда подани такрор ишлаб чиқариш пода харакати, рдамида режалаштирилади.

б) **Пода харакати**: Пода харакати-бу хўжаликнинг истиқбол режасига асосан чорва молларининг бош сонини, ш ва жинс гуруҳлари буйича маълум давр, (ой, даҳа, йил) мобайнида сонли ва сифатли ўзгаришидир. Пода харакати ширкат, фермер ва хусусий фермаларнинг чорвачилик махсулотлари етиштиришини аниқлаб берувчи дастурдир.

Пода харакати режаси турли тармоқларнинг хусусиятларига кўра, турли хўжалик муддатларига - календарь йил учун, чорвани асрашнинг яйлов ва огилхона даврига, даҳа ва ойлар бўйича ҳам тузилиши мумкин. Масалан, қорамолчиликда чорва молларининг, ши бўйича харакатини тўла хисобга олиш ва акс эттириш учун пода харакатини йиллик ва даҳалар бўйича тузиш кифоя қилади. Чўчқачилик нисбатан тез етилувчан тармоқ ва серпушт моллар бўлгани учун бу тармоқдаги тез содир бўладиган ўзгаришларни акс эттириш учун пода харакати ойлар бўйича тузилади.

Пода харакати режасига муайян корхонанинг хар хил табиий ва ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлари таъсир кўрсатади.

Табиий шарт-шароитларга молларнинг муайян календарь давр ичида бир ,ш гурухидан, бошқа ,ш гурухига ўтиши, бурдоқилаш даврининг давом этиши, молларнинг жинсий ва жисмоний етилиши, ўртача серпуштлиги, бир марта туғишда қанча бола бериши, ривожланиш хусусиятлари ва хакозолар киради. Табиий шарт-шароитлар, зотли ,ш молларнинг етилиш тезлигини ошириш, сермахсул молларни танлаш ва парвариш қилишнинг яхшиланиши таъсирида ўзгариши мумкин.

Пода харакатига таъсир этувчи ташкилий-иқтисодий омилларга махсулот сотиш шартномаларининг даҳалар бўйича белгиланган топширигини бажарилиши, чорва молларидан хўжалиқда самарали фойдаланиш муддатлари, ,ш молларни реализация қилиш учун мақсадга мувофиқ вазнга етказиш, ўстириладиган ,ш молларни парвариш қилишнинг иқтисодий жихатдан қўлай даврлари, асосий подани тулдириш учун қолдирилган ,ш молларни биринчи марта қочиришнинг хўжалиқ учун энг қўлай муддатлари, айрим гуруҳдаги молларни ўстириш ва семиртириш усуллари ва даврлари киради.

Пода харакати режаси чорвачилиқ тармоқларини ташкил қилиш ва юритишнинг йил бошида бўлган чорва моллари сони, қирим-чиқим ва йил охирида бўладиган моллар сонидан иборат бўлади. Подадаги моллар сонининг йил давомида ўзгаришини тўғри акс эттириш учун моллар жинси ва ,шига кўра гуруҳларга бўлинади.

Пода харакати режасини тузишда хар бир чорвачилиқ тармоғи олдиға қўйилган мақсад ва вазифаға кўра энг самарали пода таркиби белгиланади, чорва молларнинг махсулдорлиғи охириги ўн йиллик кўрсаткичнинг ўртача арифметик даражаси миқдорида режалаштирилади, асосий подани яхшилаш, молларни қочириш ва бола олиш режасига кўра хар 100 бош она мол хисобига олинадиган насл сони хисоблаб чиқилади, поданинг хар бир ,ш ва жинс гуруҳи бўйича таъмирлашдан ортиб қолган моллар миқдори аниқланади.

Қорамолчиликда йил давомида асосий подадан яроқсизликка чиқарилган моллар (сигир ва буқалар) вазни, яъни семизлик даражаси етарли бўлса, тўғридан-тўғри гўштға сотилиши ,ки суйилиши мумкин. Семизлик даражаси юқори бўлмаса, боқувдаги катта моллар гуруҳига ўтказилиб, 2-3 ой семиртирилгандан кейин гўштға топширилади. Гунажинлар йил давомида биринчи туққандан кейин, яроқсизликка чиқарилган сигирларнинг ўрнини тулдириш учун сигирлар гуруҳига ўтказилади. Сигирлар гуруҳига ўтган гунажинлар ўрни бир ,шдан катта бўлган таналар хисобига тўлдирилади. Талаб қилинадиган гунажинлар сони сигирларни яроқсизликка чиқариш салмоғига ва уларнинг бош сонини ўсиш суратига қараб пода таркибида белгиланади. Масалан, сигирларни яроқсизликка чиқариш меъ,ри 12 %, подани ўстириш суръати 3 % белгиланган бўлса, сигирлар сонига нисбатан гунажинларнинг салмоғи 15 % ни ташкил қилиши керак.

Пода харакати режасини тузиш, “пастдан-юқорига” тамойили асосида, яъни энг кичик гуруҳдан “бузоқ олишдан” бошланади ва юқоридаги катта гуруҳға қўчирилиши билан тугалланади. Пода харакатини режасининг қирим қисмини “бузоқ олиш” қаторига молларни қочириш ва бузоқ олиш режасига кўра

режалаштириладиган йилда, сигирлар, гуножинлар ва бир ,шдан катта таналардан олинадиган бузоқлар кўрсатилади. Бир ,шдан катта таналар хисобидан урчитишга қўйиладиган таналарнинг яроқсизликка чиқариладиганларининг ўрни тўлдирилади. Чорва молларининг бошқа гурухларида подани янгилаш (таъмирлаш) учун қолдириладиган моллардан ортиқчаси подадан чиқарилади. Улар шартнома бўйича гўшт режасини бажариш учун сотилиши, хўжалик ички эҳти,жлари учун сўйилиши, боқувга қўйилиши ва кейин сотилиши, бошқа хўжаликларга ўстириш учун берилиши мумкин. Пода харакати режасида моллар сонининг ўзгариши акс эттирилиб қолмай, балки молларнинг ўртача йиллик сони, ,ши ва боқувдаги катта молларнинг гурухлари бўйича ўртача суткалик тирик вазнининг ўсиши ва йиллик тирик вазнининг ўсиш хажми ҳам акс эттирилади.

Ўш ва боқувдаги катта моллар гурухлари бўйича бир йиллик тирик вазнининг ўсишини аниқлаш учун йил охирига қолган молларнинг вазнига чиқим килинган моллар вазни кушилади, ундан йил бошида бўлган ва кирим килинган моллар вазнининг йигиндиси айириб ташланади. Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$V_{\dot{c}.b} = (V_{\dot{y}.ox} + V_{\dot{c}}) - (V_{\dot{y}.b} + V_{\dot{k}}) - V_{\dot{t}.y}$$

Бунда:  $V_{\dot{c}.b}$  - ўсган вазн, ц.

$V_{\dot{y}.ox}$  - йил охирида бўладиган моллар вазни, ц.

$V_{\dot{c}}$  - подадан ,ки гурухдан чиқарилган моллар вазни, ц.

$V_{\dot{y}.b}$  - йил бошида бўлган моллар вазни, ц.

$V_{\dot{k}}$  - подага ,ки гурухга кирим килинадиган моллар вазни, ц.

$V_{\dot{t}.y}$  - табиий йўқотиш, яъни табиий жихатдан нобуд бўлган моллар вазни, ц.

Чўчқачилик тез етилувчан ва серпушт тармоқ бўлганлиги учун подадаги ўзгариш ва махсулот етиштиришни тўғри ташкил килиш мақсадида пода харакати режасини ойлар бўйича тузиш мақсадга мувофиқдир.

Ойлик пода харакатида чўчқаларнинг ,ши ва жинси бўйича гурухлари, чўчқа болаларини олиш, чўчқаларни бир гурухдан бошқа гурухга утқазил, уларнинг ўртача суткалик тирик вазнини ўсиши, жами вазнининг ортиши ҳамда сотилиши, ой сайин кўрсатиб борилади.

Чўчқачиликнинг асосий хусусиятлари шундаки, она чўчқалар асосий ва бир марта ишлатиладиган она чўчқалар гурухларига бўлиниб, турлар бўйича, (1 - тур, 2- тур) баҳор ва ,з ойларида бола олинадиган қилиб қочирилади. Фақатгина чўчқачиликда асосий она чўчқалардан бир йилда икки марта чўчқа болалари олиш режалаштирилади, бир марта ишлатиладиган она чўчқалардан олинган насл ҳам асосий она чўчқалар хисобига қўшилади. Хар бир болалашда асосий она чўчқалардан 9-10 тадан бола олиш, бир марта ишлатиладиган она чўчқалар болалаганидан кейин бир ой семиртирилиб ,ки семизлиги етарли бўлса, тўғридан-тўғри гўштга сотилиши режалаштирилади.

Маълумки, 3-4 ойлик чўчка болалари етқазиб берувчи репродуктор чўчкачилик хўжаликларида она чўчкаларнинг салмоги юқори бўлади ва шунга кўра таъмирлаш учун ,ш ургочи чўчкалар асралади. Таъмирлаш учун асраладиган ,ш ургочи чўчкалар асосий подада яроқсизликка чиқарилган чўчкалар салмогидан 3-4 % ортиқ бўлиши керак.

Чорвачиликнинг хар бир тармоги учун тузиладиган пода харакати режаси мазкур чорвачилик турининг ишлаб чиқариш дастурининг асосини ташкил килиб, пода харакати режасига кўра чорва молларининг ем-хашакка, меҳнат ресурслари ва иш хақи фондига талаби, махсулот етиштириш, реализация килиш хажми ва муддати, бино-иншоотлар ва машина ускуналарга бўлган талаблари аниқланади ва режалаштирилади.

## **18-боб. Қорамолчиликни ташкил этиш**

### **18.1. Қорамолчиликни ихтисослаштириш ва фермалар хажми**

Ўзбекистонда қорамолчилик чорвачиликнинг етакчи тармоги бўлиб, жами шартли бош молнинг 3/4 қисмини ташкил этиб, чорвачиликнинг умумий товар махсулотини 2/3 қисмини беради. Чорвачиликни шу жумладан қорамолчиликни истиқболдаги ривожланиши Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ хўжалигини янада чуқур иқтисодий ислохат қилишнинг 1998-2000 йилларга мўлжалланган Дастурида махсулот ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар бўлиши белгилаб берилганидек қорамолчилик махсулотлари ишлаб чиқариш хусусий секторда амалга оширилиши кўзда тутилган. Шунинг учун ҳозирги вақтда мавжуд қорамолларнинг 86,1 фоизи, шу жумладан сигирларнинг 90 фоизи, бундан ташқари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сутнинг 93,6 фоизи, гўштнинг 91,1 фоизи хусусий секторга тўғри келмоқда.

Шунингдек, таъкидлаш ўринли-ки жумхурият миқ,сида қорамол ва чўчка гўшти ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ўзгўштсаноат» давлат хиссадорлик уюшмаси, аралаш махсулот: гўшт ва сут ишлаб чиқариш билан қисман қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат) хўжаликларидаги фермерлар, насл учун ўстириладиган ,ш молларни ўстириш ва уларни сотиш билан давлатга қарашли ихтисослашган наслчилик заводлари, хўжалик ва фермалар шугулланадилар.

Қорамолчилик қайси шаклдаги корхонада ривожлантирилишидан қаътий назар маълум бир махсулот тури: гўшт, сут ,ки насли моллар етиштиришга ихтисослаштирилган бўлиши шарт. Шундагина қорамолчилик махсулотлари етиштириш учун энг қулай шарт-шароитларга, яъни кампьютер технологияси ва генмуҳандислик ютуқларини жорий этишга қулай имконият вужудга келади, тармоққа тегишли фан-техника тараққи,ти амалга оширилади. Бу эса рақобатбардош махсулот етиштиришни кескин кўпайтиришга, махсулот бирлиги хисобига тўғри келадиган меҳнат ва моддий пул харажатларини

камайтириш имконини яратиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришга олиб келади.

Давлат ва хар хил шаклдаги қишлоқ хўжалик корхоналари тасарруфида бўлган қорамолчилик фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришни ташкил этишда ички хўжалик ҳисоби шартларига тўлиқ амал қилишлари мақсадга мувофиқдир. Хусусий қорамолчилик фермалари эса тўлиқ хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатадилар.

Корхоналар тасарруфида бўлган қорамолчилик фермер хўжаликлари ва хусусийлаштирилган қорамолчилик фермаларида ишлаб чиқариш муносабатлари қуйидагича таърифланади.

<sup>1</sup> 14 жадвал

Қорамолчиликка ихтисослашган фермер ва хусусийлаштирилган фермаларида ишлаб чиқариш муносабатларининг таърифи.

/н	Кўрсаткичлар	Ф ермер хўжалиг и	Х усусий ферма
	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>
.	Ишлаб чиқаришнинг мақсади: талаб даражасидаги юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариб, хар бир шартли бош молдан максимал фойда олиш;	+	+
.	Мулкка эгаллик шакли: • корхона мулки • хусусий мулк	+ -	- +
3.	Ишлаб чиқаришни бошқариш: • низом асосида • демократик тамойиллар асосида	+ -	- +
4.	Ишлаб чиқариш дастурини белгилаш: • корхона томонидан, узаро шартнома асосида • мустақил, эркин шартнома асосида	+ -	- +
5.	Мехнатни ташкил этиш усули: • ижара шартлари асосида • оила пудрати асосида	+ -	- +
	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>
6.	Мехнатга ҳақ тулашнинг кафолатланганлик даражаси: • корхона, йил давомида тўланадиган бўнак иш ҳақини, фермернинг даромади ҳисобидан амалга оширади • мустақил, ишлаб чиқаришнинг пировард натижасига қараб	+ -	- +

7.	<b>Моддий- техника ресурслари билан таъминлаш:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• корхона таъминлайди</li> <li>• мустақил ўзи сотиб олади.</li> </ul>	+ -	- +
8.	<b>Ишлаб чиқарилган махсулотга эгалик қилиш ҳуқуқи:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• махсулот, корхона мулки</li> <li>• махсулот, ишлаб чиқарувчига тегишли.</li> </ul>	+ -	- +
9.	<b>Ишлаб чиқариш харажатлари устидан назорат:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• чек тизими орқали</li> <li>• нақд пул, сўм воситаси билан</li> </ul>	+ -	- +
10.	<b>Даромадни тақсимлаш:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ҳар бир аъзонинг меҳнат хисса коэффициентига қараб</li> </ul>	+	+
11.	<b>Давлатга тўловлар тўлаш:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ижара ҳақи ва бошқа туловларни корхона тўлайди,</li> <li>• мустақил мулк эгаси</li> </ul>	+ -	- +

Турли хил мулкчилик тасарруфида бўлган қорамолчилик фермалари ва фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш муносабатларини ўрнатишда, уларни ихтисослаштириш ва хажмларини илмий асосланган меъ,рларда ташкил этиш керак.

Ихтисослаштиришнинг иқтисодий асосини тармоқда етиштирилган товар махсулотларининг таркиби, технологик жихатдан эса махсулдор пода таркибидаги сигирлар салмоғи ташкил этади. Ҳозирги вақтда шу андозалардан келиб чиққан ҳолда сут ва гўшт ишлаб чиқаришнинг нисбатига кўра қорамолчиликни ихтисослаштиришда қуйидаги йўналишлар вужудга келган:

- сут етиштириш учун ихтисослашган корхона ва хусусий фермалар, улар асосан йирик шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида жойлашган бўлиб, товар махсулотларининг 95-98 фоизи сут ва сут махсулотларидан иборат бўлиб, пода таркибида сигирлар салмоғи 75-80 фоизни ташкил этади;
- сут-гўшт етиштириш йўналишдаги хўжалик ва хусусий фермалар, уларда сут ва гўшт ишлаб чиқариш нисбатлари 80:20, 70:30, 60:40 (биринчи кўрсаткич сут, иккинчиси гўшт салмоғи % да) фоизларида бўлиб, пода таркибида 65-70 фоиз атрофида сигирлар мавжуд бўлади;
- гўшт-сут етиштириш йўналишдаги хўжалик ва хусусий фермалар, булар аралаш махсулот етиштиришда бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда, 80:20; 70:30 ва 60:40 (биринчиси гўшт, иккинчи кўрсаткич сут, %

хисобида) нисбатда гўшт ва сут махсулотлари етиштирилиб, пода таркибида 40-45 фоизгача сигир сақлайдилар;

- гўшт ишлаб чиқариш йўналишидаги хўжалик ва хусусий фермалар мавжуд, уларда товар махсулотларининг 90-95 фоизини гўшт етиштириш ташкил этади ва пода таркибида 30-35 фоиз сигирлар, гўшт ишлаб чиқариш учун бузоқларни ўстиришга хизмат қиладилар. Чорвачиликда фермаларни ихтисослаштириш кутилган самарани бериши учун, уларнинг хажмини ички ресурслардан тўлиқ фойдаланиш имконини берадиган даражада ўрнатиш керак.

Давлат тасаруфида бўлган хиссадорлик жамиятларида ихтисослашган, ки аралаш фермалар ташкил этиш мумкин. Бундай хўжаликларда фермаларнинг мақсадга мувофиқ хажми махсулот ишлаб чиқариб хар бир шартли бош молдан максимал фойда олиш учун қулай бўлиши лозим.

Республикамизнинг пахтачиликка ихтисослашган хўжаликларида пахта-беда алмашлаб экиш тизими амалга оширилиши муносабати билан уларда ем-хашак базаси яратилади, шу туфайли улардаги қорамолчилик, ки сутчилик фермасида 600 бошгача сигир, гўшт-сут йўналишида бўлса 1000 бошгача қорамол, шундан 400-450 бош сигир бўлиши, уларнинг фермер хўжаликларида 100 бошгача қорамол, шундан 50-60 бош сигир бўлиши тавсия этилади. Сутчилик йўналишидаги фермаларда 400-600-800 бошгача сигир, гунажин ва 6 ойликкача бузоқлар бўлиши керак.

Шоликдорлик хўжаликларида ҳам пахтачилик хўжаликлари каби мақсадга мувофиқ хажм тавсия этилади. Шахар атрофидаги сабзавот-сут йўналишидаги хўжаликлар, агар уларнинг хайдаладиган ери 800-1200 гектар бўлса, сут фермасида 600 бош, фермер хўжаликларида эса 60 бошгача сигир, агар хайдаладиган ери 1500-1600 гектар бўлса сут фермасида 600-800 бош, фермер хўжаликларида 90 бошгача сигир бўлиши тавсия этилади.

Таъкидлаш лозимки хар бир қишлоқ хўжалик корхонасида фермалар хажмини белгилашда ер майдонларининг жойлашуви, ем-хашак базасининг ахволини, махсулотларни қайта ишлаш имкониятларини ва бошқа омилларни чуқур таҳлил қилиб хулоса чиқариш лозим.

**Қорамолчиликнинг барча йўналишларида уларнинг самарадорлигини таъминлаш омилларидан бири, бу уларни корхона худудида жойлаштиришдир. Қорамоллар ўз табиатига кўра кўп озукланадиган хайвонлар қаторига кирадилар. Шунинг учун уларни жойлаштиришда, ем-хашак майдонларига яқин бўлиши эътиборга олиниши шарт. Шунингдек қорамолчиликдан олинадиган махсулотлар айниқса сут махсулотлари тез бузилувчан ва тезда қайта ишлашни талаб этадиган махсулотлар турига киради. Уларни ташиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тай,р махсулотларни қадоқланган сут, қаймоқ, сузма, сари, г, сир, пишлоқ, музқаймоқ ва хаказолар шаклига келтириш учун анчагина техника воситалари ва иш кучи талаб қилиниши тармоқни режалаштиришда эътибордан четда қолмаслиги шарт. Қорамолчиликни хусусийлаштириш ва айниқса фермер хўжаликларини ташкил этишда 30 шартли бош мол хажмида ўта кичик хўжаликларини ташкил этиш тармоқда бир қатор**

кутилмаган салбий ҳолатларга олиб келди, жумладан ўта кичик хўжаликларда ем-хашак базасини талаб даражасида ташкил этилмаганлиги омухта озуқаларнинг кўп қисмини хусусий сектордан сотиб олиниши натижасида, сигирлар тўла қийматли озиқланмаганлигини улардан соғиб олинадиган сут маҳсулоти камайиб, ўз навбатида сутнинг таннархини ошириб юборди. Бу бозорда сутнинг харид нархини ўсишига олиб келди ва аҳолининг даромади паст қатламини энг арзон истеъмол маҳсулотларидан бири бўлган сут ва сут маҳсулотлари истеъмол қилишини меъ,ридан 1.5-2.0 мартага пасайтириб юборди.

Қорамолчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг яна бир омили тармоқни жадал ривожлантиришдир. Қорамолларни генетик имкониятларини ошириш, юқори сифатли ва тўйимли озуқалар билан меъ,рида боқиш, технологик жара,нларни механизациялаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда оила (жамоа) пудратидан кенг фойдаланиш- тармоқни жадал ривожлантиришга олиб келади. Сут қорамолчилигини жадал ривож-лантиришнинг энг муҳим шарт-шароитларидан бири-бу, сигирлар мах-сулдорлигини генетик омиллар асосида оширишдир. Бу шарт-шароитлар чорва молларини янада яхшироқ асраш ва боқиш, меъ,рда белгиланган сифатли тўйимли ем-хашак мавжуд бўлиши, сут соғиш асбоб-ускуналарини тендер усулида танлаб олиш ва сут соғиш технологиясига биноан соғишни цех технологияси асосида ташкил этиш, ферма ходимлари учун қулай санитария-гегиена ва маиший хизмат шароитларини яратиш, меҳнатни ташкил этиш ва маҳсулот етиштиришда илгор усулларини жорий этиш йўллари билан вужудга келтирилади.

## **18.2. Қорамолчиликда такрорий ишлаб чиқаришни ташкил этиш**

Қорамолчиликда ишлаб чиқаришни жадаллаштириш учун подани такрор ишлаб чиқариш, кенгайтирилган холда, молларни кўпайтиришни, подани сифат ва насл жихатдан яхшилашни талаб этади. 1990-йилда мамлакатимизда қорамоллар сонини 4583 минг бошини ташкил этган бўлса, 2003 йилга келиб 5851,7 минг бошни ташкил этди ,ки Ўн уч йилда 27,7 фоизга ўсган, шу даврда гўшт ишлаб чиқариш 16,6 фоизга, сут-29,7 фоизга кўпайган. Лекин бундай ўсиш аҳолининг қорамолчилик маҳсулотларига бўлган талабини тўла таъминлай олмайди.

Шунинг учун қорамолчилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, подада кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришни ташкил этиш, пода таркибини ва моллар зотини яхшилаш ҳамда маҳсулдорлигини ошириш асосий масалалардан бўлиб қолмоқда. Қорамолчиликда подани такрор ишлаб чиқаришни ташкил этишга қуйилган қуйидаги ташкилий-технологик тамойилларга эътибор бериш лозим:

- таналарни ўз вақтида қочириш ва биринчи туғишни тезкорлик билан моллар етилган вақтида ташкил этишга эришиш;

- сизирлардан энг юқори жадаллик билан фойдаланиш даврини давом этишни белгилаш;
- сизирларнинг қисир қолишига йўл қуймаслик ва уларнинг наслдорлигини ошириш;
- бузоқларни тўла, соғлом сақлаб қолишга эришиш ва подадаги режадан ортиқча олинган бузоқларни жадал равишда боқиш;
- моллар зотини ва махсулдорлигини яхшилаш мақсадида наслчилик ишларини янада такомиллаштириш.

Подани такрор ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйиш ва жадаллаштиришнинг асосий омилларидан бири, ш таналарни биринчи қочиришни ўз вақтида ташкил этишдир. Таналарни биринчи қочириш уларни боқиш, семиртириш, асраш ва бошқа шароитларга боғлиқдир. Сутдор зотли қорамолларнинг биринчи туғиши учун энг қулай фурсат 24-27 ойлик бўлиши, ҳам гўшт, ҳам сут берадиган зотли моллар учун 27-30 ойлик бўлиши қулай ҳисобланади. Албатта, бу кўрсаткичлар молларнинг зотига ва жойлашган ҳудудига кўра бироз фарқ қилиши ҳам мумкин.

Соғин сизирлардан жадал фойдаланишнинг ахамияти катта. Маълумки, сизирларнинг энг самарали сут бериш даври 10 йил давом этади. Шу давр ичида ҳар йили 10% соғин сизирларининг қари, махсулот бериши пасайган қисмини алмаштириш тавсия этилади. Айрим ҳолларда алмаштириш 15-20% ни ташкил этади, у ҳолда сизирлар махсулдорлигига қараб алмаштириш яна ҳам тезлашиши мумкин.

Сут қорамолчилигини аста-секин компьютер технологияси асосида махсулот етиштиришга ўтказиш, сизирлар подасини қайта тўлдиришга нисбатан қўйиладиган талабларни янада оширади. Юқори даражада механизациялашган фермаларда молларни алоҳида парвариш қилиш қийин, шунинг учун махсулдорлиги ва физиологик хусусиятларига кўра бир хил бўлган пода таркибини вужудга келтириш катта ахамиятга эга. Бунда зоотехника ишлари юқори даражада ташкил этилган бўлиши, гуруҳларга киритиш учун моллар яхши сараланиши ва асосий белгилари бўйича танлаб олиниши керак. Айки вақтда моллар касалликларга чидамли, машинада соғишга яроқли, бақувват ва махсулдор бўлиши лозим.

Пода таркибини тўғри белгилаш натижасида режадаги кўрсаткичларга эришиш, бу подада ўзгармас ҳолат вужудга келади деган гап эмас. Подадаги моллар бош сони ҳар йили шундай ўсиб бориш керакки, токи унинг таркиби мутлақо ўзгармаган ҳолда подадаги молларнинг бош сони кўпайиб борсин. Бу ҳолда подадаги молларнинг жинси ва ш ш ўртасидаги нисбат ҳам сақланиб қолиши керак. Бу нисбат ишлаб чиқариш шароитига кўра хўжалик фермаларининг ихтисослашувига боғлиқдир.

### 18.3. Қорамолчиликда бизнес режалаштириш

Қорамолчиликни ривожлантириш, махсулот етиштиришни тўғри режалаштиришга боғлиқ. Фермер хўжаликлари ва хусусий фермаларда йиллик ишлаб чиқариш топшириқларини тузишда мазкур қорамолнинг зоти, унинг биологик имконияти, сигирларнинг сут бериш қобилияти ва хўжаликнинг озуқа базаси, озиқлантириш турлари ҳисобга олинади.

Сигирлардан соғиб олинadиган сут миқдори қанча кўп бўлса, унга сафланадиган озуқа миқдори шунча кам бўлади. Чорвачилик илмий-тадқиқот институти берган маълумотларига қараганда ҳар бир бош сигирдан 2000 кг сут соғиб олинганда, 1 кг сут олиш учун 1.3-1.4 озуқа бирлиги сарфланади, 3000 кг сут соғиб олинганда эса бир кг сут учун 1.1-1.2 озуқа бирлиги ва 5000 кг сут соғилганда 0.90-0.95 озуқа бирлиги сарфланади.

Попадаги чорва молларининг махсулдорлиги жуда юқори бўлса, етиштирилган махсулот бирлиги учун сарф қилинадиган моддий-пул (боқиш, соғиш, молларга қараш) сарфлари ўртача махсулот олаётган хўжаликларга нисбатан кам бўлади. Бу эса кўп махсулот олаётган хўжаликларда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлишини кўрсатади.

Ҳар бир хўжалик ўз шароитига мослашган ҳолда сигирларни юқори махсулдорликка эришиш, моллар зотини яхшилаш, боқиш, сугориш, сақлаш ишларини тўғри ташкил қилиб, аниқ режалаштиришга боғлиқдир.

Қорамолчилик фермасида махсулот етиштиришни режалаштириш бизнес режада акс эттирилади. Фермер хўжаликлари ва хусусий фермаларнинг йиллик ишлаб чиқариш бизнес режалари қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:

- фермер хўжалигида ишлайдиган сут соғувчи, подачи, бузоқбоқар, оператор ва бошқалар сони;
- фермага биркитилган ишлаб чиқариш воситаларининг турлари, сони ва мувозанат бўйича қиймати;
- қорамолларнинг йил давомидаги ҳаракати ва бош сони;
- молларни боқиш ва семиртириш йиллик ишлаб чиқариш топшириги;
- сут соғиш ва бузоқ боқиш бўйича ойлик режалар;
- сигир ва таналарни суъний қочирриш ва бузоқ олиш топшириқ-режаси;
- хўжалик йили учун озуқага бўлган талаб режаси, озуқа мувозанати ҳамда уларнинг сарф – харажатлар суммаси;
- мол гўшти етиштириш ва сут ишлаб чиқариш учун қилинадиган моддий-пул харажатлари ҳисоб-китоби.

Фермер хўжаликлари ва хусусий фермалар учун топшириқлар тузишда, меърий ва услубий қулланмалардан фойдаланилади. Бу меърий кўрсаткичлар хўжаликларда ишлаб чиқариш шароити, молларнинг махсулдорлиги, боқиш усули, озуқа тури ва озиқлантириш типларига қараб фарқланади.

Соғиб олинadиган ялпи сут махсулоти миқдори ҳар бир бош сигирдан соғиб олинadиган ўртача сут миқдорини, мавжуд соғин сигирлар бош сонига кўпайтириш йўли билан топилади. Соғин сигирларнинг бош сони эса йил бошидаги ва йил охиридаги сигирлар бош сонининг яримини олиб, унга

февраль ойдан йил охиригача ой бошидаги согин сигирлар сонини қўшиб, сўнгра 12 ойга бўлиш йўли билан аниқланади.

Сут соғиб олиш бизнес режалари йил, даха ва ойлар учун тузилади. Режа икки йўл билан тузилиши мумкин. Биринчиси - ўтган йилда хар ойда, шунингдек йил бўйича соғиб олинган сутнинг миқдорига қараб. Иккинчиси – йил бўйича хар бир сигирдан лактация даврида кун сайин ва ой сайин соғиб олинадиган сутнинг миқдорига қараб тузилади.

Режалаштиришнинг иккинчи усули мақбул ҳисобланади. Пода ҳаракати жадвалида белгиланган ш гуруҳлари бўйича боқиш, семиртириш учун моллар бош сони аниқланади. Бир суткада семириш меъ,рини ва молларни сотиш давридаги вазнини билган ҳолда етиштириладиган гўштнинг миқдорини ҳам режалаштириш мумкин.

Масалан 10 бош сигир яроқсизликка чиқарилиб семиртиришга қўйилди деб фараз қилайлик. Бир бош молни семиртириш топширигида унинг вазни 400 кг, бир суткада 900 грамм семиртириш керак, семиртиришдан кейинги хар бир сигирнинг тирик вазни 454 кг ни ташкил этиши лозим. Бу ҳолда хар бир сигирнинг тирик вазни  $900 \text{ гр} * 60 \text{ кун} = 54 \text{ кг.га}$  ошиши режалаштирилади. 10 бош сигирдан эса  $54 \text{ кг} * 10 = 540 \text{ кг}$  тирик вазн ўсиши топшириқ-режа сифатида белгиланади.

<sup>1</sup>15 жадвал

Самарқанд туманидаги «Мароқанд» ширкат хўжалигининг Хасанов. С фермасида 2002 йилда қарамолчилик маҳсулотлари етиштириш бўйича тузилган

### ***Бизнес режа***

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Шарт нома
1	2	3	4
1.	Беркитилган қорамоллар миқдори, ш.ж. сигирлар	бош бош	100 55
2.	Моллар маҳсулдорлиги: ➤ хар 1 бош сигирдан соғиб олинадиган сут; ➤ хар 100 бош сигирдан олинадиган бузоқ(85%), жами	кг бош	2500 47
3	Жами ишлаб чиқарилган сут	ц	1375,0
4	Жами ишлаб чиқарилган гўшт (т/в)	ц	116,0
5	Ишловчилар сони	киши	72
6	Ишлаб чиқариш харажатлари:	минг сўм	

	➤ иш хақи	минг сўм	1244,3
	➤ ем-хашак	минг сўм	3032,1
	➤ асосий воситаларни сақлаш	минг сўм	200,0
	➤ техника хизмати(,.М.М.)	минг сўм	137,6
	➤ зооветеринария тадбирлари	минг сўм	515,0
	➤ иш ва хизматлар	минг сўм	312,7
	➤ сўгурта туловлари	минг сўм	-
	➤ умум ишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатлари	минг сўм	187,7
	➤ бошқа тўғри харажатлар жами	минг сўм	625,5
		минг сўм	6254,9
7.	Махсулот бирлигининг режали таннархи:	сўм	
	❖ 1ц сутнинг	сўм	4094,1
	❖ 1 бош бузоқнинг	сўм	13308,5
8.	1ц сут ишлаб чиқариш учун кетадиган меҳнат сарфи	киши/соат	15,6
9.	Гўшт ишлаб чиқариш учун кетадиган харажатлар:		
	➤ иш хақи	минг сўм	1126,5
	➤ ем-хашак	минг сўм	4380,7
	➤ асосий воситаларни сақлаш	минг сўм	6,2
	➤ техника хизмати (ММ)	минг сўм	125,2
	➤ иш ва хизматлар	минг сўм	219,0
	➤ умум ишлаб чиқариш ва умум хўжалик харажатлари	минг сўм	125,2
	➤ бошқа тўғри харажатлар жами	минг сўм	275,4
		минг сўм	6258,2
10.	1 ц тирик вазнининг режали таннархи	сўм	53950,0
11.	1 ц тирик вазн учун кетган меҳнат сарфи	киши/соат	52,8
12.	Ишлаб чиқарилган махсулотларнинг харид нархи:		

	1 ц сутнинг	сўм	5522,0
	1 ц тирик вазнининг	сўм	72832,5
13.	Жами пул тушуми:	минг сўм	16081,4
	сутни сотишдан	минг сўм	7592,8
	тирик вазнини сотишдан	минг сўм	8488,6
14.	Жами соф даромад	минг сўм	3568,3
15.	Ишлаб чиқариш рентабеллиги (таннархга нисбатан)	%	28,5

#### 18.4. Қорамолчиликда асосий ишлаб чиқариш жара,нлари ва илгор технологияни ташкил этиш

**Қорамолларни асраш усуллари.** Хўжаликнинг табиий - иқтисодий ишлаб чиқариш шароитларига қараб, молларни асраш икки усулга: боглаб ва боғламасдан боқиш усулларига бўлинади.

Боглаб боқишнинг энг кўп тарқалган усули бу молларни йил давомида огилхонада, огилхона-ўтлоқда, огилхона - лагерда боқишдир. Бундай усулда моллар огилхонада якка ,ки гуруҳ тарзида боглаб қўйилади. Боғламасдан боқишда эса моллар боксларда асрашга мослаштирилади.

Қорамолчиликда молларни боглаб боқишнинг афзал томони шундаки, молларга алохида қараш ва боқиш имкониятлари яратилади, яъни: хар бир сигирнинг ўз охури, сув тарқатгичи ва дам олиш жойи бўлади. Молхона узунлигида озуқа ташиладиган ва гўнг чиқариладиган йўлакчалари мавжуд бўлади. Озиқлантириш ва гўнг чиқариш механизациялаштирилади. Хар бир бош сигир ,ки буқа учун худудларнинг ишлаб чиқариш шароитига кўра узунлиги 150-170 см, эни 100-120 см жой ажратилиши керак. Лекин бу усулда мол боқиш анча қимматга тушади. Бундан ташқари, молларни фаол сайр қилдирмаслик бу усулнинг асосий камчилиги бўлиб, бу нарса моллар организмга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун республикадаги кўпгина хўжаликларда боглаб боқиш технологияси такомиллаштирилиб, сигирларни ем – хашак билан боқишни, сайр қилдириш майдончасида узоқ сайр қилдириш билан қўшиб олиб бориш, молларни асраш кун тартибида кўзда тутилади. Бу холда улар соғлом бўлади, хўжалик учун фойдали-хизмат муддати узаяди.

Чорвачиликда иш жара,нларини тўлиқ механизациялаштириш, сут берадиган моллар подасини боғламасдан боқишда моддий харажатлар сарфини қисқартириш имконини беради.

Шунингдек, молларни боғламасдан боқишда: қалин ва алмаштирилмайдиган тўшамаларда хамда боксда боқиш, кенг жорий этилган.

Қалин ва алмаштирилмайдиган тўшамаларда моллар, огиллари бўлмайдиган бирмунча арзонроқ биноларда сақланадилар. Сигирлар ,ши, бир

суткада берадиган сути ва физиологик холатига қараб, алохида гуруҳларга бўлинади ва сақланадилар. Сигирларни бундай жойлаштиришда боқиш ва соғишни табақалаштириш имконияти яратилади. Молларни дам олиши учун секцияларда, чуқур гўнг тўшамаси устида жой ажратиб қўйилади. Биноларга сайр қилдириш майдончалари туташган бўлади. Моллар бутун йил давомида сутканинг исталган бир вақтида бино ичида, сайр қилдириш майдончасида бемалол жойлаша олиши лозим.

Бир йилга етадиган хажмдаги барча озуқа турлари ем-хашаклар, сайр қилдириш майдончасида, бостирма тагида ,ки шип оралигида, илдиз мевалар ўраларда, силос ердаги Ўралар ,ки минораларда сақланади. Омухта озуқалардан ташқари, деярли барча озуқалар сигирларга сайр қилдириш майдончасида берилади. Шу ернинг ўзида электр билан иситиладиган автоматик сув тарқатгичлар ўрнатилган бўлади. Омухта озуқалар соғиш майдончаларида сигирлар соғила ,тган вақтда меъ ,р бўйича берилади. Бино ичидаги гўнг, йилига бир марта ,зда тозаланади, сайр қилдириш майдончасидан эса бульдозер белкураги ўрнатилган трактор билан мунтазам равишда йигиб олинади.

Молларни боғламасдан боқишда меҳнат унумдорлиги, боғлаб боқишга нисбатан 18-22% га ошиши, махсулот таннархи эса 15% га камайиши мумкин.

Қорамолларни боғламасдан боқиш усули асосан қиши илиқ келадиган худудларда қўлланилади. Бу усулда мустаҳкам ем – хашак базаси мавжуд бўлиши, моллар бино ва тўшамалар билан таъминланиши, сайр қилдириш – боқиш майдончалари бўлиши, моллар секцияли ,ки гуруҳ холида жойлаштирилиши, барча ишлар қатъий график асосида бажарилиши, механизация даражаси юқори бўлиши, яхши ветеринария хизмати кўрсатилиши лозим. Бу шартларга амал қилинмаса, махсулдорлик камайиб кетиши мумкин.

Молларни боксда сақлаш тўшамалар алмаштирилмаган холда боғлаб ва боғламасдан боқиш ўртасидаги оралиқ усулдир. Бу усулда молларни сақлашнинг хусусияти шундаки, сигирлар боксларда дам олиши, олдинга ,ки орқага ҳаракат қилиши мумкин, холос. Боксда пол, ем – хашак келтириш ва гўнгни чиқариш учун бирмунча қияроқ ва баландроқ бўлади. Бокслар шундай қурилганда тўшамалар жуда кам сарфланади, шу билан бирга мол ,тадиган жой ҳамма вақт тоза туради. Ем – хашак ва гўнг йўлакчаларида пол ,риқлари бўлиб, улар остида гўнгни олиб кетиш учун транспорт ,р ,ки сақлаш учун траншея бўлади. Бокс усулида сақлашда, сигирлар меъ ,р бўйича барча озуқа турлари билан боқилади ва махсус залларда соғилади.

Молларни боғламай, бокс усулида боқиш мамлакатимизнинг айрим туманларида яхши натижа бермоқда.

Чорвачилик махсулотлари етиштириш технологиясининг энг муҳим қисми бўлган молхоналарни механизациялаш даражаси, улардан фойдаланиш холатига, молларни сақлаш усулига, ферманинг йўналиши ва хажмига, молларнинг зоти ва махсулдорлиги ҳамда маҳаллий шароитларга қараб ўзгаради. Мамлакатимиз шароитида сутчилик фермаларидаги молхоналарнинг

катта – кичиклиги, профилакторийси, туғиш бўлими, бузоқхоналари, сут сақланадиган хонаси, ветеринария пункти ҳар хил бўлиши мумкин. Сут етиштиришни жадал усулда ташкил этадиган йирик фермаларда барча ишлаб чиқариш бинолари ва ,рдамчи (қўшимча) бинолар ҳамда иншоотлар ягона мажмуада жойлашган бўлади ва муайян лойиха қувватига эга бўлган корхонани ҳосил қилади. Ҳар бир бино, иншоот умумий ишлаб чиқариш жара ,нида иштирок этади ва унинг ажралмас бир қисми ҳисобланади, режалаштирилиши ва тузилиши ишлаб чиқариш технологиясига мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон чорвачилик илмий – тадқиқот институти ишлаб чиққан сигирхона лойихаси анча такомиллашган бўлиб, жумҳуриятимиз табиий-иктисодий шароитлари талабига анча тўлиқ жавоб беради. Бу лойиха 100 бош сигирга мўлжалланган ва сайр қилиш майдончасига эга бўлган универсал сигирхона бўлиб, республикамиз шароитидаги пахтакор хўжаликлар учун мосдир. Бундаги асосий янгилик, тешиқларга эга бўлган деворлар бўлиб, улар бинонинг узунасига икки томондан темир йўл вагонларидаги каби силжийдиган дарвоза билан бекитилади. Сигирхонанинг икки ,н томонидан сайр қилдириладиган майдончалар асфальтланган, атрофи темир панжара билан ўралган бўлади. Деворлар ,н томонга сурилгач, сигирхона ичидаги майдон сайр қилдириладиган майдоннинг давоми бўлиб қолади, сигирхонанинг ўзи эса совуқ ўтмайдиган илиқ бостирмага айланади. Бостирма молларни қу ,ш радиациясидан яхши сақлайди.

Охурлар сигирхона ўртасига марказий озуқа ўтиш йўли билан бир қилиб ўрнатилган. Ем – хашакни КТУ – 10 озуқа тақсимлагич ,рдамида икки томонга тарқатиш мўлжалланган. Озуқа тақсимлагич сигирхонага дарвоза орқали киради. Қиш даврида худди шу дарвоза орқали сигирлар соғиш залига, ,зда сайр қилдириш майдончасига хайдаб чиқилади. Ўзбекистон шароитида сигирхонанинг баландлиги 3,5 м дан кам бўлмаслиги керак. Деворлар тўсиқлари арқонли тортқичга эга бўлган электр двигатель ,рдамида бирин – кетин силжитилади. Бунинг учун арқонда илгак бўлади. Ҳаракат вақтида илгак аввалги биринчи - тўсиқни охиригача суради,сўнгра орадан ўтиб, иккинчи ва бошқа тўсиқларни силжитади. Тўсиқларни силжитишни механизациялаш туфайли эрта баҳорда ва кеч кузда ҳаво яхши бўлиб турганда кундузи тўсиқларни очиб ва кечаси ,пиб қўйиш мумкин.

Сигирларни асраш технологияси қуйидагича бўлади: қишда сигирлар автомат боғлагичда огилларда сақланади. Бино ичидаги гўнг, кўракчали транспорт ,рлар ,рдамида йиғиштирилади. ,зда моллар ўша охурлар, автопоилкалардан фойдаланилган ҳолда боғламасдан боқилади ва сугорилади. Бунда фақат деворлар ,н томонга суриб қўйилади, огиллар гўнг ташиб чиқариш учун, ўтиш йўли ва сайр қилдириш майдончаси билан бирлаштирилади.

Сайр қилдириш майдончасидаги гўнг, бульдозер ,рдамида йиғиштириб олинади. Бино ичидаги гўнгни олиб чиқишда ҳам бульдозердан фойдаланиш мумкин. Бу ҳолда бир сигирга асфальтланган 6 – 8 метр квадрат майдон тўғри келади.

Сигирхонадан молларни йил бўйи боғламасдан ва боғлаб боқиш учун фойдаланилса, юқоридаги техниканинг ўзидан ҳам фойдаланиш мумкин, бунда ортиқча харажатлар талаб қилинмайди. Бундай сигирхонани зарур бўлганда уч томони деворли бостирмага айлантирилиши мумкин. Бино ичининг кенглиги, шипининг баландлиги ва деворларининг очиб қўйилиши, 3 вақтида сигирларни бир хил зичликда сақлаш имконини беради.

Ўзбекистонда бундай сигирхонадан фойдаланиш, эги бостирмалар, охурлар қуришда, сув ўтказгич ва бошқа ишларда 30% дан кўпроқ маблағни тежаш имконини беради. Сигирларни «Тандем – 20 Ўз НИИЖ» типидagi алохида блокда соғиш кўзда тутилади. Автоматлаштирилган бундай залда икки соғувчи 3,5 соатда 400 бош сигирни соғиб улгуриши мумкин.

**Мол боқишни ташкил этиш.** Фермаларда мол боқишни ташкил этиш жуда масъулиятли иш ҳисобланади. Бу ишни тўғри ташкил этиш учун ҳар бир даврда молларга бериладиган озуқа миқдори, ишлаб чиқариш гуруҳлари ва улардаги чорва молларининг бош сони, ҳар бир гуруҳдаги молларни боқиш усули белгиланган ҳолда иш қўрилади. Ҳар бир гуруҳдаги молларни боқиш усуллари улар учун сарфланадиган озуқа бирлиги, хазм қилинадиган протеин ва молларнинг ҳар бир гуруҳини боқишдан кўзда тутилган мақсадига қараб белгиланади.

Қорамолларни боқиш ишларини механизациялашда «КТУ 10» кўчма озуқа тақсимлагичдан фойдаланиш яхши натижа беради. Мол боқишда охурлар узунлиги ҳар бош сигирга 0,6 – 0,8 м бўлиши лозим. «ПГ – 0,5 Д» юклагич, рдамидаги озуқа тақсимлагич, силос билан тўлдиришда «ПГ – 0,5 Д» юклагич, кўк беда ўриб, майдалашда «КИР – 1,5» ўриш – майдалаш механизми билан иш қўриш қўл меҳнатини 3 – 4 баробар камайтиради.

Фермаларда механизациялашган озуқа тайёрлаш цехи бўлиши лозим. У ерда ачитқич озуқалар тайёрлаш, похолни, пичан ва бошқа озуқа аралашмаларини майдалаш, буглаш, хлореллалар суви тайёрлаш ва овқат пишириш ишлари механизация рдамида бажарилади. Механизациялашган озуқа цехларида 1 тонна озуқа тайёрлашга қўл билан ишлашдаги 30 – 40 киши-соат ўрнига, 0,8 – 1,0 киши – соат сарфланади. Бундан ташқари, ишлов берилган озуқани моллар яхши хазм қилади, нобудгарчилик кам бўлади.

**Сигирларни соғишни ташкил этиш.** Қорамолчилик фермасидаги энг қийин иш жараёнларидан бири, бу сигир соғиш ҳисобланади. Бу жараён ўзига хос санитария – гигиена қоидаларига эга бўлиб, хўжалик жойлашган ҳудуднинг хусусиятига қараб, ҳар куни бир вақтда бажарилиши шарт, агар сут соғиш белгиланган вақтдан олдин бошланса, ки, аксинча, кеч қолса, бу ҳол молларнинг физиологик ҳолати ва махсулдорлигига салбий таъсир этади. Сут фермаларидаги ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, махсулот етиштиришни кўпайтириш, меҳнат сарфини камайтиришнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Сут соғишни механизациялаш машиналардан ташқари соғин сигирлар зотига, махсулдорлигига, елиннинг шакли ва бир хил ривожланишига, озуқа

турлари ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Кўпинча машинада соғиш учун сигирлар танлаб олинмайди, елиннинг тузилиши, махсулдорлиги унга қўйилган талабга жавоб бермай қолса, моллар мастит касаллигига учраши мумкин. Шунинг учун молларни машинада соғиш учун аввало уларни барча белгиларига жавоб берадиган даражада танлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Хозирги даврда қорамолчиликда қуйидаги маркалардаги сут соғиш агрегатлари ишлатилмоқда: «Карусель» маркали стационар қурилма: «Арча» маркали стационар гурухлаб соғиш қурилмаси; «Арча» маркали кўчма универсал соғиш қурилмаси; «Тандем» маркали кетма – кет гурухлаб соғиш қурилмаси; «Елпигич» маркали ҳаракатланувчи кабинали, ярим доира шаклдаги қурилма; «Омичка» КДУЕ-16 конвейер- халқасимон соғиш қурилмаси.

Сут соғувчиларга қулай меҳнат шароити яратиш ва уларнинг меҳнатини унумдорлигини ошириш мақсадида соғиш аппаратлари алоҳида ажратилган майдонларга қурилади.

Зоотехника ва ветеринария қоидаларига кўра барча соғин сигирларининг елини аввал иссиқ сувда ювилиши, кейин қуруқ сочиқ билан артилиши зарур. Сўнгра сигирлар сути махсус идишга бир оз соғилиб, шундан кейингина стаканлар кийгизилиб, машина билан соғилади.

Соғилган сигирлар ўнг томондан чиқарилиб юборилади, чап томондаги аппаратлар олдига эса соғилмаган моллар гуруҳи киритилади. Сигир соғишдаги оғир ишлардан бири, соғилган сутларни ташиш ва ҳар бир сигир бўйича ҳисоб-китоб ишларини олиб боришдир. Бу ишларни енгиллаштириш мақсадида сигир соғишни такомиллаштириб, сут ташувчи трубалардан фойдаланилмоқда. Бунда «молокопровод-100», «молокопровод-200» каби қурилмалардан фойдаланиш яхши натижа бермоқда. Қурилмадан фойдаланилганда сутни бидон билан ташишга ҳожат қолмайди. Сутнинг сифати яхши сақланади, соғувчи меҳнатининг унуми ҳар соатда 20 та сигир соғишга тўғри келади.

Сигирларни оғилхонада кўчма аппаратлар билан соғишда молларнинг тирик вазни ва олинган сут миқдорига қараб, озуқа беришни тўғри йўлга қўйиш, соғиб олинган сутни алоҳида – алоҳида ҳисобга олиш имконини беради. Бу усул соғувчилар меҳнатини қулда соғишга нисбатан енгиллаштиради, уларнинг иш шароитини яхшилайдди. Оғилхоналарда кучма аппаратлар билан соғишда уч аппарат билан ишлагандагина энг юқори меҳнат унумдорлигига эришилади. Бунда соғувчидан юқори малака талаб қилинади, у одатда, соғишга ихтисослашади, аппаратлар камрок бўлганда, сигирларни боқиш ва парвариш қилиш ҳам унинг зиммасига юклатилади.

Сигирларни соғишда молокопроводдан фойдаланиш анча унумли бўлади, молокопроводдан сут вакуум аппарати билан махсус бўлимга сўриб олинади, бу ерда тозаланади ва совутилади. Бу жара, нни икки аппарат билан бажарилганда иш вақти сарфи сутни ташиш ва қуйишдан иборат ишларни деярли тулиқ қисқариши ҳисобига кучма аппаратлардан фойдаланишга нисбатан 20-30% тежалади. Лекин бунда асбоб ускуналарни ювишга, сут

шланглари улашга ва тай, ргарлик ишларига меҳнат сарфлаш кўпаяди, шунинг учун бу сарф фақат 10-15% га қисқаради.

Сигирларни соғишда «Арча» типдаги қурилмалардан фойдаланиш самарадорлиги станоклар, уларга хизмат кўрсатувчи ходимлар сонига ва молларнинг махсулдорлигига боғлиқ бўлади. «Арча» қурилмасида ҳамма сигирларни соғиб олиш вақти бир хил, шунинг учун ҳар бир навбатдаги соғиш учун бир хил тезлик билан сут берадиган ва махсулдорлик даражаси бир хил бўлган сигирлар танлаб олинади, бу усул махсус гуруҳларда яхши натижа беради.

Сигирларни соғиш масаласини ҳал қилишда, аввало молларнинг қандай асралишини ҳисобга олиш зарур. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, моллар йил бўйи боғлаб боқилганда молокопроводга соғиш оғилхона ва лагер усули бирга қўшиб олиб борилганда, бино ичида «Тандем», «Арча» ва бошқа қурилмалардан, эги лагерларда эса кўчма қурилмаларда, ки молокопроводда соғиш мақсадга мувофиқдир.

Сигирларни соғиш жара,нини комплекс механизациялашда хўжалик раҳбарлари қуйидаги тартиб-қоидага риоя қилишлари керак: 100 бош соғин сиғири бўлган фермалар учун «ПДА-1» кўчма соғиш агрегатидан, 150-350 бош сиғири бўлган фермаларда «Тандем-10 ЎзНИИЖ» соғиш мосламасига эга бўлган сут соғиш блокидан, 400 бошдан кўпроқ сиғир бўлган фермаларда «Тандем-10 ЎзНИИЖ» блокидан фойдаланиш маъқулдир. «ПДА-1» соғиш аппаратида илгор фермер хўжаликларида тўла ва самарали фойдаланиб келинмоқда.

**Сут ишлаб чиқаришнинг илгор поток-цех технологияси.** Қорамолчиликнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш учун тармоққа янги техника ва технологияни жорий қилиш талаб этилади. Илгор узлуксиз цех технологияси асосан 4 цехдан ташкил топган бўлиб, 1-цех «бўш туриш» цехи деб юритилади. У 60 кун давом этади. Мақсад: сиғир қорнида ўсатган бузоқни тугилиш олдида тўла қийматли озуқалар билан боқиш ва сиғирларнинг тугишга тай,рлаш.

2- цех «туғиш цехи»-у, 25 кун давом этади. Мақсад: туғиш жара,нини тўғри ташкил этиб соғлом бузоқ олиш. Сигирларни яйратиш майдончасида 15 кун сақлаб, кейин 10 кун махсус тугдириш хоналарида тугдирилади.

3-цех «сигирларни ийдириш ва сунъий қочириш» цехи. Бу цехда ишлаб чиқариш жара,н 90 кунгача давом этади. Мақсад: сиғирларга хоҳлаганича ем-хашак бериб, уларнинг сут махсулдорлигини кўтариш, физиологик ва жисмоний етилишини тўғри йўлга қўйиш, сиғирларни ўз вақтида қочириш.

4-цех «сут ишлаб чиқариш» цехи. У 305 кунгача давом этади. Мақсад: режада кўрсатилган миқдорда тўғри озиклантириб сут ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Иқтисодий ҳисоб-китоблар учун ҳар бир цехда, йил давомида неча фоиз сиғирни сақлаш мақсадга мувофиқлигини режалаштириш керак бўлади. Илмий жихатдан асосланган тавсиялар бўйича сут бермайдиган сиғирлар цехида жами

сигирларнинг 14%-и сақланиши керак, 2- цехда - 11%-и, 3-цехда - 25%-и ва 4-цехда - 50% сигир сақланиши лозим.

Сигирларни тўла қийматли озиқлантириш, уларнинг сутдорлиги ва 1 кг сут ишлаб чиқаришга сарфланадиган озуқа бирлиги билан фарқланади, яъни сигирлар қанча кўп сут берса, махсулот бирлигига сарфланадиган озуқа бирлиги шунча кам бўлади ва сутнинг таннархи шунча арзонлашади.

Узлуксиз цех технологияси 1979 йилда яратилган. Ушбу технологиянинг хар бир цехида юқори малакали ходимлар ишлаши ва уларга юқори иш хақи тўланиши лозим.

Сут етиштириладиган комплексларда узлуксиз (кетма-кет) цех технологияси бўйича сут ишлаб чиқаришни ташкил этиш қуйидаги жадвалда келтирилган.

<sup>1</sup> 16 жадвал

Сут ишлаб чиқаришнинг узлуксиз цех технологияси

Кўрсаткичлар	Узлуксиз цех технологияси			
	Сут бермайдиган сигирлар цехи	Тугадиган сигирлар цехи	Ийдириш ва сунъий қочириш цехи	Сут ишлаб чиқариш цехи
Сигирларни сақлаш даври, кун	60	20-25	60-90	200-220
Озиқлантириш, кг: омухта ем	1,5-2,0	1,0-1,5	хохлаганича	4-5
Беда пичани	5-7	-	хохлаганича	4-5
Сенаж	10-15	5-6	хохлаганича	10-12
Илдиз мева ва силослар	8-10	-	хохлаганича	20-22

Узлуксиз цех технологиясининг ийдириш цехида сигирлар бузоқларга эмизиш орқали ийдирилади ва бузоқнинг тили сигирнинг елинини массаж қилувчи вазифасини ўтайди. Ийдириш ва сунъий қочириш цехида сигирларнинг ўз сут махсулдорлигини тиклаши учун озуқа рациона таркибида 80% омухта ва 20% дагал озуқа бўлиши керак. Бу таркиб аста секин 70% га 30% ва 90 кун ўтгандан кейин - 60% омухта ва 40% дагал озуқалардан иборат бўлиши керак. Озуқанинг таркибида сут берувчи сигирлар учун курук моддалар кўпроқ бўлиши шарт. Бу кавш қайтарилиши натижасида сут махсулдорлигини ошишига олиб келади. Бу даврда сут берувчи сигирларга ширали озуқа бермаслик керак.

### 19-боб. Қўйчиликни ташкил этиш

## 19.1. Қўйчиликда ихтисослаштириш, хўжалик ва тармоқлар хажми

Қўйчилик чорвачиликда анчагина катта ахамиятга эга. Бу тармоқ гўшт, ,г, сут, жун, тери, қоракўл териси каби хилма-хил ва қимматбаҳо махсулотлар беради.

**Қўйчилик чорвачиликнинг товар махсулот етиштиришдаги етакчи тармоқлардан ҳисобланади, гўшт етиштиришда қорамолчиликдан кейин иккинчи ўринда туради. Қўй гўшти ҳар йили Ўзбекистонда етиштириладиган гўштнинг 20% ини ташкил этади.**

Табиийки, чорвачилик тармоқларида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ҳозир энг асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ихтисослаштириш бир қанча омилларга, шу жумладан хўжаликнинг табиий-иқтисодий шароитига, қўйлар зотига, уларни боқиш услубига, хўжаликдаги ишлаб чиқариш техникасига, махсулот етиштириш технологиясига ва буларнинг ҳаммасини бир мақсад учун йўналтирувчи иш жара,нларини тўғри ташкил этишга боғлиқдир.

**Қоракўлчилик чўл ва ярим чўл минтақаларда яшовчи аҳолининг фаолият кўрсатиш ва даромад олиш манбаси ҳисобланади. Кейинги йилларда тармоқнинг хўжалик юритиш тизимида ҳам, мулкчилик шаклларида ҳам кескин ўзгаришлар рўй берди. Бунга Вазирлар Маҳкамасининг кейинги йилларда қабул қилинган қарор ва фармойишлари асос бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 июнда “Қоракўлчиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 250-сонли қарори қабул қилинганидан сўнг тармоқда кескин ўзгаришлар бўлиши кузатилди. Ҳозирги кунда қоракўлчиликда иқтисодий ишларни такомиллаштириш, қоракўлчилик хўжаликлари ва корхоналарнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида республикадаги 30 та наслчилик, 84 та товар хўжаликлари, қўйларни бўрдоқига боқувчи 11 та ва қоракўлча етиштирувчи 84 та мажмуа ҳамда қоракўлчилик махсулотларини қайта ишлайдиган 2 саноат корхонаси бир тизимга бирлаштирилиб, «Ўзбек қоракўли» компанияси ташкил этилган.**

Мамлакатимизда ҳар бир хўжалик жойлашган ҳудуднинг табиий шароитига қараб, уларда жойлашган қўйларнинг зотларига кўра қўйидагичи ихтисослаштиришни кузатиш мумкин: қоракўл тери, гўшт-жўн ва гўшт-,г махсулоти берадиган хўжаликлар.

Ҳар бир ҳудуд хўжаликларида қўйчилик асосан икки йўналишда бўлади. Биринчиси-наслдор қўйлар етиштириш. Иккинчиси-товар махсулот етиштирувчи фермалар. Наслдор қўйлар етиштирадиган фермаларнинг асосий вазифаси зотли қўйларни тез етиштиришдан ва мавжуд зотларни яхшилашдан ҳамда янги зотларни яратишдан иборат. Товар махсулот етиштирувчи фермалар, қўйларни урчитиш, қоракўл тери, жун, гўшт ва бошқа махсулотларни кўпайтириш йўлида иш олиб боради.


Мамлакатимизнинг Тошкент, Сирдар, Жиззах ва Самарканд вилоятлари тоғ олди ва тоғли туманларида гўшт-жун берадиган жайдари қўйлар, Фаргона водийси вилоятларининг тоғли ва тоғ олди ҳудудларида асосан ,г-гўшт учун

думбали қўйлар боқилади. Думбали қўйларнинг асосий зотлари хисори ва жайдари қўйлардир.


Гўшт-жун учун боқиладиган қўйлар иқтисодий жihatдан анчагина афзалдир. Хисори ҳамда жайдари думбали қўйлар гўшт ва ,г етиштиришга мўлжалланган. Бу қўйлар иқтисодий жihatдан гўшт-жун берадиган қўйлардан кейинги ўринда турадилар. Кўп ,гингарчилик бўладиган ва ўт ҳамда пичан кўп ўсадиган яйловли тогли туманларда жайдари қўйларга нисбатан кўп даромад берадиган гўштдор жунли қўйлар етиштириш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда қорақўлчилик мухим ахамиятга эга. Қорақўл қўйлари асосан Бухоро, Қашқадар, , Навоий, Сурхандар, , Самарқанд, Жиззах, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасида боқилади.

<sup>1</sup> 17 жадвал  
Жахон қорақўлчилигида Ўзбекистон улуши, салмоғи  
Қорақўл қўйлар бош сони



Қорақўл етиштириш бўйича



Қорақўл Ўзбекистоннинг ифтихори ва бойлиги ҳисобланади. Қорақул териларининг гул шакллариининг ўзига хослиги, табиийлиги, нақшларининг бойлиги, ипақдек юмшоқлиги, ялтироқлигининг юқорилиги билан қорақўл терилар жаҳонида шуҳрат қозонди.

Қўйчилик хўжаликларини ташкил этишда энг асосий эътибор ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бирламчи бўғини отарлар тузишга қаратилиши шарт.

Отарлар қўйчиликда дастлабки ишлаб чиқариш бирлиги ҳисобланиб, улар қўйидаги жинс ва ,шдаги қўйлардан таркиб топади: совлиқлар, эмизикли қўзилари бўлган совлиқлар; уруглатувчи қучқорлар, уругланадиган қўйларни подадан танлаб берувчи қучқорлар, катта ,шдаги бичилган қўчқорлар, совлиқдан ажратилган ва катта гуруҳга қўшилиш олдидаги қучқорлар, совлиқдан ажратилган ва катта гуруҳга қўшилиш олдидаги бичилган қучқорлар.

Қўзиларни оналаридан ажратиб, отарлар таркиб топшириш куз ойларида, яъни қўзилатиш жара,нидан уч ярим – тўрт ойдан кейин амалга оширилади.

**Мамлакатимиз худуд жихатидан катталиги ва табиий тупроқ шароитлари хар хил бўлганлиги туфайли қўйчилик худудларида қабул қилинган тизимга биноан яйловлар хосилдорлиги, сув манбалари ва фермаларнинг ихтисослашганлиги ҳисобига олинган холда қўйчилик**

отарлари тахминан қўйидагича таркиб ва меъ,рда тузилиши тавсия этилади.

<sup>1</sup> 19 жадвал

Отарларнинг меъ,рий хажмлари (бош)

Кўрсаткичлар	Товар фермасида	Наслчилик фермасида
Майин жунли ва ярим майин жунли совлиқлар	600-800	500-700
Дагал жунли ва ярим дагал жунли совлиқлар	700-900	600-700
Майин жунли ва ярим майин жунли зотли қўйлар-қўзилари ажратилгандан кейин:		
Совлиқлар	800-900	600-800
Қучқорлар	400-500	250-300
Бичилган қучқорлар	900-1200	-
Дагал жунли қўйларнинг қўзилари совлиқларидан ажратилганидан кейин:		
Совлиқлар	600-800	500-600
Қучқорлар	500-600	300-400
Бичилган қучқорлар	800-1000	-
Майин жунли ва ярим майин жунли бичилган қўчқорлар, бир ярим ,шдан юқориси: наслик қўчқорлар	800-1000 800-1200 200-300 гача	- - 200 гача

Қўйчилик тармогида фермалар отарлардан кейинги иккинчи ташкилий бирлик бўлиб, улар корхоналарнинг йўналиши, қўйчилик ишлаб чиқаришини хажмига қараб ҳар хил бўлиши мумкин.

Қўйчилик қўшимча тармоқ бўлган пахтачилик йўналишидаги хўжаликлар фермаларининг хажми 800-1000 бош бўлади. Махсус қўйчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалик корхоналарида ва қўйчиликка ихтисослашган хўжаликлараро корхоналарда фермаларнинг хажми анча катта 1200-1400 бош бўлади. Булардан ташқари, қўйчилик фермалари хажми ишлаб чиқаришнинг жадаллашганлик даражаси, ем-хашак етиштириш майдонининг катта-кичиклиги, бириктирилган ер майдонининг ҳолати, яйловларнинг ҳосилдорлиги, хўжаликдаги чорва бош сонининг озуқа билан таъминланиши, сув манбалари ва сув билан йил давомида таъминланиши, ем-хашак тай,рлаш, озуқа тай,рлаш ишларининг механизациялашганлик даражаси, техника ва технологиянинг мукамаллиги, иморат, қўйхона ва малакали кадрлар билан таъминланиш даражаси каби омилларга боғлиқдир.

Махсус қўйчиликка ихтисослашган хўжаликларда ҳар хир фермада (айрим холларда бўлим ,ки участкада) 6 тадан 10 тагача отар жойлашиши мумкин.

ҚоракЎлчиликка ихтисослашган ва қўйчилик яхши ривожланган фермаларнинг мақсадга мувофиқ хажми 12000-16000 бош, бўлиши лозим.

Мамлакатимизда махсус қоракЎлчиликка ихтисослашган хўжаликларнинг хар бирида ўртача 20000 дан 60000 бошгача қўй мавжуддир.

Қўйчилик иккинчи даражали тармоқ бўлган корхоналарда ўртача бир хўжаликка тўғри келадиган қўйларнинг бош сони хар хилдир: дон етиштирувчи хўжаликларда 4400, пахтачилик хўжаликларида 2300, гўшт ва гўшт-сут етиштирувчи хўжаликларда 1300, бошқа махсулот етиштиришга ихтисослашганларда эса 155 бошдан 385 бошгача.

Қўйчилик фермаларининг хажми хўжаликлар ишлаб чиқариш шароитига қараб хар хилдирки, булар мақсадга мувофиқ холат эмас. Ишлаб чиқариш жадаллашаган сари фермалар хажми ўзгариб, такомиллашиб бораверади.

## 19.2. Қўйчиликда такрор чиқариш

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг қўйчилик фермаларида подани такрор ишлаб чиқаришдан асосий мақсад пода сифатини яхшилаб, қўйчилик махсулотлари миқдорини кўпайтириш ва унинг товарлилик даражасини оширишдир.

Подани такрор ишлаб чиқариш чорвачиликнинг қўйчилик ва хусусан қоракЎлчилик тармогида ўзига хос хусусиятга эга. Хар бир тармоқнинг ишлаб чиқаришига таъсир этадиган бир қанча ўзига хос омиллари бор. Хар бир омилдан фойдаланиш бир ,ки бир неча тадбирни амалга оширишни талаб этади. Масалан қўйчиликда подани такрор ишлаб чиқаришни илмий жихатдан ташкил этиш тадбирлари тизими асосан қўйидагилардан иборатдир:

- хўжаликнинг ихтисослашишига мос келадиган таркибий қисмга эга бўлиб, бозор талабларига жавоб берадиган ва истеъмолчиларга харид қилиниши зарур бўлган, шартнома талаблари бажарилишини таъмин этадиган даражадаги товар махсулоти етказиб берадиган пода таркибини белгилаш;
- чўпон оилаларига бириктирилган отарларни ва қўйлар гуруҳларини жинси, ш таркиби, ранги ва қоракЎл тери типлари бўйича ташкил этиш;
- совлиқларни қисир қолишини олдини олиш;
- эрта бахорги қўзилатишни энг яхши муддатларда ўтказишни таъминловчи сунъий қочирини ишларини ўз вақтида тўғри ташкил этиш;
- паст махсулдор совлиқларни ўз вақтида яроқсизликка чиқариш ва улар ўрнини ,ш, соғлом ва сермахсул таъмирловчи ургочи қўзилар билан тўлдириш;
- қўйларни йил давомида, хусусан қиш вақтида тўла қийматга эга бўлган озуқалар билан боқиш;
- қўйларни махсус қўйхоналарда зоотехника қоидаларига кўра тўғри сақлаш.

Бу омиллар ичида энг асосий омил пода таркибини тўғри белгилашдир.

Пода таркиби қўйларнинг бош сонини такрор ишлаб чиқариш сураътига, уларнинг махсулот бериш даражасига, етиштириладиган махсулот миқдори,

жун, қоракўл тери ва қўй гўшти таннархига, хўжалик рентабеллигига таъсир этувчи энг мухим омилдир. Пода таркиби кўп жихатдан қўйчиликнинг йўналишига, ишлаб чиқариш шароитларига боғлиқ бўлади.

Қўйчилик хўжаликлари ўз фермаларининг ихтисослашувига кўра, қўй сурувлари таркибини тўғри белгилашлари керак. Бу таркиб қўйларнинг қандай мақсадда асралишига, уларнинг серпуштлигига ҳамда ,шлигида ,ки вояга етганида суйилишига кўра хар хил бўлади.

Махсус қоракўлчилик фермаларида подани кенгайтирилган холда такрор ишлаб чиқаришда совлиқларнинг отардаги салмоги товар хўжаликларида 75-80% ни, подани тўлдириш учун сақланадиган кўзилар салмоги эса 20-25% ни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир. Наслчилик хўжаликларида эса совлиқлар салмоги 66-70% ни, подани тўлдирувчи ва наслга сотиладиган кўзилар салмоги 30-34% ни ташкил этиши лозим.

Қўйчилик фермаларида подани такрор ишлаб чиқаришнинг асосини пода харакати ташкил этади ва шунинг учун уни тўғри тузиш ниҳоятда мухимдир. Пода харакати хўжаликнинг йиллик ишлаб чиқариш топширигида акс эттирилади. Пода харакати йил бошида (гурухлар бўйича) хўжаликда (отарларда) мавжуд қўйлар сони, йил давомида тугилиш хисобига қўйлар сонининг кўпайиб бориши ,ш кўзиларни вояга етган қўйлар гурухига ўтказиш ва хўжалик эҳти,жи учун сарфлаш натижасида подада руй берган ўзгаришлар ҳамда йил охирида хўжаликда қанча қўй бўлиши кераклигини кўрсатади.

Йиллик ишлаб чиқариш топшириқларида қўй подасининг харакат режаси наслдор қучқорлар, совлиқлар ва бир ,шдан ошган ургочи тўқлилар, шу йили тугилган ва келгуси йили тугилиши кўзда тутилган кўзилардан иборат гурухларга ажратилиб, бир йилга тузилади.

Қўйчиликнинг тўғри ривожланиши, махсулот етиштиришнинг кўпайиши, таннархининг пасайиши, меҳнат унумдорлиги ва рентабелликнинг ошиши кўп жихатдан подани такрор ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этишга боғлиқдир.

**Қўйларни сунъий урчитиш ва кўзилатишни ташкил этиш.** Қўйчилик фермаларида махсулот етиштириш билан боғлиқ иш жара,нларини энг мухими қўйларни урчитиш ва кўзилатишдир. Кўпчилик хўжаликларда кўзилар-тусоқлар биринчи марта 1,5 ,шга етганда насл олиш учун қочирилади. Бу холда кўкламда(март-апрел ойларида) тугилган кўзилар келгуси йили кузнинг октябрь-ноябрь ойларида қочирилади. Қўйчилик хўжаликларида совлиқлардан 5-6 йил мобайнида насл олинади.

Хўжаликларда қўйларни урчитиш корхона шароитида қайси фасл кўзилатиш учун қулай бўлишига ҳамда қўйлар ,ппасига куюкишига боғлиқдир. Қўйларнинг бугозлик даври 5 ой давом этади. Ўзбекистоннинг жанубий қисмида март ойининг бошлари, шимолий қисмида эса мартнинг ўрталари қўйларни кўзилатиш учун энг қулай муддат хисобланади.

Қўйлар подаси алоҳида бўлганлиги туфайли улардан қайси бири куюкканлигини билиб бўлмайди, шу сабабли қўлда қочиришда (табiiй қочиришда ҳам, сунъий уруглантиришда ҳам) синовчи қўчқорлардан фойдаланилиш меъ,рлаштирилади. Хар минг бош совлиққа 10-12 бош синовчи

қўчқор бўлиши керак. Қочириш жара,нига олдиндан тай,ргарлик қурилиши ва уни ўтказиш режаси тузилиши лозим. Бу режада совлиқларни қочириш усули, уларни боқиш, қўчқор билан таъминлаш ишлари кўзда тутилади. Совлиқлар семиз бўлса, ,ппасига куюкиб, кўпроқ эгиз кўзи беради. Бунинг учун 6-8 хафта илгари кўзилар онасидан ажратилади, чунки эмизадиган кўйлар яхши семирмайди ва уларни озиклантириш кўчайтирилади. Қўчқорларни яхши озуқа билан боқиб жинсий фаоллигини кучайтириб туриш лозим. Шунинг учун қочириш мавсумидан 2 ой олдин уларга рацион тузилиб, кўшимча ем бериб боқиш зарур. Думбали ва қоракўл зотли қўчқорларга одатда 1 кг га яқин ем аралашмаси (кунжара, арпа ,рмаси ва маккажўхори) берилади. Сержун қўчқорлар нозикроқ бўлганидан уларга сифатли қуруқ беда ҳам бериб туриш керак. Яхши боқилган бир қўчқор кунига тўрт марта (икки марта эрталаб, орасида 10 минутлик танаффус билан ва икки марта кечкурун) сперма олинади. Кўлда табиий қочирилганда қўчқор бутун қочириш мавсуми давомида 100 совлиқни, сунъий уруглантириш кўлланилганда эса 500 совлиқни қочира олади.

Хўжаликлар шароитида думбали ва қоракўл кўйлар одатда бахорги яйловларда кўзилатилади. Кўзилатишнинг тўла ва тўғри ўтиши учун бугоз совлиқларнинг Ўрта ва юқори семизликда бўлишини таъминлаш керак. Кўзилатиш олдиндан бугоз совлиқлар кишки яйловларга кўчирилади. Кўзилатиш учун қулай, қуруқ тупроқли жой танланади. Кўйлар кўзилатиладиган жойда доимий иссиқ хоналар та,рлаб кўйилган бўлиш керак.

Кўзилатиш даврида совлиқларни боқадиган асосий чупонлардан ташқари хар 300 совлиққа қараб туруш учун 1 киши кўшимча ишчи сифатида ажратилади ва бу ,рдамчи жами 40-45 кун ишлайди.

Кўзи боқишнинг янги усулларида бири қутон-база усулидир. Бу усул шундан иборатки, кўзилар алохида гуруҳ қилиб, омукта озуқа, эфимер ўтлар билан боқилади, минерал кўшилмалар берилади. Совлиқлар базада ,ки ўтлоқда бўлади ва кун давомида 2-3 марта қўтонга кўзиларни эмизиш учун олиб келинади ва шу ерда тунайти. Кўзилар қувватга киргандан кейин, ўтлоққа ўргатилади. Кўзиларни бу усулда боқиш уларнинг ўсиши ва сақланишига қулай шароит яратади.

Қоракўлчиликда совлиқлар махсус биноларда сақланади, кўзилагандан кейин эркак кўзичалар қоракўл тери учун танлаб олиниб суйилади, боласиз қолган совлиқлар қўтонда сақланади. ўстиришга қолдирилган кўзилар 40-45 кунлик бўлгандан кейин оналари билан кўшиб отарга олинади ва июл ойининг охиргача бирга боқилади. Сўнгра онасидан ажратилган кўзилардан алохида отар тузилади.

Хар бир хўжаликнинг аниқ табиий-иктисодий шароитларга қараб, кўйлар турли усулда боқилади. Буларга яйловда боқиш ва майдончали (загон) ўтлоқларда боқиш усуллари киради.

Йирик кўйчилик хўжаликларида янги технологияга ўтиш тажрибаларидан бири, бу кўп йиллик ўт яйловлар-майдончаларини барпо этишдир.

Йирик массивларда механизациялашган фермалар жойлашади. Мутаххасисларнинг кўрсатишича, яйловларга хайдаб боқишдан майдончали ўтлоқда боқиш усулига ўтилганида ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ошади.

Қўй боқиш ишлари муайян кун тартибига мувофиқ олиб борилади. 3 фаслида қўйлар эрта тонгда яйловга хайдалиб, соат 10-11 гача ўтлатилади, сўнгра соат 16-17 гача дам олдирилади, соат 16-17 дан 21 гача яна ўтлатилади, орада 1-1,5 соат дам берилади, тунги соат 1 гача яна ўтлатилади, ниҳоят тунги соат 1 дан тонг отгунча дам берилади.

Кун тартиби иш жараёнларига қараб ўзгаради. Қоракўл қўйларини боқиш кун тартиби ишлаб чиқариш даври ва шароитига қараб ҳар хил бўлади: кечаси соат 2 дан эрталаб 9 гача ўтлатиш; 9 дан 10 гача сугориш; 10 дан 17 гача кундузги дам олиш жойида сақлаш; 17 дан 18 гача иккинчи сўгориш; 18 дан 24 гача ўтлатиш; соат 00 дан кечаси 2 гача тунги дам олиш ва хоказо.

Хўжаликларда гўштга топшириш учун алоҳида 3 қўчқорчалар, урчитишга ярамай, брак қилинган қари қўйлар ажратилади. 3 қўзилар жадал боқилиб, 5-6 ойда семиртирилиб, гўштга топширилади.

**Қўйлар жунини қирқиш** энг масъулиятли иш жараёни ҳисобланади, чунки қирқиб олинadиган жуннинг миқдори ва сифати шу ишнинг ўз вақтида ўтказилишига боғлиқ. Қўйларнинг жунини қирқиш кўкламда ҳар бир худуднинг шароитига қараб, 26 апрелдан 10-15 майгача давом этиш мумкин. Кўзда қирқиш эса сентябр ойда бошланади.

Жун машиналарда қирқилганда махсус жой тайёрланиб, 12, 24, 36, 48, 60 ва 100 машинага эга бўлган ЭСА агрегатларида, ПГШ-1,0 маркали пресслардан, чархлаш асбоблари ҳамда машиналарни тузатиш асбоблари учун верстак, жун тортиш тарозиси қўйилган ҳисоб-китоб столидан, хилларга ажратилган жунларни қўйиш жойи бўлган столлардан, қирқилган жун тойларини тортиш учун 500 кг ли тарозилардан фойдаланилади. Қирқилган жунларни ҳисобчи столига элтувчи транспортлар, бўшатиб олиш учун тахта тўсиқлари билан жихозланади. Пунктнинг катта-кичиклиги жун олинadиган қўй миқдори ва жун қирқилишининг календар муддатига боғлиқдир.

#### **19.4. Қўйчиликда оила пудратини ташкил этиш**

Қўйчиликда меҳнатни ташкил этишнинг асосий шакли анъанавий усули бу чўпон оила(жамоа) пудрати ҳисобланади. Отарларнинг катта-кичиклиги, қўйларни қочириш, сермахсул қўзилар олиш, уларни тўгри озиклантириш, яйлов ерларини миқдори ва катталигига, сугориш имкониятига қараб ўзгариб туради. Йирик хўжаликларда совлиқлар отарини 700-800 бошдан, тўқлилар-800-1000 бош, бичилган қўйлар-1200 бош ва қўчқорлар-250-300 бош қилиб тузиш мақсадга мувофиқдир. Одатда ҳар бир отарга 3-4 кишидан иборат чўпонлар жамоаси хизмат қилади.

Чўпон оила(жамоа)лари ўзларига берилган топшириқ бўйича ички хўжалик ҳисоби асосида иш кўради, ўз ишларининг пировард натижаси учун моддий ва маънавий жавобгар ҳисобланадилар.

Пудрат шаклида иш юритувчи чўпонлар жамоаси ишлаб чиқаришни ташкил этишда ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини корхонадан ижарага олиб, ишлаб чиқариш муносабатларини корхона маъмурияти билан тузилган шартнома асосида олиб борадилар. Биз қуйидаги Навоий вилоят

қорақўлчиларининг ички хўжалик ҳисоби шартномасини намуна сифатида тавсия этамиз.

**Қорақўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича оилавий пудрат муносабатларини шакллантириш**

**ШАРТНОМАСИ**

Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат) хўжаликлари тўғрисида» ги қонуни ҳамда бошқа қонун ости ҳужжатлари асосида \_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ тумани, \_\_\_\_\_ ширкат хўжалиги номидан унинг раиси \_\_\_\_\_ бир томондан, оила пудрати бошлиги

\_\_\_\_\_ иккинчи томондан қуйидаги мазмунда шартнома туздилар.

**1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.**

Оила пудрати (бундан кейин пудратчи деб юритилади) таркибида қуйидаги аъзоларидан иборат:

Т/р	Исми шарифи	Мансаби	Тугилган йили	Чўпонлик стажиди	Маълумоти	Тариф разряди
1.						
2.						
3.						

200\_ йилдан 200\_ йилгача далолатномага мувофиқ кўрсатилган молларни ижарага олади.

Пудратчи хўжалик бошқаруви буюртмасига мувофиқ хар йили қорақўлчилик маҳсулотларини етиштириб бериш ва келишилган нархларда хўжаликка сотиш мажбуриятларини олади.

Пудратчига қуйидаги мулклар ва моллар шартнома асосида фойдаланиш учун берилади:

	Бош	Тирик оғирлиги, ц	Баланс қиймати, сўм
1. Майда шохли моллар: шу жумладан: - совлиқлар - қўчқорлар - қўзилар 2. Йилқи шу жумладан: бия 3. Туя шу жумладан: она туя			
Т/р	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Қиймати

1.	Чўпон уйи			
2.	Иссиқ кўра			
3.	Кигиздан қилинган уй			
4.	ўтов			
5.	Қудуқ			
6.	Сув чиқарадиган агрегат			
7.	Цистерна			
8.	Новалар			
9.	Кетмон			
10.	Курак			
11.	_____			
12.	_____			

Пудратчига мол қишлови учун \_\_\_\_\_ номли қудуқ, бахорги қўзилатиш учун \_\_\_\_\_ номли қудуқ ва ,3 пайтида \_\_\_\_\_ номли қудуқ ва мол боқиш учун \_\_\_\_\_ га яйловни вақтинча фойдаланишга ижарага берилади.

## **2. ПУДРАТЧИНИНГ ХУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:**

### 2.1. Пудратчининг мажбуриятлари.

А) беркитилган хар 100 бош совлиқдан \_\_\_\_\_ бош қўзи, жами \_\_\_\_\_ бош қўзи олади;

Б) олинган қўзидан \_\_\_\_\_ бошини ўстиришга қолдиради, шу жумладан \_\_\_\_\_ бош ургочи қўзилар;

В) \_\_\_\_\_ дона юқори сифатли қорақўл тери, шу жумладан \_\_\_\_\_ дона катта ва ўрта ўлчамли , камида \_\_\_\_\_ фоиз биринчи навли қорақўл тери;

Г) олинган жами қўзидан \_\_\_\_\_ фоиз ширдон, \_\_\_\_\_ фоиз барра гўшти топширади;

Д) хар бир бош қўйдан \_\_\_\_\_ кг жун қирқиб, жами \_\_\_\_\_ кг жун топширади;

Ж) ўстиришга қолдирилган қўзиларни онасидан ажратганга қадар, хар бир қўзининг ўртача тирик вазини \_\_\_\_\_ кг-га етказди. Тўқли мол боққан отарда, хар бир тўқлини асосий подага ўтказган вақтда тирик вазини \_\_\_\_\_ кг -га етказди.

2.2. Шартномада белгиланганидан ортиқча ишлаб чиқарилган махсулотлар хўжаликка келишилган нархда сотилади.

2.3. Мол бошининг чиқимига йўл қўйилмайди. Агарда касаллиги туфайли чиқим бўлса ветеринария далолатномаси асосида жами мол бошининг 3 фоизигача бепул ҳисобдан чиқарилади. 3 фоиздан ортиги (табiiй офат ,ки тасодифан тарқалган юқумли касалликлардан бошқа ҳолда) шу нобуд бўлган молларни натура ҳолида ,ки бозор нархи билан 3 баробари ҳисобида ва унинг ҳисобга олинмай қолган махсулот қийматининг 100 фоизи ҳисобида тўланади.

2.4. Пудратчи мавсумий ишларда фойдаланадиган ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини, хизмат қиладиган ,рдамчи техникаларини, омухта-ем, дагал хашак, ,нилги мойлаш материаллари ва керакли ресурсларни, хўжаликда ишлаб чиқилган шартли ҳисоб баҳоси билан олади.

### **2.5. Пудратчи:**

- молларни зоотехния қоидаларига мос боқишни, озиклантиришни, сугоришни, кўраларни тозалашни ва жорий ремонт ишларни ўз кучи билан бажаради;
- зооветеринария чора-тадбирларини ўз вақтида ўтказиб туради;
- меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ,нгиндан сақлаш талабларини бажаради;
- санитария-гигиена талабларига риоя қилади;
- мавсумий ишларга жалб қилинган ,лланма ходимларга меҳнат ҳақи, пудратчи ҳисобидан тўланади;
- хўжалик томонидан белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида , шартномада кўрсатилган миқдорда, тўлиқ ва сифатли этиб топширишни таъминлайди;
- агарда мол бош сони режадан кам бўлмай, аммо белгиланган ҳосил режаси бажарилмаса, ҳосилнинг ,ки маҳсулотнинг бажарилмай қолган қисми учун, унинг ўртача сотиш баҳосини 125 фоизи миқдорида тўлайди;
- пудратчига далаолатнома асосида топширилган асбоб- ускуналар (сув чиқарадиган агрегатлар ва бошқалар) муддатидан олдин ишдан чиқса унинг қолдиқ қиймати пудратчидан ундирилади;
- пудратчи беркитилган моллар учун \_\_\_\_\_ тонна дагал ҳашак тай ,рлашни таъминлайди;
- агар пудратчи кўплаб асосиз мол харажатларига йўл қўйса, белгиланган ҳосилни олаолмаса ва зооветеринария ва ҳукумат томонидан қабул қилинган қонун-қоидаларни қўпол равишда бузса, у ҳолда қўл остидаги молларни ўз ихти ,ри билан хўжаликка топшириши шарт;
- ажратилган омукта ем, дагал ҳашак, ,килги мойлаш материаллари ва бошқа моддий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш.

#### ***Пудратчининг ҳуқуқлари:***

2.6. Пудратчи ҳар ойда чорва молларини боққанлиги учун бўнақ тариқасида ҳар бир бош қўй учун белгиланган тарифга асосан иш ҳақи олишга;

2.7. Йил давомида чорва моллари учун талаб қилинадиган дори-дармон ва вакциналар билан таъминланишни ва тегишли зооветеринария тадбирларини ўз вақтида ўтказилишини талаб қилишга;

2.8. Ҳар хил технологик жара ,нларни (қўйларни сунъий қочириш, қўзилатиш, жун қирқиш) сифатли, ўз вақтида ўтказилиши учун керакли бўладиган асбоб-ускуналарни, маҳсус кийим-кечак ва моддий ресурсларни талаб этишга;

2.9. Тасдиқланган шартнома шартлари бажарилганда, тежалган моддий сарф-харажатларнинг қийматидан (шу йилги иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда) 70 фоизини мукофот тариқасида олишга, хўжалик айби билан етказилган зарарни ва бой берилган фойданинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

---



---



---

### ***3. ХЎЖАЛИКНИНГ ХУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.***

3.1. Хўжалик, шартнома талабларига мувофиқ, пудратчиларга техника воситалари: яйлов, қудуқ, бино, сув иншоотлари, ғилғил ва мойлаш материаллари, озуқа турлари бўйича, чорвага зооветеринария ва моддий маиший-хизматлар кўрсатади.

3.2. Пудратчига беркитилган техника, асбоб-ускуналарни унинг розилигисиз бошқа ерга олиб берилмайди.

3.3. Жорий таъмирлаш ишларини тегишли қурулиш материаллари билан таъминлайди. Қўра, қудуқ, чўпон уйи, қочириш пунктлари ва сув чиқаргич моторларини таъмирлаб бериб туради.

3.4. Мехнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ғилғилдан сақлаш талабларини амалга оширишини таъминлайди.

3.5. Зооветеринария чора-тадбирларини ўз вақтида ўтказиб туриш учун ташкилий ишларни олиб боради ва керакли ресурслар билан таъминлаб боради.

3.6. Пудратчининг ишларини молия-хисоб маркази, ички хўжалик харажатлари устидан назоратни чек тизими асосида олиб борилади. Пудратчи учун хўжалик молия хисоб марказида алоҳида хисоб варакаси очилади, унга ойма-ой харажатлар хисоби қилиб борилади.

Йил якуни натижасида пудратчи жамоаси, меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича қабул қилинган Низомга асосан иш ҳақи олиб боради.

Якуний хисоб-китоб бўлганига қадар пудратчига ўзининг иш ҳақи фондидан \_\_\_\_\_ фоизи миқдорида бўнак (аванс) берилиб борилади.

Пудратчи шартномада кўрсатилган барча маҳсулотларни ортиқча ишлаб чиқарганда, қайси турдаги маҳсулотни кўп ишлаб чиқарган бўлса, ўша турдаги маҳсулотларни ортиқча қисмини натура ҳолатида тўлиқ пудратчига қайтарилади.

Бунда пудратчилар маҳсулот топширишда қуйидаги талабларни бажаришлари лозим:

- тузилган шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқча қўзи олиш;
- ширкат хўжалиги омборига фақат катта ва ўрта ҳажмдаги 1-2 сорт қорақўл терилари, шундан 1-сорт терилар- 85-90 фоиз, 2- сорт терилар- 10-15 фоизгача топшириш;
- ўстиришга қолдирилган қўзининг \_\_\_\_\_ фоизи миқдорида қўзи қолдириш ва уларнинг тирик вазнини 25 кг –га етказиш.

Пудратчи томонидан етиштирилган паст сортдаги ва кичик қорақўл хисобга олинмайди.

Ортиқча олинган жун маҳсулотининг қиймати, ўртача сотиш баҳосида пудратчига тўланади.

Наслдор қўчқорлар отарини боқадиган пудрат аъзоларига қочириш мавсуми бошлангунга қадар, қўчқорларни тирик вазни завод кондицияси даражасида етказилганлиги учун, ҳар 25 бош қўчқор учун 1 (битта) қўзи бепул берилади.

Беркитилган мол бошини йил давомида 97 фоиздан ортиқчасини омон сақлаб, ортиқча чиқимга (бунга ҳаром ўлган, даволаш, эмлаш пунктларига топширилган, чўпонлар учун иссиқ овқатга ажратилган ҳар ойга бир бошдан жами 12 бошдан ортиқча сўйилган мол бош сони киради), йўл қўймаса режадан

ортиқча сақлаб қолинган қўй ва қўзиларнинг 50 фоизи харом ўлган ва мажбурий сўйилган мол боши харажатини 100 фоизга камайтирган тақдирда 97 фоиздан ортиқча сақлаб қолинган махсулотнинг 100 фоизи миқдорида пудратчига натура тариқасида берилади.

Тасдиқланган қоидага асосан йил охирида тўғри харажатларни камайтирганлиги учун, тежалган харажатларнинг \_\_\_\_\_ фоизи миқдорида мукофот ҳисобида пудратчига тўланади.

Асоссиз равишда ортиқча қилинган харажатлар пудратчи ҳисобидан ушланиб қолинади.

Яқуний даромаддан (соф фойдадан) ширкат аъзоларига мулкый пайларига асосан тақсимланадиган фойдадан дивиденд тўланади.

3.7. Бозор иқтисоди, ти даврида сотиб олиннадиган омухта ем – хашак, ,нилги мойлаш материаллари, техника воситалари ва уларга керакли бўлган эҳти, т қисмлар баҳосининг тез-тез ўзгариб турганлиги сабабли хар ойда ҳисоб-китоб ишлари натура холда олиб борилади ва йил охирига келиб хўжалик бўйича чиққан ўртача баҳо билан баҳоланиб пудратчи билан ҳисоб-китоб қилинади.

3.8. Ҳисоб-молия марказида пудратчилар шахсий ҳисоб варақаси юритилади ва ўзаро ҳисоб-китоб ва харажатлар назорати чек асосида олиб борилади.

Иш ҳақидан ушланган солиқ, пенсия, касаба уюшма тўловлари, меҳнат биржасига ҳисобланган ва ўтказилган тўловлар пудратчининг шахсий варақасида қайд қилинади.

3.9. Пудратчи технологик тадбирларни, ишларни ўз вақтида зооветеринария қоидаларига мос бажармаса ва натижада махсулот ,ки ҳосил кам олинса у вақтда хўжалик бу тадбирни ўтказиш учун қўшимча одам кучи жалб қилишига мажбур бўлса уларга пудратчининг меҳнат ҳақи фондидан иш ҳақи тўлаш ҳуқуқига эга .

3.10. Пудратчилардан, ўзига бириктирилган яйловдан самарали фойдаланиш, чорва молларини махсулдорлигини ошириш ва махсулот ишлаб чиқаришни шартномага мувофиқ бажаришни талаб этиш;

Пудратчилар чорва молларини боқиш ва махсулот етиштириш билан боғлиқ булган ҳамма технологик жара,нларни белгиланган вақтда бажарилишини талаб қилишга;

3.11. Пудратчи айби билан махсулот етиштириш топшириги бажарилмаган холаларда хўжалик, махсулотни бажарилмаган қисмининг қийматини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

➤ Пудратчи кўплаб асоссиз мол харажатларига йўл қўйса, белгиланган ҳосилни етказиб бермаса, зооветеринария ва ҳукумат қонун-қоидаларини бажармаса хўжалик бошқаруви қарори билан пудратчи билан тузилган шартнома бекор қилинади ва мол-мулки танлов асосида бошқа пудратчига олиб берилади.

3.12. Хўжалик раҳбари қўй-қўзиларни қониқарсиз боққанлиги ва ишда бошқа камчиликларга йўл қўйганлиги оқибатида қўйларни маълум қисми нобуд бўлганлиги учун пудрат аъзоларни мукофотдан шунингдек қўшимча бериладиган ҳақлардан маҳрум қилиш ҳуқуқига эга.

#### 4. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР.

- 4.1. Хўжалик бошқаруви ва пудратчи ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасида мазкур шартнома шартларини бузганлиги учун жавобгар ҳисобланадилар.
- 4.2. Махсулот ишлаб чиқариш шартлари ўзгарганда, моддий техника ресурслари ва махсулотлар нархи ишлаб чиқариш технологияси ва ойлик иш ҳақини ошиши натижасида тарафлар розилиги билан шартнома шартлари ўзгариши мумкин.
- 4.3. Томонлар мазкур шартномада кўзда тутилмаган масалалар бўйича қонун ҳужжатларида, жамоа шартномасига ва хўжаликнинг меҳнатга ҳақ тўлаш Низомига асосланади. Хўжалик ва пудратчи ўртасида шартнома мажбуриятларини бажарилишида пайдо бўладиган низолар судда ҳал қилинади.
- 4.4. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради. Бир нусхаси хўжалик бошқарувида, иккинчиси пудратчида сақланади.

Хўжалик раиси:

Оила пудрати бошлиги

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

мухри

Пудратчининг ишга лақатли аъзолари:

1. ....
2. ....
3. ....

200\_ йил «\_\_»\_\_\_\_\_.

200\_ йил якуни бўйича АБАЙ ширкат хужалиги раиси Мустафа Эгамқулов  
Пудратчи Маханбетов Серикбай Пай улуши 16442

1. Беркитилди:

Жами қўй	524 бош
шу жумладан совлиқ	506 бош
От	1 бош
Кудук	1 дона
Кошар	1 дона
Чўпон уйи	1 дона
Очиқ кўра	1 дона

2. Тузилган шартнома ва унинг бажарилиши.

Т /р	Кўрсаткичлар	ўлч.би рлиги	шарт-нома	хақиқат да	бажарили ши	фарк и (+,-)
1	Жами олинган қўзи	бош	485	587	121	102

2	Ўстиришга кузи қолдириш	бош	295	360	122	65
3	Қоракул	дона	190	227	119	37
4	Жун	цн	9,3	12,2	131	2,9

3. Жами харажатлар	1888,9 минг сум
Жами даромад	3482,4 минг сум
Фойда	1591,1 минг сум
Рентабеллик даражаси, %	84,2
4. Йиллик иш хақи	561,1 минг сум
Кўшимча ҳақ	301,0 минг сум
Дивидент	357,5 минг сум
Оила пудратининг абзолари йиллик даромади :	1219,6 минг сум
Бир пудратчининг йиллик даромади:	609,8 минг сум
Бир пудратчининг ойлик даромади:	50,8 минг сум

200\_ йил якуни бўйича “Сарыбел ширкат” хўжалиги бошқарув раиси  
Орманбай Кукенов  
Пудратчи Таирбеков Туякбай, Пай улуши – 148767 сЎм

1. Беркитилди:

Жами қўй	559 бош
шу жумладан совлик	559 бош
От	1 дона
Кудук	1 дона
Кошар	1 дона
Чўпон уйи	1 дона
Очиқ кўра	1 дона

4. Тузилган шартнома ва унинг бажарилиши.

Т /р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	шарт-нома	Хақиқат да	Бажариш %	фарқи (+,-)
1	Жами олиган қўзи	бош	531	715	135	184
2	Ўстиришга қўзи қолдириш	бош	292	367	125	75
3	Қоракул	дона	239	348	145	109
4	Жун	кг	1086	1357	125	271

5. Жами харажатлар	3518,4 минг сЎм
Жами даромад	5490,5 минг сўм
Фойда	1972,1 минг сўм
Рентабеллик даражаси,%	56
Йиллик иш хақи	502,3 минг сўм
Кўшимча ҳақ	867,3 минг сўм
Дивиденд	459,7 минг сўм
Оила пудрати абзоларининг йиллик даромади:	1829,3 минг сўм

Бир пудратчининг йиллик даромади:  
Бир пудратчининг ойлик даромади:

609,8 минг сўм  
50,8 мингсўм

## 20-боб. Чўчқачиликни ташкил этиш

### 20.1. Чўчқачиликни ихтисослаштириш ва жадаллаштириш

Чўчқачилик чорвачиликнинг юқори калорияли, тез етиладиган гўшт етиштирувчи, сердаромад тармоқларидан бири ҳисобланади.

Чўчқачилик чорвачиликнинг бошқа тармоқларига нисбатан анча тез кўпаядиган тармоқ ҳисобланади. 1990 йилда мамлакатимизнинг барча категориядаги хўжаликларида 716 минг бош чўчқа мавжуд бўлган бўлса 2003 йилга келиб, у 81,6 минг бошни ташкил этди, шу давр ичида мамлакатимизда чўчқалар бош сони 88,6 фоизга камайди.

Чўчқалар бошқа чорва молларига нисбатан анча тез етилиш қобилиятига эгадир. Яхши ҳолатдаги она чўчқа бир йилда икки марта ва ҳар гал 9-12 бош бола бериши мумкин. Гўшт етиштириш йўналишидаги чўчқа болаларини 7-8 ой боқилганидан кейинги тирик вазни 100-120 кг га етиши мумкин. Шунинг учун чўчқачилк чорвачиликнинг энг сердаромад, иқтисодий жиҳатдан афзал тармоғи ҳисобланади.

Бундан ташқари, боқиб семиртирилган чўчқаларнинг сўйилган вазни, тирик вазнининг 70-80% ини ташкил этади, бу кўрсаткич қорамолларда 55-65 ва қўйларда 50-60% дир. Чўчқа гўшти сифат жиҳатдан ҳам анчагина устунликка эга: 1 кг чўчқа гўштида 2500 катта калория, мол гўштида 1500-1600, қўй гўштида 1400-1500 катта калория бор.

Чўчқа гўшти етиштиришда 1 ц қўшимча вазнга кетадиган озуқа бирлиги қорамолчилик ва қўйчиликка нисбатан 1,5-2 баробар камдир. Хўжаликда ишлаб чиқариладиган чўчқа гўшти таннархининг 70% га яқини улар истеъмол қиладиган озуқалар харажатига тўғри келади ва уларни арзонлаштириш имкониятлари мавжуд.

<sup>1</sup> 20 жадвал

Чўчқани 1 кг семиртириш учун сарфланадиганган озуқа.

Чўчқанин г , ши, ой	Бир бошнинг тирик вазни, кг	Кунлик ўсиш, грамм	1 кг, семиртириш учун сарфи, бирлигида.
2-3	17-23	200-354	2,14
4-5	34-47	366-430	3,63

6-7	62-80	500-600	4,21
8-9	100-118	600-635	5,43
10-11	134-150	530	6,33

Чўчқаларни гўшт учун 7-8 ой боқиб, уларнинг тирик вазнини 100-120 кг га етказиш мақсадга мувофиқдир. Бундан кўп боқилса, гўштидан ,ги кўпая бошлайди ва истеъмолчилар талабига жавоб бермай қолади.

Ўзбекистонда чўчқачиликнинг асосий йўналиши гўшт етиштиришга қаратилган. Шунинг учун мамлакатимизда чўчқачилик хўжаликларининг қўйидаги асосий ишлаб чиқариш йўналишлари мавжуд:

- тугалланган жара,нли йўналишидаги хўжаликлар - бунда она чўчқалар билан чўчқа болалари бирга боқилади ва бўрдоқига кўйилади, яъни чўчқаларни тугдиришдан то гўштга топширишгача бўлган барча жара,нлар қамраб олинади;

- репродуктор йўналишидаги корхоналар – бу йўналишдаги хўжаликлар чўчқа боласи олиш ва уни 4 ойгача парвариш қилиш билан шугулланадилар;

- бўрдоқчилик йўналишидаги хўжаликлар - репродуктор хўжаликларидан бўрдоқилаш учун 4 ойлик тирик вазни 38-40 кг бўлган чўчқа болаларини олиб, боқилади ва бурдоқиланади;

- наслчилик йўналишидаги заводлар ва фермалар- бошқа хўжаликларга сотиш учун зотли чўчқа болалари етиштиради ҳамда янги зот чиқариш би-

лан шугулланади.

Хозирги вақтда арзон таннархли чўчқа гўшти ишлаб чиқаришни таъминлайдиган фермалар тузиш катта аҳамиятга эгадир.

Чўчқачилик фермаларининг катта-кичиклиги улар етиштирадиган ялпи ва товар маҳсулотларининг хажмига қараб ва чўчқаларининг бош сонига қараб белгиланади. Она чўчқалар фермасининг катта-кичиклиги улардаги она чўчқалар бош сонига ҳамда олинган чўчқа болаларининг миқдорига қараб белгиланади, бўрдоқчилик фермасининг хажми эса бўрдоқига боқиладиган ,ки чўчқаларнинг бош-сони ва товар маҳсулоти хажмига қараб аниқланади.

Албатта, чўчқаларнинг хўжаликда ,ки фермада неча бош бўлиши кўп омилларга боғлиқдир. Фермада асраладиган чўчқалар сони, уларни боқиш ва асраш технологияси хўжаликда ташкилий-иқтисодий жихатдан асосланишига боғлиқдир. Махсус чўчқачилик хўжалиги ва фермаларининг мақсадга мувофиқ хажми хозирги даврдаги фан ва техника тараққи,тини, хар бир худуднинг ишлаб чиқариш шароитини ҳисобга олган ҳолда Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги хўжаликларида қўйидагича тавсия этилган: репродуктор фермаларда катакда яйратиб боқишда: 100, 200, 300, 400 ва 600 бош асосий она чўчқа; бўрдоқига боқиш фермаларида, катакларда яйратмасдан боқишда: 1000, 2000, 4000, 6000, 8000, 12000 ва 16000 бош чўчқа; аралаш фермаларда (подада такрор ишлаб чиқариш ва чўчқаларни бўрдоқига боқиш) катакда яйратиб боқиш ва

гурухлаб яйратиб боқиш қўлланилганда: 50, 100, 200 бош ва ундан кўпрок она чўчка; наслчилик фермаларида 100-200 бош асосий она чўчқани ташкил этади.

Республикаимиз шароитида чўчкачиликка ихтисослаштирилган фермер, ки ширкат хўжаликларида асосий она чўққаларнинг бош сони: - агарда улар тугалланмаган жара, нли йўналишида бўлса 30-40 бошни, репродуктор йўналишида бўлса 50-60 бошни, бўрдоқчилик йўналишида бўлса бўрдоқига боқиладиган, шдаги чўққаларнинг бош сони 1000-1200 бошни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон шароитида ихтисослаштирилмаган чўчкачилик фермаларида асосий она чўққаларнинг мақсадга мувофиқ миқдори 50-80 бошни ташкил этади. Ихтисослаштирилган фермалар подаларидаги она чўққалар сони асосан 200-600 бошдан иборат.

## 20.2. Чўчкачиликда такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш

Чўчкачиликда подани такрор ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйишнинг асосий шарт-шароитларига қўйидагилар киради:

- асосий она чўққалар подаси таркиб топишини тўғри йўлга қўйиш мақсадида, уларнинг яроқсизликка чиқарилганлари ўрнини, текширилувчи она чўққалар хисобига тўлдириш;
- пода таркибида асосий она чўққалар билан текширилувчи ургочи чўққалар нисбатини тўғри белгилаш;
- она чўққалардан жадал фойдаланишни мақсадга мувофиқ даражада давом эттиришни ташкил этиш;
- она чўққалар ва текширишдаги ургочи чўққаларни ўз вақтида уруглантириш ва болалатиш ишларини тўғри режалаштиришни ташкил этиш ва амалга ошириш;
- подадаги чўққалар зотини яхшилаш ва махсулдорлигини кўпайтириш мақсадида наслчилик ишларини олиб бориш;
- чўққаларнинг имконият даражасидаги махсулдорлигини юзага чиқарилишини таъминловчи озиклантириш ва асраш-сақлаш шароитларини мунтазам яхшилаб бориш.

Подада такрор ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг асосий зоотехникавий тадбирларидан бири она чўққалардан тўғри фойдаланишдир. Шунинг учун подани ташкил этишда асосий она чўққалар сифатида энг соғлом, кўп насл берадиган чўққалардан фойдаланилади.

Подани такрор ишлаб чиқариш режасини тузишда режалаштириладиган йил учун хўжалик ишлаб чиқаришига яроқсиз сифатида пучакка чиқариладиган чўққалар сони ва бу чўққаларнинг ўрнини тўлдириш масалалари аниқ, ритилиши керак.

Зоотехника қоидаларига кўра она чўққалардан фойдаланишнинг ўртача муддати 3-4 йилни ташкил этади. Ана шу давр ичида она чўққаларнинг пуштдорлиги ўсиб боради, бу муддат ўтгач,

уларнинг бир марта тугишида берадиган болалар сони камаяди. Илгор хўжаликлар тажрибаси ва илмий-тадқиқот институтларининг кузатишларига кўра она чўчқалар 3-8-марта тугишида кўп бола беради. Турт йил мобайнида ургочи чўчқалардан 7-8 марта бола олиш мумкин. Бу холда хар йили хўжаликда 25-30% асосий она чўчқалар қарилиги, пуштдорлигининг пасайганлиги учун пучак қилиб турилади. Қари она чўчқаларни ўз вақтида хисобдан чиқариб, подани махсулдор чўчқалар билан янгилаш учун 3 чўчқаларни яхши синаш керак. Шу хисобдан подада 3 текширилувчи чўчқалар сони тахминан икки баробар кўп бўлиши лозим. Лекин подадаги асосий ва синалган чўчқалар қандай нисбатда бўлиши хўжаликларнинг ташкилий-иқтисодий шароитига қараб белгиланади.

Чўчқачиликда пода харакатининг иккинчи таъсирчан омили чўчқаларни биринчи уруглантириш муддатидир. Бу муддат чўчқаларнинг соғлигига ва уларнинг вазнига боғлиқ бўлади. Бунинг учун 11-12 ойлик эркак чўчқаларнинг (қочирувчи) тирик вазни 160-180 кг, жадал технологияда 10-11 ойлик эркак чўчқаларнинг тирик вазни 130-150 кг бўлиши керак. Наслчилик хўжаликларида 9-10 ойлик синалган 3 чўчқаларнинг тирик вазни 120-130 кг, жадал технологияда эса 8-9 ойлик 3 чўчқаларнинг тирик вазни 110-120 кг бўлиши керак.

Подани таъмирлаш учун энг яхши эркак чўчқа ва она чўчқадан олинган чўчқа болалари 2 ойлик 3 да танлаб олинади. Хар 100 бош она чўчқадан болалаганидан кейин алмаштириш учун 120 бош подани қайта тўлдирувчи чўчқа боласи олиб қолинади. Уларнинг ярмиси уруглантирилгунча пучак қилинади. Қолган қисмининг ярмиси эса биринчи марта болалагандан кейин пучак қилинади.

Чўчқалар подасидан жадал фойдаланиш омилларидан бири подадаги эркак (қочирувчи) чўчқаларни тўғри танлаш, уларни махсулдорлигини хисобга олган холда ишлатишдир. Подада 2-3 3 шли эркак чўчқалар -25-30%, 3-4 3 шлилари- 20%, 4-5- 3 шлилари 20% ва 5 3 шдан катталари- 25-30% бўлиши тавсия этилади. Хўжаликда суний уруглантириш қўлланилганда поданинг 0,5-1,0%, қўлда уруглантириш қўлланилганда 2-3% насли эркак чўчқалардан таркиб топади.

Хўжаликларда бажариладиган наслчилик ишини яхши ташкил қилиш чўчқачилик махсулотларини кўпайтиришнинг асосий омилдир. Тажрибалар кўрсатишича, наслдор гуруҳга 1-2 марта болалатиш орқали наслининг сифати бўйича синовдан ўтган, асосан тоза зотли ургочи чўчқаларнинг 30-35% и ажратилади.

Хар бир подадаги эркак чўчқаларнинг умумий подага нисбати ва бош сони аниқлангандан кейин эркак чўчқаларнинг 3 ши бўйича она чўчқаларни қочириш меъ,рини хам белгилаш мумкин.

Бир 3 шгача бўлган наслдор эркак чўчқаларга 10-15 бош она чўчқа бириктирилади, икки 3 шдаги эркак чўчқаларга 20-25 бош, уч ва ундан катта 3 шдаги эркак чўчқаларга 35-40 бош она чўчқа бириктирилади. Хўжаликда чўчқаларни суний қочириш учун қўлай

шароит бўлса, бир бош эркак чўчқанинг уруги билан 100 бошдан 500 бошгача она чўчқаларни уруглантириш мумкин.

Чўчқа подаларининг иқтисодий жихатдан асосланган таркиби чўчқачилик тармогида ишлаб чиқаришнинг энг афзал шаклини таъминлаши лозим.

Хўжаликнинг ишлаб чиқариш йўналишига кўра улардаги поданинг наъмунавий таркиби қўйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ.

<sup>1</sup> 21 жадвал


Чўчқачилик хўжаликларида поданинг намунавий таркиби, %

Чўчқалар гурухи	Реп родук тор хўжалик лар да	Туға лланма ган тизимли хўжаликлар да
Она чўчқалар	15,3	8,5
0-2 ойлик ,шдаги чўчқа болалари	4,7	22,7
2-4 ойлик ,шдаги чўчқа болалари	35,6	19,7
Подани такрор ишлаб чиқишга мўлжалланган ,ш чўчқалар	3,8	2,2
Бўрдоқи чўчқалар	4,6	46,9

### 20.3. Чўчқачиликда ишлаб чиқариш жара,нлари ва илгор технологияни ташкил этиш

Чўчқачиликда ишлаб чиқариш жара,нларини ташкил этиш ва махсулот етиштиришни барқарорлаштириш, кўп жихатдан ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришга, ишлаб чиқариш техникаси ва амал килина,тган технологияга, иш жара,нларини мос холда тўғри ташкил этилишига боғлиқдир.

Чўчқачиликда хар бир худуднинг табиий-иқтисодий шароитига қараб хар хил даражада ва хар хил технологияда иш юритилмоқда. Бу борада мамлакатимизда ташкил этилган йирик чўчқачилик мажмуаларининг иш тажрибалари ва эришган ютуқлари жуда мухим ахамиятга эгадир. Мажмуалар моддий-техника жихатидан мустахкам бўлиб, иш жара,нларини тўлиқ механизациялаш ва автоматлаштиришга эришган. Мажмуаларда ихтисослашиш йўналишига қараб ишлаб чиқариш марказлаштирилган, натижада чорвадорларнинг огир қўл меҳнати меҳанизмлар зиммасига қўйилганлиги туфайли, ишчилар юқори чорвачилик техника малакасига эга, шунинг учун меҳнат унумдорлиги юқори, етиштирилган махсулот таннархи тармоқдагига нисбатан анча паст. Чўчқачиликни саноат асосида ташкил этишнинг бу ютуқлари бошқа хўжаликлар чўчқачилик фермалари учун ўрناق бўлмоқда. Уларни узлуксиз цех технологияси қўйидагича тузилишга эга.



~~Чўчқачиликдаги диққатга сазовор иш жараёнларидан бири бўрдоқилашни тўғри ташкил этишдир. Чўчқаларни бўрдоқилашдан мақсад-гўшт етиштириш. Шунинг учун фермалардаги чўчқаларнинг кўп қисми асосан семиртириш учун боқилади. Лекин хўжаликларда боқилатган чўчқалар бош сони 15-20 бош-~~

~~дан ошматир, бу чўчқаларни боқиш учун қилинган моддий-пул харажатлари-~~

~~нинг кўпайиб кетишига олиб келмоқда. Бунга сабаб чўчқаларни боқиш ва озуқа тайёрлаш билан боғлиқ ишлар паст даражада механизациялашганлиги-~~

~~дир. Шунинг учун меҳнат унумдорлигини ошириш, пул ва хом-аш, сарфларини камайтириш мақсадида фермаларда боқилатган чўчқалар бош сонини 400 бошга етказиш ва ундан хам ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу нарса озик тайёрлаш ва боқиш билан боғлиқ барча ишларни механизациялаш имконини беради. Хўжаликлар фермаларида чўчқалар қўйидагича боқилади:~~

~~Катакда боқиш. Фермалардаги туғиши яқинлашиб қолган она чўчқалар, тугадиган ш чўчқалар, эмизидан ажратилган чўчқалар ва зотли эркак чўчқалар катакда боқилади. Чўчқалар ҳолатига қараб гуруҳларга ажратилади. Бу усул ферма яқинида чўчқа боқадиган яйловлари бўлган жойларда ташкил этилади;~~

~~Боғлаб боқиш. Бу тарзда бугозлиги уч ойдан ортиқ ва эмизкли она чўчқалар боқилади. Бу хилда боқиш катта фермаларда кичик чорва мажмуаларида яхши натижа беради. Майда фермаларда бугозлиги уч ойдан ортиқ бўлган чўчқалар озроқ бўлади. Чўчқа боқишда 3-5 бошдан иборат гуруҳлар тузилиб, она чўчқалар бир бошдан сақланади. Чўчқалар~~

бу усул билан боқишда сайр қилдирилмайди. Бу усулда чўчқалар гуруҳларга, ки секцияларга бўлиб боқилади. Бу усул асосан боқувга қўйилган чўчқалар учун қўлланилади.

Чорвачиликнинг барча тармоқлари сингари чўчқачиликда ҳам подани очик хавода яйратиш боқиш (бўрдоқи чўчқалардан ташқари) муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, яйловда боқилган ургочи чўчқалар бақувват бўлиб, соғлом бола беради. Чўчқалар табиий, ки сунъий яйловларда кўп йиллик дуккакли ўтлар (беда, йўнгичқа) ва бир йиллик ўтлар (маккажўхори ва илдизмевалар) да ўстирилади.

Чўчқаларни яйловда боқиш олдидан юкумли ва бошқа касалликлардан сақлаш учун уларни оғилдан яйловга аста-секин кучириш керак. Бунда дастлабки кунларда чўчқалар оғилда озиклантириб, сўнгра яйловга хайдалади, яйловга ўрганиб олгандан кейин яйловга мунтазам чиқарилаверади.

Кун тартибига қараб чўчқалар куннинг биринчи ярмида ҳам, иккинчи ярмида ҳам 2-3 соат ўтлатилади. Чўчқалар учун ем-хашакка бўлган талабнинг ўрта ҳисобда 25-30% яйловлар ҳисобига қопланади. Сугориладиган ҳудудда чўчқалар бедапояда ўтлатилади. Чўчқаларни лагерларда асраганда бостирмалар кўрилади. Эмизикли чўчқалар, насл олинадиган эркак чўчқалар ва бугоз чўчқалар учун якка станоклар курилади, қолганларининг ҳаммаси гуруҳларга асралади. Вояга етган битта эркак, ки ургочи чўчқага 9-13 кг, турт ойликдан ошган чўчқага 5-8 кг, икки ойликдан турт ойликкача бўлган чўчқа боласига 2-3 кг кўкат едирилиши лозим. Чўчқачилик фермаларида яйловдан фойдаланишнинг календарь режаси тузилади ва майдончаларда чўчқа боқиш ташкил этилади.

Ургочи чўчқаларни қочиришга яхши тайёрлаш, рационини меърида тузиш, витаминга бой озуқаларни кўпроқ бериш ва яйратиш, уларнинг талаб даражасидаги семизликда бўлишини таъминлайди. Бўғоз чўчқаларни озиклантириш меъри, уларнинг ўшига, тирик вазнига, махсулдорлигига қараб белгиланади.

Она чўчқаларни озиклантириш рационининг тўйимлилиги уларнинг қайси ҳолатдалигини (эмизувчи, бўғоз, ки қиср) ҳисобга олиб белгиланади. Болаларини эмизатган она чўчқаларнинг кунлик рационининг тўйимлилиги уларнинг ўшини, тирик вазнини ва эматган болаларининг миқдорини ҳисобга олиб аниқланади. Агар она чўчқа 2 ўшдан катта бўлса, уларнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 1,5 озуқа бирлиги режалаштирилади; эмизатган болалари бўлса, уларнинг сонига кўра ҳар бир бошига 0,3-0,5-озуқа бирлиги қўшиб ҳисобланади. 2 ўшгача бўлган она чўчқаларнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 2,0 озуқа бирлиги ҳисобида, болалари ҳисобига эса худди аввалгидек.

Бўғоз она чўчқалар 2 ўшдан катта бўлса, уларнинг ҳар 100 кг тирик вазнига бўғозлигининг биринчи ярмида 1,5 озуқа бирлиги, иккинчи ярмида 2 озуқа бирлиги ҳисобида, 2 ўшгача бўлса бўғозлигининг биринчи

ярмида хар 100 кг тирик вазни хисобига 2,0 озуқа бирлиги, иккинчи ярмида 2,5 озуқа бирлиги тўғри келадиган тўйимликдаги озуқалар берилади.

Одатда она чўчқалар рациона таркибига кирадиган барча озуқалар бир суткада икки қисмга бўлиниб берилади. Агарда рацион таркибига сувли ва хажмдор озуқалар кўпроқ киритилган бўлса, бўғоз ва болаларини эмизаган она чўчқалар бир суткада 3 марта озиклантирилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида чўчқачилик асосан фермер хўжаликларидида ривожланиб бормоқда. Бу шаклдаги хўжаликларда эркак насли чўчқалар якка холда сақланганда хар бир боши учун 6-7м<sup>2</sup>, 3-3,5 ойликгача бўғоз чўчқаларни гуруҳларда 8-10 бошдан хар бирига 1,8-2 м<sup>2</sup> майдонли катакларда, эмизикли болалари билан сақланадиган она чўчқаларни болалари билан биргаликда хар бирига 7-7,5м<sup>2</sup> майдонли катакларда, 2-4 ойлик , ш чўчқаларни 25-30 бошдан хар бирига 0,3 м<sup>2</sup> майдонли ва бўрдоқи чўчқаларни хам 25-30 бошдан хар бирига 0,6-0,7 м<sup>2</sup> майдон тўғри келадиган катакларда сақлаш яхши самара беради.

Подани такрор ишлаб чиқиш учун мўлжалланган , ш чўчқаларни бино ичида хар бирига 0,7 м<sup>2</sup> майдонли катакдан ташқари, албатта бино ташқарисидан хам худди шундай эркин яйраш майдончалари билан таъминланиши керак.

Ажратилган жойлардан тўғри фойдаланилганда чўчқа боқишдан режадаги махсулотни олиш имконини беради.

#### 20.4. Чўчқачиликда меҳнатни ташкил этиш ва хақ тўлаш

Чўчқачиликда ишлаб чиқаришни ташкил этишда бошлангич бўлим бирлиги цех хисобланади. Бу цехларга маълум миқдорда чорва моллари, ер майдони, иморат, машина ва механизмлар, иш кучи, механизаторлар ва зарур миқдорда асбоб-ускуналар бириктирилади.

Озуқа етиштириш учун бириктирилган ер майдонларидан тўла ва тўғри фойдаланиш, чорва молларининг бош сонини сақлаш ва махсулот етиштириш режасини бажариш, иш кучи ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишга цех тўла жавобгардир.

Махсус цехлар таркибида айрим , ш гуруҳдаги чўчқаларни боқиш бўйича оила жамоалари хам ташкил этилади. Чўчқачилик бўйича махсус цех ва оила жамоаларнинг хажми хўжаликлардаги чўчқалар сони, ферманинг механизациялашганлик даражаси, чўчқаларни боқиш тартиби ва чўчқабоқаларнинг иш тажрибаларига кўра белгиланади. Хар бир чўчқабоқар ички тартиб-қоидаларига амал қилган холда ўзига бириктирилган чўчқаларни зоотехника қоидаларига мувофиқ боқиши, тозалаши, очик хавода яйратиши, чўмилтириши, дезинфекция қилиши, уларни ўз вақтида қочириши ва болалатиш жара,нига пухта тай,рлаши керак.

Чўққачилик цехларида ишлар тобора кўп механизациялашиб бора, тгани кейинги йилларда кўпгина хўжаликлар чўққаларни гуруҳлаб боқишга ўтдилар. Кичик цехларда вояга етган чўққаларни парвариш қилиш ва асраш битта оила жамоасига топширилади. Йирик цехларда эса ихтисослаштирилган иккита, ки учта оила жамоасидан ташкил топгани маъқул. Бу ҳолда оила жамоасидан биттаси она чўққалар энг кўпи билан 2 ой эмизади, 2-4 ойликкача болалари бўлган эмизикли она чўққаларни, подани таъмирлаш учун ўстирилади, ш чўққаларни боқади, иккинчиси эса бўрдоқига боқила, тган чўққаларни асрайди. Ихтисослаштирилган оила жамоаларнинг ҳар бирида 100-350 бош ургочи чўққа ва уларнинг болалари, ки бўрдоқига боқила, тган 1000-1500, 2000-4000 ва ундан ортиқ бош чўққа бўлиши лозим. Ҳар бир чўққа боқарга камида 10-15 бошдан 20-25 бошгача эмизикли она чўққа, ки камида 100-150 тадан 200-300 ва ундан ортиқ бўрдоқига боқила, тган чўққа болаларини бириктириш самаралидир. Чўққахона махсус охур ва сувдонлар билан ускуналанган ҳамда ем-хашак келтириб туриш ишлари яхши йўлга қўйилган бўлса, ҳар қайси чўққабоқарга бўрдоқилаш учун 200-300 бошгача ва ундан ҳам кўп чўққа бириктирилиши мумкин. Илгор хўжаликларда ҳозир икки сменали ишга утилмоқда. Бу тадбир чўққаларни бўрдоқига боқишда айниқса яхши натижа беради.

Чўққачилик ходимларига олинган махсулотнинг миқдори ва сифати учун иш ҳақи ишбай-мукофот ва кутара-мукофот тизимида тўланади.

Икки ойликкача болалари бўлган она чўққа боқувчи чўққабоқарлар меҳнатига чўққа болаларининг тирик вазни учун ҳақ тўланади. Масалан, ширкат хўжалигида чўққаларга қарайдиган чўққабоқарлар учун 25 бош болали она чўққага қараш меъ,р қилиб белгиланган. Бизнес режада ҳар бир чўққадан 10 тадан чўққа боласи олиш (ажратиш пайтида ҳар бир чўққа боласининг ўртача вазни 18 кг бўлиши) кўзда тутилган. Агар парваришдаш даври шартли равишда 2,0 ой деб қабул қилинса, бунда бир йилда 6,0 марта парваришдаш ташкил этилади (12 ой : 2,0 ойга). Йиллик махсулот етиштириш меъери 270,0 центнер (25 она чўққа х 10 чўққа боласига х 18 кг 6,0 парваришдаш) миқдорини режалаштирилади.

Чўққабоқарнинг меҳнати, иш шароити ҳисобга олиниб (меҳнат қисман механизациялаштирилган), V разряд билан тарифланади. Унинг бир кунлик таъриф ставкаси 488 сўм бўлади (2002 йил IV ойдан иш ҳақининг таъриф фонди 178120 сўм (488 сўм х 365 кун) га тенг. Махсулот учун расценкаси ҳисоблашда иш ҳақи таъриф фонди 25% оширилади ва 222650 сўм (178120 сўм х 1,25) ни ташкил этади. Бунда 1 ц вазн ортишининг расценка 835 сўм 74 тийин, (222650 сўм : 270 ц) ни ташкил этади.

**Белгиланган расценкалар кейинчалик механизациялаштириш даражаси, ишлаб чиқариш технологияси ва бошқа шароитлар ўзгарганда қайта кўриб чиқилади. Махсулот учун иш ҳақи, чўққа болалари онадан ажратилгандан кейин яъни болалари бор она чўққаларга қарашнинг охирида тўланади.**

Чўчкабоқарларга махсулот учун узил-кесил ҳисоб-китоб қилинганига қадар таъриф ставкалари ва чўққаларга қараш меъ,рларига кўра ҳисобланган расценка бўйича, болалари бор она чўққаларга қарагани учун олинандиган махсулот ҳисобидан аванс берилади. Мисолимизда бир бош чўққа учун ойлик расценка 593 сўм 73 тийин (488 сўм х 365 кун : 12 ой : 25 бош ) ни ташкил этади.

**Чўққаларга қараш даврида (май, июнь ва июлнинг ярми) чўққабоқаларга ўртача 28 бошдан она чўққа тўғри келган, тирик вазни 38,5 ц ортиши билан 310 бош чўққа болалари етиштирилган, деб ўйлаймиз. Асосий ва сменадаги чўққабоқарларга болалари бор, она чўққаларга қарагани учун бўнак тариқасида 27328 сўм (488 сўм х 28 бош х 2 ой) тўланади.**

**Олинган махсулот учун 38,5 ц тирик вазн ортганда расценка бўйича уларга 32175 сўм 99 тийин (835 сўм 74 тийин х 38,5 ц) тўланиши керак. Демак, чўққабоқарларга махсулот учун 4849,99 сўм (32175,99-27328) қўшимча ҳақ тўлаш керак.**

**Асосий ва сменадаги чўққабоқарлар ўртасида чўққаларга қарагани учун иш ҳақи ва махсулот учун қўшимча ҳақ уларнинг ишлаган вақтига тенг бўлинади. Шу билан бирга сменадаги чўққабоқарларга ишлаган вақти учун тўланидиган ҳақ 10% оширилади.**

Бичилган чўққалар ва бўғоз она чўққаларга қаровчи чўққабоқарларга, чўққаларга қарагани ва она чўққаларни болалаш учун яхши ҳолатда тай,рлангани учун ҳақ тўланади. Уларга иш ҳақи тўлаш расценкалари чўққа биркитиш меъ,рлари ва IV разряд ишбайчилар тариф ставкаси билан ҳисобланган иш ҳақи таъриф фондидан белгиланган. Бир кунлик таъриф ставкаси 415,80 сўм (1.04.2002 й.) йилига эса 151767 сўм (415,80 х 365 кун), бундан 10% она чўққаларни болалаш учун топширгани, қолгани эса чўққаларга қарагани учун ажартилади). Она чўққаларни уруглатишга тай,рлаш ва бугозлик даври 135 кун давом этади. Йил давомида бундай даврлар 2,7 мартага тенг бўлади.

**Хўжаликларда чўққаларни майда гуруҳларга бўлиб сақлаш ишларини бажариш шароитига қараб, битта чўққабоқарга 120 бош она чўққага қараш меъ,р қилиб белгиланган, деб фараз қилайлик. Бир йилда 2,7 марта алмашиш бўлган тақдирда ва 90% уруглантирилганда 292 она чўққа болалатишга топширилади. Бунда ҳақ тўлаш расценкаси қўйидагича бўлади:**

❖ болалатиш учун ўтказилган ҳар бир она чўққа учун 51 сўм 97 тийин (15176,7 : 292);

❖ бир ойда 1 бош она чўққага қарагани учун 94 сўм 85 тийин:

**Чўққаларга қаровчи чўққабоқар 4,5 ой давомида 140 бош бичилган ва бўғоз чўққаларга қараган, бўлардан 130 боши болалашга ўтказилган, деб фараз қилайлик. Белгиланган расценкалар бўйича асосий ва сменадаги чўққабоқарларга иш ҳақи қўйидагича тўланади:**

➤ парвариш қилгани учун бир ойга 14240,8 сўм (101,72 х 140 бош);

➤ болалашга она чўққаларни топширгани учун 6756 сўм 75 тийин (5197 х

130 бош).

**Жами 4,5 ой учун 57326,85 сўм.(14240,8 х 4,5 ой – 6756, 75)**

Эркак чўчқаларга қаровчи чўчқабоқарлар меҳнатига ҳақ, чўчқаларга қарагани учун ва она чўчқаларни уруглатгани учун тўланиши мумкин. Уларнинг меҳнати VI разряд билан тарифланади ва кунлик тариф ставкаси 497,07 сўм (1.04.2002 й).

**Расценкалар қўйидагича ҳисобланади: хўжаликда чўчқабоқарлар чўчқаларга қарагани учун иш ҳақи тўлаш қабул қилинган.**

Битта чўчқабоқарга меъ,р бўйича 40 бош чўчқа бириктирилган. Бир бош чўчқага қараш расценкаси бир ойга 503 сўм 97 тийин (497,07 сўм х 365 кун : 35 бош : 12 ой) ни ташкил этади.

**Бўрдоқига боқила,тган чўчқаларга қаровчи чўчқабоқарларга чўчқалар вазни ортгани учун меҳнат ҳақи тўланади.**

Меҳнат қисман механизациялашган ва барча ишлар қўлда бажариладиган бўлса, чўчқаларни бўрдоқига боқишда банд бўлган чўчқабоқарлар меҳнати IV разряд билан, ишлаб чиқариш жара,нлари тўлиқ механизациялашган тақдирда V разряд билан тарифланади.

IV разряднинг кунлик таъриф ставкаси 415 сўм 80 тийин, V разрядники 455 сўм 32 тийин, шунга кўра иш ҳақи фонди IV разряд учун 151767 сўм (415 сўм 80 тийин х 365 кун) ни ва V разряд учун 166191,8 сўм (455,32 х 365 кун) ни ташкил этади. Махсулот учун расценка ҳисобланганда бу фонд 25% оширилади.

## **21-боб. Паррандачиликни ташкил этиш**

### **21.1.Паррандачиликда ихтисослаштириш**

Чорвачилик махсулотлари ишлаб чиқаришда паррандачилик иқтисодий жихатдан энг самарали тармоқ ҳисобланади.

Хозирги даврда ишлаб чиқаришни жадал негизга ўтказиш паррандачиликда ҳам тез суъратлар билан амалга оширилмоқда. Хусусан катта ташкил этилган йирик паррандачилик фабрикалари тўла саноат типигаги корхоналардир.

Иқтисодий жихатдан мустақил холда ташкил этилган паррандачиликнинг самарадорлиги тез ўсмоқда, техника, технология ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш муттасил такомиллашиб бормоқда.

Паррандачиликда махсулотларни саноат асосида ишлаб чиқаришда асосий вазифа тармоқнинг биологик имкониятларидан кенг ва тўлиқ фойдаланиб кам меҳнат ва маблаг сарфлаб, кўпроқ аҳоли ва бозор талабини қондирадиган тухум ва парранда гўшти-бройлер ишлаб чиқаришдир.

Паррандачилик фабрикаларида асосан четдан ташиб келтириладиган озукалардан фойдаланилади, чунки уларнинг ўз хўжаликларида озуқа етиштирилмайди. Паррандачилик тармоги, паррандаларни такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш, махсулот етиштириш бўйича шартнома топшириқларини бажариш ва табиий – иқтисодий масалаларни ҳисобга олган

холда тухум етиштириш, тухум-гўшт етиштириш ва наслдор паррандачилик йўналишлари бўйича ихтисослашган.

Тухум етиштириш йўналишидаги паррандачилик фермалари товуқчилик фермаларидагина ташкил этилади. Товуқ тухуми озиқ-овқат учун мазали, иқтисодий самарадор, товуқ боқиш учун озуқа базаси қулай бўлган худудларда кенг тарқалган. Бошқа тухум, яъни Ўрдак, курка, гоз тухуми товуқ тухумини етиштиришга нисбатан ўрдак ва курка тухумига 3-4 баробар, гоз тухумига - 10 баробар кўп озуқа бирлиги сарфланади. Шунинг учун ўрдак, гоз ва кўрка фермалари тухум йўналишида бўлмай, уларда гўшт етиштириш учун жўжалар боқилади. Гўшт етиштириш йўналишидаги фермаларга асосан ўрдак, гоз ва курка фермалари ихтисослашган. Бу йўналишдаги хўжалик фермалари товар гўшт (ўрдак, гоз ва курка жўжаларидан бройлер) етиштириб берадилар.

Тухум-гўшт етиштириш йўналишидаги фермалар асосан паррандачилик хўжаликларига хосдир. Мазкур йўналишдаги фермалар гўшт ва тухум етиштириб беради. Паррандачиликда наслчилик ишларининг асосий йўналиши инкубаторлар учун товар махсулот сифатида тухум ва инкубациядан ўрдак, гоз ва курка жўжалари чиқаришдан иборатдир.

Паррандачилик ферма ва хўжаликлари махсулот етиштиришгагина эмас, балки айрим ишлаб чиқариш жараёнларига, масалан, гибридлар яратиш ва кўпайтириш, гўшт учун жўжа чиқариш ва уни семиртиришга боқиш, тухум учун товуқ боқиш ва парранда сўйиш ва қайта ишлашга ҳам ихтисослашиши мумкин. Хар бир туман ва худуд олдида турган вазифага мувофиқ, табиий-иқтисодий шароитларга қараб, хозирги даврда қуйидагича ихтисослашган паррандачилик фермалари таркиб топган:

- илмий-тадқиқот муассасалари қошида наслчилик-гинетик-тажриба хўжаликлари - бу хўжаликлар янги сермахсул гибрид паррандалар етиштириб беришади;
- давлат синов-назорат станциялари - булар гибрид паррандаларни ўрганиб, наслчилик заводларига тавсия қиладилар;
- наслчилик заводлари - булар паррандаларнинг янги зотларини яратиш билан шугулланадилар;
- наслчилик репродуктор хўжаликлари - асосан саралаш ишлари олиб боради ва махсус паррандачилик хўжаликлари галасини тўлдириш учун она паррандалар гибридларидан танлаб берадилар;
- паррандачилик хўжаликлари - булар парранда гўшти ва тухум етиштириш билан шугулланадилар;
- паррандачилик фабрикалари - булар саноат асосида гўшт ва тухум етиштириш билан шугулланадилар. Улар йирик шахарлар атрофида жойлашиб, жами талаб қилинадиган озуқани сотиб олиш билан ишлаб чиқаришни ташкил этадилар;
- паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмалари - буларда асосан бир неча хўжалик кооперацияси тамойили асосида иш кўришади;
- инкубатор-паррандачилик станциялари-булар наслчилик хўжаликларидан олинган тухумларни инкубация қилиш билан шугулланадилар;

- паррандачилик товар махсулотларини етиштирувчи хусусий фермалар-булар гўшт ва тухум етиштириш билан шугулланадилар. Шунинг ҳам айтиш керакки, ихтисослашган наслчилик корхоналари ўз олдидарида турган вазибаларига қараб, селекция-генетика худудий станцияларига, илмий муассасаларнинг тажриба хўжаликларига, паррандачилик наслчилик заводлари ва репродуктор-хўжаликларига бўлинадилар.

Янги ташкил этилган селекция-генетика худудий станциялар ва илмий муассасаларнинг тажриба хўжаликлари паррандаларнинг янги зотларини яратиш билан чегараланиб қолмай, паррандачилик наслчилик заводларидаги янги технологик усуллар ва техник жихозларни бошқа фермаларга жорий қилиш, наслчилик ишларига услубий рахбарлик қилиш билан ҳам шугулланадилар.

Паррандачилик репродуктор хўжаликлари икки хилда бўлади. Биринчиси наслчилик заводларидан олинган маълум йўналишдаги аждод шаклларидаги гибрид паррандаларнинг ота-она шакллари яратади ва иккинчи хил репродуктор хўжаликларини ана шундай шаклдаги жўжалар билан хўжаликларни таъминлайди.

**Замонавий паррандачилик фабрикалари фақатгина бир хил махсулот етиштиришга ихтисослашган бўлиб, саноат асосида тухум ва парранда гўшти етиштиради. Улар мамлакатнинг йирик саноат марказлари, катта шаҳарлар, курортлар атрофида жойлашган бўлади.**

Бундай махсус паррандачилик корхоналари ҳам ўз ишлаб чиқаришини саноат асосида ташкил этади. Шу билан бирга катта ер майдонига эга бўлиб ўзларида кўпайтирилади, тган паррандаларни озуқа билан таъминлайдилар.

Бундай корхоналар кўпинча сут йўналишидаги қорамолларга ҳам эга бўладилар. Уларни шаҳарлар яқинида, улардан узоқроқда, донли экинлар етиштириладиган худудларда ҳам жойлаштирилиши яхши натижа беради. Махсус фабрикаларда паррандачиликнинг ихтисослашган ферма - цехлари бўлиб, улар ширкат хўжаликлари паррандачилик фермаларига нисбатан иқтисодий жихатдан анча самарали, махсулотларининг таннархи арзон ва рентабеллик даражаси юқори.

Паррандачилик станциялари ўз инкубаторларида жўжалар етиштириб, улар билан ширкат ва хусусий хўжаликларнинг товар фермалари, цехлари, ишчи ва хизматчилар хўжаликларини таъминлайдилар.

Паррандачилик хўжаликларида тузиладиган технологик лойихалар учун тугадиган товукларни катакларда асрашда 50, 100, 250, 300, 400, ва 500 минг бош; саноат ишлаб чиқариш галасини чуқур тўшамада сақлашда 100 минг бош миқдорда парранда боқиш тавсия этилади.

Махсус лойиха билан қурилади, тган бройлер фабрикаларида 1 млн., 2 млн., 3 млн. бош жўжа боқиш мўлжалланган. Ўрдак гўшти етиштириладиган йирик хўжаликлар учун 500 мингдан 1 млн. бошгача жўжа боқишга мўлжалланган лойихалар мавжуд. Гоз ва курка боқиш учун жўжалар 100-250 минг бошгача, ширкат хўжаликлар фермалари учун эса 30 минг бошгача парранда сақлаш мақсадга мувофиқдир.

Хар бир қишлоқ хўжалик корхонаси сигари паррандачилик фабрикаларининг ҳам ташкилий-хўжалик асослари, уларнинг ўз уставларида акс эттирилган.

## 21.2. Паррандачиликда такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш

Паррандачиликни тўғри ташкил этиш ва унда етиштириладиган маҳсулот миқдорини кўпайтириш, фан ютуқларидан кенг фойдаланишни ва зооветеринария қоидаларига тўлиқ амал қилишни тақоза этади. Зооветеринария талабларига жавоб бермайдиган хар бир тадбир пода таркибидаги паррандалар нисбатини ўзгартиришга олиб келади. Бу борада паррандачиликда такрор ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Галани такрор ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш, корхонада ишлаб чиқилган тадбирлар тизимига боғлиқ бўлади. Наслдор товуқлардан йил давомида бир хил миқдорда тухум олиб, инкубаторларни таъминлаб туриш шу тадбирлардан биридир. Инкубаторлар ,зин-қишин ишлаб турса, тухум берадиган товуқлар етиштириб беришни тўла таъминлаш мумкин бўлади. Бу ҳолда инкубаторлар учун тухум берадиган товуқлар галасини таркиб топтириш учун, хар хил муддатда чиққан жўжалар 140-145 кунлик бўлганда, товуқ галасига аста секин кўшиб борилади.

Натижада гала таркибидаги товуқлардан ,ки бир-бирдан 10-15 кун фарқ этиб табақаланган галалар ,рдамида йил давомида тухум олишни узликсиз таъминлаш учун тўла шарт-шароитлар яратилади. Акс ҳолда галадаги товуқларнинг ,ши орасидаги фарқ катта бўлганда товуқлар тухум бермай кўяди, инкубаторларга зарур миқдорда жўжа чиқариш учун тухум етишмай қолади.

Наслчилик фермаларида товуқларни яроқсизликка чиқаргандан кейин қолган жўжалар 55% ни, ундан катгароқлари 25% ни икки ва уч ,шлилари 20% ни ташкил қилиши мақсадга мувофиқдир.

Корхоналарда ишлаб чиқариш ривожланган сари, паррандачилик саноат асосига ўтказилиб, парранда асраш ва боқиш такомиллашиб бормоқда. Хўжаликларнинг иқтисодий ва табиий шароитларига қараб паррандалар қуйидагича боқилади:

- паррандаларни катакларда боқиш-бунда товуқлар хўрозларсиз, бир ярусли катакли батарея ОБН-1(тухум берувчи товуқлар учун бир қанотлик катаклар), ЕТК каби юқори даражада механизациялашган ва автомалаштирилган хоналарда боқилади. Катаклар КБН-1(бир қанотлик батареяли катаклар), УКБ-4, Р-21, КБМП типидagi батареяларда 4-5 қават қилиб жойлаштирилади, кўп меҳнат талаб қилинадиган ишлар механизациялаштирилади, бу эса йил давомида бир меъ,рда тухум етиштириб туриш имконини беради.

- паррандаларни тўшамалар солинадиган товуқхоналарда (ташқарига чиқармай) боқиш-бунда хаво харорати 0<sup>0</sup> дан паст бўлмаслиги талаб этилади. Паррандахона ичида хаво тоза ва қуруқ бўлиши зарур. Паррандахоналарга қуруқ тушама солиниб, ифлосланишига қараб, янгилаб турилади. Сувдон ва донхўрақлар доимо тоза тутилиши лозим. Одатда паррандахоналардаги 1 м<sup>2</sup>

жойга 5-6 серпушт товук, 3-5 ўрдак, 2 курка ва гоз жойлаштирилади. Улар паррандахона ,нидаги майдончада яйратиб турилади.

- паррандаларни атрофи сим билан ўралган, усти очиқ майдонда боқиш бунда об-хаво ноқулайлиги ва ,зги иссиқдан сақлаш учун қурилиш материалларидан бостирмалар қўрилади. Улар тагида товуклар тухум қилиши учун уячалар қилинади. Полга сетка ,тқизилади, у йилда 2-3 марта тозаланади, Бир ,шдан ошган товуклар ана шу тартибда боқилади. Бостирма тагида 1 м<sup>2</sup> ерга 10-12 бош парранда жойлашади. Бу тадбир кўпроқ мамлакатимиз хўжаликларида қўлланиб келинмоқда.

- паррандаларни комбинациялаштирилган тартибда боқиш -бу усул паррандачилик фабрикалари ва катта товар фермаларида қўлланилади. Бунда товук жўжалари 60 кунлик, курка жўжалари 45 кунлик, гоз ва ўрдакчалар 20 кунлик бўлгунча катакчаларда, сўнгра эса яйратиб боқилади.


### 21.3. Паррандачиликда асосий технологик жара ,нларни ташкил этиш


❖ Ота оналик галаси цехини ташкил этиш. Ота оналик галаси цехининг асосий вазифаси, инкубация цехини йил давомида технологик график бўйича дурагай жўжалар билан таъминлаш мақсадида оталанган юқори сифатли тухум етказиб беришдан иборатдир. Одатда ота-оналик галасидаги товуклар ерда алмаштириладиган қалин тўшамаларда ,ки катакни батареяларда сақланади.

Паррандачилик корхоналарида ота-оналик галасидаги товуклар бош сони инкубациялаш цехининг яроқли тухумларга бўлган талабига ва товукларнинг ўртача йиллик тухумдорлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ота оналик галасидаги товуклардан олина ,тган тухумларнинг тўлиқ оталанишини таъминлаш мақсадида улар сунъий ва табиий усулларда уруглантирилади. Ота оналик галасидаги товукларнинг хўрозларга булган нисбати тухум йўналишидагиларда 10:1, гўшт йўналишидаги ота оналик галасида эса 8:1 нисбатда бўлади.

<sup>1</sup> 3 чизма

#### Бройлер гўшти етиштиришнинг технологик жара ,ни





Ота-оналик галасида 52 та хафталикдан , ш бўлмаган насли товуқлардан фойдаланилади.

Тухум ва гўшт йўналишидаги паррандачилик корхоналарида ота оналик галаси учун хавонинг харорати  $+12-18^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлик 60-70%, хавонинг харакат тезлиги 0,3 м/сек, зарарли газлар миқдори 0,01%, атмосфера босими 760, шовқин миқдори 70 дцдан, 1 йилда бир бошга талаб этилган тўшама миқдори 8 кг бўлиши лозим.

❖ **Инкубация цеҳи.** Инкубация цехининг асосий вазифаси ота-оналик галасида етиштирилган тўлиқ оталантирилган меъ,рий кўрсаткич талабларига жавоб берадиган тухумларни очиритдан иборат. Инкубация цехидаги тухумларни очиритдан hozirги вақтда «Универсал 45», «Универсал 55». Кавказ типидagi «ИПК-60», «ИПК-90» ва бошқа типдаги инкубаторлардан фойдаланилади. Одатда товуқ тухумларини очирит яъни мўртакни меъ,рий даражада ривожланишини таъминлаш учун инкубаторда маълум харорат, намлик, хаво алмашуви, инкубатор лотокларини  $45^{\circ}$  атрофида бўлиши каби шароит хосил қилинади. Товуқ тухумларини инкубациялашда инкубатор шкафлари тухум билан тўлдирилганда хавонинг харорати  $37,5^{\circ}\text{C}$ , нам термометр кўрсаткичи  $28^{\circ}\text{C}$  бўлиши керак.

Гўшт йўналишидаги парранда тухумларини инкубациялашда инкубациялашнинг 1-2 кунда хаво харорати  $38,3^{\circ}\text{C}$ , намлик 61%, 3-7 кунлигида харорат  $37,8-37,7^{\circ}\text{C}$ , намлик 54-59%, 8-10 кунлигида харорат  $37,5-$

37,6<sup>0</sup>С, намлик 49-50%, 11-21 кунлигида харорат 37,0-37,3<sup>0</sup>С, намлик 47-44%, 21 кунлигида харорат 36,9-37,1<sup>0</sup>С, намлик 64-70% бўлиши керак.

❖ **Ота-оналик галасини тўлдирувчи ,ш паррандаларни ўстириш цехи.** Ота-оналик галасини тўлдирувчи ,ш паррандаларнинг ўстириш цехининг асосий вазифаси ота-оналик галасидан чиқарилган ,ки пучак қилина,тган товукларни ўрнини тўлдириш учун ,ш паррандаларни ўстиришдан иборат. Тухум ва гўшт йўналишидаги паррандачилик хўжаликларида ота-оналик галасини тўлдирадиган ,ш паррандалар қалин тўшамада ўстирилади. ,ш жўжаларни ўстиришда хоналар дезинфекция қилиниб, ер юзасига 2-4см қалинликда сўндирилган охак тўшалиб устидан оз-оздан тўшама тўшалиб борилади. Галани тўлдирадиган ,ки жўжаларни ўстиришда ,руглик 10 люкс ,ки хонанинг 1м<sup>2</sup> юзасига тугри келадиган ,руглик 4-4,5 ваттга, хавонинг алмашинув даражаси куз ва қиш ойларида тирик вазиннинг 1кг хисобига 1 соатда 2-3м<sup>3</sup> бахор ва ,з ойларида эса 3-5м<sup>3</sup> хаво бериб турилади. ,руглик даври 1-10 кунлигида 24 соатни ташкил этиб, 11-140 кунлигида ,руглик даври кунига 1-1,5 дақиқага камайтирилиб борилади. Хавонинг харорати 1-10 кунлигида 22-28<sup>0</sup>С ни, 30 кунлигидан кейин харорат 18<sup>0</sup>С ни, намлик 60-70% бўлиши мақсадга мувофиқдир.


❖ **Бройлер гўшти етиштириш цехи.** Бройлер гўшти етиштириш цехининг асосий вазифаси тухум йўналишидаги жўжалар ва истиқболли кросс, линияларга мансуб бўлган ,ш жўжаларни қисқа муддатлар ичида юқори тирик вазнга етказиш ва озуқа сарфини камайтирган ҳамда сифатли, арзон парранда гўшти ишлаб чиқаришдан иборат. Бройлер гўшти етиштириш цехида бройлер жўжалари асосан ерда ва катакли батареяларда ўстирилади. Оддатда меъ,рий кўрсаткичлар асосида хонанинг 1м<sup>2</sup> юзасига тўгри келадиган бройлерларнинг бош сони, ерда сақлаганда 18 бошни, катакда асралганда эса 30-45 бошни ташкил этиб, уларни ўстириш муддати ерда сақланганда 9 хафтани, катакда асралганда эса 8 хафтани ташкил этади. Бройлерлар бош сонини сақланиши ерда асралганида 95-97%ни, катакда асралганда эса 95-98% ни, ташкил этиб, уларнинг тирик вазни ўстириш охиридаги ерда асралганда 1,5-1,6 кг ни, катакларда асралганда эса 1,4-1,6 кг ни, тирик вазиннинг 1 кг ўсиши учун сарфланадиган озуқа миқдори ердан асралган 2,9 кг ни, катакда асралганда эса 2,7 кг ни ташкил этади. Бройлер гўштини етиштиришда хар бир гурухни ўстириш оралигидаги вақт 2 хафтани ташкил этиш керак. Бройлер гўштини етиштириш цехида одатда хавонинг харорати 12-18<sup>0</sup>Сни, нисбий намлик 65-70%ни ташкил этиши керак. Одатда бройлер жўжалари ,шининг ортиши билан 1 кг ўсиши учун сарфланадиган озуқа миқдори ортиб боради. ўстириш муддати 5 hafta бўлганда тирик вазиннинг ўсиши учун сарфланадиган озуқа миқдори 1,77 кг, 6 hafta бўлганда 1,89 кг, 7 hafta бўлганда 2 кг, 8 hafta бўлганда 2,1 кг, 9 hafta бўлганда 2,21 кг, 10 hafta ўстирилганда 2,32 кг ташкил этади.

❖ **Бройлер жўжаларини сўйиш цехи.** Сўйиш цехининг асосий вазифаси гўшт учун ўстирилган бройлер жўжаларни сўйиш ва нимталарни ички органлардан тозалашдан иборат. Сўйиш цехи паррандалар махсус ускуналар ,рдамида сўйилади ва консизлантиради. Шундан кейин консизлантилган парранда нимталари 60-65<sup>0</sup>С хароратда 1 минут сақлаб турилади. Махсус

аппарат ,рдамида патдан тозаланади ва тозалаш бўлимида ички органлари тозалаб ювилиб тай ,рлаш цехига ўтказилади.

<sup>1</sup> 4 чизма

**Паррандачиликда технологик жара ,нларни ташкил этиши**



❖ **Тухум йўналишидаги товуклар галаси цехи.** Тухум йўналишидаги товуклар галаси цехининг асосий вазифаси истеъмоли учун тухум ишлаб чиқаришдан иборатдир. Тухум йўналишидаги паррандачилик корхоналарининг саноат галаси цехи, хўжаликнинг асосини ташкил этиб, галадаги товукларнинг ўртача бош сони корхона ишлаб чиқариш қувватини белгилайди. Саноат галасидаги товуклар «КБМ 2», «КРМ 2» русумли катакларда асралади. Тухум етиштириш мақсадида тухум йўналишидаги жўжалар 150 кунлигидан бошлаб саноат галасида фойдаланилади. Саноат галасида тухум берувчи товуклардан 17 ойлик ,шгача интенсив фойдаланилади. Саноат галасида товукларнинг ўртача бош сони, ойлик ўртача тухумдорлиги, жами ишлаб чиқарилган тухум миқдори каби кўрсаткичлар асосий кўрсаткичлар ҳисобланади. Тухум йўналишидаги товукларнинг саноат галаси цехида хавонинг харорати ўртача 12-18<sup>0</sup>С, намлик 65-75%, хавонинг ҳаракат тезлиги 0,2 м/сек, атмосфера хавоси таркибида захарли газлар миқдори 0,2

мг/литр бўлиш керак. Саноат галасида тухум етиштириш жара,нида минг дона тухум ишлаб чиқариш учун сарфланадиган озуқа миқдори ўртача 18-20 кг ни ташкил этиши яхши натижа беради.

❖ **Тухумларни саралаш ва қадоқлаш цехи.** Ушбу цехнинг асосий вазифаси саноат галасидан истеъмол учун етиштирилган тухумларни саралаб, уларни қадоқлашдан иборат. Цехда категорияси катта, кичиклиги, шакли, огирлиги, ташқи кўриниш жихатидан истеъмолга яроқли тухумлар турли хил даражада ,рилган, хажми кичик, яроқсиз тухумлардан ажратилади ва махсус флейкаларга терилиб тай,рлаш цехига ўтказилади.

❖ **Тай,рлаш цехи.** Тай,рлаш цехининг асосий вазифаси паррандаларни сўйиш, саралаш ва қадоқлаш цехидан ўтказилган тухумларни истеъмолга тай,рлаш ва жунатишдан иборат. Бу цехда, сўйиш цехидан ўтказилган бройлер гўшти категориясига ва сифатига қараб махсус пакетларга қадоқланади. Бундан ташқари бу цехда истеъмол учун мўлжалланган махсулотларга махсулотнинг тури, таркиби, тўйимлилиги, махсулот категорияси, нави, энергетик қиймати, вазни, тай,рланган вақти ҳақида маълумот берувчи ,рликлар ,пиштирилади. Тай,р махсулотлар ушбу цехдан тўғридан - тўғри транспартировка қилинади ,ки истеъмол учун савдо корхоналарига шартнома асосида буюртмачи шахс ва ташкилотларга етказиб берилади.

Бундай фермалардан, репродуктор хўжаликларидан 140 кунгача бўлган жўжаларни сотиб олиш фойдалидир.

Паррандачилик фабрикаларида паррандалар ,ш гуруҳлари бўйича махсус технологияга асосан ишлаб чиқаришни ташкил этадилар. Масалан, зотли товуқлар тухумидан чиққан жўжалар катакда боқиладиган цехларга ўтказилади, у ерда 60 кунгача сақланади, сўнгра 61 кунликдан 140 кунликкача бўлган жўжалар боқиладиган цехларга юборилади ва кейин ота-она галасини тўлдириш учун катакда боқиладиган она товуқлар цехига ўтказилади. Хар бир гуруҳга ўтказилганда асраш технологияси ва рацион ўзгартириб турилади. Хўрозчалар ва яроқсизликка чиқарилган товуқлар семиртириш гуруҳига ўтказилиб, гўшт етиштириш цехига топширилади.

Она товуқлар галаси саноат асосида боқиладиган бино, иккита ишлаб чиқариш залидан иборат бўлиб, улар маиший ва ,рдамчи хоналарга ажратилади. Товуқлар бир қаватли батареяларга (ОБН) ,ки кўп қаватли батареяларга (КБН-1-4-5) бирлаштирилган катакларда сақланади. Катакли батарея 1158 тадан 2496 тагача она товуқни сигдира олади. Товуқларни бир қаватли батареяларда сақлаш яхши натижа беради. Бу ҳолда паррандаларни айрим даврларда зоотехника ва ветеринария назоратидан ўтказиш осонлашади, асраш ва озиклантиришга қулай шароит яратилади, хавоси тоза ҳамда исиклик етарли бўлади.

Шуни айтиш керакки, паррандаларни бундай асрашда бир бош паррандага тўғри келадиган жой анча қимматга тушади. Агар меҳнат унумдорлиги, махсулот таннархи ҳисобига олинса, кўп қаватли батареялар (айниқса КБН-4) анча арзонга тушади. Бундай батареяларда барча ишлаб чиқариш жара,нларини механизациялаш мумкин бўлади. Хар бир залда одатда КБН-4 типигаги еттита

батарея ўрнатилади, улар дон солиш, тухумларни йигиб олиш, ахлатни тозалаш механизмлари билан, шунингдек сувдонлар билан жихозланади.

Паррандахонадаги тўлдирувчи бункерлардан озиқ БЦМ горизонтал транспорт,ри билан харакатланадиган тақсимловчи бункерларга, улардан вертикал транспорт,р орқали катакларнинг батарея қаторлари орасида айланувчи озиқ тақсимлагичга берилади. Озуқа тақсимлагич озуқа бериш билан бирга катаклар тарновларидаги тухумларни алоҳида лотокларга йигиб олади. Бу лотоклардан тухумларни паррандабоқар стандарт яшиқларга солади.

Катакларнинг хар бир қаватидаги ахлат куракли транспорт,рлар билан тозаланади. У ердан ТСН-3, ОБ ,рдамида транспорт воситаларига ортилади. Она товуклар товукхонада пол устида сақланганда «Промышленный-1» ва «Промышленный-11» маркали ускуналардан фойдаланилади. Паррандалар полга солинган қалин тушамалар устида, тахтали, турсимон поллар ва вольерларда сақланадилар.

Инкубация учун тухум олинадиган фермалардан ташкил топган цех ва ,ш паррандалар устириладиган паррандачилик фабрикаларидагина товук ва хўрозлар аралаш фермаси мавжуд. Цехнинг асосий махсулоти инкубация тухумларидир. Бундай тухумлар олиш учун товук ва хўрозлар бирга сақланади.

,ш жўжаларни боқишда 10-12 минг бош парранда сигадиған типовой паррандахонадан фойдаланилади. Бундай паррандахона хар бирига 1-1,5 минг жўжа сигадиған бир нечта секциялардан иборат. Паррандахоналарнинг 1м<sup>2</sup> майдонига 30 кунликкача бўлган жўжалардан 25 бош, 60 кунликкача бўлган жўжалардан 16 бош жойлаштириш лойихалаштирилган.

Паррандахона «Бройлер-10» комплекти билан жихозланади. Жамғариш бункерига озуқалар ЗСК-10 озуқа тақсимлагич билан олинади. Ахлат ва тушама скререпер кўрилмаси ,рдамида тозаланади. Бино ичида сув ўтказгич, қувурлар, хаво оқимини илинтирувчи ва алмаштирувчи шамоллатгичлар бўлади.

60 кунгача боқиладиган цехларда жўжалар қабул қилиниб олингач курук озуқалар билан боқилади. Жўжа боқиш технологиясига кўра аралаш озуқалар донхўракларда доимо бўлиши керак. Бунинг учун кунига камида 4-5 марта донхўракларга аралашма озуқа солинади.

Парранда галасини тўлдириш учун цехда 60-150 кунлик ,ш паррандалар катакларда ,ки қалин тушамали пол устида сақланади. Бу парранда сақлашнинг энг илгор усуллари дир. Парранда катак усулида боқилганда 150 кунликкача уч ва тўрт қаватли КБА типидаги батареяларда сақланади. Икки қават қилиб туқилган катакда 16 бош парранда жойлаштирилади. Батареяларда озиқни донхўракларга ўтказиш, сувдонларга сув қуйиш, ахлатни йигиштириш ишлари механизациялашгандир. Хозир бройлер паррандачилик гўшт мувазанатида муҳим рол уйнайди.

Таъмирлаш учун етиштириладиган жўжалар цехи бир кунлик жўжаларни олиб боқади. Хар бир зот ва линиялар 2000-3000 бошдан чуқур тушамаларда сақланади. Бу холда жўжахонанинг хар 1м<sup>2</sup> майдонига бошлангич ,шдаги 1-60 кунлик 11-13 бош, иккинчиси ,шдагидан 61-180 кунлик 5-6 бош ва учинчиси ,шдагидан 181-210 кунлик 4 бош сигдирилади.

Бройлер етиштирувчи цех ҳам жўжаларни бир кунлик бўлганда қабул қилиб олади. Жўжалар чуқур тушамали катакча ,ки паррандахоналарда боқилади. Чуқур тушамали товукхоналарда 1м<sup>2</sup> майдонга 12-14 бош товукни сигдириш мақсадга мувофиқдир. Паррандачиликда олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишлари шунини кўрсатадики, бройлерларга боқиладиган паррандаларнинг 56-63 кун ,ки 60-75 кун боқиладиган зотларин топиб боқиш яшхи натижа бермоқда.

#### **21.4. Паррандачиликда меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлаш**

Ҳозирги вақтда ширкат хўжаликлар паррандачилик фермаларида меҳнатни ташкил этишнинг асосий шакли ижара ва оила (жамоа) пудратидир. Пудратчиларга маълум миқдордаги парранда, бино, ишлаб чиқариш воситалари ва механизмлар бириктириб берилади.

Масалан, она товукларнинг саноат асосида боқиладиган галасини катак усулида сақлашда пудратчилар 12-15 кишидан иборат паррандабоқар операторларидан иборат бўлади. Операторлар машина ва механизмлар ишини назорат қиладилар. Бундай жамоага оила бошлиги раҳбарлик қилади. Паррандабоқар - операторга паррандаларни бириктириш меъ,ри, катакли батареялар маркаси ва боқиш омиллари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Пудратчилар 5-8 паррандабоқар-оператор ҳамда асбоб-ускуналарни созлаш ва таъмирлаш учун слесар-электрикдан иборат бўлади. Паррандабоқарлар орасида операторлар, механизаторлар, навбатчилар бўлади. Жўжалар комбинациялашган усулда боқилганда озуқа тай,рловчи паррандабоқар каби қўшимча ишчилар ажратилади. Улар паррандаларга бериш учун ҳар хил аралашмалар тай,рлайди ва тарқатади. Пудратчиларга бириктирилган асосий операторлар, слесар, механик ва бошқалардан ташқари жўжалар катакка қўйилганидан кейин дастлабки 10-15 кунда паррандаларни қабул қилиб олиш, жойлаштириш, хилларга ажратиш ва топширишда асосий ишчига 10000 бош парранда ҳисобидан бир ,рдамчи ажратилади. Цехдаги ишлар бир сменада ташкил этилади, кечқурун ва тунда ҳар хил ихтисос бўйича навбатчилар қўйилади. Кейинги 60-150 кунлик жўжа ва товукларни ўстириш цехида пудратчилар 10-15 асосий паррандабоқар ва оила бошлигидан иборат бўлади. Механизмлар ишини назорат қилиш, уларни созлаш ва таъмирлаш учун 8-10 паррандахонага бир слесар ажратилади.

Паррандачилик фабрикаларида меҳнатни цех усулида ташкил этиш, цехларда айрим паррандачилар бўйича чуқур ички ихтисослаштириш, ходимларнинг юқори малакали бўлишини, ишлатиладиган мураккаб машина ва механизмнинг қўлланилиши индустриал асосдаги иш кунини қатъий давом этишини тақоза қилади. Цехдаги ҳамма асбоб-ускуналар ишчиларга бириктириб қўйилади. Пудратчилар жамоаси -паррандачилик фабрикасининг асосий бўғини, паррандачиликда меҳнатни ташкил этишнинг асосий шаклидир.

Паррандачиликда меҳнатга ҳақ тўлаш шакли сут йўналишидаги қорамолчилик тармогида амал қилатган шакл билан бир хилдир ва <sup>1</sup>.. жадвал ,рдамида амалга оширилади. Ходимларнинг маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан ва унинг таннархини арзонлаштиришдан моддий

манфаатдорлигини ошириш мақсадида мукофотлаш тартиби жорий қилинган. Масалан, махсулот бирлигига сарфланадиган бевосита харажатларни қисқартирганлик, ки унинг таннархини режага нисбатан камайтирганлик учун тежаб қолинган маблагининг 70% и миқдорида мукофот тўланади. Ишлаб чиқариш топшириқини ошириб бажарганлик учун мукофот, режадан ташқари ишлаб чиқарилган, реализация нархлари бўйича баҳоланган махсулот нархининг 40% и миқдоригача берилади, шунингдек даҳадаги иш натижаларига қараб ҳам мукофот берилади. Қўшимча ҳақ товукларнинг тухум беришига, бройлерларнинг ўртача суткалик семиришига қараб, ўртача ойлик иш ҳақининг 4-6% и миқдорида белгиланади.

Тухум қиладиган товукларни парвариш қилувчи паррандабоқарлар меҳнатига иш ҳақи тариф фондининг 125%идан ва йиллик махсулот етиштириш меъридан ҳисобланган ишбай баҳолари бўйича махсулот (ялпи олинган тухум) учун тўланади.

Ишлар (озуқа тайёрлаш, тарқатиш, сугориш, тухумни йигиш, ахлатни чиқариб ташлаш, хонани тозалаш ва хоказо) паррандаларни сақлаш усули механизациялашганлик даражаси ва бошқа омилларга кўра тарифланади. (18.12.2003 йилдан.)

<sup>1</sup> 22 жадвал

#### Паррандачиликда меҳнатни таърифлаш ва ҳақ тўлаш

Парвариш қилиш турлари	Ишлар қўлда бажарилганда ва қисман механизациялаштирилганда				Асосий жараҳатлар комплекс механизациялаштирилганда			
	Иш раъзи	Тариф коэффициент	Кунлик тариф ставкаси	Иш ҳақини йиллик фонди (сўм)	Иш раъзи	Тариф коэффициент	Кунлик тариф ставкаси	Иш ҳақини йиллик фонди, сўм
Она товуклар ва зотли селекция товуклари гуруҳига қарашда	V	2,937	673,05	975665,25	V			
Катакларда сақланадиган тухум қиладиган саноат товукларига қарашда	V				V			

Очиқ майдонда боқиладиган тухум қиладиган саноат товуқларига қарашда	V				V			
---	---	--	--	--	---	--	--	--

Паррандабоқарларга махсулот (ялпи олинган тухум) учун расценкани товуқлар, шига қараб табақалаштирилган холда, паррандалар яхши мослаштирилмаган хоналарда сақланганда гала бир марта тўлдирилса, йил вақтини хисобга олган холда белгилаш тавсия этилади. Йил давомида хўжаликда махсулот олиш бир текисда давом этса, шунингдек паррандабоқарлар иш хақи билан бир текисда таъминланса, бир йил учун ягона расценкалар белгиланиши мумкин. Махсулот учун расценкаларни хисоблаш ва паррандабоқарлар билан хисоб-китоб қилиш қўйидаги мисолларда келтирилган.

1-мисол. (Расценкалар бир йил учун ягона). Айтайлик, хўжаликда тухум қиладиган товуқларга қаровчи битта паррандабоқарга 5000 бош товуқга қараш меъ,р қилиб белгиланган. Товуқлар очиқ майдонда сақланади, меҳнат қисман механизациялашган. Хар бир тухум қиладиган товуқдан бир йилда 180 донадан тухум олиш режалаштирилган. Махсулот етиштириш йиллик топшириги 900 минг дона (180тухум\* 5000 бош) тухумни ташкил этади. IV разряд тариф ставкасини 25% га оширишни хисобга олганда йиллик иш хақи фонди  $673,05 \cdot 365 \cdot 1,25 = 307079,1$  сўмни ташкил этади. Бунда 1000 дона тухум расценкаси  $(307079,1 : 900000 \cdot 100)$  34,12 сўмга тенг бўлади. Агар паррандабоқар ўзига бириктирилган товуқлар гуруҳидан 500 минг дона тухум олган бўлса, асосий сменадаги паррандабоқарларга  $500 \cdot 34,12 = 17060$  сўм тўланиши керак.

2-мисол. (Расценка йил вақтини хисобга олиб дифференция қилинган). Айтайлик, хўжаликда бир паррандабоқарга тухум берадиган 3000 бош она товуқларга қараш меъ,р қилиб белгиланган. Барча ишлар қўлда бажарилади. Хар бир товуқдан бир йилда 150 дона тухум олиш режалаштирилган. Паррандабоқарнинг тухум етиштириш йиллик меъ,ри 450 минг донага тенг.

Бу махсулотнинг 35% ини кузги-қишки ойларда, қолган 65% ини бахорги - ,зги даврларда етиштириш кўзда тутилган. Демак, бу даврларда махсулот етиштириш меъ,ри биринчи даврда 157,5 минг дона ( $450 \text{ минг дона} \cdot 35$ ) ва иккинчи даврда 354 минг дона тухум олишдир.

## **22-боб Қишлоқ хўжалик махсулотлари таннархи ва ишлаб чиқариш рентабеллиги.**

### **22.1. Таннарх, унинг иқтисодий моҳияти ва харажатларни туркумлианиши.**

Бозор иқтисоди,ти шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш мақсадида уларда мавжуд бўлган меҳнат ва моддий техника имкониятларидан оқилона фойдаланиш лозим. Бу вазифани

базариш учун барча шаклдаги корхоналарда шакллана, тган мулкдорлар, тадбиркорлар, фермерлар ва пудратчилар, таннарх, нарх ва унинг шаклланиши, фойда ва рентабеллик каби иқтисодий тушунчаларни мазмунини ва уларни ишлаб чиқаришдаги ўрнини, аниқлаш усулларини ва хусусан таннархни пасайтириш, рентабелликни ошириш омилларини билишлари талаб этилади.

Махсулот таннархи –энг мухим иқтисодий категориялардан бири бўлиб корхоналарнинг ишлаб чиқариш молия фаолиятини ижобий ва салбий томонларини ўзида акс эттиради.

Хар қандай қишлоқ хўжалик махсулотини ишлаб чиқариш учун меҳнат сарфланади, меҳнат қуролларидан(трактор, комбайн ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик техник воситалар, автоуловлар, махсулдор мол ва ишчи хайвонлар, бино ва иншоотлардан) ҳамда меҳнат предметларидан (ем-хашак, уруглик, ўғит, химикатлар, қилги, ва х.к.лар)дан фойдаланилади. Таннарх-хўжаликнинг махсулот етиштириш ва реализация қилишга сарфлаган барча харажатларининг пулдаги ифодасидир.

Таннарх корхонада ,ки фермер хўжалигида барча махсулотлар ва уларнинг хар бир бирлигини ишлаб чиқариш ва сотиш қанчага тушишини кўрсатади.

Махсулот бирлигининг таннархи даражасини билиш давлат нуқтаи назаридан қараганда: махсулот ишлаб чиқаришни мамлакат ҳудудлари бўйича жойлаштириш (ихтисослаштириш), нарх-наво си, сатида ички ва ташқи бозорларни танлаш, ишлаб чиқариш рентабеллигини аниқлаш ва хусусан аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш тадбирларини белгилаш каби масалаларни ҳал этишда ниҳоятда мухим иқтисодий дастак вазифасини ўтайди. Қишлоқ хўжалик корхоналари учун махсулот таннархини пасайтирилиши, хўжалик даромадини ошириш, кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини юксалтириш имкониятларини беради.

Амалда, тда таннарх тўрт кўринишда аниқланади: ишлаб чиқариш таннархи, тўла таннарх( ,ки тижорат таннархи), меъ, рли ,ки режали таннарх ва амалдаги (хақиқий) таннарх.

**Ишлаб чиқариш таннархи** - махсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни, шу жумладан уни хўжалик омборига ташиш, қайта ишлаш ва сақлаш харажатларини ҳам ўз ичига олади.

**Тўла таннарх** - ишлаб чиқариш таннархига махсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар ҳам қўшилади.

**Меъ, рли таннарх** - корхонада мўлжалланган ҳажмдаги махсулотни етиштириш мақсадида, меъ, р бўйича ажратилган харажатлардан ташкил топади.

**Хақиқий таннарх** - етиштирилган махсулотга сарфланган амалдаги харажатлар ҳажмини характерлайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида махсулот таннархини аниқлашда барча ишлаб чиқариш харажатлари тўрт турга бўлинади.

1.Тармоқлар ва ишлаб чиқарилган махсулот турлари бўйича :

- асосий тармоқ харажатлари;
- ,рдамчи ишлаб чиқариш харажатлари;
- хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш харажатлари.

2. Махсулот таннархининг шаклланишига қушган хиссасига қараб:

- бевосита ва тўғри харажатлар;
- билвосита ,ки тақсимланган харажатлар.

3. Харажатлари таркибига кўра:

- оддий (элементли) харажатлар;
- мураккаб(мажмуали) харажатлар.

4. ишлаб чиқариш хажмига қараб:

- шартли доимий харажатлар;
- шартли ўзгарувчан харажатлар.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 5 февраль 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Махсулот(ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг тартиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида”ги Низомига мувофиқ, корхоналарда махсулот ишлаб чиқариш учун кетган харажатлар ҳисобга олиб борилади. Ушбу низомга асосан корхонада амалга оширилган харажатлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Махсулотлар (иш, хизмат)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритилади-ган харажатлар;
2. Давр харажатлари;
3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар;
4. Кутилмаган зарарлар ,ки фавқулодда содир бўладиган харажатлар.

❖ Махсулот таннархига киритилган харажатларга:

- билвосита ,ки бевосита моддий харажатлар;
- меҳнатга сарфланган билвосита ,ки бевосита харажатлар;
- шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

❖ Давр харажатлари:

- махсулотни сотиш харажатлари;
- бошқарув (маъмурий) харажатлар;
- бошқа операция харажатлар ва зарарлар.

❖ Молиявий фаолиятга доир харажатлар:

- фоиз бўйича харажатлар;
- чет эл валютасидаги операциялар бўйича салбий фарқлар;
- қимматбаҳо қозғалар чиқариш ва сотиш харажатлари;
- бошқа молиявий фаолиятга доир харажатлар.

Кутилмаган ,ки фавқулодда содир бўладиган харажатлар(зарарлар), у даромад(фойда)дан олинган солиқ тўлангунга қадар фойда ,ки зарарларни ҳисоблаб чиқишда аниқланади.

Юқорида қайд этилган Низомга асосан махсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган ва киритилмайдиган харажатлар кенг маънода қуйидагича туркумланиди:

1. Меҳнат ҳақи (ажратмалар билан) харажатлари, уларнинг таркибига қуйида-ги моддалар киради:

- қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш тизим ва шаклларига мувофиқ белгиланган тариф ставкалари ва лавозим маошлари, амалда бажарилган иш учун ,ки сарфланган вақт учун ҳисобланган меҳнат ҳақи,

- касб махорати ва мураккаблиги учун тариф ставкалари ва маошларига қўшиладиган устамалар;
- иш режими ва шароити бўйича ўрнатилган турли хил устамалар, қўшимча ҳақ, компенсациялар ва бошқалар киради.

2. Моддий харажатлар. Мехнат предметлари харажатлари: хўжаликда ишлаб чиқарилган ва сотиб олинган уруглик ва кўчатлар, моллар ва парандаларни боқиш учун хўжаликда ишлаб чиқарилган ва сотиб олинган ем-хашак, қишлоқ хўжалигининг чиқинди маҳсулотлари-новоз ва бошқалар; минерал ўғитлар, бактериал ва бошқа препаратлар; нефт маҳсулотлари, қилги, четдан ва Ўз электр станцияларидан олинган электроэнергия; бошқа моддий сарфлар, шу жумладан, таъмирлаш учун материаллар ва захира қисмлар; ўсимликларни химоя қилиш воситалари, медикаментлар ва препаратлар, махсус иш кийимлари; кам қийматли, тез тўзийдиган предметларнинг эскириши; рдамчи саноат ишлаб чиқаришнинг хом-аш, ва материаллари, ки четдаги корхона ва ташкилотларга кўрсатиладиган ишлаб чиқариш характеридаги хизматлар, шунингдек хўжалик балансида турувчи бошқа рдамчи саноат корхоналари ва таъмирловчи устахоналар харажатлари.

3. Асосий воситалар амортизацияси. Асосий воситаларнинг дастлабки қийматидан келиб чиқиб ўрнатилган, меъ,рларда ҳисобланадиган харажатлар, бунга умумий овқатланиш корхоналарига, врачлик амбулаторияси ва бошқа муассасаларга бепул фойдаланиш учун берилган объектлар бўйича ажрат-малар ҳам киради.

4. Сугурта тўловлари, Ўз ичига экинлар, моллар ва бошқа мулклар сугурта бадаллари, шунингдек ходимлар сугуртасини олади.

5. Бошқа харажатлар, Ўз ичига ягона ер солиги, ходимлар хизмат сафари тўловларини, ихтирочилик сарф-харажатларини, таклифларни рағбатлантириш харажатларини, ўт учириш ва қоровуллик хизматини сақлаш; институт ва коллежларга ўқишга юборилган талабалар стипендияларини, юқори ташкилотларга ажратмалар ва бошқа харажатларни олади.

<sup>1</sup> 23 жадвал

Дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари таркиби.

Харажат турлари	Дехқончилик	Чорвачилик
1.Мехнат хақи сарфи (ажратмалари билан)	+	+
2.Моддий харажатлар:	+	+
уруглик ва кўчатлар	+	-
ем-хашак	-	+
ўғитлар	+	-
иш ва хизматлар	+	+
, қилги-мойлаш материаллари	+	+
зооветеренария хизмати	-	+
3.Асс.воситалар амортизацияси	+	+
4.Сугурта тўловлари	+	+
5.Умум ишлаб чиқариш харажатлари	+	+
Бошқа харажатлар	+	+
Хамма харажатлар	+	+

## 22.2. Махсулот таннархини ҳисоблаш услуби.

Махсулот бирлигининг (тонна, центнер) , ки иш бирлигининг (хайдалган бир гектар ер, тонна, километр) таннархи сарфланган харажатлар йигин-дисини (мехнатга тўланган ҳақ – материал – пул харажатлари) олинган махсулот миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади:

$$T_n = \frac{J_x}{YMX}$$

Бу ерда:  $T_n$  – махсулот таннархи, сўм;

$J_x$  - жами ишлаб чиқариш харажатлари, м.сўм;

$YMX$  - ялпи махсулот ҳажми, тонна, ц.

Махсулот таннархи аниқланганда, харажатларнинг айрим турлари ҳисоблаб чиқилади. Хўжаликнинг ўзида етиштирилган материаллар (ўруглик, озуқа ва хоқозо) хўжаликларда етиштириш таннархи бўйича баҳоланади. Сотиб олинган материаллар эса уларнинг ҳақиқий сотиб олиш нархлари бўйича баҳоланади.

Қишлоқ хўжалигида асосий махсулот билан бир қаторда, қўшимча махсулот ҳам олинади. Масалан, дон етиштирилганда самон ва чори, лавлагичиликда – барг, чорвачиликда гўнг ва хоқозолар қўшимча махсулот ҳисобланади.

<sup>1</sup> 24 жадвал

Қишлоқ хўжалик махсулотларини ишлаб чиқариш харажатларини асосий ва қўшимча махсулотларга тақсимлаш коэффицентлари. (1цент-дан)

Махсулот турлари:	Коэфф и- циент	Махсулот турлари:	Коэфф ициент
I. Ўсимликчилик		II. Чорвачилик	
Пахта хом-аш, си (кондицион огирликда)	1	Привес(ўсиш вазни) (хайвонлар, товуклар)	1
Гўзапоя	0,05	Сут (қўй-эчки)	0,22
Дон	1	Жун	5
Сомон	0,08	Тухум(1000 дона)	0,8
Макка дони(куриган)	1	Асал(1 ц.)	1
Пояси	0,17	Воск(асалари муми 1 ц.)	2,5
Қанд лавлаги	1	Рои	0,6
Барглари(ботва)	0,2	Сут 1ц.(КРС)	0,9
Бир йиллик беда хашаги	1	Бузок 1 бош.	0,1
Бир йиллик беда уруги	0,9		
Бир йиллик ўтлардан-сомон	0,1		
Бир йиллик ўтдан кўк масса	0,25		
Кўп йиллик ўтлар-беда	1		
Кўп йиллик беда уруги-беда ўти	0,75		
Кўп йиллик беда ўтидан-сомон	0,1		
Кўп йиллик ўтдан кўк масса	0,3		

Айрим тармоқлар эса бир неча хил асосий махсулот беради. Уларни туташ махсулотлар дейилади, масалан, қўйчиликда қоракўл тери, жун, гўшт, сут, паррандачиликда тухум, гўшт хоказолар.

Уларни етиштиришга сарфланган харажатлар махсулотнинг ҳар бир турининг салмоғига мутаносиб равишда тақсимланади. Бу харажатларни тегишли махсулотнинг миқдорига бўлиш йўли билан шу махсулот бирлигининг таннархи аниқланади.

Экинлар ва тармоқлар бўйича амортизация ажратмалари қуйидагича тақсимланади: агар ишлаб чиқариш учун асосий маблағлар бир неча тармоқ махсулотини етиштиришга сарфланган бўлса, у ҳолда амортизация ажратмалари экинлар ва тармоқлар бўйича ана шу экинлар ва тармоқларга тўғридан – тўғри қилинган меҳнат сарфларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Тармоқлар, экинлар ва махсулот турлари бўйича умумхўжалик ва умум ишлаб чиқариш харажатлари тўғридан – тўғри қилинган меҳнат сарфларига плус амортизация ажратмаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Галлачилик махсулотлари етиштиришда дон махсулотидан ташқари, дон чиқиндиси (майдаланган дон), чори, сомон сингари кўшимча махсулотлар ҳам олинади. Шунинг учун галлачилик махсулотларини таннархини аниқлашда кўшимча махсулотни битказиш (тақсимлаш) коэффициентларидан фойдаланилади.

Бунда 1 центнер дон шартли равишда 1,0 га тенг деб олинади, 1 центнер сомон – 0,08.

Мисол: Фермер хўжалигида жами галлачилик харажатлари – 41524,7 минг сўмни ташкил этган. Галлачиликдан жами олинган ялпи дон хосили-8348 центнер ва 10000 центнер сомон жамгарилган. 1 ц доннинг ва сомоннинг ҳақиқий таннархини топиш лозим.

Бу ерда жами олинган сомонни 0,08 коэффициентга кўпайтириб, шартли донга айлантирилади:  $10000 \text{ ц} * 0,08 = 800 \text{ ц}$  шартли дон.

Жами шартли дон ҳажми топилади:  $8345 * 1,0 + 800 = 9145 \text{ ц}$ .

Дон етиштириш учун сарфланган жами харажатлар шартли дон ҳажмига бўлинади ва шартли 1 ц шартли доннинг таннархи аниқланади:

1 ц шартли доннинг таннархини сомоннинг тақсимлаш(ўтказиш) коэффициентига кўпайтириб 1 ц сомоннинг таннархи аниқланади:

$4540,6 * 0,08 = 363,25 \text{ сўм}$ .

Демак, 1 ц доннинг таннархи  $4540,6 * 1,0 = 4540,6 \text{ сўм}$ ;

1 ц сомоннинг таннархи  $4540,6 * 0,08 = 363,25 \text{ сўм}$ .

Пахта хом аш, сини амалдаги таннархи қуйидагича хисобланади:

Корхонада пахтачилик бўйича жами ишлаб чиқариш харажатлари 172260 минг сўмни ташкил этиб, ишлаб чиқарилган пахта хом аш, сининг ялпи хосили 9760 ц. Хар бир ц пахтанинг таннархини топиш учун жами ишлаб чиқариш харажатларини етиштирилган ялпи пахта ҳажмига бўламиз ( $17226 \text{ минг сўм} : 9760 \text{ ц} = 17650 \text{ сўм}$ ).

Қорамолчилик махсулотлари таннархини хисоблашда сут ва бузоқ махсулотлари олинганлиги сабабли, жами харажатлардан чиқинди махсулотлар (гўнг) қиймати чиқариб ташланиб, қолган харажатнинг 90 %-и сут миқдори ва 10 %-и бузоқ бош сонига тақсимланади.

Фермер хўжалигида 100 бош сигирнинг хар биридан 2500 кг сут ва 85 тадан бузоқ олиш режалаштирилган. Жами ишлаб чиқариш харажатлари чиқинди махсулотлар қийматини чегиргандан кейин – 32814 минг сўмни ташкил этади. Фермер хўжалигида 2500 ц сут ва 85 бош бузоқ етиштирилган, уларнинг таннархи қуйидагича аниқланади:

Жами ишлаб чиқариш харажатларининг 90 %-и сут ишлаб чиқаришга ажратилиб, олинган сут миқдорига бўлиниб 1 ц сутнинг таннархи топилади ва харажатларнинг 10 %-и, олинган бузоқ сонига бўлиниб, 1 бош бузоқнинг режали таннархи топилади (1 ц сутнинг таннархи – 118130 сўм, 1 бош бузоқники 38604,7 сўм).

Махсулот тури	Миқдори	Харажатлар ни тақсимлаш меъ,ри, %	Харажатлар, минг сўм	Махсулот бирлиги таннархи, сўм
---------------	---------	-----------------------------------	----------------------	--------------------------------

Сут, ц	2500	90,0		
Бузоқ, бош	85	10,0		
Жами:	X	100,0	32814,0	X

Қоракўлчилик махсулотлари таннархини ҳисоблашда асосий ва кўшимча махсулотлар олинганлиги сабабли 2 хил усулдан фойдаланиш мумкин:

1) Аввалги йилнинг харид нархлари асосида, бунда ишлаб чиқариладиган махсулотлар миқдори аввалги йилнинг Ўртача сотиш баҳосига кўпайтирилиб, ялпи пул тушуми топилади. Унинг жами суммаси 100 фоиз деб олинади ва айрим олинган махсулотларнинг пул тушумидаги салмоги (%) топилади. Шу салмоқлар асосида қоракўлчилик махсулотлар харажатида чиқинди махсулотлар қиймати чегирилиб, қолган сумма аниқланган салмоқларга нисбатан махсулотларга тақсимланади ва уларни махсулотлар миқдорига бўлиш йўли билан 1 ц (дона) махсулот таннархи аниқланади.

Масалан: «Чинор» қоракўлчилик ширкат хўжалигида йил давомида 2120 дона қоракўл тери, 2340 бош қўзи, 91,6 ц жун ва 289,0 ц тирик вазн олинган. Жами ишлаб чиқариш харажатлари чиқинди махсулотлар қиймати чегирилгандан кейин 51640 минг сўмни ташкил этади.

<sup>1</sup> 25 жадвал

Махсулот тури	Миқдори	Сотиш баҳосида қиймати, минг сўм	Салмоги, %	Харажатлар, минг сўм	Махсулот бирлиги таннархи, сўм
1. Қўзи, бош	2340	21444	35,2		
2. Жун, ц	91,6	1846	3,0		
3. Ўсган вазн (Привес), ц	289,0	34680	56,9		
4. Қоракўл тери, дона	2120	2968	4,9		
Жами:	x	60938	100,0	51640	x

Махсулот таннархини пасайтиришнинг энг муҳим йўли ишлаб чиқариш жараҳатларини тўлиқ механизациялаштириш асосида меҳнат унумдорлигини оширишдир. Изчиллик билан жадаллаштириш асосида экинларнинг ҳосилдорлигини, чорвачиликнинг махсулдорлигини ошириш махсулот таннархининг пасайтириш, рентабеллик даражасини ошириш энг муҳим аҳамият касб этади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиши яхшилаш махсулот таннархини арзонлаштиришда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шунингдек, махсулот ишлаб чиқаришда айланма воситалардан мақсадга мувофиқ фойдаланишнинг ҳам аҳамияти катта.

Тармоқларни мақсадга мувофиқ равишда ихтисослаштириш ва жойлаштириш, уларни тўғри мувофиқлаштириш ишлаб чиқаришни арзонлаштиришга сезиларли таъсир этади.

Фан тавсияларини ва илгорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга изчиллик билан жорий этиш, деҳқончилик маданиятини доимий равишда юксалтириш, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва химиялаштириш – буларнинг

хаммаси, бир томондан хосилдорликни оширса, иккинчи томондан махсулот бирлигига сарф-харажатларни кескин суъратда камайтиради.

Мехнат ва моддий пул маблағларини тежаб-тергаб сарфлаш, маъмурий бошқарув харажатларини ва бошқа хар қандай ўринсиз харажатларни қисқартириш учун тадбирлар ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, таннархни камайтиришда жуда ахамиятга эга.

Дехқончилик хосилдорлигини ва чорвачилик махсулдорлигини ошириш ҳамда харажатларни қисқартириш аввало хўжаликни мохирлик билан бошқаришга ер, ишлаб чиқариш воситалари ва мехнат ресурсларидан самарали фойдаланишга боғлиқдир.

Махсулот таннархининг пасайтирилиши аввало, хўжаликларда ишлаб чиқариш натижаларига боғлиқдир. Хўжаликларнинг асосий вазифаси мехнат ва маблағларни меърида сарфлаган холда, қишлоқ хўжалик махсулотларини максимал даражада кўпайтиришдан иборат.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида мехнатни илмий асода ташкил этишни жорий қилиш ва хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш моддий пул харажатларини иқтисод қилиш режимини изчиллик билан амалга ошириш таннархни пасайтириш учун шарт-шароит яратади.

### **22.3. Ишлаб чиқариш рентабеллиги ва уни ошириш йўллари.**

Рентабеллик-қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодий самара-дорлигини ўзида акс эттирувчи умумлашган иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. У фойдаланилган ва истеъмол қилинган ишлаб чиқариш ресурслари – мехнат, ер, сув ва бошқа моддий ресурслар ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш харажатлари орқали етиштирилган махсулотни сотишдан кўрилган, наф - самара натижасида ишлаб чиқаришни кенгайтирилган тарзда ривожлантириш имкониятларини, ходимларнинг ўз мехнатлари натижасидан қандай даражада моддий манфаатдор эканликлари ҳолатларини кўрсатади.

Фойда – бу товар, қишлоқ хўжалик махсулотларини реализация қилиш натижасида олинган соф даромаднинг бир қисми бўлиб, у махсулотни сотишдан келган маблағдан – сотилган махсулот сарф-харажатлари ва ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни, ки тўла таннарх қийматини чегириб ташланган қисмига тенг бўлади.

Фойда бу, фақат ишлаб чиқариш жараҳида эришилган натижа ҳисобланиб қолмасдан, балки махсулотларни сотиш соҳасидаги эришилган пировард иқтисодий кўрсаткичдир. Фойда негизида жонли мехнат натижасида ҳосил қилинган янги даромад миқдори қанча кўп бўлса, фойда миқдори ҳам шунча кўп бўлади. Мехнат унумдорлиги қанча юқори бўлса, фойда миқдори ҳам шунча ортишига олиб келади. Фойда миқдори буюмлашган мехнат сарфига ҳам бевосита боғлиқдир.

Фойда бир қатор иқтисодий вазифаларни бажаради:

- ўлчов вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам у ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда умумлашган кўрсаткич сифатида қўлланилади;

- у тақсимлаш функциясини бажаради;
- у рағбатлантириш омили сифатида ишлатилади. У иқтисодий рағбатлантириш жамгармасининг асосий манбаи ҳисобланади.

Аммо бундан фойда ишлаб чиқариш самарадорлигини ўзида акс этадиган ягона кўрсаткич деган хулоса келиб чиқмайди. Фойда - бу янги ҳосил қилинган қийматдан иборат бўлиб, унинг миқдори шу маҳсулотнинг бозордаги баҳоси даражасига ҳам боғлиқ. Айрим ҳолларда товарнинг баҳоси сунъий ортиши, ки камайиши натижасида фойда миқдори ҳам сунъий равишда ортиши, ки камайиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш рентабеллиги мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларда ифодаланади.

Рентабелликнинг мутлоқ кўрсаткичи – ўзида фойданинг мутлоқ миқдорини кўрсатади. Қишлоқ хўжалик корхоналарида рентабелликнинг мутлоқ кўрсаткичи сифатида даромаддан ҳам фойдаланилади. Даромад бу сотилган маҳсулотдан тушган пулдан моддий харажатлар сарфи чегириб ташлангандан кейин қолган қисмидир.

Фойданинг мутлоқ миқдорини аниқлаш катта аҳамиятга эга бўлиб, иқтисодий рағбатлантириш жамгармасининг шаклланиш ҳажмига ҳам таъсир этади. Аммо фойданинг мутлоқ ҳажми корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ўзида тўла акс эттирмайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида рентабелликни аниқлашда унинг мутлоқ кўрсаткичи билан бир қаторда нисбий кўрсаткичдан ҳам фойдаланилади. Бу кўрсаткич ўзида рентабеллик даражаси ва фойда нормасини ифода этади.

Рентабеллик даражаси фойданинг тўла таннархга бўлган нисбатини фоиздаги кўринишидир.

$$P_d = \frac{C_f}{T_r} \quad \text{—}$$

Бу ерда:  $P_d$ -рентабеллик даражаси, %;

$C_f$ - соф фойда, сўм;

$T_r$ - тўла таннарх.

Рентабеллик даражаси бир сўмлик сарфланган харажат эвазига қанча фойда олинганлигини кўрсатади. Аммо қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши фақат жорий харажатлар ҳисобига эмас, балки капитал маблағ ҳисобига ҳам амалга оширилади. Маҳсулот ишлаб чиқаришида моддий харажатлар ҳам қатнашиб, уларни маҳсулот қийматида ўтган улушини ҳам ҳисобга олиш зарур. Шунинг учун ишлаб чиқариш рентабеллигини фақат жорий харажатлар ҳисобига эмас, балки моддийлашган (буюмлашган) харажатларга нисбатан ҳам аниқлаш зарур. Акс ҳолда рентабеллик даражаси сунъий равишда ошиб кетиши мумкин.

Шунинг учун рентабеллик даражаси, ки меъ,ри, фойдани ўртача йиллик ишлаб чиқариш фондлари қиймати ва айланма маблағлар йигиндисида нисбати билан аниқланади.

$$P_M = \frac{\Phi}{A_{и/ч.ф.} + A_M} \times 100$$

Бу ерда:  $P_M$ - рентабеллик меъ,ри;

$\Phi$  – фойда, сўм;

$A_{и/ч.ф.}$ - асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати, сўм;

$A_M$ - айланма маблағлар қиймати, сўм.

Хозирги вақтда рентабелликни таҳлил қилиш, рентабеллигининг молиявий коэффициентлари ҳисоб-китоб воситалари бўйича ўтказилади, яъни Ўзбекистон Республикасининг корхоналар банкротлиги ва санациялаш масалалари бўйича ҳукумат комиссияси томонидан (1997 йил 17 апрел 4-сон буйруғи) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги билан (1997 йил 30 май) келишилган ҳолда «Корхонанинг молиявий таҳлиliga доир услубий тавсияномалар» бўйича олиб борилади. Ушбу тавсияномада кўрсатилганидек рентабелликнинг 5 та молиявий коэффициентлари келтирилган:

1. Махсулот сотишнинг рентабеллиги коэффициенти сотилган махсулот бирлигига қанча фойда тўғри келишини кўрсатади. Бу кўрсаткич коэффициент нарх белгилаш си,сатидаги ўзгаришларни ва хўжалик юритувчи субъектнинг сотилган махсулот таннархини назорат қилиб туриш қобилиятини кўрсатади. Коэффициент динамикаси нархларни қайта кўриб чиқиш ,ки моддий захиралардан фойдаланиш устидан назоратни зарурлигидан далолат беради. Унинг пасайиши турли сабабларга кўра корхона махсулотларига бозор талабининг пасайганлигини кўрсатади.

$$P_{м.с.} = \frac{\Phi_c}{T_T}$$

Бунда:  $\Phi_c$ - сотишдан олинган фойда (зарар)

$T_T$ - тўла таннарх

Агар махсулот сотиш рентабеллиги коэффициенти ҳисобот даврида 0. дан кам қийматга эга бўлса, унда қишлоқ хўжалик корхонаси бу кўрсаткич бўйича зарар билан ишлайди деб ҳисобланади.

2. Активлар рентабеллиги ,ки асосий воситалар ва оборотдан ташқари бошқа активларни рентабеллиги коэффициенти асосий воситалар ва оборотдан ташқари бошқа активлардан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради, яъни қишлоқ хўжалик корхонасининг молия хўжалик фаолиятида ишлатиладиган активлардан фойда ,ки зарар кўрилиш даражасини кўрсатади:

$$P_{AB.} = \frac{C_\phi}{A_T}$$

Бу ерда:  $C_\phi$ - солиққа тортишга қадар фойда(зарар)

A<sub>1</sub>- узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал маблағ сарфланмалар ва хоказо).

Активларнинг рентабеллиги коэффиценти агар хисобот даврида 0 дан кам қийматга эга бўлса, унда қишлоқ хўжалик корхонаси бу кўрсаткич бўйича зарар билан ишлайди деб хисобланади.

3. Хусусий капитал рентабеллиги коэффиценти корхона, ки тадбиркор, фермер ўз капиталидан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатади. Коэффицент динамикаси корхона акциялари катировкаси даражасига таъсир кўрсатади. Бу коэффицент мулкдорлар инвестиция қилган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини белгилаш ва бу кўрсаткични ушбу маблағларни бошқа қимматли қогозларга сарфлашдан олиниши мумкин бўлган даромад билан солиштиришга имкон беради. Шунинг учун унинг пасайиши ҳам махсулотларга талабнинг пасайгани ва активларнинг ортиқча тўпланиб қолганлигидан далолат беради:

$$P_{x.k.} = \frac{C_{\phi}}{X_{k.k.}}$$

Бу ерда:  $X_{k.k.}$  - хусусий капитал қиймати.

Агар хусусий капитал рентабеллиги коэффиценти 0 дан кичик бўлса, унда қишлоқ хўжалик корхонасининг фаолияти ушбу кўрсат бўйича зарар билан яқунланган хисобланади.

4. Перманент (узлуксиз) капиталнинг рентабеллик коэффиценти корхона фаолиятига сарфланган капиталдан (ўзининг ва қарзга олинган) фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради.

$$P_{п.к.} = \frac{C_{\phi}}{\Pi_1 + X_{k.k.}}$$

Бунда:  $\Pi_1$  - ўз манбалари (устав капитали, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва хоказо), баланс пассиви I- булими яқуни.

Агар перманент капитал рентабеллиги коэффиценти 0 дан кичик бўлса, корхона ушбу кўрсаткич бўйича иқтисодий ночор хисобланади.

5. Капитал умумий айланувчанлигининг рентабеллик коэффиценти корхона бутун капиталининг айланиш тезлигини акс эттиради. Унинг ўсиши корхона маблағлари айлануви жадаллашганлигини, ки нархларнинг инфляцион ўсишини кўрсатади:

$$P_{k.y.a.} = \frac{T}{\dots}$$

## БЯ

Агар капитал умумий айланувчанлигининг рентабеллиги коэффиценти 0. дан кичик бўлса, у холда корхона ушбу кўрсаткич буйича иқтисодий ночор хисобланади.

Ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш омиллари ва резервлари.

Қишлоқ хўжалигида иш юрита,тган хўжаликларнинг асосий мақсади олинadиган фойда миқдорини мунтазам кўпайтиришга эришишдир. Фойда миқдорини кўпайтириш осон иш эмас. У бозор иқтисоди,ти қонунларидан қай даражада фойдаланганлик ҳолатига боғлиқ.

Фойда миқдорини кўпайтириш асосида ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш омилларини қидириб топиш, уларни ҳаракатга солиш ва бу асосида ишлаб чиқаришни мунтазам ривожлантиришга эришиш ҳозирги иқтисодий ислохатларнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар мавжуд.

Объектив омилларга: ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, ишлаб чиқаришнинг технология даражаси, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш ҳолати, кадрлар билан таъминланиш ва улардан фойдаланиш даражаси ва бошқаларни киритиш мумкин.

Субъектив омилларга : баҳолар даражаси, об-ҳаво, тупроқ, сув ва меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бу омилларга риоя қилиш бозор иқтисоди,ти ҳамда иқтисодий ислохат талаблари асосида ишлаб чиқаришни ривожлантириш шарт-шароитларини яратиб беради.

## **IV-БЎЛИМ. Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатишнинг назарий асослари.**

### **23-БОБ. Сервис ва лизинг хизматларини ташкил этиш.**

#### **23.1. Сервис хизматини ташкил этиш.**

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатиш тизимини бозор иқтисоди,ти қонунлари асосида такомиллаштириш йўналишида сезиларли амалий ишлар қилинди. Жумладан 1995 йилдан бошлаб республикамизнинг ҳар бир вилоят туманларида Давлат акционерлик жамияти машина-трактор парклари (МТП) ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 мартдаги 106-сонли қарорига асосан Муқобил МТП лар ташкил этилиб, ҳозирда бундай МТП ларининг фаол ишлаши кузатилмоқда.

Бироқ қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган моддий-техника воситаларининг баъзи бир қисмлари ва турлари Республика ишлаб чиқарилсада, катта қувватдаги тракторлар қишлоқ хўжалик машиналари ва энг зарур эҳти,т қисмлар, хорижий мамлакатлар, жумладан АҚШ, Россия, Украина ва Белоруссия Республикаларидан келтирилиши бир қанча муаммолар пайдо

қилмоқда. Хусусан ушбу техника воситалари нархларининг тўхтовсиз ўсиб бориши, давлатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни изга тушмаганлиги туфайли хўжаликларда зарур бўлган техника воситаларини етказиб бериш имкони чегараланмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг шаклланиш ва тармоқ моддий-техника таъминоти тизимида иқтисодий ислохатларни амалга оширишда ижара асосида ташкил қилинган лизинг тадбиркорлик фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

АСМ тармоқларида лизингни ривожлантириш қишлоқ хўжалик корхоналаридаги мавжуд молиявий қийинчиликларни бартараф этиш, ишлаб чиқаришни янги технология ва замонавий техникалар билан қуроллантиришга имконият яратади.

Лизинг тизимини республикада шакллантириш борасида Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» ги қонунлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 27 февралдаги 111- сонли «ЎзКейсагролизинг» Ўзбек-америка қўшма лизинг компаниясини тузиш тўғрисидаги, 1999 йил 30 октябрдаги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акционерлик лизинг компаниясини тузиш тўғрисидаги ва «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2000 йил 2 ноябрдаги қарорлари муҳим аҳамият касб этади. Хозирги вақтда АСМ тармоқларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йўлида «Ўзбеклизинг Интернейшнл» акционерлик жамияти, «ЎзКейсагролизинг» қўшма лизинг компанияси, «Банк-лизинг» ва «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Давлат буюртмасига асосан «Ўзагромашсервис» уюшмасига эса 824 та «Кейс-2166» галла ўриш комбайни, 1157 та «Магнум» русумли хайдов тракторлари ва бир неча ўнлаб «Кейс-2022» русумли пахта териш машиналари лизинг асосида берилди ва улар қийматини тўлаш шартномага асосан босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Аммо бугунги кунда АСМ тармоқларида лизинг тизимидаги ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар замон талабларига жавоб бермайди, лизингга берилган қишлоқ хўжалиги техникалари, маҳсулотларни қайта ишловчи асбоб-ускуналари нархлари ошиши уларнинг эскиришининг ҳисоблаш услубларидаги номуносибликлар қишлоқ хўжалигида муаммолар пайдо қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохатларнинг жадал суръатда давом этиши кўп жihatдан тармоқларнинг техника-технология ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланиши, хом-аш, сифатида сотилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёр маҳсулот холига келтириб сотиш мақсадида қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, ҳамда турли мулкчилик шароитларида фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектларига барча йўналишлар бўйича сервис хизматини самарали ташкил этишга боғлиқ.

Иқтисодий ислохатларни амалга ошириш ва хўжалик юриштирининг турли шакллари вужудга келиш шароитида мавжуд техника воситаларидан самарали фойдаланиш ўз навбатида бозор инфраструктурасини шакллантириш, хизмат

кўрсатиш бўлимларини ташкил қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштиришни тақозо қилади. Шунингдек қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий ахволини қониқарсизлиги, моддий техника ресурслари ва ускуналар нархларининг юқорилиги туфайли фермер ва бошқа хўжалик фаолиятини амалга оширувчи субъектлар техника ва ускуналарни сотиб олиш ва улардан унумли фойдаланиш имкониятига эга эмаслар. Бу эса муқаррар равишда моддий техника базаси билан таъминлаш, уларга хизмат кўрсатиш тизимларини тубдан ислох қилиш асосида, тармоқларда бозор муносабатлари тизимини ривожлантириш зарурлигини тақозо қилади. Мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли шакллари вужудга келар экан, мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш, мулк эгаларининг хўжалик юритиши, уларни бошқариш шакли ўзгара бориб, ҳар бир мулк субъекти ўз манфаатини тушиниб етган ҳолда, хўжалик фаолиятини амалга ошириши ҳамда зарур бўлган ресурслар билан таъминлаш борасида янги усулларни ишга солади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни оқилона ташкил этиш ва бошқаришда, ундаги мавжуд моддий техника таъминотининг ташкилий шакллари ислох қилинишига олиб келишдир. Ушбу муаммони ижобий ҳал этилиши махсулот етиштириш ҳажмини кўпайтиришга ва таннархини арзонлаштиришга олиб келади, натижада хом-аш, сифатида арзон баҳоларда сотилаётган махсулотларни тайёр ҳолга келтириб сотишда қўл меҳнатини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган бир қатор янги бозор институтлари яратилади. Бундан кўзда тутилган мақсад қишлоқ хўжалиги лизинг тизимини яратиш ва уни такомиллаштиришдан иборатдир. Лизинг – бу ижара муносабатларини алоҳида бир тури бўлиб унда келишувчи тарафлардан бири (лизинг берувчи) иккинчи томон (лизинг олувчи) нинг топширигига биноан лизинг олувчига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун, учинчи бир тарафдан (сотувчи) лизинг объектини шартнома шартларида белгиланган қийматларда сотиб олишидир. Бунда лизинг объектига эгалик ҳуқуқи токи у лизинг олувчи томонидан тўлиқ сотиб олингунга қадар лизинг берувчига таълуқли бўлади. Молиявий жихатдан лизинг объектига бўлган эгалик ҳуқуқи, агар барча тўловлар тўлиқ ҳажмда амалга оширилган бўлса, шартнома муддати тугамасдан туриб ҳам лизинг олувчига ўтиши ҳам мумкин.

### 23.2. Лизинг хизматини амалга ошириш тизими.

**Ўзбекистон Республикасида лизинг компанияларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда лизинг операцияларини амалга ошириш тартибини бир тизимга келтириш мақсадида 1999-йилнинг 14-апрелида «Лизинг тўғрисида» ги қонунни қабул қилиниб, у қишлоқ хўжалигида турли мулк шаклига асосланиб фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг янги техника, технология, бино, иншоот ва бошқа турдаги асосий воситаларга нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга ижобий таъсир кўрсатади.**

Лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатлари лизингни амалга ошириш пайтида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида «Лизинг тўғрисида» ги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Қонунга биноан амалга ошириладиган барча турдаги лизинг операциялари бўйича эма равишда шартномалар тузилади. Лизингга олувчи жисмоний шахс бўлган ҳолларда эса лизинг шартномаси нотариал тасдиқланиши лозим.

Лизинг операцияларининг субъектлари ўртасида тузиладиган шартномаларда қуйидагилар акс эттирилиши талаб этилади:

- лизинг объектининг тавсифи;
- шартноманинг умумий суммаси;
- томонларнинг лизинг объектини олиш ва бериш билан боғлиқ бўлган Ўзаро мажбуриятлари;
- лизинг объектини етқазиб бериш, монтаж килиш ва фойдаланишга топшириш тартиби;
- лизинг объектларидан фойдаланиш, уларга караш ва таъмирлаш юзасидан томонларнинг мажбуриятлари;
- шартноманинг амал қилиш муддати.

Айрим ҳолларда шартнома субъектларининг келишувига биноан лизинг шартномаларига қўшимча равишда қуйидаги шартлар киритилиши мумкин:

- ❖ лизинг объектини сотиб олиш тартиби ва муддатлари;
- ❖ лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби ва тамойиллари;
- ❖ лизинг объектини сўгурта қилиш тартиби;
- ❖ форс мажор ҳолатлари;
- ❖ лизинг субъектлари томонидан лизинг шартномаси шартларига риоя этилишини назорат қилиш тартиби.

Имзоланган лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш, агар қонун ҳужжатларида ва шартномада бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, тарафлар келишувига биноан амалга оширилиши мумкин.

Қабул қилинган «Лизинг тўғрисида» ги қонуннинг 11, 12 ҳамда 13 моддаларида лизинг субъектларининг Ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилган бўлиб, унга асосан лизинг шартномаси бўйича мол-мулкни олиш ва уни лизинг олувчига эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун бериш, лизинг объектини (агар шартномада шундай шартлар назарда тутилган бўлса) сақлаб туриш, таъмирлаш, унга техник хизмат кўрсатиш бўйича лизингга олувчи олдида ўз зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақти тўлиқ бажариш каби мажбуриятлар эга бўлса, унинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- лизинг олувчининг, лизинг объектдан қандай шароитларда фойдалана, тганлигини ва уни белгиланган мақсадларга мувофиқ

ишлата, тганлигини лизинг шартномаси шартларига ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ назорат қилиш;

- лизингга олувчининг розилиги билан лизинг объекти ва унинг сотувчисини танлаш;
- қонун ҳужжатларида ҳамда лизинг шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лизингга олувчидан лизинг объектини олиб қўйиш;
- лизингга олувчи лизинг шартномасини жиддий тарзда бузган тақдирда барча лизинг тўловларини муддатидан илгари тўлашни, худ етказилган зарарни ундириб, ки лизинг объектини қайтариб олган тақдирда шартномани қайтиб олишни талаб этиш.

Агар лизинг объекти, лизингга берувчининг айби билан етказиб берилмаган бўлса, ки лизинг шартномаси шартларига номувофиқ бўлса, лизингга берувчи лизингга олувчининг розилиги билан ўзи лозим топган даражада бажармаган лизинг шартномаси шартларини тузатиб беришга, ки лизингга олувчига бошқа лизинг объектини таклиф этишга ҳақли.

Ўз навбатида лизингга олувчига лизинг объектини қабул қилиб олиш, ундан фойдаланиш, уни шартнома шартларига мувофиқ сақлаб туриш, лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаб туриш ҳамда лизинг шартномасида бошқача тартибда белгиланмаган бўлса, лизинг объектини ўз ҳисобидан таъмирлаш ва сақлаш харажатларини қоплаш каби мажбуриятлар юкланган. Шунингдек, лизинг шартномаси бекор қилинган ҳолларда лизингга олувчи лизингга объектини лизинг берувчидан қандай ҳолатда олган бўлса, шундай ҳолатда меъ,рида эскириш ва тарафларнинг келишувида шартлашилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайтариши шарт.

Лизингга олувчининг бошқа лизинг субъектларига нисбатан юқорида қайд этилган мажбуриятлари билан бир қаторда маълум ҳуқуқларга эга бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- лизинг объекти ва сотувчисини мустақил танлаш;
- лизингга берувчидан лизинг шартномаси шартларини бажармаганлиги туфайли етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш;
- сотучига лизинг объекти олди-сотди шартномасидан келиб чиқиб, талабларни инobatга олган ҳолда унинг сифати, будлиги, топшириш муддати, кафолатли таъмирлаш ва хоқозолар хусусияда талаблар қўйиш;
- лизинг объекти етказиб берилмаган тақдирда, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган, ки сифати талаб даражасида бўлмаганда лизинг объектидан воз кечиш ва шартномани бекор қилинишини талаб этиш;
- лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган ҳолларда, бўнак сифатида тўланган тўловлар ва бошқа харажатларни лизинг объектидан фойдаланиш даврида олинган фойданинг

қийматини чегириб ташлаб, Ўзига қайтариб беришини талаб қилиш.

Қабул қилинган «Лизинг тўғрисида»ги қонунга биноан, агар лизинг шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, олди-сотди шартномаси бўйича сотувчининг лизингга олувчига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари лизинг берувчига нисбатан Ўрнатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларидек бўлади. Бунда лизингга олувчи лизинг объекти олди-сотди шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Лизинг объекти билан боғлиқ барча хавфлар, шу жумладан унинг тасодифий йўқолиши ,ки тасодифан бузилиши, Ўгирланиши, барвақт эскириши ,ки эскириш хавфлари лизинг шартномасида назарда тутилган тартибда лизингга олувчига ўтади. Хавфлар мулк лизингга олувчига ўтган дақиқадан эътиборан лизингга олувчи лизинг объекти ҳар қандай тарзда йўқотилиши ,ки шикастланиши учун лизинг шартномаси амал қиладиган муддат давомида жавобгар бўлади.

### **23.3. Лизинг хизматини моҳияти, турлари ва ўзига хос хусусиятлари.**

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларнинг амалга оширилиши, турли шаклдаги мулкчилик субъектларининг фаолият кўрсатиши ҳамда уларнинг майдалашуви техника, технология ва бошқа турдаги меҳнат воситалари билан уларни таъминлаш ҳамда инвестиция жараҳларини молиялаштириш манбаларини излаб топиш каби муаммоларни келтириб чиқармоқда. Қайд этилган муаммоларни ҳал қилишнинг бир нечта йўналишлари мавжуд бўлиб, улардан бири лизинг хизмати ҳисобланади.

Лизинг – бу капитал қўйилмаларини молиялаштиришнинг Ўзига хос шакли бўлиб, мулкларни ижарага олиш шакли билан ўхшашлик томонларга эга. Иқтисодий муносабатларнинг ижара шаклида, мулкни ижарага олувчи, мулк эгасига ,ки молия муассасасига истеъмол қилинган қийматни, ижара фоизини ва банк тўловини тўлаб боради. Лизинг шаклида эса мулкдан фойдаланувчи бир вақтнинг Ўзида, ҳам техника воситаси ,ки ускуналарни харид қилишни, ҳам харидни молиялаштиришни амалга оширади.

Лизинг вақтинча бўш турган ,ки жалб қилинган молиявий маблағлар эвазига сармоя қўйиш бўлиб, бунда лизинг берувчи муайян сотувчидан шартномада кўзда тутилган мулкни сотиб олиб, унинг эгаси бўлади ва бу мулкни лизинг хизматчисидан ҳақ олиб вақтинча фойдаланишга беради. Сармоя қўйишнинг бошқа усулларига қараганда лизингнинг асосий афзаллиги шундаки, тадбиркорлар асосий фондларни сотиб олиш учун зарур бўлган молиявий маблағларнинг бир қисмигагина эга бўлиб туриб, ишини бошлай веради.

Лизинг, тадбиркорлик фаолиятининг янги соҳаси ҳисобланиб, у дастлаб 50-йилларда Гарбий Европадаги бир қатор мамлакатларда пайдо бўла бошлади. ўтган давр мобайнида лизинг операциялари катта ҳажмда Ўсди. Масалан, агар 60-йиллар Ўрталарида АҚШ да амалга оширилган лизинг операцияларининг қиймати 1 млрд. долларни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб унинг

хажми 270 млрд. долларни ташкил қилади.

Лизинг Ўзида машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоотларини қўллашда, махсуслаштирилган молиявий (лизинг) фирмалар, компаниялар воситасида капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг махсус шакларини ифодалаб, учинчи шахс учун буюмларга нисбатан мулк хуқуқни яратиб беради.

Тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган хар қандай ашлар, шу жумладан, корхоналар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа кўчмас мулк, лизинг объектлари бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунга биноан ер участкалари ва бошқа табиат объектлари, шунингдек эркин муомалада бўлишни қонун ҳужжатлари билан тақиқланган, ки муомалада бўлишини алоҳида тартиби белгиланган мол-мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин эмас.

Халқаро амали, тда лизинг муносабатларини амалга ошириш муддатларидан келиб чиққан холда у, қуйидаги турларга бўлинади:


- Қисқа муддатли (рентинг, ки чартер) – бир йилгача бўлган муддат;
- Ўрта муддатли (хайринг) – бир йилдан уч йилгача;
- Узоқ муддатга – уч йилдан ошиқ муддатга.


Тижоратда амалга ошириладиган лизинг операцияларининг турлари кўп бўлишига қарамасдан улар, мохиятига кўра асосан икки турга бўлиниб, биринчиси – ижарага олинган, тган асосий фондлар қиймати тўла қопланадиган лизинг бўлса, иккинчиси - тўла қопланмайдиган лизинг туридир. (<sup>1</sup> 5-чизма)

Асосий воситалар қийматини тўла қопламайдиган лизинг – оператив лизинг деб аталади. Бу холда лизинг берувчининг ускуна сотиб уни гарови билан боғлиқ харажатлари лизинг муддати мобайнида тўла қопланмайди, чунки шартноманинг амал қилиш муддати ускуна ишлашининг меъ, рий муддатидан қисқадир. Таъкидлаш керакки, лизинг берувчи, объектни вақтинча фойдаланишга бир неча марта берар экан, шунга мувофиқ тарзда талаб бўлмаганида унинг қолдиқ қийматини қоплашдаги таваккалчилик бир неча мартага ортади. Оператив лизингда усқунанинг техникавий гарови, тузатиш, сўгурта мажбуриятлари лизингга берувчининг зиммасига тушади.

<sup>1</sup> 5 чизма

Лизинг турларининг тизими





Ижрага бериладиган асосий воситалар қиймати тўла қопланадиган холлардаги лизинг – молиявий лизинг деб аталади. Ускунани вақтинча фойдаланишга берилган муддати, шу ускуна қийматининг тўла қисми ишлатилиши ва ейилиш (амортизация) муддатига яқинлашиб қолади. Шартнома муддати мобайнида лизингга берувчи тўловлар хисобидан, мулкнинг бутун қийматини қайтариб олади. Молиявий лизингда одатда, ускунанинг қи техниканинг гарови, тузатиш, сўгурта мажбуриятлари лизинг олувчи зиммасида бўлади.

Мохиятига кўра амалга ошириладиган молиявий лизинг тури Ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг объекти, қолдиқ қиймат бўйича лизингга олувчининг қўлига ўтади;
- лизинг шартномаси муддатида лизинг объектининг хизмат муддатини 80 %-и дан ортиги қи лизинг шартномаси муддати тугагач, лизинг объектининг қолдиқ қиймати унинг бошлангич қийматининг 20% идан камини ташкил этади;
- лизингга олувчи тадбиркор, фермер лизинг объектини қатъий белгиланган қи лизинг шартномаси муддати тугаганда аниқланадиган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга;

**Ўз навбатида тузиладиган молиявий лизинг шартномалари уч турга бўлинади:**

- хизмат кўрсатиладиган лизинг – молиявий лизинг бўйича тузиладиган шартнома билан бир қаторда лизинг объектини ўрнатиш, техник ҳолатини назорат қилиш, жорий ҳамда капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича пудратчилар билан қўшимча шартнома тузилади;
- Ливреж лизинг – лизинг объекти қийматининг катта қисми учинчи томон (инвесторлар) маблағи хисобидан қопланиб, шартнома муддатининг биринчи ярмида объектни эскириш (амортизация) суммаси ҳамда олинган ссуда маблағлари учун фоиз тўловлари тўлаб борилади;
- «Пакетдаги» лизинг – лизингнинг бу тури фойдаланишга топширилган бино ва иншоотлар қиймати кредит маблағлари хисобидан қопланган холларда қўлланилади.

**Шунингдек лизинг операциялари амалга ошириладиган бозор секторига қараб қуйидагиларга бўлинади:**

- ички лизинг (битимнинг барча вакиллари, бир мамлакат вакиллари бўлган холларда):
- ташқи, ки халқаро лизинг (лизингга берувчи ва лизингга олувчи турли мамлакатларнинг вакиллари бўлган холларда).

Харакатдаги ҳар бир мулк лизинг объекти бўлиши мумкин, бозорда эркин сотилиши таъқиқланган мулклар бундан мустаснодир. Лизинг битимида одатда бир нечта субъект иштирок этиб, улар қуйидагилардан иборат:

- ❖ мулкни сотувчи (ускуна чиқаратган завод, унинг диллери, ки дисрибьютери);
- ❖ лизингга берувчи (мамлакатдаги, ки хориждаги лизинг компанияси);
- ❖ лизингга олувчи (тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ускуна керак бўлган жисмоний, ки ҳуқуқий шахс);
- ❖ лизинг компаниясини ускуна сотиб олиши учун уни маблағ билан таъминлаётган банк (, ки бошқа кредит муассасаси);
- ❖ лизингга берувчининг мулкни сўгурта қилувчи, шунингдек ускуна сотиб олиш учун лизингга берувчига берилган кредитларни қайтара олмаслик, ки ҳақ тўламаслик таваккалчилигидан сўгурта қилувчи сўгурта компанияси.

Дун, тижорат амалиётида лизинг операцияларининг амалга ошириш бўйича жаҳон тизими мавжуд бўлиб, унинг биринчи босқичида, лизингга олувчи лизинг компаниясига зарур ускуналарни етказиб беришини сўраб мурожаат қилади ва у билан лизинг шартномаси тузади. Иккинчи босқичда, лизингга берувчи лизингга олувчига ўз пулига, ки қарзга олган кредит пулига мулк сотувчидан харид қилган ускунани топширади. Лизингга мол олувчи ўз-ўзидан бир қанча устунликларга - имтиёзларга эга бўлиб қолади, чунончи:

- корхона мулкига солинадиган солиқ миқдори камаяди, чунки лизинг объектлари қиймати лизинг шартномаси муддати тугаб, мулк унинг ихтиёрига ўтгандан кейингина мулкни ўз баланси ақивида ақс эттиради. Бунгача ўша қиймат лизинг берувчининг балансида туради;
- фойда солиғи миқдори камаяди, чунки лизинг тўловлари махсулот таннархига кирадиган харажатдир. Бундан ташқари, лизинг олувчида бухгалтерия ҳисоби содаллашиб, солиқнинг бир қисмини тўлаш ва қарзни ҳисоблаш лизинг компанияси зиммасида бўлади;
- лизинг мулкни сотувчи, лизинг операцияларида қатнашар экан, махсулот ишлаб чиқаришни қайтадан бошлашга, хатто уни кенгайтириш имкониятига эга бўлади, ҳамда махсулот сотишдан ва лизинг ускунасига эҳтиёт қисмлар сотишдан, бу ускуналарга сервис хизмати кўрсатишдан ва уни такомиллаштиришдан даромади ортади.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилган аграр иқтисодий система, энг аввало тармоқ ишлаб чиқаришида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, хўжаликларни иқтисодий мустақиллик асосида, махсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараҳонларида кооперация тизимини шакллантириш билан бир қаторда агро сервис хизмати кўрсатиш

тизимини ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида моддий техник таъминоти муносабатларини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Республика ҳукумати қарорига мувофиқ 1999 йилнинг октябр ойида «Ўзқишлоқхўжалик-машлизинг» хиссадорлик компаниясининг ташкил этилиши бунга яққол мисол бўлади. «Ўзқишлоқхўжалик-машлизинг» компаниясини ташкил этишдан асосий мақсад жойларда техникага бўлган талаб бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш ва умумлаштириш, лизингга олиш истагида бўлган хўжалик субъектлари билан тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда лизинг шартномаларини тузиш, лизингга берилган техниканинг тўла бутланганлиги ва тўғри ишлатилишини назорат қилишни амалга оширишдан иборат.

Қишлоқ хўжалигини самарали замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашни рағбатлантириш, етакчи хорижий компаниялар иштирокида қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш учун зарур шарт шароитларни шакллантириш, қишлоққа етказиб берилган тракторлар ва Ўрим-йигим техникаси учун хисоб-китоб қилиш механизмининг янада такомиллаштиришда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000-йил 2-ноябрда «Қишлоқни Лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора - тадбирлари» тўғрисидаги қарорининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Мазкур қарорга биноан 2001-2007 йилларда «Ўзқишлоқхўжалик-машҳолдинг» компанияси корхоналари томонидан илгор чет эл компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган замонавий қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга олувчиларга 7 йиллик муддатда қуйидаги шартлар асосида етказиб берилиши белгиланган:

- тракторлар ва ўрим-йигим техникаси қийматининг 15% и хисобидан машина-трактор паркларининг ҳудудий бирлашмалари, муқобил машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва фермер хўжалиқларига ўз маблағлари хисобидан тўланади;
- транспортлар ва ўрим-йигим техникаси қийматининг 85% и «Ўзқишлоқхўжалик-машлизинг» компанияси томонидан унга Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб - қувватлаш жамғармаси қарзи асосида берадиган маблағлар ҳисобига таъминлайди.

Лизингга олувчиларнинг иқтисодий манфаатларини янада химоялаш мақсадида қабул қилинган қарорда техника бутун лизинг муддати давомида мулкий таваккаллар сўғурта полиси мавжуд бўлгандагина лизингга олувчига етказиб берилиши назарда тутилган. Шунингдек лизинг компанияси даромадининг (маржа) имтизли ставкаси Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкасининг ярми миқдоридан белгиланганлиги лизингга олувчиларга яратилган қушимча имтиз ҳисобланади. Қабул қилинган қарорга асосан лизингга олувчиларга техникага эга бўлиши борасида катта имкониятлар

яратилиши билан бир қаторда иқтисодий жihatдан бир қанча имти,злар хам яратилади. Масалан: шартли равишда бир техниканинг нархини 5 млн. сўм деб олайлик. Қишлоқ хўжалиги корхонаси ана шу маблагнинг 15% ини ,ки 750 минг сўмни ўз маблаглари хисобидан тўлайди, қолган 85% ини, яъни 4 млн 250 минг сўмини банк томонидан йиллик 24% миқдорида жалб қилинган узоқ муддатли (7 йиллик) кредит хисобидан олади. Шунда қишлоқ хўжалиги корхонасининг 7 йил мобайнида банкка қайтарадиган маблаг 7947500 (кредитнинг асосий суммаси хисобланган 4250000 сўм, хисобланган % лар 3697500) сўмни ташкил этади. Натижада техниканинг умумий нархи 8697500 (аванс 750000 сўм, банкка қайтариладиган маблаг 7947500 сўм) сўмни ташкил этади. Агар у техникани лизинг компаниясидан лизинг шартларида 7 йил муддатга йиллик 12% миқдорида оладиган бўлса, ана шу даврда лизинг компаниясига қайтариладиган маблаг 6098750 (лизинг суммаси 4250000 сўм, хисобланган % лар 1848750 сўм) сўмга тенг бўлади. Техниканинг умумий нархи эса 6848750 (аванс 750000, лизинг компаниясининг қайтариладиган маблаг 6098750 сўм) сўмни ташкил этади. Бошқача айтганда, банк кредитига нисбатан, молиявий лизинг туфайли 1848750 сўм иқтисод қилинади. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги корхонаси узоқ муддатли кредит олиш мақсадида банкларга мурожат қилмайди. Бу лизинг олувчилар учун молиявий лизингнинг кредитга нисбатан афзаллигини яққол кўрсатиб турибди.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси ва унинг филиаллари томонидан буюртмаларни кўриб чиқиш ва қишлоқ хўжалиги техникасини молиявий лизингга беришнинг вақтинчалик тартиби белгиланган бўлиб унга мувофиқ қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга олиш истагида бўлган хўжалик субъектлари, ўрнатилган намуна асосида қуйидаги хужжатларни расмийлаштиришлари талаб қилинади:

- қишлоқ хўжалик техникасини молиявий лизингга олиш бюртмаси;
- таъсис хужжатларининг нусхаси (корхонанинг устави, статистик орган рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси);
- лизингга олувчининг охириги хисобот чорак (йили) даги солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси, иловалари билан биргаликда (дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақида маълумот хизмат кўрсатувчи банкдан ссуда қарзлари ҳақида маълумотнома);
- техникани молиявий лизингга олиш даврида техник-иқтисодий асослаш;
- сўгурта полиси (Эксперт кенгашининг ижобий қарори қабул қилинганидан сўнг);
- зарурият бўлганда банк кафолат хати ,ки учинчи шахс кафиллиги шартномаси;
- зарурият бўлганда лизингга олувчининг молиявий ҳолатини чуқурроқ ўрганиб чиқиш мақсадида дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ,йма рўйхати, асосий воситаларнинг таркиби, ўз маблаглари хисобига бошқа

ди шуъба корхоналар ташкил этишдаги иштироки хақидаги маълумотлар.

Лизингга олувчи томонидан қайд этилган хужжатлар тўплами белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясининг филиалига тақдим этилиши талаб қилинади. Филиал тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб, лизингга олувчининг молиявий-иқтисодий ахволи хақида хулоса тайрлайди ва уни филиалнинг Эксперт Кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этади. Филиалнинг эксперт Кенгашига молиявий лизингни амалга ошириш бўйича ижобий қарор қабул қилинган холларда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамгармаси ажратадиган маблағлар хажми ва сотувчининг лизингга бериладиган техникани ишлаб чиқариш муддатидан келиб чиққан холда лизингга олувчи билан компания ва сотувчи Ўртасида молиявий лизинг тўғрисидаги шартнома тузилади.

Молиявий лизинг шартномасининг умумий қиймати лизинг қийматларининг фоизларини ҳисобга олган холда аниқланиб, лизинг тўловлари ҳисоб-китоб жадвалида кўрсатилган миқдор ва муддатларда лизингга олувчи томонидан тўлаб борилиши шарт. Лизинг тўловлари Ўз вақтида амалга оширилмаган холларда, муддати ўтқазиб юборилган қийматдан ҳар бир кечиктирилган кун учун лизинг олувчи 0,2 фоиз миқдорда жарима (пеня) тўлаши кўзда тутилган.

Техникага мулк ҳуқуқи лизингга берувчи номидан сақланган холда лизингга олувчига қабул қилиб олиш – топшириш далолатномаси асосида қабул қилиниб, ушбу далолатнома имзолангандан сўнг (лизингга берувчи, лизингга олувчи ва сотувчи), лизинг битимини амалга ошган деб саналади.

### **Фойдаланилган адаби, тлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. «Ўзбекистон», 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Мулкчилик тўғрисида». «Адолат». 1991 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида».
4. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Тадбиркорлик тўғрисида» 1991 йил 15 феврал.
5. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Ижара тўғрисида». 1991 йил 19 ноябр.
6. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида». Тошкент. 1996 йил 26 апрел.
7. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Ўзагросугурта давлат акциядорлик сугурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида». 1997 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Қишлоқ хўжалик корхоналари санацияси тўғрисида». 1998 йил 20 январ.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». Тошкент. 1998 йил 30 апрел.
10. Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнат кодекси". Тошкент. 1998 йил.
11. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Фермер хўжалиги тўғрисида» 1998 йил 30 апрел.
12. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Дехқон хўжалиги тўғрисида» 1998 йил 30 апрел.
13. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Қишлоқ хўжалиги Кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида» 1998 йил 30 апрел.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». 1992 йил 2 январь.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш тадбирлари ҳақида». 1993 йил 9 январь.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш тадбирлари ҳақида». 1993 йил 9 январь.
17. Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 1998-2000 йилларга мўлжалланган «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш Дастури». Тошкент. 1998 йил.
18. Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Мулкрий пай асосида қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тузиш бўйича услубий тавсиялар». Тошкент. «Ўқитувчи». 1998 йил.
19. Қишлоқ хўжалигида ислохатларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меърий ҳужжатлар туплами. «Шарқ нашри, ти» матбаа концерни бош таҳририяти. Тошкент 1998 йил 1-2 китоб.
20. Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари". 1-китоб Тошкент. 1999 йил.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони «Қишлоқ хўжалиги ислохатларини чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида». «Халқ сўзи». 2003 йил 24 март.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони «2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида». «Халқ сўзи». 2003 йил 27 октябрь.
23. Каримов И.А «Ўзбекистон келажаги буюк давлат». Тошкент. «Ўзбекистон». 1992 йил.
24. Каримов И.А «Ўзбекистон иқтисодий си,сатининг устивор йўналишлари». Тошкент. «Ўзбекистон». 1993 йил.
25. Каримов И.А «Ўзбекистон бозор иқтисоди,тига утишнинг Ўзига хос йўли». Тошкент. «Ўзбекистон». 1993 йил.
26. Каримов И.А «Дехқончилик тараққи,ти – фаровонлик манбаи». Тошкент. «Ўзбекистон». 1994 йил.
27. Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда». Тошкент «Ўзбекистон». 1994 йил.
28. Каримов И.А «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент. «Ўзбекистон». 1995 йил.
29. Каримов И.А «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, си,сат, мафкура». Тошкент. «Ўзбекистон». 1996 йил.

30. Каримов И.А «Қишлоқ хўжалиги тараққи,ти-тукин ха,т манбаи». Тошкент. «Ўзбекистон», 1998 йил.
31. Каримов И.А «Ўз келажигимизни Ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз». Тошкент. «Ўзбекистон». 1999 йил.
32. Абдуллаев ,. «Бозор иқтисоди,ти асослари». Тошкент. Мехнат. 1996 йил.
33. Абдурахмонов К. «Мехнатга хақ тўлашни ташкил этиш». Тошкент, 1997 йил.
34. Абдурахмонов К.Х, Муртазаев Б. Ч. «Мехнат бозори» (Ўқув қўлланма). Тошкент. ТДИУ. 1999 йил.
35. Абдурахмонов К.Х. ва бошқалар «Мехнат иқтисоди,ти ва социологияси». Тошкент. «Ўқитувчи». 2001 йил.
36. Амалий иқтисоди,т. Тошкент. «Шарқ». 1996 йил.
37. Жўраев А. «Янги босқичнинг янги талаблари». «Иқтисод ва ха,т» журнали. 1995 йил 18-9.
38. Жўраев А. «Қишлоқ ва ижтимоий ха,т». Тошкент. 1992 йил.
39. Жўраев Ф. "Қишлоқ хўжалик корхоналарида ижара пудратини ташкил этиш". Самарқанд. 1991 йил.
40. Жўраев Ф. «Развитие каракулеводство в новых условиях хозяйствования». Тошкент. «Мехнат». 1991 йил.
41. Жўраев Ф., Д. Рахмонов «Фермер хўжаликларини ривожлантириш муаммолари». Илмий мақолалар тўплами, II-китоб. Самарқанд. СамҚХИ наشري 1993 йил.
42. Жўраев Ф. «Тўкинчилик қалдирғочлари... кимлар?». «Халқ сўзи» газетаси. 1995 йил 22 апрел.
43. Жўраев Ф. «Фермер хўжаликларининг ташкилий асослари». Тошкент, 1995 йил.
44. Жўраев Ф. «Оилавий пудратни ташкил этиш муаммолари ва самарадорлиги». «,ш олим ва мутахассислар илмий мақолалари туплами». Самарқанд. СамҚХИ наشري. 1998 йил.
45. Жўраев Ф. «Ўзбекистонда қоракўлчиликни ривожлантириш истиқболлари ,ки унинг муаммо ва ечимлари» «,ш олим ва мутахассислар илмий мақолалари туплами». Самарқанд. СамҚХИ наشري. 1998 йил.
46. Жўраев Ф. «Хорижий давлатларда қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш». «,ш олим ва мутахассислар илмий мақолалари туплами. Самарқанд. СамҚХИ наشري. 1998 йил.
47. Жураев Ф. "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва режалаштириш". (Маърузалар тўплами). Самарқанд. 2001 йил.
48. Инсон тараққи,ти тўғрисида хисобот. Тошкент. «Ўзбекистон». 1997 йил.
49. Каримов М ва бошқалар "Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш". Тошкент. «Мехнат». 1997 йил.
50. Парпиев У, Саломов И. «Бозор иқтисоди,ти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш.» Тошкент. 1996 йил.
51. Амир Темур ўғитлари. Тошкент. 1999 йил.

52. Хусанов Р. «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида оила (жамоа) пудрати». Тошкент. 1999 йил.
53. Хусанов Р, Косимов М. «Дехқон хўжалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари». Тошкент. «Чўлпон». 2000 йил.
54. Чориев А, Муродов Г. «Бозор инфраструктураси: шаклланиш ва ривожланиш муаммолари». Тошкент. «Мехнат». 1998 йил.
55. Чжен В.А. ва бошқалар. «Бозор қонунияти асослари». Тошкент. 1996 йил.
56. Ўлмасов А. «Иқтисодий асослари». Тошкент. «Мехнат». 1997 йил.
57. Косимов М. «Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда Андижон тажрибаси». Тошкент. 2000 йил.
58. Қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари, фермерлар учун амалий қўлланма ва тавсиялар. СамҚХИ. 1999 йил.
59. Исмоилов А. Муртазаев О. «Қишлоқ хўжалик иқтисоди, ти». Тошкент. 2003 йил.
60. Останақулов Т. Э ва бошқалар. «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси». (Маърузалар тўплами). Самарқанд. 2002 йил.
61. Санаев Н. С. Абдусаломов Х. «Фермер хўжаликларида иш ва ҳисоб-китоб юритиш». Тошкент. 2001 йил.
62. Саматов Г.А. ва бошқалар «Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш». (Маърузалар тўплами). Тошкент. 2002 йил.
63. Мирзаев М. М, Джавайнц Ю. Д. «Томорқада тоқ ўстириш». Тошкент. «Ўзбекистон». 1984 йил.

### **Хорижий адаби, тлар.**

1. Бугаев Н. Ф. «Организация производства в сельскохозяйственных предприятиях». М. «Колос». 1977 год.
2. Adam Smith, An inquire into the Nature and Causes of the Wealth of Nations, New York, Random House, 1937, p. 326.
3. Баккет М. "Фермер хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш". Тошкент. «Мехнат». 1998 йил.
4. Бизнес план. 1-2 қисм. М. «Молия ва статистика». 1995 йил.
5. Бизнес плани. М. «Акалас». 1996 йил.
6. Папов Н.А.«Организация сельскохозяйственного производство». Москва. 2000.
7. Рофе А.И. Научная организация труда. Учебное пособие. М. 1998 год.
8. Эрик С. "Бизнес режасини тузиш". М.1994 йил.

## **МУНДАРИЖА**

**I-БЎЛИМ. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг илмий асослари.**

**1-боб. Фаннинг мазмуни, мавзуси, услуби ва вазифалари.**

1.1 Фаннинг мазмуни

1.2 Фаннинг мавзуси-предмети ва бошқа фанлар ўртасидаги ўрни

1.3 Фаннинг изланиш услублари

1.4 Фаннинг вазифалари.

**2-боб. Турли хил мулкчилик шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарининг ташкилий – иқтисодий асослари.**

2.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида турли хил мулкчилик уларни ташкил этиш тамойиллари ва шакллари.

2.2. Кооператив (ширкат) хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий асослари.

2.3. Фермер хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий асослари.

2.4. Дехқон хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий асослари.

2.5. Ижара хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий асослари.

**3-боб. Қишлоқ хўжалик корхоналарида хўжалик юритиш тизими.**

3.1. Хўжалик юритиш тизимининг тушунчаси ва мазмуни.

3.2. Дехқончиликда хўжалик юритиш тизими.

3.3. Чорвачиликда хўжалик юритиш тизими.

**4-боб. Қишлоқ хўжалик корхоналарида хўжалик ҳисобини ташкил қилиш.**

- 4.1. Хўжалик ҳисобининг мазмуни ва тамойиллари.
- 4.2. Қишлоқ хўжалик корхоналарида умумхўжалик ҳисобини ташкил этиш.
- 4.3. Ички хўжалик ҳисобини ташкил этиш.

**5-боб. Корхоналарининг ички хўжалик фаолиятини ва бизнесни режалаштириш.**

- 5.1. Режалаштиришнинг тизими, тамойиллари ва тузиш услуби.
- 5.2. Бизнес режанинг мақсади, вазифалари ва талаблари.
- 5.3. Бизнес режанинг таркибий қисмлари.
- 5.4. Бизнес режани тайёрлаш.

**6-боб. Қишлоқ хўжалигида ихтисослаштириш ва тармоқларни мувофиқлаштириш.**

- 6.1. Ихтисослаштириш ва жойлаштириш тўғрисида тушунча, тамойиллари ва туркумлиниши.
- 6.2. Тармоқ тўғрисида тушунча, уларни самарали мувофиқлаштириш тамойиллари.
- 6.3. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг типлари ва хажм кўрсаткичлари.

**7-боб. Ишлаб чиқариш воситаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш.**

- 7.1. Ишлаб чиқариш воситалари тўғрисида тушунча ва уларни туркумлаш.
- 7.2. Асосий ишлаб чиқариш воситаларининг амортизацияси.
- 7.3. Корхоналарнинг машина ва ускуналарга бўлган талабини ҳисоблаш.
- 7.4. Айланма воситаларни туркумлаш ва меъёрлаш.

**8-боб. Қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этиш.**

- 8.1. Меҳнатни ташкил этиш шакллари, тамойиллари ва вазифалари.
- 8.2. Меҳнатни ташкил этишда ижара муносабатлари.
- 8.3. Оила (жамоа) пудрат усулида меҳнатни ташкил этиш.

**9-боб. Қишлоқ хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш.**

- 9.1. Қишлоқ хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлашнинг иқтисодий асослари ва тамойиллари.
- 9.2. Меҳнатга ҳақ тўлашда тариф тизими.
- 9.3. Меҳнат ҳақининг тизими ва шакллари.
- 9.4. Қишлоқ хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби.

**II-БЎЛИМ. Дехқончилик тармоқларини ташкил этишнинг илмий асослари.**

**10-боб. Дехқончилик тармоқларини ташкил этишнинг умумий масалалари.**

- 10.1. Дехқончиликда хўжалик юритиш тизимининг эволюцияси.
- 10.2. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ери ҳудудларини ташкил этиш.
- 10.3. Экин майдонлар таркиби ва алмашлаб эқиш.

**11-боб. Пахта ишлаб чиқаришни ташкил этиш.**

- 11.1. Пахтачиликнинг иқтисодий аҳамияти ва вазифалари.
- 11.2. Пахтачиликда асосий технологик тадбирларни ташкил этиш ва режалаштириш.
- 11.3. Пахтачиликда асосий ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш.
- 11.4. Пахтачиликда илгор тажрибани ташкил этиш.

**12-боб. Дон ишлаб чиқаришни ташкил этиш.**

- 12.1. Дон ишлаб чиқаришнинг иқтисодий аҳамияти ва вазифалари.
- 12.2. Дон етиштириш агротехник тадбирларини режалаштириш ва ташкил этиш.
- 12.3. Дон етиштиришда асосий жара,нларни ташкил этиш.

**13-боб. Сабзавотчиликни ташкил этиш.**

- 13.1. Сабзавотчиликни аҳамияти ва вазифалари.
- 13.2. Сабзавотчиликда технологик жара,нларни ташкил этиш.
- 13.3. Сабзавотчиликда меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлаш.

**14-боб. Картошка ишлаб чиқаришни ташкил этиш.**

- 14.1. Картошка ишлаб чиқаришни аҳамияти ва вазифалари.
- 14.2. Картошка ишлаб чиқаришда технологик жара,нларни ташкил этиш.

**15-боб. Узумчиликни ташкил этиш.**

- 15.1. Узумчиликнинг аҳамияти, ихтисослашиши ва истиқболи.
- 15.2. Узум ишлаб чиқаришни технологик жара,нларни ташкил этиш.

**16-боб. Ем-хашак ишлаб чиқаришни ташкил этиш.**

- 16.1. Ем-хашак базасини таснифи ва ташкил этиш тамойиллари.
- 16.2. Ем-хашак ишлаб чиқаришни режалаштириш.
- 16.3. Ем-хашак тай,рлашни ташкил этиш.

**III-БЎЛИМ. Чорвачилик тармоқларини ташкил этишнинг илмий асослари.**

**17-боб. Чорвачиликни ташкил этишнинг умумий масалалари.**

- 17.1. Чорвачиликни жадал ривожлантириш.
- 17.2. Чорвачилик тизимининг эволюцияси.
- 17.3. Чорвачиликда подани такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш

**18-боб. Қорамолчиликни ташкил этиш.**

- 18.1. Қорамолчиликни ихтисослаштириш ва фермалар хажми.
- 18.2. Қорамолчиликда такрорий ишлаб чиқаришни ташкил этиш.
- 18.3. Қорамолчиликда бизнес режалаштириш.
- 18.4. Қорамолчиликда асосий ишлаб чиқариш жара,нлари ва илгор технологияни ташкил этиш.

**19-боб. Қўйчиликни ташкил этиш.**

- 19.1. Қўйчиликда ихтисослаштириш, хўжалик ва тармоқлар хажми
- 19.2. Қўйчиликда такрор чиқариш.
- 19.3. Қўйчиликда асосий ишлаб чиқариш жара,нларини ташкил этиш.
- 19.4. Қўйчиликда оила пудратини ташкил этиш.

**20-боб. Чўчқачиликни ташкил этиш.**

- 20.1. Чўчқачиликни ихтисослаштириш ва жадаллаштириш.
- 20.2. Чўчқачиликда такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш.
- 20.3. Чўчқачиликда ишлаб чиқариш жара,нлари ва илгор технологияни ташкил этиш.
- 20.4. Чўчқачиликда меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлаш.

**21-боб. Паррандачиликни ташкил этиш.**

- 21.1. Паррандачиликда ихтисослаштириш.
- 21.2. Паррандачиликда такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

21.3. Паррандачиликда асосий технологик жара,нларини ташкил этиш.

21.4. Паррандачиликда меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлаш.

**22-боб Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархи ва ишлаб чиқариш рентабеллиги.**

22.1. Таннарх, унинг иқтисодий моҳияти ва харажатларни туркумланиши.

22.2. Маҳсулот таннархини ҳисоблаш услуби.

22.3. Ишлаб чиқариш рентабеллиги ва уни ошириш йўллари.

**IV-БЎЛИМ. Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатишнинг назарий асослари.**

**23-БОБ. Сервис ва лизинг хизматларини ташкил этиш.**

23.1. Сервис хизматини ташкил этиш.

23.2 Лизинг хизматини амалга ошириш тизими.

23.3 Лизинг хизматини моҳияти, турлари ва ўзига хос хусусиятлари.